



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

6
2023

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2023

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Сувон МЕЛИ
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Манзура ОТАЖОНОВА
Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)
Гулчеҳра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 6, 2023

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

РАНГ АССОЦИАЦИЯСИ ВА УНИНГ ТИЛДА ВОҚЕЛАНИШИ

Инсоннинг ташқи оламдаги турли мавжудотлар, нарса-предметлар, уларнинг шакл-кўриниши, ранги, ҳажми, миқдори, хатти-ҳаракати каби турли-туман хоссаларини ҳис қилишида кўрув сезгиси муҳим ўрин тутати. Айниқса, предметларнинг ранг-тус белгиси ҳақидаги тасаввурлар фақат кўрув сезгисига асосланади. Маълумотларга кўра, инсон кўзи тўр пардасида ёруғликка сезгир бўлган тахминан 125 миллион хужайра мавжуд. Шу сабабли инсоннинг кўзи 10 миллион рангни фарқлаш имкониятига эга. Аммо у реал ҳолатда 100 та, расом, дизайнерлар эса 150 та ранг оттенкасини фарқлай олади¹. Демак, кўрув сезгиси оламни билиш, уни идрок этишнинг энг муҳим ва бирламчи воситаси саналади. Мазкур ҳолат тилдаги ранг-тус билдирувчи бирликларни инсоннинг кўрув сезгиси имкониятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозимлигини билдиради.

Табиатдаги рангларнинг тилда ифодаланишини ўрганишда инсоннинг рангни қандай идрок этиши, ранг идрокига қандай омиллар таъсир кўрсатишини аниқлаш муҳим. Олимлар инсон рангни қандай идрок этиши ҳақида баҳс юритишдан олдин табиатда ранглар мавжудми ёки мавжуд эмасми деган саволга жавоб қидиришган. Айрим олимлар табиатда ранглар турфа хил ва миқдор жиҳатдан кўплиги ҳақида фикр юритишади, бироқ инсон онги уларнинг ҳаммасини ҳам идрок эта олмаслигини таъкидлашади. Масалан, С.С.Алексеев инсон кўзи 600 ва ундан кўп (энг қоронғиликдан то энг ёруғликкача бўлган) рангдан-рангга ўтишларни бемалол ажрата олишини қайд этади². Ф.Н.Шемякин эса инсон кўзлари предметларда ажрата оладиган ранглар миқдори тахминан 500 мингдан 2,5 миллион миқдорни ташкил этиши ҳақида маълумот берган³. Б.Берлин ва П.Кейнинг хабар беришича, Янги Зеландиянинг маҳаллий маори аҳолиси кизил рангининг юздан ортик оттенкасини фарқлай олишади⁴.

Ушбу фикрлар табиатда ранглар мавжудлиги ва инсон уларни кўрув сезгиси орқали идрок этиши ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Аммо фанда бу фикрга қарши хулосалар ҳам илгари сурилган. Масалан, Н.Б.Фрумкина табиатда умуман ранглар йўқлиги, фақат ёруғлик тўлқинлари мавжудлиги, муайян узунликдаги бу ёруғлик тўлқинлари инсоннинг кўрув рецепторларига таъсир кўрсатиб, мия механизмлари асосида қайта ишланиши натижасида инсонда ранг ҳиссини ҳосил қилишини таъкидлайди⁵.

¹ Что такое на самом деле цветное зрение \ \ <https://www.linzy.ru/otvety-na-voprosy/skolko-cvetov-vidit-chelovek.htm>

² Алексеев С.С. Цветоведение \ \ Искусство, № 6. – М., 1952. – С. 16–18.

³ Шемякин Ф.Н. К вопросу об отношении слова и наглядного образа (цвет и его названия) \ \ Известия Академии педагогических наук РСФСР. Вып. 113. – М., 1960. – С. 5–20.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Kay P., Berlin B., Marffi L., Merrifield W.R. The World of Color Survey. Center for the Study of Language and Information. 2003.

⁵ Фрумкина Р.М. Цвет. Смысл. Сходство. – М., 1984; Шу м у а л л и ф. Психоллингвистика. – М., 1992.

Англашиладики, олимларнинг табиатда рангларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосалари турлича. Табиатда ранглар қандай ҳолатда мавжуд бўлишидан қатъи назар, инсон муайян турдаги рангларни ҳис қилади ва уларни тилда ифодалайди. Бу ўринда рангларнинг идрок этилиши, тил эгаларининг ранглар бўйича ассоциациялари, уларни ҳосил қилувчи омилларни ўрганиш тилшунослик учун аҳамиятлидир.

Дунё тилшунослигида ранг-тус билдирувчи сўзларни ассоциатив аспектда ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Е.И.Горошко рус тилидаги ранг билдирувчи сўзларга нисбатан берилган ассоциацияларни таҳлил қилиб, оламнинг рус тили эгаларига ҳос ранг манзараси хусусида қизиқарли хулосаларни берган⁶. Л.П.Прокофьева рус тилидаги товуш-ранг ассоциативлиги муаммосини ўрганиб, товуш ва рангларга нисбатан берилган ассоциацияларнинг универсал, миллий ва индивидуал хусусиятларини аниқлаган⁷.

Ўзбек тилшунослигида ранг-тус билдирувчи сўзларнинг ассоциатив тадқиқи амалга оширилмаган. Ушбу масала тилшунослигимиздаги долзарб муаммолардан бири саналади. Ранг-тус билдирувчи сўзларга турли тилларда ҳар хил ассоциацияларнинг юзага келиши, ассоциацияларнинг миллий-маданий белгиларига кўра фарқланиши, тил эгаларида индивидуал ва жамоавий кўринишда намоён бўлиши, лисоний ва нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиши ушбу муаммонинг мураккаблигидан далолат беради. Зеро, ранглар бўйича турли халқларда фарқланувчи миллий-маданий тасаввурлар, айниқса, ассоциацияларда ёрқин намоён бўлади. Ассоциациялар тил эгаларининг миллий-маданий фикрлаш тарзини акс эттириши сабабли уларнинг қиёсий таҳлили турли халқларнинг ранглар бўйича тасаввурларини аниқлашга имкон беради. Бундай ассоциациялар тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги тасаввурларини ранг призмаси орқали тасвирлаш имконини беради.

Ранг-тус билдирувчи бирликлар бўйича тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларда инсоннинг рангларга муносабати, ранглар билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар ҳам акс этади. Муайян ранг-тус билдирувчи бирлик ҳатто инсон ҳаётида содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисани унинг хотирасида тиклаши мумкин. Б.А.Мусуковнинг таъкидлашича, айрим ранглар жамият ҳаётидаги кўплаб йирик ўзгаришлар ва атроф-муҳитдаги ҳаётий муҳим элементлар: олов, осмон, қуёш, сув ҳақидаги ассоциацияларни ҳосил қилади⁸.

Т.М.Тяпкина эса у ёки бу ранг билдирувчи сўз бўйича юзага келган ассоциациялар сўзлар тараққиётига кучли туртки бериши, коммуникация иштирокчилари онгида юзага келган ранг образи объектнинг бошқа белгилари, ўзга объект ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш хусусиятига эга эканлигини баён қилади⁹. М.А.Болотина, Е.А.Шабашева ҳам инсонда ранглар орқали турли ассоциациялар юзага келишини эътироф

⁶ Г о р о ш к о Е.И. Изучение вербальных ассоциаций на цвета // Языковое сознание и образ мира. – М., 2000. – С. 291–312.

⁷ П р о к о ф ь е в а Л.П. Звуко-цветовая ассоциативность: универсальное, национальное, индивидуальное. – Саратов: СГМУ, 2007.

⁸ М у с у к о в Б.А. Лексико-семантические особенности цветообозначающих прилагательных в тюркских языках (на материале карачаево-балкарского языка) // Фундаментальные исследования, № 5-5. 2014. – С. 1121–1126.

⁹ Т я п к и н а Т.М. Вторично-номинативные функции цветообозначений в современном немецком языке: Дисс... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2002. // <https://www.dissercat.com/content/vtorichno-nominativnye-funktsii-tsvetoboznachenii-v-sovremennom-nemetskom-yazyke>

этишади. Уларнинг фикрича, инсоннинг ташқи оламни идрок этишида ранглар муҳим роль ўйнайди. Ранглар тил эгаларида маълум ассоциацияларни юзага келтиришга қодир, тилда рангларнинг ассоциативлиги ранг ифодаловчи турғун бирикмаларда (чунки улар яхлит ҳолда маъно ифодалайди ва доимий лексик таркибга эга) аниқ кузатилади¹⁰.

Турли тилларда ранг-тус билдирувчи сўзлар ҳар хил бўлгани каби тил эгаларида ранг билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ассоциациялар ҳам бири-биридан фарқланади. Инсон ёш, жинс хусусияти, касб-кори, руҳияти билан боғлиқ ҳолда рангларга турлича тавсиф бериши мумкин. Ҳатто бадий асарларда ёзувчиларнинг ранг тасвирида ҳам индивидуал ассоциатив ёндашув кузатилади. Бадий адабиётда ранг-тус билдирувчи сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланишида адибнинг рангларни идрок этиши, ранг бўйича билим ва тасаввурлари муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда, айниқса, унинг ранг-тус билдирувчи сўзлар бўйича ассоциациялари "ишга тушади". Масалан, М.Юсуф ёмғирда оқ рангни, буғдойда қора рангни "кашф қилади". Шоирнинг куйидаги сатрларига эътибор қаратамиз: *Оққушларим, оқ ёмғирда учарлар Саҳарлардан шудринг-шароб ичарлар...* ("Капалаклар"); *Болдан ширин татир қора буғдойинг ҳам...* ("Ўзингдан қўямасин, халқим")

Ранг-тус билдирувчи сўзларга нисбатан ассоциацияларнинг турлича бўлиши инсоннинг физиологик (ёши, жинси), психологик ҳолати, ранг ҳақидаги билимлари, ижтимоий ҳолати кабилар билан ҳам боғлиқ. Тошкент шаҳридаги ўзбек тилида сўзлашувчи лицей ва университет талабаларида ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари¹¹ шунини кўрсатдики, 16-17 ёшлардаги лицей ўқувчиларининг оқ сўзига берган жавоб реакцияларида *булут, қор, кўнгил, сун, қўйлак* ассоциациялари 2 марта такрорланган бўлса, 20-40 ёшлардаги университет талабаларида оқ сўзига берилган жавобларда *қоғоз (3), кўнгил (2), келин қўйлак (2), булут (2), оқ ранг (2)*¹² ассоциациялари қайталанган. Қора сўзига берилган жавобларда эса лицей ўқувчилари *машина (2)*, университет талабалари *кийим (4)* ассоциациясини такрор келтиришган. Эътибор берилса, ёши нисбатан катта бўлган университет талабаларининг оқ сўзига берган жавоб реакцияларида *келин қўйлак* ассоциацияси мавжуд. Ушбу ассоциация асосида бу ёшдаги тил эгалари турмуш қурган ёки тўй маросимларида фаол иштирок этган деган ҳулосага келиш мумкин. Қора сўзига берилган жавоб реакцияларида ҳам фарқли жиҳатлар кузатилади. Лицей ўқувчилари жавобидан бу ёшдаги айрим ўқувчиларнинг машина, айнан қора машинага ҳавасмандлигини англаш мумкин. Тўрт нафар университет талабасининг берган жавоб реакцияси орқали уларда қора кийим кийишга иштиёқ мавжудлигини сезса бўлади. Англашиладики, ранг-тус билдирувчи сўзлар бўйича юзага келадиган ассоциациялар бевосита тил эгаларининг ёши, жинси, касб-кори, миллати, миллий-маданий қарашлари, қизиқишлари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда фарқли хусусиятларга эга бўлади.

¹⁰ Болотина М.А., Шабашева Е.А. Символика цвета в русском и английском языках // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. Вып. 2., 2011.– С. 7–12.

¹¹ Ассоциатив тажриба 2023 йилда Ориентал университети талабалари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги лицей ўқувчилари (жами 32 та талаба) устида ўтказилди.

¹² Рақамлар берилган ассоциациялар миқдорини кўрсатади.

Тил эгаларида ранг-тус билдирувчи бирликлар ассоциациясига туртки берувчи омиллар турли халқларда бир-биридан фарқ қилади. Т.М.Тяпкина немис тилида ранг билдирувчи сўзлар бўйича ҳосил бўладиган бундай ассоциатив алоқаларни ингерент ва адгерент турларга ажратган. Унинг қайд этишича, ингерент ассоциациялар рангнинг ўз табиати орқали аниқланади, бундай ассоциация онтологик жиҳатдан кўрув сезгиси орқали идрок этиладиган ҳар бир ранг орқали ҳосил бўлади (*schwarz* (қора) – *қоронғи, ғамгин, ёмон, даҳшатли / rosig* (қизғиш) – *ёқимли, яхши, камалак рангли*). Ингерент ассоциациялар рангларнинг психологик аспектда идрок этилиши асосида ҳосил бўлади. Адгерент ассоциациялар фонди эса онгда аналогия механизми таъсирида юзага келади. Бунда ранг бўёғини аниқлашда, аввало, объектнинг ташқи белгиси инобатга олинади. Шу сабабли бундай ассоциацияда "ранг —> ушбу рангни ташувчи" ассоциатив алоқаси кенг тарқалган¹³.

Ўзбек тилида ҳам ранг ассоциацияси, аввало, объектнинг ранг бўёғи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу билан бирга, ранг билан алоқадор урф-одат, анъаналар, ранглар мифологияси кабилар ҳам турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу жиҳатдан ўзбек тилида ранглар ассоциацияси ҳосил бўлишига туртки берувчи экстралингвистик омилларни фарқлаш мумкин. Масалан, тил эгаларида предметларнинг ранг бўёғи билан боғлиқ ҳолда турли ассоциациялар ҳосил бўлади. Ранг-тус билдирувчи сўзлар объектнинг ранг белгисини англатиши сабабли ассоциатив тарзда, аввало, шу объектни инсон тасаввурида тиклайди. Масалан, юқорида қайд этилган ассоциатив тажриба материалларида ранг ва предмет муносабатини акс эттирувчи қуйидаги ассоциациялар қайд этилди: *яшил* – *ўтлоқ* (5), *барг* (4), *ўт* (3), *ўт-ўлан* (2), *дала* (2), *дарахт* (2), *доска* (2), *адир*, *боғ*, *дафтар*, *ўт-ўсимлик*. Ёки *оқ* – *булут* (4), *қоғоз* (3), *қор* (3), *вароқ* (2), *рўмол* (2), *сут* (2), *кўйлак* (2), *келин кўйлак* (2), *оқ ранг* (2), *либос*.

Маълумки, табиатдаги ҳар бир предмет унга хос белги-хусусият, макон, замон кабилар билан ёндош ҳолатда мавжуддир. Масалан, дарахтнинг мавжудлиги тупроқ, сув, ҳаво кабилар билан алоқадор. Бу предметлар дарахтнинг мавжудлиги шарти сифатида у билан боғлиқ, ёндош предметлар саналади. Дарахт ва унга ёндош предметлар доимо бир-бирини ёдга солиб туради. *Дарахт* сўзи ассоциатив тарзда *тупроқ* сўзини, ўз навбатида, *тупроқ* сўзи *дарахт* сўзини инсон хотирасида тиклайди. Бундай ёндошликка асосланган ассоциация ранг-тус билдирувчи сўз ва у тегишли объектни билдирувчи бирлик алоқасида ҳам кузатилади. Масалан, қоғоз ва унинг оқ ранги ассоциатив тарзда бир-бирини хотирада тиклайди. Яъни *қоғоз* сўзи эшитилганда *оқ* сўзи, *оқ* сўзи айтилганда *қоғоз* сўзининг хотирада тикланиши бу икки сўзнинг ёндошликка кўра ассоциатив алоқасидан дарак беради. Худди шундай, *мовий* сўзининг *осмон* сўзи билан ассоциатив боғланиши ранг-тус билдирувчи мазкур сўзнинг ёндошликка кўра у мансуб бўлган объект номининг хотирада тиклашини кўрсатади. Демак, ранг-тус билдирувчи сўзлар қандай объект рангини англатса, шу объект номини билдирувчи сўзлар билан ёндошликка кўра ассоциатив боғланади.

Ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маънолари орқали ҳам тилда турли ассоциацияларга йўл очилади. Бундай ассоциациялар ранг-тус билдирувчи сўзлар англатган ранг белгисини янада аниқроқ англашга, уни "кўргазмали" тасаввур қилишга имкон яратади.

¹³ Т я п к и н а Т.М. Кўрсатилган диссертация.

Тарихдан кишилар муайян рангларда айрим нарса-предметлар, воқеа-ходисаларнинг тимсолини кўришган. Натижада тил эгаларида ранглар билан боғлиқ ҳолда рамзлар тасаввури юзага келган. Масалан, кўп халқларда қизил ранг қон рамзи, сариқ ранг айрилиқ, мусибат; қора ранг эса ўлим, қайғу рамзи саналади. Ҳар бир тил жамиятида ранг-тус билдирувчи айрим сўзлар ўзига хос рамзлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Бу ҳолат ранг-тус билдирувчи бундай сўзлар орқали рамзларни англатувчи ассоциацияларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, *оқ* сўзи ўзбек тили эгалари хотирасида *тинчлик* ассоциациясини ҳосил қилиши мумкин. Бу ассоциация ўзбек халқи маданиятида *оқ* рангининг тинчлик рамзи сифатида талқин этилиши билан боғлиқ. Ёки ўзбек адабиётида *қора* сўзи кўпинча ёвузлик рамзи сифатида гавдаланади. Бу ҳолат *қора* сўзига нисбатан *ёвузлик* ассоциациясининг юзага келишига туртки беради.

Ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзларга ишора қилиши турли халқларда бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли ҳар бир тилда ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маъноси билан боғлиқ ҳолда турли-туман ассоциациялар ҳосил бўлади. А.С.Виро́дованинг қайд этишича, рус тилидаги поэтик дискурда *оқ* ранг поклик, муқаддаслик, айбсизлик, шунингдек, қурбонлик, инсоннинг нариги дунёга сафар қилиши рамзи сифатида берилади. Қора ранг эса ўлим, шайтонлик хусусиятининг бошланиши, омадсизлик, ташвиш рамзи; қизил ранг қон, уруш, фаоллик, ҳокимият рамзи сифатида намоён бўлади. Яшил ранг поэтик дискурда баҳор, янгиланиш, ёшлик, куч-қувват, умид рамзи сифатида тасвирланади. Аммо бу рангнинг носоғлом тери билан боғлиқ ассоциацияси касаллик, изтиробга ишора қилади. Оч кўк ранг енгиллик, кўтаринкилик; тўқ кўк ранги эса ер ости дунёси, шайтоннинг колоратив рамзи; сариқ ранг ёрқин куёш, олтин ҳамда касаллик, ҳатто ўлим рамзи сифатида намоён бўлади. Поэтик дискурда ҳатто бир неча колоративлар бир ҳодисанинг рамзий ифодаси сифатида тасвирланиши мумкин. Сариқ ва яшил қадимийлик тимсоли бўла олади¹⁴.

Г. Кларнинг маълумот беришича, қизил қон ранги бўлиб, ҳаяжон, қувват, тирик, нотинчлик рамзи ҳисобланади¹⁵. О.В.Сауфанова эса қизил рангига нисбатан рус тили эгаларида *қон*, *ташвиш*, *фаоллик*, *кучлилик*, *қўзғатувчи*, *тирик* ассоциациялари юзага келишини қайд этади¹⁶.

Л.В.Лаенко инглиз ва рус тилларида умумий рамзий маънога эга бўлган қуйидаги ранг билдирувчи сифатлар микротизимини ажратган: 1) "яхши" – *оқ*, "ҳеч қайси" – *қулранг*, "ёмон" – *қора*; 2) "рухсат берувчи" – *яшил*, "огоҳлантирувчи" – *сариқ*, "тақиқловчи" – *қизил*; 3) "инқилобий" – *қизил*, "аксилнқилобий" – *оқ*; 4) "мулойим, заиф, қувноқ" – *пушти*, "сокин" – *кўк*¹⁷.

Ўзбек тилида ҳам шу каби рангларнинг рамзий маънолари орқали юзага чикувчи ассоциациялар кузатилади. Масалан, *оқ* – *тинчлик*, *сариқ* – *қуз*, *қизил* – *қон* тарзидаги жуфтликларда *тинчлик*, *қуз*, *қон* ассоциациялари *оқ*,

¹⁴ Виро́дова А.С. Лингвокультурологическое пространство колоративов в русском поэтическом дискурсе первой половины XX века: на материале поэтических текстов С.А.Есенина и Н.М.Рубцова. КД.– Белгород, 2008 \ \ <https://www.dissercat.com/content/lingvokulturologicheskoe-prostranstvo-kolorativov-v-russkom-poeticheskom-diskurse-pervoi-pol>.

¹⁵ Клар Г. Тест Люшера: психологическая характеристика восьми цветов \ \ Магия цвета. – Харьков, 1996.

¹⁶ Сауфанова О.В. Формы репрезентации цвета в субъективном опыте. Дисс... канд. психол. наук. – М., 1994.

¹⁷ Лаенко Л.В. От семантики цвета к социальной семантике языка (на материале английских и русских прилагательных, обозначающих цвет). АКД. – Саратов, 1988. – С. 5.

сарик, *қизил* ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маъноларини воқелантиради. Рамзларга ишора қилувчи бу каби ранглар орқали тилда ранг ва рамз ўртасида ассоциатив алоқа-боғланиш юзага келади. Рангларнинг рамзларга ишора қилиши тил эгалари томонидан олдиндан ўзлаштирилганлиги сабабли уларда бу рангларни билдирувчи birlikларга нисбатан кўпинча умумий ассоциациялар ҳосил бўлади.

Ранг билан алоқадор миллий-маданий қарашлар асосида ҳам тил эгаларида турли ассоциациялар юзага келади. Бундай ассоциациялар ҳар бир халқда ўзига хос бўлиб, тил эгаларининг ранглар бўйича тасаввурлари, тарихий-маданий анъаналари, урф-одатлари, воқеликка муносабати кабилар билан белгиланади.

Ассоциацияларнинг тил жамиятида шаклланган миллий-маданий қарашлар билан боғлиқ ҳолда фарқланиши ранг-тус билдирувчи сўзлар билан ҳосил қилинган сўз бирикмаларида ҳам кузатилади. Б.А.Мусуковнинг таъкидлашича, оламнинг ранг манзарасини ҳосил қилишда муайян коннотациялар халқ менталитети, қадриятлари, хулқ-атвори меъёрлари, ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари мажмуи ва уни ўзлаштиришни яхлит тарзда очиб беришга ёрдам беради. Масалан, қорачойликлар ва болқарларда *кёк кёз* (яшил кўз) сўз бирикмаси ижобий-экспрессив бўёққа эга, қирғизларнинг олам манзарасида эса *кёк кёз* энг кўримсиз, хунук кўз сифатида қабул қилинади¹⁸. Ўзбек халқида ҳам *кўк кўз* сўз бирикмаси ижобий ассоциация ҳосил қилмайди. Бу ҳолат турли халқларда рангларга нисбатан ассоциациялар тил жамиятида шаклланган миллий-маданий қарашлар билан боғлиқ ҳолда ҳам ҳосил бўлишини кўрсатади.

Хуллас, турли тил эгаларида ранг-тус билдирувчи birlikларга нисбатан ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда ранг-баранг ассоциациялар ҳосил бўлади. Ассоциацияларнинг юзага келишида тил эгаларининг ранглар ҳақидаги тасаввурлари, рангларга бўлган муносабати, ранглар билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар муҳим ўрин тутади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада инсон томонидан рангларнинг ҳис қилиниши ва уларнинг тилда вербал ифода топиши, ранглар бўйича тил эгаларида ассоциацияларнинг юзага келиши, ассоциациялар ҳосил бўлишига туртки берувчи ташқи омиллар ёритилган. Турли тилларда ранглар ассоциациясининг бир-биридан фарқ қилиши, бунда инсон омилнинг роли каби масалалар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье освещаются восприятие человеком цветовых гамм и их вербальное выражение в языке, формирование ассоциаций у носителей языка, связанных с цветовыми гаммами, внешние факторы, способствующие формированию таких ассоциаций. Также проанализированы вопросы различия цветовых ассоциаций в разных языках, обоснована роль человеческого фактора в подобных различиях.

RESUME. This article describes the perception of colors by humans and their verbal expression in language, the emergence of color associations in language speakers, and the external factors that encourage the formation of associations. Issues such as differences in color association in different languages and the role of the human factor are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: ранг ассоциацияси, вербал ассоциациялар, ранг-тус билдирувчи сўзлар, ранг ассоциациясига туртки берувчи ташқи омиллар.

Ключевые слова и выражения: цветовая ассоциация, вербальные ассоциации, цветообозначающие слова, внешние факторы, способствующие цветовой ассоциации.

Key words and word expressions: color associations, verbal associations, color-denoting words, external factors that trigger color associations

¹⁸ Мусуков Б.А. Кўрсатилган манба, 1121–1126-бетлар.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ОНОМАСТИК ТАРКИБЛИ ИБОРАЛАР

Тил ва маданият уйғунлиги диққат марказида бўлган замонавий лингвистик йўналишларнинг бош масалаларидан бири маданий мазмунни мужассам этувчи бирликларни аниқлаш ва тадқиқ этишдир. Бу борада, сўзсиз, иборалар биринчи ўринга чиқади, зеро иборалар маданият ҳақидаги билимнинг таркибий қисмидир. Фразеологик бирликлар ушбу билимларни сақлаш ва келгуси авлодга етказиб беришнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Ономастик бирликлар бошқа тил бирликлариغا нисбатан кўпроқ маданий ахборот билан тўйинганлиги сабабли ономастик таркибли ибораларни лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Айнан ономастик компонентли иборалар тилнинг умумий фразеологик фондидан ўзгачалиги, алоҳидалиги, индивидуаллиги билан ажралиб туради ва шу тилнинг ўзига хослигини кўрсатади. Ибора таркибидаги ономастик компонент турига қараб ибораларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: *топонимик ибора, антропонимик ибора, гидронимик ибора*.

Ономастик компонентли ибораларнинг катта гуруҳини топоним асосида шаклланган иборалар ташкил этади. Лингвистик тадқиқотларда улар *фразеотопонимлар* деб юритилади¹. Г.Гачевнинг фикрига кўра, миллат шаклланиши ва ривожда географик омил муҳим роль ўйнайди, зеро унинг менталитети шаклланишида иштирок этади. У Ернинг жисми бўлмиш табиат миллатнинг яхлит қиёфасини белгилайди ва шу тариқа олам моделини шакллантиради, деб ҳисоблайди². Географик ёки макон муносабатлари тилда топонимлар орқали ифодаланади. Топонимлар "Ернинг куруқликдаги ёки сувдаги табиий ёки инсон томонидан сунъий яратилган объектларининг тарихий, ижтимоий ва маданий шартланган географик номларидир"³.

Рус ва француз тиллари мисолида топонимик ибораларни ўрганган М.В.Осика фразеологик бирликлар таркибидаги топонимларнинг ўзига хос хусусияти сифатида деонимлашишни кўрсатади⁴. Яъни алоҳида объектни номлаган топоним ибора таркибига ўтгач, апеллятивга айланади ва умумлаштириш вазифасини бажаради. Буни ўзбек тилидаги "асакангиз кетармиди" ибораси мисолида кўриб чиқиш мумкин: *Ниҳоят, меҳмондорчилик тугади. Уйга етгунча иккалови чурқ этгани йўқ. Муюлишида Мунисхон чидамади шекилли, деди: – Мени роса уялтирдингиз. Сал одамга ўхшаб ўлтирсангиз, асакангиз кетармиди!* (Ўлмас Умарбеков, Ёз ёмғири). *Лочин шунга ҳам шукр қиларди, ўла-ўлгунча миннатдор бўларди ундан. Мабодо бу ишлар қўлидан келмаса, асакаси кетармиди Лочиннинг? Ётиб*

¹ С п а л е к О. Н. Гидронимы в китайской фразеологии // Балтийский гуманитарный журнал, 2017. – №4 (21). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gidronimy-v-kitayskoy-frazeologii> (Мурожаат санаси: 12.12.2023).

² Г а ч е в Г. Национальный космопсихологос // "Вопросы философии", 1994. – № 12. – С. 63.

³ Д а в л е т к у л о в а Л. Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на примере географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области). КД. Челябинск, 2014. – С. 33.

⁴ О с ы к а М.В. Топонимические фразеологизмы в национальной концептосфере: на материале русской и французской лингвокультуры. АКД. – Белгород, 2010.

қолгунча отиб қол, деган кексалар. (Одил Ёкубов, Адолат манзили). Мазкур ибора таркибидаги "Асака" топоними деонимлашган. Агар аввал Асака Фарғона водийсидаги шаҳарни номлашга хизмат қилган бўлса, ибора таркибига ўтгач, онимлик вазифасини йўқотади ва ибора яхлит ҳолда "ҳеч нарсани йўқотмайди" маъносини ифодалайди. Матн таркибида топонимнинг кичик ҳарф билан ёзилиши ҳам унинг деонимлашганлигини кўрсатади. Иборанинг этимологиясига келадиган бўлсак, унинг шаклланиши халқимизнинг топишмоқ айтиш анъанасидаги "шаҳар бериш" ёки "қўрғон бериш" одати билан боғлиқ⁵. Аммо топоним таркибли ибораларнинг ҳаммасига ҳам деонимлашиш хос эмас. Ибора таркибидаги топоним "узоқ-яқин" макон муносабатини билдирса, у топонимлик хусусиятини сақлаб қолади. Бу ҳолатни "Ҳиротдан келганмиди" ибораси қўлланишида кўришимиз мумкин: – *Сен кўп куйинаверма, – Асрор далда берган бўлди. Ҳар кимнинг пешонасига ёзгани бўлади. Хотиннинг уруги Ҳиротдан келмаган. Атрофинга тузукроқ қара, курсимизнинг ўзидаям яхши қизлар кўп* (Шодмон Отабек, Агар ошиқлигим айтсам). *Мен "Талогимни беринг", десам, "Ўлганимда оласан" – дейди. Агар ўртага тушиб озод бўлишимга ёрдам берсангиз, бир умр хизматингизни қилардим. Бошқа ниятим йўқ. Агар ниятим бузуқ бўлганда эркак зоти Ҳиротдан келибдимми", – дея кўз ёши қилди* (Собир Сайхон, Бугдой экиб арпа ўрганлар). Хуросон пойтахти Ҳирот мовароуннаҳрликлар учун олис шаҳарлардан бири бўлганлиги учун халқ ичида шу ибора шаклланган. Ибора таркибидаги Ҳирот топоними "узоқ" маъносини воқелантирмоқда. Ўзбек тилидаги "Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл", "Тентакка Тўйтепа бир қадам", "Аҳмоққа Кува – бир тош" иборалари таркибидаги "Тўйтепа", "Кува" топонимлари ҳам аслида "узоқ, олис" маъносини ифодалашга хизмат қилмоқда. Ибораларнинг якундаги "узоқ бўлмаган, яқин" семантикаси "бир қадам", "бир тош" бирикмалари орқали воқеланмоқда. "Мазкур фразеологик бирликлар таркибидаги Тўйтепа тошкентликлар шеvasида, Кува эса Фарғона аҳолисининг шеvasида учрайди. Бу ўринда Тўйтепа ва Кува ойконимлари масофа маъносини билдириш учун қўлланилган"⁶. Таркибидаги топонимик компонент "узоқ" маконий муносабатни ифодаловчи иборалардан яна бири "кўп мактаниб, ишдан қочадиган одам" маъносини билдирувчи *гап деса – қоп-қоп, иш деса – Самарқанддан топ* ибораси бўлиб, шаклан мақолга тенг. – *Вот, мана, – бошлиқ курашда голиб чиққан полвондай қўлларини ҳаволатди, – ана, билмайсиз! Ўртоқ пиратиссур, бил-май-сиз! Гап деса – қоп-қоп, иш деса – Самарқанддан топ!* (Абдуқаюм Беккамов, Мукофот). Мазкур иборанинг "хасис" маъносидаги қуйидаги вариантлари мавжуд: *Гап десанг қоп-қоп, пулни Олатогдан топ, гап десанг қоп-қоп, пулни Қоратогдан топ, гап десанг қоп-қоп, пулни Кўҳи Қофдан топ, гап десанг қоп-қоп, пулни Ҳиротдан топ, гап десанг қоп-қоп, пулни Самарқанддан топ*⁷. Мақол-иборалар таркибидаги *Қоратог, Олатог, Кўҳи Қоф* оронимлари, *Самарқанд, Ҳирот* хоронимлари

⁵ Жўраева М. "Шаҳар бериш" одати ва унинг топишмоқ айтиш анъанасида тутган ўрни // Хоразм фольклори, XI жилд. – Урганч, 2010, 15–18-бетлар.

⁶ Ражабова М.А. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвистик талқини. – Бухоро, 2022. – С. 53.

⁷ Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: ЎМЭ, 2001.

"олис манзил" маконий муносабатни ифодалаб, хасиснинг пул чиқадиган жойдан олисда юришини ифодалашга хизмат қилади. Топоним компонентли фразеологик бирликлар миллий нуктаи назардан ўзига хос лисоний ҳосилалар бўлиб, бошқа мавзуй гуруҳга мансуб иборалардан фарқли ўлароқ, бошқа тилларда муқобиллари деярли учрамайди⁸. Топоним таркибли ибораларнинг аксарияти услубий бўёқдорлик билан характерланади, зеро ибора компоненти бўлмиш топоним унга хос бўлган образли маъно ҳисобига номланаётган тушунчанинг белгиси, хоссасини ёрқин ифодалайди: *У оломоннинг шовқинига чидолмаган каби, икки қулогини икки қўли билан беркитиб қичқиради: – Ачават кўчиб келдимиз? Нега шаллақилик қиласанлар?* (Ойбек, "Қутлуг қон"). Мисолдан кўринадики, "Ачават кўчиб келдимиз?" ибораси салбий бўёқдорликка эга бўлиб, бунда "Ачават" топонимининг роли катта. Ачават топонимининг этимологик шакли Аччиобод, Ачаобод бўлиб, Тошкентнинг Себзор даҳасидаги қадимий маҳалланинг номидир. XIX аср охири – XX аср бошларида Чимбой, Ёв ва Сағбон маҳаллалари билан чегарадош бўлган, шаҳар мудофаа деворига туташган. Бу ерда асосан лўлилар яшаган. Тошкентликлар нутқида Ачават шовкин-сурон, тартибсизлик билан ассоциацияланади. Топоним компонентли иборалар ифодалайдиган реалиялар мамлакат географияси ва тарихи, айрим ҳудуд аҳолисига хос анъаналар билан чамбарчас боғлиқ⁹. Масалан, "Қўқон манзират" ибораси Қўқон аҳолисининг сермулозаматлигига ишора қилиб, нутқда сертакаллуфликни ифодалайди: *Балки дугонаси уни "келиб ўтирармиди?" деб шунчаки таклиф қилгандир Қўқон манзират қилиб... У бўлса...* (Жамила Эргашева, Шом шафағи жилвалари). Ф.Бобожоновнинг кузатишича, кишиларга мулозамат, манзират қилиш усул ва даражалари жиҳатидан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшовчи кишилар коммуникатив хулқи ўзаро фарқ қилади. Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, айниқса, Хоразм вилоятларида меҳмонга ортиқча мулозамат кўрсатиш унчалик урф эмас. Аммо водийда фатик коммуникациянинг¹⁰ ҳеч қайси халқда учрамайдиган ноёб турларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ерда "Эшикка (уйга) опкетей", "Эшикка ўтамыз", "Меҳмон бўп кетинг" каби жумлаларни кўп эшитиш мумкин. Бирон юмуш билан эшик қоқиб келган киши албатта уйга таклиф қилинади¹¹. Иборанинг шаклланишига қўқонликларнинг мана шу одати асос бўлган. Ўзбек тилининг Иқон шеvasида "обод давр, мўлчилик бўлган пайт" маъносида қўлланадиган "Миср замонда" диалектал ибораси таркибида Миср топоними бўлса-да, қадимда шу давлат гуллаб-яшнаган даврдаги ободликка ишора қилиши сабабли уни замон, даврга ишора қилувчи темпорал иборалар

⁸ К а л и н и н а С.А. Топонимические фразеологизмы современного английского языка как знаки материальной и духовной культуры // Вестник ТГПИУ, 2020. – №4 (210). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/toponimicheskie-frazeologizmy-sovremennogo-angliyskogo-yazyk-a-kak-znaki-materialnoy-i-duhovnoy-kultury> (Мурожаат санаси: 11.12.2023).

⁹ О с ы к а М.В. Топонимические фразеологизмы в национальной концептосфере: на материале русской и французской лингвокультур. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Белгород, 2010.

¹⁰ Фатик коммуникация – суҳбатдош билан мулоқот ўрнатишга қаратилган, аммо маъно ташимайдиган нутқий жумлалардан иборат нутқий акт тури.

¹¹ Б о б о ж о н о в Ф. Нутқ маданияти асослари фанидан маърузалар матни. – Нукус, 2007, 48-бет.

гуруҳига киритиш мумкин¹². Турли халқлар фразеологик фондидаги топонимик ибораларнинг таркиби шу халқ яшайдиган ҳудуд, унинг рельефи билан бевосита боғлиқ. Масалан, Хитой давлати сув объектларига бойлиги, шарқий қирғоқлари бир неча денгиз ва Тинч океани сувлари билан чегарадошлиги туфайли хитой тили фразеологик фондида кўплаб гидроним компонентли иборалар учрайди: *Хуанхэ сувлари, Янцзи тўлқинлари* (узок ўтмишга эга, тааллуқли), *Цзиншуй ва Вэйхэ сувлари фарқланади* (бир-биридан кескин фарқланмоқ – Цзин суви лойқали, Вэй сувлари тиниқ), *Дунтинху кўлининг чумчуғи* (кўпни кўрган), *Тинч океанига қармоқ ташиламоқ* (каттароқ ўлжа олиш учун узокқа қармоқ отмоқ) ва ҳ.к.¹³. Марказий Осиё минтақаси глобал сув ҳавзаларидан узоклиги ва сув ҳавзаларига бой эмаслиги боис ўзбек тилида гидроним компонентли иборалар кўп эмас. Таркибида Учқўрғон гидроними бўлган салбий коннотацияли "онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ", "онасини Учқўрғондан кўрмоқ" ибораси Наманган вилоятидаги Учқўрғон шаҳарчаси дарё этагида жойлашгани, бу ернинг географик ва ирригацион хусусиятлари дарёда оқиб кетган ҳайвон ва одамларнинг жасадлари кўпинча шу ердан топилиши билан боғлиқ турли халқ ривоятлари асосида шаклланган¹⁴: *Қишлоқ гузаридаги қассобхонадан гўшт олаётганда Тоҳир домла: "Энди, укам, бу боллар "зборний" деганини онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўйди! Бир мундоғроқ тўп тепадиган, илиги бақувватроғи борми ўзи! (Бахтиёр Абдуғафур. Ғурур). Нима демоқчи эдим-а? Ҳа! Адғурнинг юраги иккита деган гапни ўйлаб топган одамни учратсам, ўлай агар, онасини Учқўрғондан кўрсатаман!* (Фозил Искандар. Қўшюрак). Ўзбек тилидаги "қурдум дарё" ибораси ҳам кам сонли гидронимик иборалар қаторига киради дейишимиз мумкин. Фольклор асарларида учрайдиган Қурудум, Қурдум жой номи гидроним бўлиб, Орол денгизи ва унинг теvarагида бўлган юртлар (фольклорда) номидир¹⁵: *Бунча ҳам дарқаҳр бўлма, Рустамжон, Қурудимга кетган отанг келганди(р). Қандай фарзанд отасига тиг тортар, "Ўғилган бўйинни кесмайди ханжар". ("Муродхон" достони). Неча йиллар суриб бу элда даврон, Қурудим деб, хоним, кетиб борасан. ("Муродхон" достони). Бадий адабиётда "қурдум дарё" ибораси бирон нарсанинг чексизлиги, тубсизлигини ифодалаш учун хизмат қилади: *Шаҳрисабз осмонига қараб чарақлай бошлаган юлдузларга кўз тикди-да, оҳиста деди: "Ўғлим, шуни билки, бизлар бир қабиладан бўлсак ҳам, бошқа-бошқа одамлармиз. Улар умр деган оқар дарёнинг сўл томонидан макон қидирадурлар, бизлар бу қирғокда қолаверамиз, дарё эса азим, Қурдум дарёдур... Дарёнинг у ёғида туриб, пайт келганда сенга қўл узатмайдилар, бунинг ёғида сақла!.."* (Муҳаммад Али. Сарбадорлар). Сулаймон Раҳмоннинг қуйидаги шеърида шу иборанинг моҳирлик билан, биров ўзгартирилган шаклда, ажойиб тарзда шеър сатрларига сингдирилганлигини кўришимиз мумкин:*

¹² В а н Ц я н ь ц я н ь. Фразеологические единицы с темпоральным значением в современной российской публицистике // Российско-китайские исследования. 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/frazeologicheskie-editsy-s-temporalnym-znacheniem-v-sovremennoy-rossiyskoj-publitsistike> (Мурожаат санаси: 16.12.2023).

¹³ С п а л е к О. Н. Кўрсатилган мақола.

¹⁴ S a y d a l i y e v a М. Pretsedent birlikli frazeologizmlar // O'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari. – Toshkent, 2023, 125-bet.

¹⁵ Ҳ а с а н о в Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент, 1965, 79-бет.

*Бу дунё бир қудуқ, лақаби – Қурдум,
умид хазонлари шовуллар...*

Ўзбек тилида атоқли от компонентли ибораларнинг каттагина қисмини пайғамбарлар, афсонавий ва тарихий шахслар, кишилар исми билан боғлиқ иборалар ташкил этади. Пайғамбарлар исми билан боғлиқ ибораларнинг аксарияти муайян диний эпизод билан боғлиқ. Қуръонда тилга олинган пайғамбар Сулаймон билан боғлиқ "Сулаймон ўлди, девлар қутулди" ибораси айнан шундай диний эпизод билан боғлиқ бўлиб, уни сюжетли иборалар туркумига киритишимиз мумкин: Тиригида дурустроқ гап оғзидан чиқмаган чолимдан ўлганда чиқадими? Ҳай, мен кетай, келинлардан хабар олай, мен йўғимда сулаймон ўлиб, девлар қутулган бўлмасин. (Саид Аҳмад. Келинлар кўзғолони). Диний ривоятларга кўра, Сулаймон а.с. ҳассага суянган ҳолда жон таслим қилганлар. Унга хизмат қилувчи жинлар эса, унинг вафот этганини билмасдан, уларга буюрилган вазифа – баланд қаср бино қилишни давом эттираверганлар. Сулаймон а.с. суяниб турган ҳассани бир йил давомида ёғоч қурти еб, кемириб, натижада Сулаймон а.с. ерга қулаб тушадилар. Шундан кейингина жинлар унинг ўлганини англаб этади ва тарқаб кетади. "Қадимдан қолган, эскидан қолган" маъносида қўлланадиган "отам замондан" иборасининг шаклланиши эса инсоният отаси Одам а.с. нинг Ер юзидаги биринчи одам эканлиги ҳақидаги диний тасаввурлар билан боғлиқ: Қўлида қармоғи, елкасида тўри, тагида отам замондан қолган тоғорақайиқ, умри кўлда ўтади. (Қ.Норқобил. "Осмондан тушган оташ").

Пайғамбар исми билан боғлиқ иборалардан яна бири "Хизр кўрган" иборасидир. Хизр – "Қуръонда "Оллоҳнинг кули" номи билан тилга олинган тақводор шахс, абадий ҳаёт ато этилган пайғамбарлардан бири. Хизр одамлар мушкулени осон қилувчи, унга йўлиққан кишиларга тилаган нарсасини берувчи нуроний қария сифатида тасаввур қилинади". Халқ орасида Хизрнинг денгизда сузувчиларга ҳомийлик қилиши, ёрдамга келиши, ёнғинни ўчириши, ўғрилар хуружидан, жинларнинг ҳийлаларидан, илон чақишидан асраши, деҳқон даласига ёки хирмонга назар ташласа, ҳосил баракали бўлиши, чол, сувори ёки йўловчи кўринишида пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурлар асосида Хизрни кўрган кишининг омади чопади деган қараш шаклланган. Бу эса "омадли" маъносидаги "Хизр кўрган" ибораси шаклланишига асос бўлган: Қоржов! – деди у қаршимга қулоч ёйиб чиқаркан. – Хизр кўргансанми, нима бало? А? Дарров англадим: омадим чопган. Ҳадеб омад кулиб боқаверса ҳам одамнинг эти ўлиб қоларкан, шекилли, на қувондим, на ҳаяжонландим. (Луқмон Бўрихон. "Хизр кўрган йигит").

Аммо таркибида пайғамбар исмлари бор ибораларнинг ҳаммаси ҳам муайян диний воқеага ишора қилавермайди. Масалан, "Мусонинг аламини Исодан олмоқ" ибораси шундай иборалар туркумига кириб, иборанинг шаклланишига Мусо ва Исо исмларининг оҳангдошлиги асос бўлган: Мен "Мусонинг аламини Исодан олмоқчи" бўлиб, бойваччадан сўрадим... (С.Айний. Судхўрнинг ўлими). Иборанинг "Алининг аламини Валидан олмоқ" шаклида ҳам қўлланиши буни исботлайди: Бу аёлнинг Алининг аламини Валидан олиш одати бор. (З.Мамадалиева. "Қари қизнинг қисмати"). Шундай оҳангдош исмлар иштирокидаги диалектал ибора сифатида Иқон

шевасида қўлланадиган "А:митам Ма:митам" иборасини келтиришимиз мумкин. Бу ердаги А:мит исми Аҳмаднинг, Ма:мит эса Маҳмуднинг шевага хос талаффузи бўлиб, ибора "барча, ҳамма" маъносини билдириб, салбий бўёқдорликка эга.

Ўзбек тилида Диоклетиан, Хулагу каби тарихий шахслар исмлари асосида шаклланган "Даққиюнусдан қолган", "алакининг итидай" иборалари ҳақида аввалги мақолаларимизда маълумот берганмиз.

Антропоним асосли иборалардан яна бири "Қоработир бўлмоқ" "севишганларга халақит бермоқ" маъносини ифодалаб, иборанинг келиб чиқиши Тоҳир ва Зухра ҳақидаги афсонадаги севишганларни бир-биридан ажратган салбий қахрамон Қоработир исми билан боғлиқ: Ота эр-хотин ўртасига қора ботир бўлиб тушди. Опаси икковини гиж-гижлашдан бўшамади (С.Аҳмад, "Уфқ"). Қабрлар опам айтган эртақдаги Тоҳир-у Зухроларникидек эди, гўё... Кимлардир тириклигида уларнинг йўлларига Қоработир бўлгандек... (Адҳам Дамин, "Кўнгил"). Оббо, Қоработир бўлиб қолдинг шекилли. Бировнинг оиласига рахна солишинг қолувди. (Ў.Ҳошимов, "Қалбингга кулоқ сол").

Ўзбек тили мисолида ономастик компонентли иборалар таҳлили шунини кўрсатдики, оммавий ахборот воситалари тили, бадиий адабиёт, кундалик мулоқотда фаол қўлланадиган ономастик таркибли иборалар бевосита шу тилда мулоқот қилувчи халқ маданиятини акс эттириб, жамият ҳаётидаги ижтимоий, тарихий, сиёсий, маданий воқеалар билан чамбарчас боғлиқ. Улар нафақат муайян воқеага, ҳодисага ишора қилади, балки баҳолаш вазифасини ҳам бажаради ва мулоқот иштирокчиси ёки ўқувчига ҳиссий таъсир кўрсатади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тилида ономастик таркибли иборалар, уларнинг умумий фразеологик фонддаги мавқеи, лингвомаданий жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, таркибидаги ономастик компонент турига қараб ибораларнинг топоним, гидроним, антропоним компонентли турлари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы ономастические фразеологизмы, их роль в общefразеологическом фонде, лингвокультурологические особенности. Рассмотрены топонимические, гидронимические, антропонимические фразеологизмы.

RESUME. In the article, onomastic content phraseologisms in the Uzbek language, their position in the general phraseological fund, linguistic and cultural aspects are analyzed, and the types of expressions with toponymic, hydronymic, and anthroponymous components depending on the type of onomastic component in their content are considered.

Таянч сўз ва иборалар: ономастик таркибли ибора, фразеотопоним, деонимлашиш, гидроним, антропоним.

Ключевые слова и выражения: ономастические фразеологизмы, фразеотопоним, деонимизация, гидроним, антропоним.

Key words and word expressions: phrase with onomastic content, phraseotoponym, deonymization, hydronym, anthroponym

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХАЁЛИЙ БУХОРИЙ

Алишер Навоий асарларини мутолаа қилган ва таъсирланган, улуг сўз санъаткорининг ижодий тақомилида у ёки бу даражада роль ўйнаган шоирлар ижодини унинг адабий мероси билан муқояса қилиб ўрганиш шамс ул-миллат ижоди сув ичган чашмаларни ойдинлаштириш жиҳатидан муҳим.

Маълумки, Шарқда бадий сўзнинг мақоми юксак, шунга мувофиқ, шоир олдида қўйиладиган талаблар кучли бўлган. Айтайлик, шоирлик ҳавасидаги киши ўзидан олдин ўтган буюк сўз санъаткорлари меросидан 30 минг ва таниқли замондош қалам аҳли ижодидан 20 минг – жами 50 минг байт (100 минг мисра) шеърни ёд билиши шарт ҳисобланган. Алишер Навоий ҳам "Муҳокама ул-луғатайн" асарида йигитлик чоғида эллик мингдан ортиқ байтни ёд билибгина қолмай, улар устида фикр юритиб, мағзини чаққани, таҳлил қилиб, муаллифлар маҳоратига баҳо бергани ҳақида маълумотлар келтиради.

У ёшлигида шеърларини ёдлаган ва девонларини таҳлил қилиб баҳолаган шоирлар қаторида Хаёлий Бухорий ҳам бўлгани табиий. Навоий бу шоир шеърларини севиб мутолаа қилган ва уларга баланд баҳо берган.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг ижодидан намуна сифатида бир ғазалининг икки байтини келтиради. Масалан:

*Эй тири ғаматро дили ушшоқ нишона,
Халқ ба ту машғул, ту ғойиб зи миёна (9,297)¹.*

"Ошиқлар дили ғаминг ўқиға нишона бўлиб, барча сен билан машғулу сенинг ўзинг ўртада йўксан".

Иккинчи байти дағи яхши воқеъ бўлибтурким:

*Гаҳ мўътакифи дайраму гаҳ сокини масжид,
Яънеки, туро металабам хона ба хона.*

"Гоҳ бутхонада хилват тутаману гоҳ масжидда муқимман, яъни хонама-хона сени излаб юраман".

Байтларини саралаб келтирганининг ўзи Навоийнинг Хаёлий ижодидан яхши хабардор эканлигини кўрсатади.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида Камол Хўжандийга шайху авлиёлар қаторида ўрин ажратар экан, унинг шеърятга майл кўрсатиши ўз ҳолини шеър пардасига ўраш учундир дейди (10,487).

¹ А л и ш е р Н а в о и й. Тўла асарлар тўплами, X жилдлик. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. Шоир асарларидан келтирилаётган мисоллар мазкур нашрдан олиниб, жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Э.О.

Шунга ўхшаб, Хаёлий Бухорийнинг ҳам дарвешлиги шоирлигидан устун бўлган.

Хаёлий Бухорий (вафоти – 1446\1447) темурийлар даври адабиётининг қиёфасини белгилаган забардаст сўз санъаткорларидан ҳисобланади. Бу нозиктаъб ва дақиқхаёл шоир Хожа Исмаи Бухорийнинг шеърятда шогирди бўлибгина қолмай, тариқатда ҳам муриди эди. Бисотий Самарқандий, Шайх Озарий Тусий, Котибий Туршезий, Шоҳий Сабзаворий, Толиб Жожармий, Қосим Анвор, Яҳё Себақ, Абдурахмон Жомийларнинг замондоши бўлиб, шеърларида улар ижоди билан ҳамоханглик кўзга ташланади. Ўз даври адабиёти ва тасаввуфининг таниқли намояндаларидан бўлганлиги жиҳатидан ҳукмдорлар саройи билан алоқасини тахмин қилиш мумкин. Айтайлик, адабиёт ва санъат мухлиси бўлган маърифатли ҳукмдор Мирзо Улуғбек Хожа Исмаи Бухорий, Хаёлий Бухорий, Мавлоно Саққокий, Мавлоно Лутфий, Камол Бадахший каби шоирларга ҳомийлик қилгани маълум.

Давлатшоҳ Самарқандий Хаёлий Бухорий дарвешлик тариқини тутиб, фақирона кун кечиргани, истеъдодли ва хуштаъб киши бўлиб, дарвешона, равон ва покиза шеърлари борлиги ва унинг девони Мовароуннаҳр, Туркистон ва Бадахшонда катта шуҳрат тутганлиги ҳақида ёзиб, ижодидан намуна сифатида "мерасад" ("етади") радибли ғазалини келтиради:

*Ҳар ки з-ин водий ба қўи бахту давлат мерасад,
Аз раҳу расми қадамдориву ҳиммат мерасад.*

*Аз хурўси қўси шоҳон ин нидо омад ба гўш,
К-ин саро ҳар подшоҳеро ба навбат мерасад².*

"Ҳар ким бу водийда бахту давлатга етса, ўзининг ҳаракати ва ҳиммати эвазига етади. Шоҳлар ноғорасидан қулоққа: "Бу сарой ҳар бир подшоҳга навбати билан етади", – деган садо келади".

Абдурахмон Жомий ҳам унинг шеърлари нозик таҳайюлдан холи эмаслигини таъкидлаб, ижодидан намуна сифатида 2 байтини келтиради³. Алишер Навоий ҳам ўзи хушхулқ ва хуштабиат йигит бўлиб, қабри Бухородадир, деб маълумот беради.

Бир муддат Ҳирот ва Хўжандда ҳам яшагани учун Хаёлий Ҳиравий ва Хаёлий Хўжандий ҳам дейилади.

Баъзи манбалар Хаёлий Бухорийнинг адабий меросини 4 минг байт атрофида деб кўрсатишади. Лекин унинг 1974 йилда Азиз Давлатободий томонидан Табризда нашр этилган девони 3 қасида, 1 мусаммат, 355 ғазал, 3 қитъа, 8 рубоий ва 6 фарддан иборат 2 минг байтдан зиёд шеърни ўз ичига олади. Аҳмад Карамий нашрида 1 қасида ва 12 ғазал ортиқ.

Хаёлий Бухорий асосан Камол Хўжандий ва Ҳофиз Шерозийларга эргашиб ғазаллар ёзган. Шоир ижодида, шунингдек, Жалололдин Румийнинг

² Давлатшоҳи Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро (Таҳияи М.Нуруллоева). – Хужанд: "Ношир", 2015. – С. 391.

³ Абдурахмони Жомий. Баҳористон (Таҳиягари матн, муаллифи сарсухану тавзеҳот ва шореҳи луғот А.Афсаҳзод). – Душанбе: "Адиб", 2014. – С. 158.

ҳам кучли таъсирини дарк этамиз. Ўз навбатида, Мир Абдурахим Жайший ва Мирзо Муҳаммадали Моҳирлар шоирнинг шогирдларидан бўлишган. Шайх Баҳойи, Маъдаи Панғозийлар унинг Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" таъкирасида истеъдодига мисол сифатида келтирган машҳур ғазалига муҳаммас боғлаганлар. Ҳинд услубига асос солиб, Шарқ шеъриятига янги нафас олиб кирган забардаст шоир Соиб Табризий ундан самарали таъсирланган⁴. Мазкур маълумотларнинг ўзи Хаёлийнинг моҳир сўз санъаткорли бўлгани, ўз даври адабий муҳитида катта мавқега эгаллиги, замондош шоирлар ва ўзидан кейинги қалам аҳлига кучли таъсир кўрсатганлигидан гувоҳлик беради.

Хаёлий ғазаллари асосан орифона мазмунда бўлиб, илоҳий ишқ тараннуми ва ирфоний ҳақиқатлар талқинидан иборат. Айни пайтда, уларда ижтимоий мазмун ва замонадан шикоят оҳанглари ҳам кўзга ташланади.

Хаёлий Бухорий асосан арузнинг енгил ва осон баҳрларида, содда ва равон услубда, оддий ва тушунарли тилда, халқона руҳ ва оҳангда ижод қилган. Тасвирлари нозик ва нафис, ифодаси табиий ва самимий. Шунинг учун ҳам шеърлари ўқувчи эътиборини ялт этиб ўзига тортиб, кўнглидан мустаҳкам жой олади

Алишер Навоий ва Хаёлий Бухорий шеърлари қиёси икки шоир ижодида қатор муштарак нукталар мавжудлигини кўрсатади. Навоий ўз шеърларида адабий меросидан яхшигина хабардор бўлган салафининг қатор фикрларини давом эттириб ривожлантиргани ва уларнинг янгидан-янги қирраларини кашф этгани, ташбеҳларини оҳорли тасвирлар билан бойитганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, раъно гулининг икки хил – қизил ва сариқ гуллашидан келиб чиқиб, Навоий уни мунофиқ, иккиюзламачи тимсолида гаудалантиради:

*Икки юзлук бўлмаким, бу бознинг раъно гули
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сорзорур (1,195).*

"Боғдаги раъно гулининг бир юзи қизарса, бир юзи сарғаяди – сен сира у каби икки юзли бўлма".

Раъно гулини Хаёлий ҳам қуйидаги байтида иккиюзламачиликда айблайди:

*То кай бари он рўй билофи, гули раъно,
Бигзор дурўиву нигар пешу паси хеш (316).*

"Эй раъно гули, қачонгача у юз олдида лоф урасан – ўзингнинг орқа-олдинга қара-ю, бу иккиюзламачилигингни тарк эт".

Алишер Навоийнинг машҳур:

⁴ Бу маълумотлар ҳақида қаранг: Раҳматов Б. Муқаддима \\\ Мавлоно Хаёлийи Бухорий. Девон. – Душанбе: "Хуросон", 2015. – С. 406. Шоир шеърларидан мисоллар шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Э.О.

*Кимки онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор! (2,186), –*

байти ҳам Хаёлий Бухорийнинг "Уйида сендай хуру париваш бор киши жаннат боғини орзу қилмайди" мазмунидаги байти билан ўзаро муштаракликка эга:

*Ба висолат, ки надорад ҳаваси боғи биҳишт,
Ҳар ки дар хона чу ту хуру париваш дорад (150).*

Маълумки, тасаввуфда кўнгил улуғланиб, у ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилади. Бунинг сабаби шундаки, тасаввуфда Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирӣ, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади. Шунинг учун ҳам Навоӣ "Ҳайрат ул-аброр" достонида оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик кадри йўқ, деб лутф этади:

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгул каъбаси (6,62).*

Бошқа бир байтида эса бир синиқ кўнгилни кўтариш Каъбани обод қилишга тенглаштирилади:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борқим, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай (3,626).*

Навоӣнинг бу байтлари Хаёлийнинг қуйидаги байтига ҳамоҳанг жаранглайди:

*Дил маёзор, ки дар мазҳаби арбоби яқин
Каъба вайрон бикунӣ беҳ, ки диле озори (381).*

"Кўнгилга озор берма, чунки ҳақиқат арбобларининг мазҳабида бирор дилга озор бергандан кўра Каъбани вайрон қилган афзал".

Хаёлийнинг "Эй дил, ихлос сармоясини сарфлаб, бир дилни топсанг, ўшандагина дилбар суҳбати шарафига ноил бўласан" мазмунидаги мана бу байти ҳам айна маънода:

*Эй дил, он дам шарафи суҳбати дилбар ёби,
Ки ба сармояи ихлос диле дарёби (371).*

Маълумки, пирсиз тариқат босқичини ўтиб бўлмайди, камолот йўли раҳнамосиз амалга ошмайди. Чунки риёзат йўли оғир ва мураккаб бўлиб, бу йўлга етук етакчи етагида кирмаган киши адашиши мумкин. Шунинг учун

ҳам тасаввуфда ҳар жиҳатдан комил муршидга мурид тушиб, бу маънавий раҳбарнинг азму иродасига бўйсуниб, ўз айбу нуқсонларини унинг кўрсатмаларига биноан тузатиш энг мақбул ва энг кенг тарқалган йўл ҳисобланади. Бу аслида Муҳаммад алайҳиссалом йўли бўлиб, Пайғамбаримиз саҳобаларни худди шундай суҳбат усули билан тарбиялаганлар. Навоий ҳам 1476 йили Абдурахмон Жомийга қўл бериб, нақшбандия тариқатига кирган.

Иста комил хидматин гафлатни рафъ айлай десанг (1,616), –

деб ёзади бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Инсонни камолот йўлидан бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, кўнглидан "ғайр нақшини кетказиб", илоҳий маърифатга етказадиган, қисқаси, хом толибни риёзатлар ўтида пишириб, гўзал хулқ ва етук илм соҳибига айлантирадиган, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий раҳбарсиз солиқ ўзининг ҳали ноқис талаби билан бу қоронғи йўлни босиб ўтолмайди:

*Йўл қоронғудур, талаб ноқис – қадам не навъ урай,
Ёрумай комил дамидин машъали иршоднинг (1,376).*

Хаёлий ҳам қуйидаги байтида ёшлигида хизматини пирга манзур қилолмаган киши ҳеч қачон ҳиммат аҳли даврасига яқинлашолмайди деб ёзади:

*Топмагай йўл аҳли ҳиммат даврасига кимсаким,
Ёшлигида хизматини пирга манзур қилмади⁵.*

Билол – ислом тарихидаги биринчи муаззин. Асли ҳабашистонлик қора танли қул бўлиб, Маккада исломни биринчи бўлиб қабул қилганлардан. Баланд, ширали ва таъсирчан овозга эга бўлгани учун Мадинада илк бор оммавий намоз ўқиш жорий қилинганда у азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммад алайҳиссаломга муаззинлик қилган⁶.

Пайғамбардан нақл қилишларича, у киши Билолнинг ранги қиёматда жаннат хурларига хол қилиб берилади деб лутф этган эканлар. "Қисаси Рабғузӣ"да келтирилишича, Оллоҳ таоло жаннат хурларини яратган кундан буён улар ўзларига зеб берадилар – бу пардоз-андоз қиёмат кунда адоғига етади. Лекин холлари бўлмаганлиги учун ҳусну жомоллари кемтик бўлиб туради. Ўшанда Билолнинг рангини нуқта-нуқта уларга улашиб берадилар – ҳар бирига биттадан хол тегади ва шу билан кўрку чиройлари мукамал

⁵ Бухорийлар бўстони (Форс-тожик тилидан С.Воҳидов таржималари). – Тошкент: "Ёзувчи", 1998, 37-бет.

⁶ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎМЭ, 2004, 51-бет.

бўлади⁷. Шунинг учун ҳам Шарқ мумтоз шеърлятида Билол образи маҳбубанинг холи билан бирга қўлланишига кўп дуч келамиз. Чунончи, Навоийнинг мана бу байтида маҳбубанинг лаби устидаги қора холини жаннатдаги Кавсар булоғи кирғоғида ўтирган Билолга қиёс қилади:

*Равзада Кавсар қирогинда хаёл эттим Билол,
Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўриб (4,58).*

"Юзинг аро лабинг, лабинг узра тундай холингни жаннатда Кавсар кирғоғида ўтирган Билол деб хаёл қилдим".

Кавсар – жаннатдаги чашма: унинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди⁸.

Бу байт Хаёлийнинг "Мушкин холинг Билоли қонга ташна бўлгани учун ҳам Кавсар бўйидан жой олди" мазмунидаги байтига ҳамоҳанг жаранглайди:

*Чу Билоли холи мушкинат ба хун
Ташна шуд, жо бар лаби Кавсар гирифт (134).*

Алишер Навоийнинг малик ул-калом Лутфийнинг таҳсинига сазовор бўлган болаликдаги илк машқларидан бўлмиш:

*Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилаур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлаур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш (1,270), –*

матласи Камол Хўжандийнинг:

*То рух напўши, кай шавад аз дида ашки мо равон,
Пинҳон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун⁹, –*

мисраларидан таъсирланиб ёзилгани маълум. Хаёлийнинг мана бу байти ҳам бевосита бўлмаса-да, билвосита айна байтлар билан ҳамоҳанглик касб этади:

*То падид омад зи рўят зулф, ашкафшон шудем,
Шаб чу пайдо мешавад, гоҳи тулўи кавкаб аст (73).*

"Зулфинг юзингни тутиши билан кўзимиздан ёш тирқираб кетди – бу ҳол худди қоронғи тушиши билан осмон саҳнига юлдузлар чиқиб келишига ўхшайди".

Камол Хўжандийдан таъсирланган Алишернинг Хаёлий Бухорий байтидан ҳам беҳабар бўлиши мумкин эмас.

⁷ Н о с и р у д д и н Б у р х о н у д д и н Р а б ғ у з и й. Қисаси Рабғузй, 2-китоб. – Тошкент: "Ёзувчи", 1991, 157-бет.

⁸ Ислон. Энциклопедия, 132-бет.

⁹ Ш а й х К а м о л и Х у ж а н д и й. Девон. Матни илми-интиқоди (Мукаддима, тасҳеҳ ва таълиқоти Ф.Насриддинов). Иборат аз ду жилд. – Хужанд: "Ношир", 2020. – С. 922.

Шарқ шоирлари наздида маъшуқа шунчалик гўзалки, унинг суратини чизмоқчи бўлган мусаввирнинг ўзи сурат бўлиб қолади. Маъшуканинг бекиёс хусн соҳиби эканлигию энг моҳир мусаввирнинг ҳам унинг суратини чизишга ожизлиги ҳақидаги байтлар Алишер Навоий ижодида кўп учрайди. Шоирнинг бу мавзудаги шоҳбайти мана бу:

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг наққошни (2,604).*

"Чин (Хитой)лик мусаввир суратингни чизиш учун келган эди, лекин юзингни очишинг билан унинг ўзи деворга чизилган суратга ўхшаб қотиб қолди".

Маълумки, қадимги Хитойда мусаввирлик ривожланган. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида мусаввирларнинг маҳоратда тенгсизлигини таъкидлаш учун уларни албатта чинлик қилиб кўрсатадилар. Бу ҳодиса сабабини Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонининг "Чин шаҳри сифати ва Симурғ парининг у ерга тушгани воқеаси" деб аталган XIX фаслида кўрсатиб ўтади.

Бир кеча Симурғ олам узра парвоз қилар экан, Чин устидан учиб ўтаётганда мамлакат бирдан ёришиб кетади, бундан хабар топган аҳоли эса хушидан кетиб қолади. Симурғ силкинганида бир дона пари тушиб қолади ва бутун мамлакатни зебу ҳашамга буркаб юборади. Бу парда турли рангу нақшлар шунчалик кўп эдики, эртаси куни ўзига келган аҳоли унга ҳайрату ҳаяжон билан боқади ва қўлига қалам олиб, ундаги ранглارни ўз тасаввурида жонлантириб, қоғозга тушира бошлади – ҳамманинг иши сурат чизиш бўлиб қолди. Улар орасида бир киши бу борада энг юксак даражага эришади. Унинг исми Моний бўлиб, қалами – мўъжизакор, санъати барчани ҳайратга солар эди. Маъно аҳли Монийнинг суратхонаси Чинда деб айтадилар. Шу тариқа Чин – мусаввирликка асос солинган мамлакат, мусаввирлар ватани, Моний эса мусаввирлар султони сифатида машҳур бўлиб кетади.

"Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳоднинг наққошлик санъатидаги устози Монийнинг ҳам чинлик эканини эсланг. Фарҳодга атаб тўрт фаслга мослаб қурилган тўрт қасрнинг ичини ҳам Моний турфа нақшлар билан безатади – жонсиз суратларга гўё жон бағишлаб юборади. Қоран тош йўниб, қасрни курса, Моний нақш чизиб, уларга пардоз беради. Фарҳод эса қасрлар битгунча уларга шогирд тушиб, ёрдам бериб, ҳам тош йўнувчи, ҳам наққош бўлиб етишади. Шоирнинг ўзи уни "тўрт суратхонаи Чин" деб таърифлайди. Лекин Навоий тасвиридаги таърифи етти иқлимга кетган гўзалнинг суратини чизишга келган Моний вориси бўлган чинлик маҳоратда тенгсиз мусаввир ҳам ожиз. Ожизгина эмас, битта чизиқ ҳам тортолмай ўзи "нақши девор"га – девордаги суратга айланади. Шунинг учун шоирнинг ўзи бошқа байтида айтадики:

*Эй мусаввир, айласанг тақлид жонон сувратин,
Чекмагил жонким, эрур онинг мисоли ўзгача (2,554).*

"Эй мусаввир, жонон суратига таклид қилмоқчи бўлсанг, ўзингни беҳуда азобга қўймаки, унинг мисоли ўзгача (яъни унинг суратини чизишга сенинг қаламинг ожиз)".

Хаёлийнинг "У жон, яъни жонона сурати олдида Чин сурати нима бўлибди – у бир девор нақши-да!" мазмунидаги байти айна мазмундаги байтлар силсиласига қиради:

*Ба пеши сурати он сурати жон,
Чи бошад сурати Чин – нақши девор (298).*

Бошқа бир байтида эса "Агар юзинг тасвирининг бир нусхаси Чинга етса, Моний асос солган мусаввирлик санъати оламида нималар рўй беришини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди", – деб муболага қилади:

*Гар ба Чин нусхаи тасвир зи рўи ту бувад,
То чиҳо рўй диҳад дар фани худ Мониро (60).*

Хаёлий девонида "беш нест" радифли ошикона ғазал мавжуд. Навоий айна вазн ва радифда бир мавъиза ғазал битади:

Хаёлий:

*Нолаи дилсўзи най шарҳи ғами беш нест,
Гарчи суруде хуш аст, лек даме беш нест (115).*

"Найнинг кўнгилларни ўртовчи ноласи ғам шарҳидан ортиқ эмас, агарчи ёқимли бўлса-да, лекин бир дамдан ортиқ эмас".

Навоий:

*Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,
Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас (1,244).*

Алишер Навоий ва Хаёлий Бухорий шеърларида бундай ўзаро муштарак нуқталар оз эмас. Бу ҳол ғазал мулки султонининг ўз салафидан гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсирланганини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг Хаёлий Бухорий ижодидан гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсирлангани икки шоирнинг муштарак байтлари муқоясаси орқали кўрсатиб берилади.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе сравнительного анализа стихов Алишера Навои и Хаяли Бухари доказано непосредственное, а иногда опосредованное влияние творчества Бухари на Алишера Навои.

RESUME. The article shows that Alisher Navoi was directly and indirectly influenced by the works of Khayoli Bukhari through a comparison of common verses of the two poets.

Таянч сўз ва иборалар: анъана, адабий таъсир, ғазал, радиф, тимсол, ташбех, қиёс, талкин, таҳлил, ўзига ҳослик, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: традиция, литературное влияние, газель, редиф, символ, сравнение, уподобление, интерпретация, анализ, своеобразие, мастерство.

Key words and word expressions: tradition, literary influence, ghazal, radif, symbol, allegory, comparison, interpretation, analysis, originality, mastery.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИ

Ўзбек бадиий публицистикаси ўзбек адабиётшунослигида асосан, ўтган асрнинг 60–70-йилларидан эътиборан жиддий равишда ўрганила бошланди ҳамда бу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда. Таниқли олимлар ва ёш тадқиқотчилар М.Ҳасанов, О.Тоғаев, М.Худойкулов, Н.Раҳимжонов, Х.Дўстмуҳаммедов, Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов, У.Султонов, Ҳ.Саидов, С.Йўлдошбекова, А.Абдумуратов, М.Қўчқорова, Б.Жамилова, Л.Тошмуҳаммедова, Н.Намозова, С.Тўлаганова, С.Қурбонова, Ҳ.Ғойипова, Ф.Бурҳонова, Н.Холматова ва бошқалар томонидан ўзбек бадиий публицистикасининг шаклланиш тамойиллари, назарияси, мавзулар ранг-баранглиги, жанрлари, публицистик услуб, шунингдек, Истиқлол даври йилларида эса баъзи бир адибларнинг публицистик мероси, адабий-эстетик қарашлари, муҳаррирлик фаолияти, публицистик ижоди билан бадиий ижоди ўртасидаги ўзаро ижодий муносабатлар, муаллифнинг эстетик идеали каби кўпдан-кўп масалалар ўрганилди.

Бадиий публицистика баъзан "ёзувчи публицистикаси" деб ҳам ишлатилади. Публицистика жамият ҳаётининг фалсафа, тарих, адабиёт, психология, эстетика, этика, сиёсат, санъатшунослик, адабиётшунослик каби кўпдан-кўп соҳаларини қамраб олади. Қадим туркий ёзма битикларда жумладан, Ўрхон-Энасой ёдгорликлари (Билга хоқон, Култегин, Тўнжук), "Олтин ёруқ" кабиларда ҳам публицистика унсурлари кузатилади. Зеро, уларда машҳур ҳарбий саркардалар, Билга хоқон, Култегин, Тўнжукларнинг таржимаи ҳоли ва ҳарбий фаолияти тасвирланар экан, уларда жанговарлик ва ватанпарварлик руҳи публицистик пафос билан қаҳрамонлар тилидан ҳикоя қилинади. Қадим ёзма обидаларда намоён бўлган ана шундай публицистик ижтимоий пафосни публицистиканинг дастлабки, илк кўринишлари сифатида тадқиқ этиш мумкин.

Бадиий адабиёт билан журналистика ўртасидаги оралик жанр ҳисобланган бадиий-публицистиканинг жанрлари ниҳоятда хилма-хилдир. Масалан, бадиий-публицистиканинг хотира, очик хат, фелъетон, сафарнома, фикра, адабий мақола, адабий ўйлар, эссе ва бадиалар, очерк, интервью, суҳбат, адабий портрет, хабар, кундалик сатрлар, тундаликлар, дафтар хошиясидаги адабий битиклар каби йигирмага яқин ўзига хос жанрлари мавжуд. Ёзувчи публицистикаси образлар воситасида ва образли бадиий ифода билан намоён бўлади. Публицистика ниҳоятда тезкор жанр. Даврнинг ва адабиётнинг муҳим муаммоларига ҳозиржавоблик билан жавоб берадиган "оператив" жанр ҳисобланади. Н.Раҳимжонов публицистиканинг "ҳозиржавоблиги" ва "оригиналлиги" ҳақида шундай фикр билдиради: "Бадиий адабиёт юзага келган олис замонлардан бери публицистикадаги ҳозиржавоблик билан ижтимоий фикр бир китобнинг икки саҳифасидек туташ ва омухта. Ҳозиржавоблик ҳукмрон мафкураларнинг чилдирмасига йўрғалаш, аравасига тушгандан кейин ашуласини айтиш, бир сўз билан айтганда, тарғибот-ташвиқот воситаси эмас. Аксинча, у ҳар қандай тузумлар, мафкуравий тизимлар таркибидаги ижтимоий ҳақиқатни билиш, адолатни

юзага чиқариш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш ва бадий тасдиқлаш шаклларида бири бўлиб келган"¹.

Чинакам маънодаги замонавий ўзбек бадий публицистикаси А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ойбек, Миртемир кабиларнинг фелъетон, адабий мақола, танқидий-публицистик мақола, суҳбат, хотира дафтар сатрлари, кундалик сатрлари билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 60-йилларидан эътиборан, ўзбек адабиётида П.Қодиров, А.Мухтор, Шукрулло, Ш.Холмирзаев каби ижодкорлар ижодида "эссе" ва "бади", адабий ўйлар каби жанрлари пайдо бўлди. Бинобарин, "Адабий ўйлар" (П.Қодиров), "Ёш дўстларимга" (А.Мухтор), "Жавоҳирлар сандиғи" (Шукрулло), "Тоғларга қор тушди" (Ш.Холмирзаев) каби бадий-публицистика намуналари пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг 80–90–2000-йиллар ўзбек бадий публицистикаси материалларини тўплаб, ўрганиш шундай хулосаларга олиб келади. Ўзбек бадий публицистикаси 1. Журналист публицистикаси (М.Саъдий, А.Жўраев, А.Мелибоев, О.Тошбой, О.Ўсаров, Қ.Очил ва бошқалар); 2. Ёзувчи публицистикаси (Т.Мурод, А.Аъзам, Ў.Ҳошимов, Э.Аъзам, Х.Султон, А.Шер, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, Л.Бўрихон, И.Султон, У.Ҳамдам, Қ.Норқобил ва бошқалар); 3. Илмий-ҳужжатли мемуаристика (М.Қўшжонов "Дийдор", "Армон"); 4. "Замондошлар хотирасида" туркумидаги нашрлар: "Асқад Мухтор замондошлари хотирасида", "Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида", "Тоғай Мурод замондошлари хотирасида", "Иззат Султон замондошлари хотирасида", "Бегали Қосимов замондошлари хотирасида", "Матёқуб Қўшжонов замондошлари хотирасида", "Усмон Носир замондошлари ва мухлислари васфида", "Абдулла Орипов замондошлари хотирасида", "То кўёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов замондошлари нигоҳида", "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида" ва ҳоказо.); 5. Маърифий-биографик роман жанри (Н.Каримов "Чўлпон", Х.Султон "Бобурийнома").

Демак, ўзбек бадий публицистикаси жанр, мавзу, муаллифлар жиҳатидан такомиллашиб, мукаммаллашиб бормоқда. Ўзбек адиблари (ёзувчилар, шоирлар, олимлар, журналистлар) ёзувчи публицистикасининг турфа жанрларида баракали ижод қилишди. Истиклол даври бадий публицистикасининг тараққиёт тамойилларида кўзга ташланган муҳим хусусиятлар қуйидагиларда, айниқса бўртиб кўринади:

Биринчидан, ҳозирги адабий жараённинг атоқли ёзувчи-шоирлари яратган бадий публицистика намуналарида адабиёт, ижодкор шахс, бадий ижод ва адабий жараён психологияси, катта адабиёт орзуси ва у учун қилинаётган ижодий меҳнат таҳлили, ўзбек тилининг бойлиги, миллий она тил маънавият кўзгуси экани; ижтимоий ҳаётга дахлдор муҳим муаммолар, замондошлар характери ва табиатидаги нуқсонлар, ўзбек маиший-миллий турмушидаги эскирган удумларнинг танқидий таҳлили акс этган қатор танқидий-публицистик мақола, адабий ўйлар, эсселар, бадиалардан иборат. Хусусан, жумладан, "Сўз латофати" (Э.Воҳидов), "Шеър – шоир виждони" (Асқад Мухтор), "Эрталабки хаёллар" (Э.Аъзам), "Тил номуси" (А.Аъзам),

¹ Раҳимжонов Н. Публицистика ва ижтимоий фикр \ Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: "Ўқитувчи", 2012, 81-бет.

"Озод изтироб кувончлари", "Ижод – кўнгил мунавварлиги" (Х.Дўстмуҳаммад), "Мендан менгача", "Ижод фалсафаси. Мендан менгача – 2" (Н.Эшонкул), "Янгиланиш эҳтиёжи", "Истиқлол. Адабиёт. Танқид. Сухбатлар" (У.Ҳамдам), "Ҳаё – халоскор" (И.Ғафуров), , "Турналар йўли" (Т.Али) каби тўпламларга жамланган бадиий-публицистика намуналарини эслаш мумкин;

Иккинчидан, Истиқлол даври адабиётида таниқли адиблар, адабиётшунослар ҳақида яратилган хотиралар мажмуаси алоҳида тамойил сифатида шаклланганини ажратиб кўрсатиш лозим. "Замондошлар хотирасида" туркумида чоп этилган бу нашрларда ижодкор шахсияти, ҳаёт ва ижод йўли, уларнинг бадиий ёки илмий меросини қадрият, ибрат тарзида ўрганиш алоҳида тамойил сифатида кўзга ташланади. Хусусан, бу сирада "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида", "Бегали Қосимов замондошлари хотирасида", "То қуёш сочгайки нур" (Э.Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида), "Шукур Холмирозев замондошлари хотирасида", "Матқуб Қўшжонов замондошлари хотирасида", "Домлалар" (О.Шарафиддинов), "Рўзи Чориевнинг сўнги васияти" (Н.Норматов), "Ўзбек адабиётшунослигининг икки маликаси: Нинель Владимирова ва Машҳура Султонова замондошлари хотирасида", Гулчехра Воҳидова "Қалбимдаги кадри", Олмос "Отам ҳақида", Шеркон Қодирий "37-хонадон", "Матназар Абдулҳакимни эслаб...", "Эътироф. Академик Бахтиёр Назаров портретига чизгилар" каби мемуар жанр намуналари яратилиб, уларда атоқли шахсларнинг юксак маънавий-интеллектуал дунёси, ўзбек маънавияти тараққиётидаги улкан хизматлари ибрат намунаси сифатида келажак авлодга тақдим этилади. Мамлакатимиз маънавияти, бадиий ва илмий маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахсларнинг инсоний ва ижодий қиёфаси, улар босиб ўтган машаққатли ва шарафли умр йўли ҳикоя қилинар экан, бу кишилар миллатимиз учун идеал шахслар сифатида тақдим этилган;

Учинчидан, Истиқлол даври бадиий публицистикасида ўзбек миллатининг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш ҳамда бадиий-эстетик дидини ўстиришда, маънавий-ахлоқий фазилатини мустаҳкамлаш учун машҳур олимлар, адиблар, сиёсий арбоблар, санъаткорлар ва бошқа кишиларнинг ҳаёти, ижоди, фаолиятини ёритиш мақсадида маърифий-биографик роман ёзиш тамойили шаклланди. Жумладан, бу сирада академик Н.Каримовнинг "Чўлпон", "Мақсуд Шайхзода", "Зулфия" каби қатор маърифий-биографик романларини, Хайриддин Султоннинг "Бобурийнома", Абдуқаюм Йўлдошнинг "Шараф йўли" (Шароф Рашидов ҳақида биографик роман) асарини санаш мумкин;

Тўртинчидан, автобиографизм унсурлари ва болалик хотиралари воситасида биографик бади, эссе-роман яратиш тамойили шаклланди. Жумладан, "Дағиш", "Алам" (М.Қўшжонов), "Қаллаҳоналик йигитча" (Алишер Мирзо) асарларини санаш мумкин;

Бешинчидан, умрининг катта қисмини шўро даврида яшаб, қатағон қурбони бўлиб, сургун қилиниб, минг машаққат ичидан тирик қайтиб келган адибларнинг қатағон даҳшатлари ва қатағон қурбонларининг изтироблари чуқур акс этган мемуар асарлар яратиш тамойили яққол кўзга ташланди. Хусусан, "Қафасиз кўмилганлар", "Тирик руҳлар" (Шукрулло),

"Йўқотганларим ва топганларим" (Саид Аҳмад) роман-эсселари, хотира асарлари яратилди;

Олтинчидан, Истиқлол даври бадиий публицистикасида айниқса, эсселашиниш тамойили кучайди. Эссеистика нафақат танқидий-публицистик адабий мақола жанрига, балки роман, қисса, ҳикоя каби эпик тур жанрлари табиатига сингишиб кетди, балки хотира, суҳбат каби бадиий-публицистика жанрларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказди; қолаверса, бугунги таниқли адиблармиз Ш.Холмирзаев ("Адабиёт ўладими?", "Адабиёт, адабиёт", "Кечирасиз, жаноб Карпентр, вақтим зикр", "Мафкура бобида ўйлар"), Эркин Аъзам (фикралари ва сафарномалари), Х.Дўстмуҳаммад ("Ижод кўнгил мунавварлиги"), Н.Эшонкул ("Мендан Менгача", "Ижод фалсафаси. Мендан менгача – 2"), У.Ҳамдам ("Мен нега ёзаман?"), И.Султон ("Хаёлий яратилар"), Ш.Бўтаев ("Орфей илтижоси") кабилар ижодида жаҳон эссеистикасининг илгор тажрибалари бўй кўрсатди. Олам ва одамга, адабиёт ва ижодкор шахсга, ижтимоий муаммоларга замонавий янги нигоҳ билан қараш, уни таҳлил ва бадиий талқин этишининг янги таъмиллари шаклланиб, улар ўзбек бадиий публицистикасида алоҳида бўлиб кўринди.

Истиқлол даври бадиий-публицистикаси сараланиб, сарҳисоб қилинганда, бу давр публицистикаси ҳам ниҳоятда материалга бой экани ойдинлашади. Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигимизда ёзувчи публицистикаси ниҳоятда қизиқарли, ўқинчли, жонли бир жараён сифатида кўриниш бераётир. Тўғри, ёзувчи публицистикаси кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу оралиқ жанр ўтган аср бошларида яшаб ижод этган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек, Асқад Мухтор каби кўплаб атоқли адибларимиз номи ва бадиий публицистикаси билан муаззамлик касб этади. Ҳозирги адабий жараёнда эса Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Ашуралӣ Жўраев, Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон каби кўплаб ёзувчилар яратган публицистик материалларнинг ўзи катта бир хирмон бўлиб тўпланиб турибди. Ўзбек бадиий публицистикаси ҳам жанрлар, ҳам мавзу жиҳатдан ниҳоятда сертармоқ. Шунинг учун Истиқлол даври бадиий публицистикасининг тараққиёт тамойилларини белгилаб кўрсатиш ҳамда таҳлил ва талқин этилишга муҳтождир.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Истиқлол даври ўзбек бадиий-публицистикасининг муҳим тараққиёт тамойиллари кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье изложены важные принципы развития узбекской художественной публицистики периода независимости.

RESUME. This article shows the important development principles of Uzbek art and journalism during the period of independence.

Таянч сўз ва иборалар: Истиқлол даври адабиёти, бадиий-публицистика, жанр, публицист, тамойил.

Ключевые слова и выражения: литература периода независимости, художественная публицистика, жанр, публицист, принцип.

Key words and word expressions: literature of the period of independence, artistic journalism, genre, publicist, principle

ЙЎЛ ХРОНОТОПИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Бадиий хронотоп (макон ва замон)да кечувчи ҳар қандай воқелик сюжет ва композициянинг мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Инсон руҳиятидаги ҳар қандай кечинма у содир бўлган вақтдан бошлаб, ҳаракатга келади. Бадиийликнинг устувор тамойилларида ҳам хронотоп агар у битта шахс орқали жамият, муҳит суратланмоқчи бўлса, унда кўпчилик нарса ва буюмларга алоҳида рамзлар, штрихлар, ишоралар юклайди. Ҳар бир предмет, объект (ҳаёт)даги маълум бир миссияни бажаришга қаратилади. Истеъдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг аксарият ҳикоя, қисса ва романларида – йўл, йўловчи, сафар қилувчи образларга дуч келамиз. "Мувозанат" романида Юсуф – Андижон ва Тошкент оралиғидаги ҳаёт зиддиятларини бошидан кечиради. "Исён ва итоат"да Акбар Тошкент ва Россия ўлкаларидаги савдосотиқ ва бошқа тижорий ишлар билан ўзининг ҳаёт йўлини танлайди. "Сабо ва Самандар"даги Самандар образи институт домласи бўлиб муҳаббат йўли, ишқ йўлининг азим савдо эканлигини умри охиригача сарҳисоб қилади. "Тош" ҳикоясида қаҳрамон аёлга муҳаббатнинг, инсоний фазилатларнинг ожиз бир Оллоҳ яратиғи олдида ҳеч эканлигини намоён қилади. Кўпчилик қаҳрамонлар қизиқарли ва коллизияли саргузаштлари, Андижон, Тошкент ва узоқ-яқин ўлкаларда, йўлларда содир бўлади. Бундай тасвир предмети адиб услубига хос анъанани ёдимизга солади. Масалан, Европа "Ақллар ҳукмдори" дея тан олинган Альберт Камю ўз қаҳрамонларини ҳам йўловчи сифатида "қайта кашф" қилади. Сафар – инсоннинг манзили маконларда, муҳит ва жамиятда адашишларини, хатоларини, улардан ҳар бир қаҳрамон тайинли хулосалар чиқариб яшаши муҳимлигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам бундай усул ёзувчининг индивидуал услубий изланишлари бўлиб, мавжуд воқеликни катта бир миқёсда ўқувчи олдида тушунтириб беришга замин яратади.

"Тош" – рамзий-фалсафий ҳикоя. Ҳикоянинг сюжети ҳақида сўз борганда қаҳрамоннинг исми ҳам, тайинли манзили ҳам кўрсатилмайди. Ишсиз, уйсиз ва мазмунсиз ўз ёғига ўзи қовурилиб, ҳаёт мантиғини излаб юрган қаҳрамон бирданиган ўзини ичкаридан ташқарига уради! Ичидаги исёндан фориғ бўлиш учун кўксидаги меҳр-муҳаббатнинг ўрнини кундан-кунга эгаллаб келаётган бир жисм – тошни аритмоқ учун одамлар қаторига, яқин жойдаги хиёбонга етаклайди. У дарахтлар қўшиғини тингламоқчи бўлиб чиққанди ва шу тариқа вужудини симобдек кемираётган Тошдан холос бўлмоқчи эди. Афсус, воқелик бошқача тус олади:

"Одатдагидек, катта кўчага ёндош йўлкага тушиб олдим, мақсадим яқиндаги паркка кириш ва дарахтларнинг кузги қўшиғини бирров тинглаб қайтиш эди... Мен жуда оҳиста одимлаб борардим. Шу пайт орқамдан қадам товуши эшитилди. Зум ўтмай ёнгинамдан муаттар бўй таратиб, аллақандай ялтироқ либосга чулганган нотаниш аёл ўтиб қолди. Кайфиятим таъсиридами, билмадим, унга берилиброқ эътибор қилдим. Ҳаммасидан олдин унинг хушбўйи аллақачон димоғимни қитиқлаб улгурганди, айни

чоғда аёлнинг қадди-қоматига кўз солдим: энтиктирадиган даражада гўзал! Одимларим беихтиёр тезлашиб, аёлга мос юра кетдим. Анча муддат шу кўйи йўл босдик. Секин-аста вужудимни ёқимли титроқ қамрай бошлади. Юрак... юрак ўлгурнинг "така-пука"си бир пасда шунчалар бўлдики, энди қадамимни секинлатишга ва шу йўсин ҳаяжонимнинг аёл кулоғига етмаслигига тиришдим".

Ҳикоянинг ушбу парчаси қаҳрамоннинг руҳиятидаги ёвузликнинг тошга айланиб боришидан қайтмоқчи бўлган – биринчи сафаридир. Ф.Достоевский "Дунёни гўзаллик кутқаради" деб, бежиз айтмаган. Чунки ҳикоя қаҳрамони уйида ётган ва ботинида улғайиб келаётган: меҳр-муҳаббат ўрнида гўзаллик, ор-номус, ишқнинг жойини зил-замбил қилаётган Тошни даф қилмоқчи бўлиб ташлаган қадамидир. Бу қадам эса аёлга рўбарў қилди. Қаҳрамоннинг ТОШ бағридаги кайфиятини соҳир орзулар ва муаттар бўй таратиб кетаётган Аёлга муҳаббати, гўзалликка интилиши эгаллай бошлади. Ҳикоядаги бошқа тасвирлар ҳам айни шу ГЎЗАЛЛИК қаршисида содир бўлади. Буни қаҳрамон даражама-даража тасвирлаб боради. Демак, ёзувчи ниҳоятда гўзал бир манзарани тартиблаштирмоқда. Тошнинг инсон аслиятига алоқаси йўқлигини тушунтирмоқчи. Ҳар қандай ёвузлик – муҳит ва инсоннинг ўзининг қўлида бино бўлишини таъкидлапти. Бу дунёдаги қирғинбаротлар, каттанинг кичкинани, давлатлар орасидаги ўзаро низолар, зиддиятларнинг барчаси инсоннинг атроф-жавонидан олган таъсири сабабли рўй беришига ишора қилинмоқда. Одам бирданига ўз-ўзидан ёвуз бир махлуққа айланиб қолмайди, аксинча, уни тарбиялаб етиштирадиган атрофидаги борлиқ: одамлар бўлади. Ёзувчи қаҳрамонининг гўзаллик қаршисида энтикиб қолиши табиий. У ҳали гўзалликнинг ичкарисини билмайди. У ботиний гўзалликка интиляпти. Сурат – алдамчидир, дейди Жалолиддин Румий.

А.Расулов қайд этишича: "Шакллар, қиёфалар, ғоялар ва образлар яратилар экан, тобора шиддатли тус олиб бораётган замонавий дунё яна янги руҳий таянчга эҳтиёж туя бошлаган эди. Бадий асар хаёл маҳсули, хаёл эса келажакда рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларни олдиндан жонлантириб кўриш деганидир. Бутун оламда адабиёт ЯНГИ ЙЎЛ излай бошлади. Ўтган юз йил ичида инсоният Достоевскийни, Толстойни, Камюни, Борхесни, Шопенгауерни ва Ортега-и-Гассетни "ҳазм қилиб" улгурди. Достоевский ва Толстой асарларининг ёзилиш вақтидаги ижтимоий ҳодисаларга эътибор беринг. Дунё жаҳон уруши арафасида эди. Инсоният ўз бошидан кечирган фалокатлар устига келаётган бошқа бир балонинг маънавиятдаги акслари таҳлилига, бошқача тафаккурга, яъни ЯНГИ ЙЎЛга зор эди. Бу ўринда гап нарсаларга, ҳодисаларга ва дунёга инсон боласи бераётган қиймат ҳамда инсон кадр-қиммати ҳақида кетмоқда. Зотан, рўй бераётган улкан ижтимоий ўзгаришлар, технологик портлашлар ва кризислар ичида инсон жуда майдалашиб кетгандай, унинг руҳий вазиятлари ҳеч қимми қизиқтирмаётгандай туюла бошлади". Ҳақиқатдан ҳам, адабиётшунос олимнинг мулоҳазаларига қўшимча шуни келтириш мумкинки, у икки жиҳатга алоҳида урғу бермоқда. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган дунёнинг қиёфаси ва одамлар руҳияти, оломончилик, зулм ва ёвузликнинг ҳаддан зиёда урчиб. ҳамма ёқни босиб кетиши катта фалокатларга, экологик, руҳий фожиаларга олиб келди. "Тош" ҳикояси

қаҳрамони мана шу муҳитнинг бир ҳужайраси, холос. Ёвузлик ва эзгулик орасидаги мангу кураш Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилганидан бошлаб тўхтовсиз давом етиб келмоқда. Эндиликда инсоний тортишувлар эмас, одамнинг ўзи билан ўзи курашиши долзарб бўлиб қолди. Ёзувчи ҳар биримизни ана шу ҳайқириқдан рамзлар тилида огоҳ этмоқда. Ҳикоядаги ТОШ ҳам рамз. Шайтон инсонга гўзаллик тимсолида кўринмоқда. Алалокибат қаҳрамон ўша хиёбон (боғ)даги Гўзалликнинг аслида ким ва нима эканлигини тушуниб етади. Бу йўл хронотопида содир бўлади. Ҳикоянинг иккинчи асосий эпизоди қуйидагича:

"Дарахтзор тугаб, биз яна катта йўл ёқасига чиқиб қолдик. Аёл чапда кўринган бозор томон юрди. Мен унга эргашдим. Кейин у одамлар тўпланиб турган жойда тўхтади. Мен ҳам яқинлашиб оёқ илдим, узоқроқда эмас, йўқ-йўқ, аёлнинг шундоқ биқинида. Хушбўйлари аримасдан уфуриб турадиган масофада тўхтагандим. Қандай бунга журъат етдим – ўзим ҳам билмайман. Билиб-сезиб турганим: аёл ўз борлиғи билан мени тобора маҳв этиб борар, мен эса шамдек эриб битаётгандим..."

Шу асно аёл ён томонга бир-икки одим ташлаб, нимагадир қизиксиниб қарай бошлади. Шунда мен унинг тўлин ойдек юзини, узун киприкларини, камон қошларини, гунча лабларини кўрдим. Ҳаяжонимга чегара йўқ эди. Беихтиёр иккала кўлим билан кўкрагимни чангалладим: назаримда юрак ўлгур кафасни ёриб чиққудек талвасада қолганди..."

Ҳикоянинг иккинчи эпизоди ёзувчи қаҳрамонининг ботинидаги – исён ва ёвузликнинг бир лаҳзада фориғ бўлиб, гўзаллик ва яхшилик эгаллаб бораётганига ишора қилади. Бу улкан бозор эди. Аслида, қаҳрамон таъриф қилаётган Гўзал – ҳикоя экспозициясида – ялтироқ кийинган деган таъриф билан бошланади. Гўзаллик – Шайтоний бир қиёфадаги Одамнинг фариштадек товланиши эди. Бу ерда ёзувчи иккинчи нозик эпизодда қаҳрамон мулоҳазаларининг нечоғли алдамчи, яъни ТАШҚИ суратнинг моҳиятдан йироқлигини далолатлайди. Шубҳасиз, қаҳрамон унинг гўзаллигига ошиқ бўлди. Атир бўйидан масту аласт кезишлар, уни тўхтаб-тўхтаб кузатишлар икки қора кўзини боғлади. Нафс – ёвузликнинг устидан бир вақтнинг ўзида ҳам ғалаба қозонишни, ҳам мағлуб бўлишни исботлади. Қаҳрамон ўз нафсининг кетидан эргашди. Албатта, ташқарининг "ялтир-юлтир"и натижасида қаҳрамоннинг ичкараси ўзгарди. Бу дегани мутлак ҳақиқатга келди дегани эмас!

Назар Эшонқул шундай ёзади: "Кейинги юз йилликнинг адабий ҳақиқати шундаки, сўзнинг буюк қудратини, сўзнинг яратувчилик хусусиятини, сўзнинг сеҳрини, сўзнинг илоҳийлигини намойиш этган ҳар қандай асар ҳиссиёт ва идрокка туртки беради ва адиб кўзда тутган, тутмаганидан қатъи назар, абадийлик фазосидаги бадий тафаккур маҳсулига айланади. Бадий тафаккур азалдан абадга қадар олам ва одам уйғунлигини муҳокама қилади, инсонни илоҳий уйғунлик ришталари билан боғлаб туради. Бадий тафаккур эса ўзининг мақомига чиқа олган асарни ўзининг ақл ўйинига – идрок тегирмонида ташлайди – айнан ана шу тасаввур ва тафаккур ўйинига эришиш бугунги асл адабиётнинг орзусидир". Бинобарин, "Тош" ҳикоясидаги йўл хронотопи ҳам Н.Эшонқул муносабатларини асослашга хизмат қилади. Сўзнинг қиймати эса бутун бир жамиятни яхши томонга ёки алғов-далғов бир макон, муҳитга айлантириб юбориши муқаррар деган

хулосага келинмоқда. Ҳикоядаги азал ва абад орасдаги мангу кураш ҳам, аслида қаҳрамоннинг ҳар қандай гўзаллик қаршисида қалам ожизлигини далолатлаб турибди. Ҳикоядаги энг муҳим эпизод:

"Аёл сотувчига нимадир деди. Сотувчи эса жавобан иккита каттагина балиқни олиб тарозига кўйди ва кўрсаткичга қаради. Шу асно палладаги балиқлардан бири думини "тап-тап" этиб паллага урди. Аёлнинг кўзлари йилтиллаб, дамодам ютинди. Сотувчи эса балиқни бармоқлари билан босди, тинчлангандек бўлгач, яна кўрсаткичга қаради. Балиқ яна потради. Тарози кўрсаткичи яна ўйнади. Сотувчининг сабри тошди, балиқни палладан стол устига олди-да, тарози тоши билан – худди пачоқроқ одамнинг калласидек келадиган думалоқ, қоп-қора тош билан нақ бошига жикқиллатиб туширди...

...Билмадим кўнглим айниди, ич-ичимдан нимадир отилиб келди. Мен ўзимни четга олишга улгурмадим, аёлнинг шундоқ оёқлари остига қайт килдим. Балиққа навбатга турганлар худди вабодан қочгандек ўзларини четга олдилар, жумладан аёл ҳам..."

Инсоний муносабатлар ҳали мулоқотга киришмасиданоқ қаҳрамоннинг кўнглида – ботинида содир бўлди. Мана шу жиҳатлар ҳар бир Шахсни парчалаб ташлаши мумкин деган хулоса келиб чиқмоқда. Ёзувчи тушунтирмоқчи вазият, ҳолат ҳам аслида шундай бўлиши керак. Негаки, жамиятнинг яхши ва ёмони ҳам, олувчиси ҳам, сотувчиси ҳам – бозорга тўпланишган. Одамларнинг руҳиятидаги НАФС ва ОЧЛИК оломоннинг асл башарасини намойиш қилиб турибди. Одамларни муносабатлар табақага, меҳр-шафқатга, манфаатга ажратиб, ҳар ким ўз Оламининг қулига айлантирилиши муҳитнинг асл равишини белгилаб бермоқда. Бу ерда Нафснинг ҳайвонийлашуви ҳам, гўзалликнинг ШАЙТОНИЙ қиёфаси ҳам юксак фаросат билан талқин қилинмоқда. Қаҳрамон ўз-ўзини кечира олмайди. Яна ўша оламига қайтишга мажбур. Бутун бошли жамиятни ақлсиз ва фаросатсиз одамлар эмас, тафаккур соҳибларигина ўзгартиришга қодир деган азалий ақида кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Д.Тошпўлатова олиб борган изланишларида шундай ёзади: "Ф.Кафка ва А.Камю ижодининг ўзбек адабиётининг 90-йилларида кириб келган вакилларига таъсири бугун қандай асарларнинг дунёга келганлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди. Ж.Жойсни – дарбадарлик, У.Фолкнерни – муттасил озодлик, Ф.Кафкани – ижтимоий-сиёсий тузум алдовлари, А.Камюни – мантиқсизлик, ижтимоий тенгсизлик ҳамиша таъкиб қилди. Ва бу муаммо сифатида онгдан – бадиий асарга, тафаккур, фалсафага, мантиққа кўчиб ўтди. Ўзбек насри архетиплардан маълум маънода озиқланди. Халқ оғзаки ижоди ва мифопоэтик тафаккур шаклини усталик билан ўзлаштирган адибларимиз хилма-хил ифода услубларда асарлар яратдилар". Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек адабиётида бундай таъбир билан айтиш жоиз бўлса, У.Ҳамдамнинг – мувозанатсизлик мантиғи ёзишга ундайди. У ҳар қандай вазиятни МУВОЗАНАТ мантиғи билан баҳолашни хуш кўради. "Тош" ҳикоясидаги аёл, бозор, сотувчи ва балиқ образлари ҳаммаси Рамзлар йиғиндисидир. Бу ерда нафсни тарбия қилиш усуллари кўз ва сўз зиноси, қалб ва иймон бирлиги масаласи ҳам юксак савияда талқин этилган деган ўткир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Зеро, ҳикоядаги ТОШ аслида ботиний Нафснинг акси эканлиги йўл хротопининг юзага чиқишига бир восита, холос.

РЕЗЮМЕ. Мақолада У.Ҳамдамнинг "Тош" ҳикоясида эзгулик ва ёвузлик ўртасида кечадиган мангу зиддиятлар, шайтоний нафс ва инсоний гўзаллик ҳеч қачон уйғун ҳолда келмаслиги талқин қилинади. Ҳикоядаги макон ва замон тушунчаси айтилиши шу жиҳатларни "кашф" қилишга асос беради.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере рассказа Улугбека Хамдама "Камень" рассмотрены вечные противостояния между добром и злом, обосновывается, что дьявольская похоть и человеческая красота никогда не переплетаются меж собой. Концепция пространства и времени в рассказе помогают раскрыть именно эти аспекты.

RESUME. The article interprets the eternal conflicts between goodness and evil in U. Hamdam's story "Stone", satanic lust and human beauty that never come together in harmony. The concept of space and time in the story provides the basis for the "discovery" of these aspects.

Таянч сўз ва иборалар: сюжет, композиция, услуб, портрет, хронотоп, поэтика, фалсафий-психологик асос.

Ключевые слова и выражения: сюжет, композиция, стиль, портрет, хронотоп, поэтика, философско-психологическая основа.

Key words and word expressions: plot, composition, style, portrait, chronotope, poetics, philosophical and psychological basis.

Буробия РАЖАБОВА

МУШТАРАК ТАРИХИЙ ҲОДИСАЛАР ТАСВИРИ

Бобурнинг "Бобурнома" мемуар асари маданиятимиз тарихида яратилган энг сара асарлардан бири ҳисобланади. Мемуар бадиий адабиёт, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, тарих, география, фалсафа фанлари ва ўзбек (туркий), форс, араб ёки маълум маънода афғон, ҳинд, урду тиллари учун манба ҳисобланади. Ёки миллий давлатчилигимиз тарихи учун асосий манба сифатида қараш ҳам мумкин. Бунинг сабаби, биринчидан, асарда Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг давлат бошқаруви, давлатчилик масалалари, дипломатик муносабатлар, идора усули, ҳукмдорлар номи, фаолияти, хонадони, беклари, судурлари, қалам аҳли, шаҳарсозлик маданияти, тарихда ўтган буюк шахслар тасвири, муаллиф ўзи яшаган давр, соз ва носоз замона, ҳарбий ишлар, тактика масаласи кенг ва аниқ-тиниқ баён қилинган. Иккинчидан, муаллиф шахси, ижоди, услуби, асарнинг номи, ёзилиш тарихи, ижод қилган етти жанрдан келтирилган мисра, байт намуналари келтирилган. Учинчидан, машхур шоир, адиблар номи, асарлари, уларнинг шахси ва ижодига хос воқеаларга Бобурнинг баҳоси, муносабати, эътирофи ҳаққоний ифодаланган. Тўртинчидан эса "Бобурнома"да олға сурилган умуминсоний ғоялар, умрбоқий фикрлар талқини, муаллифнинг кенг фикри, сўз муддаolari билан боғлиқ тасвир, лавҳалар юксак пафосда битилган. Ҳинд мутафаккири Жавоҳарлал Неру сўзлари билан айтсак, "Ўйғониш даврининг типик ҳукмдори" кўрган-кечирган воқеа-ҳодисалар бобуруна услубда мемуар характерида ўқувчига таъсирли етказилган. "Бобурнома" ҳақида юқорида биз санаб кўрсатган фазилат ва талқинлар юзасидан илмий, илмий-назарий характерда тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам, ҳали келажакда қилиниши керак бўлган тадқиқотлар ўз эгасини кутиб турибди.

Биз ушбу мақоламизда "Бобурнома"ни Носир Хисравнинг "Сафарнома" ва Ибн Батуттанинг "Саёҳатнома" асарлари билан қиёсий аспектда Самарқанд, Кеш, Бухоро, Вобкент тасвири, оқида ва мударриблари аёллар ҳамда муаллифларнинг китоб, номлари билан боғлиқ лавҳа, хабарларни таҳлил ва талқин қилишга ҳаракат қилдик.

Носир Хисрав (1004–1088) ва Бобур. Маълумки, Марказий Осиё маданиятининг улуғ донишманди ва мутафаккири Носир Хисрав машҳур адиб, файласуф, саёҳатчи сифатида ва бадиий адабиётда ҳам асарлари, шеърӣ девони билан ном қозонган. Асарларини форс ва араб тилларида ёзган. У ўзининг саёҳатлари асосида форс тилида маҳорат билан "Сафарнома" асарини битган. "Сафарнома" – нодир китоб. Адиб унда етти йил давомида Туркистон, Миср, Шом, Ироқ, Қоҳира, Искандария, Дамашқ, Басра, Ҳижоз, Ҳалаб, Макка, Мадина, Озарбайжон, Арманистон, Фаластин, Эрон ва Ҳиндистон бўйлаб қилган сафарлари давомида кўрган-кечирганларини қисқача баён қилган. Носир Хисрав расмӣ лавозим кўрган ва ўз даврининг юксак маълумотли киши сифатида ўша юртнинг улуғ шахслари, олим, шоир, донишмандлари билан ҳам мулоқотда бўлган.

"Сафарнома"да у Самарқандни, тўғрироғи, Самарқанд қоғозини тилга олган. Шомда саёҳатда юрган вақтида у ерда тайёрланган қоғознинг қандай усулда ишлаб чиқарилишига диққат қаратган ва асарнинг мана шу лавҳасида Самарқанд қоғозини қиёслаб тилга олган. Қалам аҳли ҳаётида қоғознинг аҳамияти муҳимлигини ва қадр-қиммати нақадар улуғлигини билган Носир Хисрав "Сафарнома" асарининг Шом вилояти таърифида Тароблис шаҳри ҳақида маълумот битар экан, шаҳарда қоғоз тайёрланиши хусусида гапирган: "Айтишларича, шаҳарнинг йигирма минг аҳолиси бор экан. Атрофда ҳам қишлоқ ва манзилгоҳлар жуда кўп. Бу ерда қоғоз тайёрлашади. Самарқанд қоғозига ўхшаш, ҳатто ундан яхшироқдир. Бу шаҳар Миср султониға қарашлидир"¹. Носир Хисрав Самарқандда бўлган, асарлар ёзиш учун Самарқанд қоғозидан сотиб олиб ишлатган десак, муболага бўлмас. Зукко адиб Тароблис (Шом)да ҳам у ернинг қоғозидан харид қилган ва ижод намуналарини ёзган ҳамда Самарқанд ва Тароблис қоғозининг фарқли жиҳатларини яхши фарқлаган ва сифати бўйича гапирган. Унинг маълумоти бизга қоғоз тайёрлаш Шомда ҳам яхши йўлга қўйилганидан хабардор қилади. Қоғоз турлари кўп, аммо ҳар икки адиб ёзув қоғози ва китоблар кўчириш учун ишлатиладиган қоғоз турини назарда тутиб ёзган.

Ўқиб-ўрганишимизга кўра, ўсимлик толаларидан тайёрланган юпқа қоғозни хитойликлар кашф қилган. Ихчам ва арзон ёзув воситаси бўлган қоғоз дастлаб I асрда Хитойда ишлаб чиқарилган. Қоғоз тайёрлаш арабларда ҳам яхши йўлга қўйилгани айтилган. VII асрнинг бошларида Самарқанд устасхонамандлари қоғоз олишга муяссар бўлган ва XIX асрнинг 1-ярмигача Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғозлар дунёда жуда машҳур бўлган. Адабий ва тарихий манбаларда китоб, қўлёзма қоғози ҳақида гап кетганда, деярли "Самарқанд қоғозида кўчирилган" деган эслатмаларни учратамиз. Ёзув қоғози бошқа турларига нисбатан жуда силлиқлиги билан ажралиб

¹ Н о с и р Х у с р а в. Сафарнома (Форс тилидан Ғ.Каримий таржимаси). – Тошкент: "Шарқ", 2003, 22-бет. Бундан кейин мазкур асарга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Б.Р.

туради. Қоғоз, асосан ёзиш ва китоблар кўчириш учун ишлатилган. Темурийлар Уйғониш даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам сифати, ҳам салмоғи жиҳатидан такомиллаша борган. Самарқанд қоғози Мовароуннаҳр, Хуросонда, Туркистондагина эмас, балки қўшни давлатларда ҳам харидоргир бўлган.

Шу маънода Носир Хисрав Тароблис ва Самарқанд қоғозини қиёслар экан, Самарқанд қоғозига нисбатан Шом қоғозининг сифати маълум маънода баландлигини айтган. Бобур ҳам Самарқанд ҳақида "Бобурнома"да бири-биридан таъсирли, қизиқарли, қимматли маълумотларни кўпроқ ёзиб қолдиришга ҳаракат қилган. Тўғри, у биринчи навбатда, Самарқандни шоҳ Искандар қурдиргани, кейин эса улуғ бобокалони Амир Темур пойтахт қилгани хусусида эътироф билан хабар ёзган. Маълумотларида Самарқандда яшаб ўтган буюк шахслар, шаҳар табиати, иқлими, ривожланган хунармандчилик соҳалари, ўзига хос бозори, тартибли савдо расталари ёки Самарқандда бўлиб ўтган жангу жадаллар, сулолалар ўртасидаги курашлар, Самарқанд шаҳарсозлик маданияти, инфратузилмаси, бунёдкорлик ишлари ҳамда Самарқанддаги муаллифнинг ўзи билан боғлиқ кизгин воқеалар хусусида кенг лавҳалар битган. Самарқанд лавҳалари билан боғлиқ қизиқарли маълумотлардан бири, бу – Самарқанд қоғози ҳақида. Бобур Носир Хисрав каби Самарқанд қоғозига тўхталар экан, у мазкур қоғозни *олам* сўзи билан боғлаб, "Оламда яхши қоғоз" деб жуда юқори баҳолаган. Чунончи: "Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Кониғилдин келадур. Кониғил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу Қора сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар"². Демак, темурийлар Уйғониш даврида китобат санъати ривожланган, маданий муҳит юксалган сари сифатли қоғозга ҳам талаб ошган ва Бобур баланд баҳолаган Самарқанд қоғози жуда сифатли, талаб даражасида ишлаб чиқарила бошлаганидан хабар беради.

Носир Хисрав билан Бобур асарларидаги яна бир муштарак тарихий ҳодиса шундаки, ҳар икки асарда тадбиркор, мударрира аёллар, маликалар образи билан боғлиқ тасвир, хабарларнинг ёзилишидир. Носир Хисрав "Сафарнома"да Миср шаҳри тарихида бир оқила тадбиркор араб аёл ҳақида қимматли маълумот битган. Маълумотни у Нил дарёси билан боғлиқ хабарларида ёзган. Тадбиркор аёлнинг Миср аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эътиёжини ҳал қилишига доир ва 5000 одамни иш билан таъминлаши билан боғлиқ ҳимматини ҳайрат билан тасвирлайди. Бу маълумот билан ҳақим бизни қуйидагича таништиради: "Миср шаҳри Нил дарёси қирғоғи бўйлаб анча жойга чўзилган. Жуда кўп қўшк ва шийпонлар дарё лабида жойлашган ва уларга арқон билан сув чиқарилади. Лекин шаҳарда сувни мешқобчилар баъзилари туяларида, бошқалари елкаларида ташишади. Дамашқий жездан ясалган ва ўттиз ман сув сиғадиган кўзаларни кўрдим, ялтироқлигидан олтиндан ясалганга ўхшарди. Бир одам менга шунақадан 5000 та кўзаси бўлган бир аёл ҳақида ҳикоя қилиб берди. У ҳар битта кўзани ойига бир дирам эвазига ижарага берар экан. Ижарачилар муддат тугагач кўзани бешикаст қайтаришни ухдаларига, яъни зиммаларига олишар экан" (57). Лавҳада у маълум маънода халқ ҳаётидан ҳам ҳикоя қилади.

² Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: "Шарқ", 2002, 60-бет.

Яна адиб "Сафарнома"нинг "Басра музофотлари тарихи" номли ўқишли фаслида бой ва тадбиркор фозила аёлнинг бунёдкорлиги ҳақида ёзган қисқа маълумотни ўқиймиз. Убулла анҳорининг қуйилиш жойида катта гирдоб бўлиб, Убулладан сузиб ўтаётган айрим кемалар шу ўпқонга тушиб чўкиб кетар экан. Бундай табиий офатни эшитган тадбиркор аёл араблардан тонна-тонна ҳажмда хурмо данагини сотиб олиб, шу ўпқонни бекитган экан. Натижада кемалар Убуллада бемалол сузадиган бўлган экан. Буни эшитган Носир Хисрав бу оқила аёлнинг одамийлиги, юрт, халқи қайғуси йўлида қилган карами, эҳсони олдида лол қолганини ҳам айтиб ўтган. Чунончи: "Айтишларича, илгари Убулла анҳорининг қуйилиш жойида улкан гирдоб бўлиб, кемалар ўта олмас экан. Шунда Басранинг энг бой – бадавлат кишиларидан бўлмиш бир аёл 400 та кема қурдириб, уларни хурмо данаги билан тўлдириб, устини маҳкам ёпиб ўша жойга чўктиришни буюрибди. Шундан сўнг кемалар бемалол ўтадиган бўлибди" (94). Бу маълумот орқали биз бунёдкор аёлларнинг ҳамма даврларда ҳам ижтимоий фаоллиги, мулкдорлиги, қўл остидаги хусусий мулкни юрт, жамият, миллат манфаати учун эҳсон қилганидан хабардор бўламиз.

Бобур "Бобурнома"да эса тадбиркор, мударрира аёл сифатида ўзининг улғу энаси Эсондавлатбегимни таништиради. "Куч аларда эди" деб юкори баҳолайди ва Эсондавлатбегимнинг тадбири сабаб 12 ёшда давлатни, ота тахтини ўзида сақлаб қолгани ёки Андижонда боғлар барпо қилгани хусусида фахр ва ғурур туйғуси билан гапириб ўтган³. Ёки отаси Бобурнинг "Бобурнома" анъанасида "Ҳумоюннома"ни⁴ битган муаррих ва адиба қизи Гулбаданбегимни эслаш мумкин.

Носир Хисрав ва Бобур мемуарларида мактублар ҳақида ҳам хабарлар учрайди. Бу мактублар уларнинг қизғин ҳаётидан хабар берувчи нодир манбалардир. Масалан, Носир Хисрав "Сафарнома"да Шом волийсига ёзган ўз мактубини тамсил қилган. Чунончи: "Қайсидир йили Шом волийси ўз мактубида шундай деб ёзибди: "Бу йил зайтун ёғи кам олинди. Агар фармони олий бўлса, биз масжидларга турп ва шолғом уруғидан олинувчи ёғ, яъни, "зайти хор" берамиз". Унга шундай жавоб жўнатишди: "Сен вазир эмас, балки хизматкорсан. Худонинг уйи учун нимаики лозим бўлса, улар ўзгаришсиз ва кечиктирилмасдан берилиши шарт!" (61)

Яна Носир Хисрав китобнинг "Мисрдан қайтмоғимиз баёни" номли фаслида ўзи билан боғлиқ бир мактуб мазмунини қуйидагича баён қилган: "Мен Жидда амири қабулида бўлдим. Менга ҳурмат кўрсатиб, бож тўлашдан озод қилди, ҳатто Маккага "Бу одам донишманд, ундан ҳеч нарса олмаслик керак" деган мазмунда хат жўнатди. Жума куни намозгар пайти мен Жиддани тарк қилдим ва жумодул охир ойи сўнгида якшанба куни Макка дарвозаси олдида етиб келдим" (70). Айниқса, мазкур мактубда Носир Хисравни "бу одам донишманд" деб ҳукмдор томонидан айтилган юксак эътирофи муаллифни Мисрда ҳам донишманд, ҳаким сифатида танишларидан хабар топамиз.

Носир Хисрав ва Бобур ҳам ўзларининг маънавий кўчар мулки, яъни китоблари ҳақида нафақат ибратли хабар битган, балки мақтовга ҳам

³ Р а ж а б о в а Б. Оқила ва мударрира оналар \\\ Оналар билан суҳбат. – Тошкент: "Turon zamin ziyo", 2015, 48–62-бетлар; Р а ж а б о в а Б. Темурийлар Ренессанси ва "Бобурнома. – Тошкент: "Фан", 2022, 168–191-бетлар.

⁴ Г у л б а д а н б е г и м. Ҳумоюннома. – Тошкент: "Фан", 2023, 114-бет.

лойикдир. Носир Хисрав ёзади: "Ҳажни адо этгач, мен Мисрга қайтдим, чунки у ерда китобларим қолган эди. Бу йил Мисрга Мадина амири ташриф буюрди. У Ҳусайн ибни Али салавотуллоҳи алайҳумо авлодидан бўлгани учун султон унга йиллик маблағ тайинлаган ва шуни олишга борган эди. Мен у билан кемада Қулзумга бирга бордим. Ундан Мисрга ҳам бирга кетдик" (64).

Бобур мемуарида ўзининг "Вақоеъ", "Мубаййин", "Аруз рисоласи", асарлари ва девони ҳамда Навоий, Жомий ва бошқа шоирларнинг асарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар битган. Батутта эса ўзининг китоблари хусусида ҳам худди Носир Хисрав ва Бобур каби хабарлар ёзган. Китоб билан боғлиқ тасвирларда биз Носир Хисрав, Батутта ва Бобурнинг китобга бўлган ихлоси, баланд муносабатидан хабардор бўламиз.

Ибн Батутта (1304–1369) ва Бобур. Тарихдан маълумки, машҳур араб сайёҳи Ибн Батутта 1325 йили Танжань шаҳридан чиқиб, то Хитойгача бориб, 1354 (6) йилда яна ватанига қайтган. Демак, буюк сайёҳ 28 йиллик саёҳатлари, сафарлари натижасида араб тилида "Саёҳатнома"⁵ номли мухташам китобини ёзган. Китобда Ибн Батутта ҳам ўз кўзи билан кўрган воқеалар, учрашган буюк шахслар, мухташам саройларда қабул қилган ҳукмдорлар номи, суҳбатлари давлат, идора усули билан боғлиқ тасвирлари, у маълум муддат яшаган шаҳарлар, кентлар, уларнинг табиати, иқлими, географияси, у шаҳарларни кимлар қурган, кимлар вайрон қилган, кимлар яна қайта тиклаган, у нима учун тарихий-географик атама ўлароқ тарихда номи қолганлиги ёки муаллиф ўзининг муҳаддис сифатида йўл-йўлакай кўплаб муҳаддислардан ҳадислар ўргангани хусусида фахр туйғуси билан хабарлар ёзган. Биз бу ўринда Ибн Батуттанинг Бобур ҳам "Бобурнома"да тилга олган Шаҳрисабз – Кеш, Бухоро, Самарқанд, Вобкент тасвирига диққат қаратдик. Ибн Батуттанинг "Саёҳатнома"да ёзишича, у бу шаҳарларга айрича меҳр билан қараган. Муаллифнинг Бухорога Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш учун шошилгани, Самарқандга эса у фарзанд кўришни истаганини айтган. Лекин Ибн Батутта Самарқандда эмас, Шаҳрисабзда киз фарзандли бўлади ва у ерда маълум муддат яшайди. Амир Темурни дунёга берган Кеш шаҳри Батуттанинг фарзанди сабаб қалбида қолади. Бобур ҳам дилкаш Кеш ҳақида "Бобурнома"да тўлқинланиб ёзган. Айниқса, у Амир Темурнинг "зоди – буди" Кешдан эканини фахр билан эслаган.

Батутта китобнинг "Ўрта Осиё" фаслининг Бухоро билан боғлиқ тасвирида унинг Вобкент шаҳрига келгани, шаҳарнинг ободлиги хусусида шундай маълумот битган: "Вобкент шаҳрига етдик. У Бухородан бир кунлик масофа беридадир. Вобкент – чиройли шаҳарча. Унда ариқлар, боғлар сероб. Шаҳар аҳолиси йил бўйида уйда узум сақлайди. Уларнинг олу деб аталадиган меваси бор. Шу меваларни қуришиб, қоқи қилиб, Ҳиндистон ва Хитойга олиб боришади. Шу меванинг устидан сув қуйиб, шарбатини ичишади. Янгилигида ширин бу мева қуритилганида нордонроқ бўлиб қолади. Мева жуда етдор бўлиб, на Андалусияда, на Сурияда бунга ўхшаш мевани кўрганман. Биз кун бўйи бир-бирига туташиб кетган боғлар, ариқлар, дарахтдорлар ва шудгор қилинган далалар орасидан ўтиб бориб, Бухоро

⁵ И б н Б а т у т т а. Саёҳатнома (арабчадан Н.Иброҳимов таржимаси). – Тошкент: "Шарқ", 2014. Бундан кейин мазкур асарга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Б.Р.

шаҳрига етиб келдик. Бухоро – муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ватанидир" (365).

Батутта ва Бобур маълумотларидаги муштараклик мевалардан бўлмиш олу болу ҳақида ҳамдир. Бу мева ҳақида Батутта ва Бобур ўхшаш маълумотлар битган. У меванинг номи, хусусияти, шифобахшлиги, Ҳиндистон ва Хитойга элтиб сотилиши билан боғлиқ тасвир айнан муштараклик касб этган.

Ибн Батутта "Саёҳатнома"нинг "Ўрта Осиё фаслида "Бухоройи шарифни машҳур муҳаддис Имом Бухорийнинг шарафли номи билан эсга олган, яъни "Бухоро – муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ватанидир". Ёки: "Бухорода "Ас-Саҳиҳ"ни тузган аллома имом, мусулмонлар шайхи Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий қабрини зиёрат қилдим. Оллоҳ уни раҳмат қилсин. Ал-Бухорийнинг қабрига қуйидаги ёзув битилган: "Бу фалон-фалон китобларнинг муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг қабридир". Яна ўқиймиз: "Бухоролик бошқа алломаларнинг мақбараларида ҳам исми-шарифлари ва илмий меросларининг номи ёзиб қўйилган. Мазкур битиклардан кўпларини кўчириб олган эдим, аммо бу ёзувлар ҳинд зардуштийлари денгизда молларимни тортиб олган чоғда бошқа буюмларим билан бирга йўқолди" (368). Унинг ёзишича, у Имом Бухорий қабрини зиёрат қилган. Қабрдаги лавҳга буюк муҳаддиснинг 20 та асарининг номи эътирофи битилгани хусусида ва ўзи бу асарлар номини дафтарига ёзиб олганлиги, аммо кема сузиб кетаётганда ўғриларга юк халтасини олдириб қўйгани ва шу юк халтасида Имом Бухорий қабри ҳақидаги маълумот, 20 та асар номи ёзилган дафтар йўқолганини афсус ва надомат билан ёзган. Биз учун унинг Имом Бухорий ҳақидаги маълумоти жуда қимматли маълумот бўлиб, маълум маънода "Бобурнома"даги Имом Бухорий ҳақидаги хабарларни ҳам ёдга солади.

Бобур "Бобурнома"да Самарқанд ва унинг атрофида яшаб ўтган ўн нафардан ортиқ буюк шахслар, яъни шоҳ Искандар, Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мотурудийлар ҳақида ёзган маълумотида Имом Бухорийни Хожа Исмоил Хартанак деб тилга олган. Бобур бу ўринда Имом Бухорийнинг 810 йилда Бухородан чиқиб, Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанак қишлоғида қариндошиникида тўхтагани ва бетоб бўлиб вафот этгани, шу қишлоққа дафн қилинганига ишора қилиб Хожа Исмоил Хартанак деб шарафлаган ҳамда "Саҳиҳи Бухорий"ни тилга олган. Ўқиймиз: "Яна соҳиби "Саҳиҳи Бухорий" Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдинур".

Иккинчи муштарак тарихий ҳодисалар вақф, зовия, эътиқодда мустаҳкам тақводор кишилар, маърифий мажлислар, зиёрат туризми хусусидадир, бу каби қадриятларни эътироф қилган Батутта шундай ёзади: "Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улуғ авлиёлардан бири, аллома шайх, гўшанишин авлиё Сайфуддин ал-Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўчиб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келади (даромадлар) ҳисобига боқилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфуддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яҳё ал-Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Қуръондан кироат қилдилар, воиз эса амри маъруф этди. Ҳофизлар туркий ва

форсий тилларда жуда яхши қўшиқлар айтдилар. Биз учун бу энг ғаройиб кечалардан бири бўлди" (368).

Умуман олганда, Ибн Батута ва Бобурнинг Кеш, Бухоро, Самарқанд, Вобкент билан боғлиқ маълумотлари шаҳарсозлик маданияти тарихида муҳим маълумот ҳисобланиши билан бирга ўқувчини ҳайратга солади.

Батутта "Саёҳатнома"нинг 4-фаслини "Ўрта Осиё" деб атаган ва унда кўхна Хоразм замини, Тўрабека она, эри Қутлугмурод ҳоким, Хоразм қовуни, хоразмлик буюклар Нажмиддин Кубро, Замахшарийлар мақбарасини зиёрат қилгани хусусида ҳам хабар битган. Машҳур сайёҳнинг ҳайратини оширган шахс бу ҳокима Тўрабека она бўлган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" мемуари Носир Хисравнинг "Сафарнома" ва Ибн Батуттанинг "Саёҳатнома" асарлари билан қиёсий аспектда ўрганилиб, мазкур асарлардаги турли тарихий воқеалар, жой номлари ва тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлардаги ўзаро муштарак жиҳатлар таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье в сравнительном аспекте исследованы мемуары Захириддина Мухаммада Бабура "Бабур-наме" и произведения Насира Хисрава "Сафар-наме" и Ибн Батутты "Саяхат-наме", анализируются общие аспекты, содержащиеся в данных о различных исторических событиях, географических названиях и исторических личностях.

RESUME. In the article, Zahiriddin Muhammad Babur's memoir "Babur-name" is studied in a comparative aspect with Nasir Khisrav's "Safar-name" and Ibn Batutta's "Travel" and mutual aspects of the information about various historical events, place names and historical figures in these works are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: Бобур, "Бобурнома", Носир Хисрав, "Сафарнома", Ибн Батутта, "Саёҳатнома", қиёсий аспект, тасвир, таҳлил, талқин.

Ключевые слова и выражения: Бабур, "Бабур-наме", Насир Хисрав, "Сафар-наме", Ибн Батутта, "Саяхат-наме", сравнительный аспект, образ, анализ, толкование.

Key words and word expressions: Babur, "Baburnoma", Nasir Khysrav, "Safar-name", Ibn Batutta, "Sayohat-name", comparative aspect, image, analysis, interpretation.

Гулноз САТТОРОВА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ

Аслида ҳикоят ва ривоятлар таркибида вужудга келган ўзбек ҳикоячилиги XIX асрнинг сўнгги йилларида жанр сифатида пайдо бўлиб, XX асрнинг бошларида шаклланди ҳамда ўзига хос тараққиёт жараёнини бошидан кечирди. Дарҳақиқат, жанрнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг сўнгги йиллари билан боғланса-да, ҳикоят ва ривоятларнинг пайдо бўлиши инсоният пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳодисадир.

Албатта, ҳар бир даврда ижод майдонига қадам қўйган адиб ўз ҳикояларида адабиёт, унинг ижтимоий-фалсафий вазифаси, мақсад ва моҳияти ҳақидаги нуқтаи назарини ўзи яшаб турган даврига кўра ранг-баранг шакллар орқали ифода этади.

XX асрнинг дастлабки йиллари ўзбек ҳикоячилиги учун шаклланиш даври бўлган бўлса, асрнинг 20–30-йиллар ҳикоячилигида янгича қаҳрамон, янгича талқинларни социалистик реализм методи асосида тасвирлашга қаратилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг бошларида А.Қодирийнинг "Улоқда", "Жувонбоз", Чўлпоннинг "Қурбони жаҳолат", "Дўхтир Муҳаммадиёр" каби кичик асарлари янги жанрнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Мазкур ҳикоялар учун кўпроқ ижтимоий муаммолар талқини, нисбатан бадиий заифлик, баёнчилик усули хос бўлса-да, шунга қарамадан, муаллифлар дунёқараши, мазмуннинг миллийлиги ва табиийлиги уларда миллий ўзига хос хусусиятларнинг намоён бўлишини таъмин этди.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек ҳикоянавислари давр кишиши характерини яратишда турли усул ва методлардан, адабий услубларнинг турли кўриниш ва шаклларида фойдаланганлигини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, ижодкорларимиз даврнинг ижтимоий муаммоларини тасвирлашда асотирлар, эртақ ва афсоналар, диний-фалсафий талқинлардан асарларига кенг миқёсда олиб кирганликларини кузатиш мумкин. Ўзбек ҳикоячилиги жаҳон тажрибаларини ижодий ўзлаштирган ҳолда тобора ўз миллий қиёфасига эга бўлиб борди. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби 40-йиллардаги сиёсий-маданий ҳодисалар, ёзувчиларнинг биринчи Конгрессида улар олдида қўйилган устувор вазифалар бўлса, XX асрнинг 50-йилларидан иқтисодий соҳаларда Ғарбнинг таъсиридан холи бўлиш, миллийлаштириш сиёсатининг кучайгани, адабиётда эса, аксинча, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва рус насри тажрибаларини ўзлаштириш тамойили кучайганлиги билан изоҳланади. Бу ўзбек ҳикоячилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришига сабаб бўлди. Бу эса, ҳикоя жанри тараққиётининг янги босқичи бошланаётганидан дарак берарди.

Истиқлолгача бўлган давр адабиётида миллий-маданий қадриятларимиз, ўзбекона руҳ билан биргаликда совет мафкураси аксарият ҳикояларда етакчилик қиларди. Шундай бўлса-да, адибларимиз асарларига миллий ўзлик, озодлик ҳақидаги ғояларини нозиклик билан сингдирганлар. Биз эътиборимизни қаратган ҳикоялар ана шу хусусиятлари билан ҳам характерлидир. Биз ҳикояларни шартли равишда қуйидагича тасниф этилишини жоиз деб билдик.

1. Анъанавий-реалистик асарлар.
2. Тарихий асарлар.
3. Янги давр, янги руҳни акс эттирган асарлар.

XX асрнинг 40–50 - йилларида самарали ижод қилган ижодкорлардан бири Саида Зуннуовадир. Адибанинг "Шу уйнинг бекаси" ҳикоясида аср бошларидаги ўзбек халқининг соддагина ҳаёти, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзбекнинг миллий қадриятлари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ўз қарашларини ҳикоя қаҳрамонлари Умриниса ва Ойша аялар мисолида ўқувчига етказиб беради. Ҳикоядаги "Йигитлардан бири олов куракда ўт олиб келди. Умринисо буви раҳмат айтиб, уни танчага солди-да, ўчоқ бошига кетди. Ош дамлаб турганида битта косада чучвара кўтариб Ойшабуви чиқди. Умринисо буви меҳмонни танчага ўтказиб, олдида дастурхон ёзди" каби жумлаларида ҳикоядаги соф миллий характер ва анъаналар реалистик услубда чизиб берилган.

Бу даврда ижод қилган адибларимиздан бири Носир Фозиловнинг "Робинзонлар" ҳикояси ҳам анъанавий реалистик услубда яратилган асарлардан биридир. Ҳикоя қаҳрамонлари Сейит, Матниёз ва Оллониёз ўсмир йигитлар, улар ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучуги, қийинчиликларини

кўрмаган. Аммо мустақил яшашга, меҳнат қилишга ҳаракат қилишади. Бу ҳаракатларини балиқ ови мисолида атрофидагиларга кўрсатмоқчи бўлишади. Юзаки қараганда, ёзувчи ҳикояда уч ўсмирнинг катталардан руҳсатсиз қиш кунларининг бирида балиқ овига бориши, эҳтиётсизлик натижасида муз парчасининг ёрилиб кетиши, унинг қандай оқибатларга олиб келишини тасвирлагандек. Аслида адибнинг мақсади шу уч ўсмир ҳаракатлари орқали дўстлик деган туйғунинг моҳиятини англатгандек, назаримизда. Сейит ва Оллоғниёзнинг муз парчасига ўтириб қирғоқдан узоққа сузиб кетиши, бу ҳолатдан уларни қутқариш учун Матниёзнинг қилган ҳаракатлари орқали инсон иродаси, бошга кулфат келганда дўстлик синови, оқибат каби туйғуларни шу уч ўсмир қиёфасида тасвирлайди.

Ўзининг фантастик асарлари билан дунёга танилган, асарлари 40 дан ортиқ тилларга таржима бўлган Худойберди Тўхтабоевни кўпчилик болалар ёзувчиси сифатида танийди. Адибнинг "Сариқ девни миниб" асари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Бу гал унинг "Муҳаббат қўшиғи" ҳикояси китобхонларимиз ҳукмига ҳавола этилмоқда. "... муҳаббат кўп улуг нарса. У одам боласига қанот ва маънавий куч бахш этади. Мўъжизалар яратишга, тоғ бургутларидек юксак парвозлар қилишга ундайди", дея таъриф беради адиб. Гўё эски бир туйғунинг ҳар бир юракда янгиланишига ишора қилади адиб. Ҳикоя Шерали ва Гуласал муносабатлари орқали асл муҳаббатнинг кучи, унинг макон ва замон, урф-одат ва анъаналар қўйган тўсиқлардан мардоновор енгиб ўтиши ҳақида. Миллий анъаналар асосида яратилган бу ҳикоя адиб ижодининг яна бир қиррасини намоён қилади.

Фарҳод Мусажоновнинг "Ибрат" ҳикояси ҳам миллий ҳикоячилигимиз анъаналари асосида яратилгандек кўринса-да, ҳикоя кўпроқ ҳажвий характерга эга. Ёзувчи Насиҳатхўжа образи орқали жамиятдаги ўз айбини кўрмасдан, доим ўзгалардан кир кидирадиган, бировларнинг омадсизлиги-ю бахтсизлигини юзига солиб роҳатланадиган, аслида ўзи насихатга муҳтож кимсалар образини яратади.

Бу даврда яратилган салмоқли ҳикоялардан бири Ўлмас Умарбековнинг "Чарос" ҳикояси адибнинг болалик хотиралари асосига қурилган. Халқимизнинг "От ўрнини той босар" мақоли ҳикоянинг мазмунига сингдирилган, гўё. Меҳр-оқибат, одамийликнинг қишлоқ ва шаҳардаги фарқлари, йиллар ўтган сари инсон болалигини қўмсаб яшаши ҳолатлари ушбу ҳикояда ўз аксини топган.

Учқун Назаровнинг "Янги чойхона" ҳикояси ҳам юқоридаги ҳикоялар каби соф реалистик услубда яратилган ҳикоялар. Чойхона тимсолида ўзбекона анъаналар кўрсатилган бўлса, Қаҳҳор ака образи орқали ўзбекона миллий характер чизиб берилган.

Ўтган асрнинг 80–90-йилларигача яратилган ҳикояларда анъанавий реалистик тасвир ва услублар етакчилик қилган бўлса, мустақилликка эришганимиздан кейин яратилган асарларда анъанавийлик билан бирга янгича тамойиллар акс эта бошлади. Мустақиллик даври адабиётининг илк паллалари тарихий қадриятларни ва шахсларни тиклаш даври ўлароқ адабиётшунослигимизда бўй кўрсата бошлади. Миллат ўзининг кимлигини, аждодлари кимлигини билиши лозим эди. Шу тариқа, жуда тез орада улуг аждодлар ҳақида дostonлар, шеърлар ва насрий асарлар пайдо бўла бошлади. Амир Темур ва темурийзодалар даврини, бобурийлар даврини акс эттирган

бир қатор насрий асарлар яратилди. Чоризм истилоси ҳақидаги бадиий асарлар пайдо бўлди. Ҳар бир ижодкор аждодлар ва тарих қаршисидаги ўз бурчини бажаришга бурчли деб ҳис этиб, шу бурчини адо этишга уринди, улуғ аждодлар ёди бирин-кетин миллатга қайтариб берилди. Ана шундай асарлардан бири "Жалолиддин Мангуберди" ҳамда "Султон Жалолиддин" романлари билан яхши таниш бўлган адибимиз Эркин Самандар қаламига мансуб "Ғайб қушлари" ҳикоясидир. Ҳикояда мўғуллар босқини даврида "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" дея хитоб айлаган Нажмиддин Кубро қисмати ҳажман кичик, мазмунан кенг тарзда баён қилинган. Шайх Нажмиддин Кубронинг мардлиги, юртга фидойилиги, мўғул босқинчиларига қарши жанги, ватанга муҳаббат туйғуси гўзал тасвирланган. Ҳикояни ўқиган китобхон беихтиёр ўзини ўша жанг майдонида иштирок этаётгандек ҳис қилади. Айниқса, Ватан байроғи муҳофазаси тасвирлари ҳар қандай китобхон қалбида ватанпарварлик туйғусини янада юксалтиради.

Бу даврга келиб ўзбек адабиётида ҳажвий асарларга эҳтиёж кучая борди. Истеъдодли адиб Неъмат Аминовнинг ҳикоялари бу эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилди. Адиб ҳажвияларида сўзнинг бадиий тасвирдаги ўрнини кузатиш, сўздан маҳорат билан фойдаланиш ижодкор феноменининг ўзига хослигини белгилайди. Сўзнинг бадиий қудрати Неъмат Аминов ижодида алоҳида ҳажвий қудратга эга. Унинг яратган ҳажвий асарлари ўзбек ҳажвиётининг тақомилига катта ҳисса қўшди, уни янги шаклий жанрлар, ижтимоий кулги турларидан фойдаланиш ва ҳажвий образлар, типлар яратиш билан бойитди. Неъмат Аминов адабиётимизда ҳажвий ёзувчи сифатида эътироф этилса-да, унинг реалистик услубда ёзилган талайгина ҳикоялари мавжуд.

Айни шу даврда Саъдулла Сиёевнинг "Ота макон", Омон Мухторнинг "Шайтон арава", Солим Исҳоқнинг "Зулматдан зулматгача", Неъмат Арслоннинг "Амалгама", Ҳожиакбар Шайхоннинг "Сирли нур", Тоҳир Маликнинг "Ажаб дунё", Асад Дилмуроднинг "Хилват", Маматкул Ҳазратқуловнинг "Чўли Ироқ" каби ҳикоялари реалистик тасвир ва услубда яратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ёзувчиларимизнинг мақсад ва ғоялари ўз услубларига хос тарзда миллий ҳикоячилигимизнинг анъанавий, диний-фалсафий, фантастик йўсинларда акс эттирилган.

Ўтган асрнинг 70-йиллари сўнгги ва 80-йиллари бошларида адабиётимиз майдонида бир гуруҳ истеъдодли ёшлар кириб келди. Мана шундай одимлар сифатида Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Олим Отахон, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Хайриддин Султон каби адибларимиз адабиётимизда янги тўлқин бўлиб, янги йўналишларни олиб кирди. Бу давр ўзбек ҳикоячилиги ўзининг ранг-баранглиги, қамров қўламининг кенглиги, шакл ва мазмундаги янги жиҳатлари билан адабиётида ўз ўрнини эгаллади. Реалист ёзувчилар ҳам айтиб ўтилган услубларга мурожаат қилиб кўрдилар ва муваффақиятли асарлар яратдилар. Эркин Аъзам "Кимларга эшик очасан" ҳикоясини, "Чапаклар ва чалпаклар мамлакати" қиссасини эълон қилади. Хайриддин Султоновнинг "Кўнгил озодадур" қиссасида ҳамда "Онамнинг юрти", "Ғуломгардиш" ҳикояларида янги талқинлар бўй кўрсатган эди. Нурулло Рауфхоннинг "Чилла", "Этакдаги кулба" ҳикоялари том маънодаги метафорик-мажозий асарлардир. Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Бир

тойчоқнинг хуни", Аҳмад Аъзамнинг "Ойнинг гардиши", Эркин Аъзамнинг "Анойининг жайдари олмаси", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Шабада", Нормурод Норқобиловнинг "Хеш", Олим Отахоннинг "Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза", Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг "Этакдаги кулба", Хайриддин Султоннинг "Онамнинг юрти", Жамила Эргашеванинг "Дард" ҳикоялари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган асарлардир.

XX асрнинг 90-йилларига келиб ҳикоя жанри бадиий жиҳатдан такомиллашиб борди. Бу даврга хос белгилардан бири шундан иборатки, ёзувчиларимиз ўз ижодий эркинликлари туфайли ноанъанавий кўринишдаги, янги типдаги қаҳрамонларни, ўзига хос миллий характерларни адабиётга олиб кира бошладилар. Бу ҳолат мустақиллик даври насрида кўпроқ акс эта бошлади. Социалистик реализм методидан чекинган ижодкорлар эндиликда янгиликларга юз бура бошлашди. Совет пропагандаси вақтида прогрессив адабиёт сифатида тақдим этилган Аргентина, Испания, Япония ва Туркия адабиёти энди илғор адабиёт сифатида кўрилмоқда эди. Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Рюноске Акутагава, Ясунари Кавабата, Кобо Абэ асарлари рус тилидан таржима қилинган бўлса, турк тилидан ўнлаб бадиий, фалсафий ва илмий асарлар тўғридан-тўғри ўгирила бошланди. Қардошлик ришталари матн ости руҳиятида ҳам сезилиб тургани боис, адабиёт ихлосмандалри бу асарларни чанқоқлик билан ўқиди. Шунингдек, Европа классикасига ва фалсафасига ҳам эътибор кучайди. Кьеркегордан Сартргача, Кафкадан Жойсгача бўлган ижодкор файласуфлар асарларини ўқиш, улардан таъсирланиш зиёлилар ўртасида урф бўлди. Энди кенг кўламли наср гуркираб майдонга чиқа бошлади.

90-йиллар насрида ифода ва тасвир имкониятлари бирмунча кенгайди, бадиий характер яратишнинг ҳукмрон мафкуравийликдан холи янгича шакллари, янгича усуллари, инсонни ўрганиш, унинг руҳиятини таҳлил қилишнинг янги бадиий мезонлари юзага келди. Бундай изланишлар, айниқса, ўзининг қиёфасини жиддий равишда шакллантиришга улгурган адиблар ижодида ёрқинроқ намоён бўла бошлади. Янгича тасвир, теран фалсафий-бадиий талқин, янгича қаҳрамон характери, янгича ифода этиш усуллари, шу маънода, кўпроқ Назар Эшонқул, Шойим Бўтаев, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам сингари адиблар ижодида яққолроқ намоён бўлди. Бу янгиланиш баъзан айрим тажрибалар тарзида кўринса, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдамлар ижодида анъаналаримизнинг гарбона шартлилик билан уйғунлашгани кузатилади. Улар адабиётга анъанавий услубдан фарқли, ноанъанавий шаклий-тасвирий услубда ўзбек ҳикоячилигига янги рамзий ишораларда яратилган, фалсафий мушоҳадалар билан тўйинган, руҳиятлар олами бадиий талқин этилган қаҳрамонлар образларини олиб кирдилар.

Миллий маҳдудлик замонида адабиёт миллий руҳни сақлаб қолган, келажак авлодларга шу миллий руҳни етказиб бериш эътиқодига содиқ адиблар анъанавий усулларда асар яратишда давом этдилар. У усуллар Собир Ўнар, Лукмон Бўрихон, Абдунаби Ҳамро, Баҳодир Қобил, Наби Жалолиддин, Акбар Мирзолар каби кўп сонли ижодкорлар қишлоқлардаги, сиёсатлардан холи оддий кишилар ҳаётини қаламга олган бўлсалар, айрим ижодкорларимиз миллий анъаналаримизни дидактик йўсинларда акс

эттиришда давом этдилар. Жумладан, Қўқор Норқобилнинг "Оқибат дарахти", Ғафур Шермуҳаммаднинг "Арслон йили", Уйғун Рўзиевнинг "Оқ ёмғирлар" ҳикояларини ана шундай асарлар сирасига киритишимиз мумкин.

Ўзбек ҳикоячилигининг бугунги авлод адиблари ҳам ўзига хос ижод йўлидан бормоқда. Улар асарларини кузатиб шуни айтиш мумкинки, уларда Ғарбга хос модерн йўналишдаги оқимларга баъзан кўр-кўрона эргашиш, улардан таъсирланиш, тақлид қилиш деган хавотирларимиз бироз чекингандек кўринади. Уларнинг асарларига синчиклаб назар солинса, ўзларига устоз деб билган катта авлод адибларимиз услубида кўп учрайдиган ғарбона ифода, рамзий тасвирлардан кўра ҳикоячилигимизнинг дастлабки услуби реалистик услубда қалам тебратаётганлари сезилди.

Бугунги насримизнинг умидли вакилларида бири Нурилло Чори ижоди реалистик тасвирларнинг устуворлиги, миллий колоритни халқона усулда тасвирлашда, қаҳрамонлар характери чизишдаги сўз қўллашида ёрқин акс этади. "Ташвиши йўқ одамлар" қаҳрамонлари чоллар руҳиятини тасвирлар экан, улар фонида ижодкор ўзи кўрган воқеликнинг фожиавий манзарасини чизади. "Ташвиши йўқ одамлар" ҳикоясидаги Бозиргон чавандоз образи орқали ўқувчи умрининг охирида фарзандининг оқибатсизлигидан доғда қолган ота қисматининг гувоҳи бўлади.

Нуриллонинг ҳикояларида ўзи катта бўлган макон, болалигида кўрган, билган оддий кишлоқ одамларининг ҳаёти тасвирланади. Унинг қаҳрамонлари чапани, содда, аммо ориятли одамлар. Ҳикояларининг тили жуда пишиқ, халқона ва раван. Ёзувчи услубида фольклор мотивларига тез-тез мурожаат қилиб туриши кўринади.

Санаб ўтилган асарларда бадиий санъат даражаси турлича бўлса-да, деярли барча ҳикояларнинг асосий хусусияти миллийликни ўзига хос услубда акс этиши билан характерлидир.

XX асрнинг бошларида шаклланган ўзбек ҳикоячилиги бугунга қадар ўз тараққиёти давомида турли ижодий йўللарни босиб ўтди. Ғоявий мазмун, бадиий маҳорат, услуб ранг-баранглиги жиҳатидан ривожланиб жаҳоннинг илғор адабиётлари сафидан ўрин олмақда. Адабиётимизда янги номлар, янги бадиий тажрибалар, ижод эркинлиги истеъдодларнинг бадиий имкониятларини янада кенгайтиришга имкониятлар яратиб берди. Ёзувчиларимиз ўз асарларида миллатга хос хусусиятларни умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириб, янги асарлар яратишда давом этмоқдалар.

РЕЗЮМЕ. Мақола замонавий ўзбек ҳикоячилигининг тадрижий такомил боскичларини кўрсатишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена раскрытию этапов эволюционного развития современного узбекского рассказотворчества.

RESUME. The article is dedicated to showing the stages of gradual improvement of modern Uzbek storytelling.

Таянч сўз ва иборалар: жанр, ҳикоя, анъана, янгилик, мазмун, шакл, ғоя, метод, услуб, қаҳрамон, талқин, тасвир.

Ключевые слова и выражения: жанр, рассказ, традиция, новизна, содержание, форма, идея, метод, стиль, герой, интерпретация, изображение.

Key words and word expressions: genre, story, tradition, innovation, content, form, idea, method, style, character, interpretation, image.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУЛ БИЛАН БОҒЛИҚ РАМЗЛАР

Навоий даврини билиш, қандай бўлганини англаш ҳаёлимни тез-тез банд этади. Инсонлар, уларнинг қиёфаси, юриш-туриши, яшаш тарзи, муомаласи, нутқи, кийиму егулик таомлари, ичимликлар, бинолар, йўл, ҳовуз, кўприк, ариғу анҳор, боғлар, ҳайвонот ва наботот олами – ҳамма-ҳаммаси қандайдир сирли, қизик, ўзига хосдек туюлаверади. Бунинг манбаи, тасаввур уйғотиш имкони тарихий, илмий асарлар. Энг муҳими эса, шоирнинг ўз асарлари. Уларда тасвир бор, ишора сезилади. Мақолада шулардан бири – шоир даври гуллари билан боғлиқ тушунчалар ҳақида "Фавойид ул-кибар" девони асосида айрим мулоҳазалар билдирилади. Бу девон нисбий тарзда қарилган даври билан боғлиқ. Бу даврда шоирлик нигоҳи янада ўткирлашади, атрофни, табиатни синчков назар билан кузатиш кучаяди. Гулга, табиатга, гўзалликка ошuftалик бўлгани учун ҳам гул ва у билан боғлиқ тушунчалар кўп учраши табиий.

Навоий – нигоҳи теран шоир. У борлиқдаги ҳар бир манзара, ўзгариш ва кўринишлар, табиат ҳодисотларини тез илғайди. Ва бу ҳаётини тасвирлар, манзаралар шоир шеъриятида ўзининг ҳайратомуз ифодасини топади. Б.Я.Шидфарнинг таъкидича, шоир учун инсоннинг ички дунёсини ёритишнинг осон ва қулай йўли уни ташқи дунё билан, табиат билан қиёслаш, ўхшатиш, таққослашдан иборат. Бу фикр Навоий шеъриятида ҳам ўзининг тугал ифодасини топади. Шоир ғазалларини ўқир эканмиз, унда лирик қаҳрамон, ошиқ ва маъшуқа характери, ҳолат ва кайфияти, қиёфасини ёритишда табиий манзаралар, ҳаётини ташбеҳ ва ўхшатишларга кенг мурожаат қилганининг шохиди бўламиз. И.Ҳаққул тўғри таъкидлаганидек: "табиат шеърятда ё тасвир объекти, яъни предмети ёки поэтик тасвир воситаси сифатида аксини топади. Лекин, ҳар икки ҳолда ҳам у инсон қалби, руҳи, эҳтироси, дард ва кечинмалари билан мустаҳкам бириккан бўлади"¹.

Навоийнинг "Фавойид ул-кибар" девонида гул, унинг қисмлари, унга алоқадор тушунчалар, гулларнинг турлари тез-тез кўзга ташланади. Бу қарашларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Гул ва у билан боғлиқ тушунчалар. 2. Гулларнинг хил ва турлари ифодаланган байтлар. 3. Гулларнинг ранги, шакли, кўриниши, хиди ва бошқалар ҳақидаги фикрлар.

Шу ўринда бир савол туғилади: Навоий шеъриятида улар қандай вазифани бажарган? Бизнингча, шоир ғазалларида гуллар билан боғлиқ байтлар қуйидаги вазифаларни бажаришда восита бўлган: 1. Табиатдаги гулни ифодалаш учун. 2. Маъшукани, унинг маълум узвларини гулга қиёслаш мақсадида. 3. Ёрни гўзалликда гулдан-да устунлигини ифодаловчи байтлар. 4. Маъшуканинг ботиний ва зоҳирий сифатларини тасвирлашда. 5. Ошиқ ҳолат ва кечинмаларини ифодалашда. 6. Лирик қаҳрамон кайфияти баёнида. 7. Давр ва даҳр муносабатида. 8. Диний-тасаввуфий маънолар талқинида. 9. Шеърга гўзаллик бахш этиш, китобхонга завқ, кучли таассурот уйғотиш ва бошқалар.

¹ Ҳ а қ қ у л И. "Табиатдир менинг давомим..." \\\ Эътикод ва ижод. – Тошкент: "Фан", 2007, 194-бет.

"Фавойид ул-кибар" девонидаги ғазалларни ўрганиш жараёнида юздан ортиқ ўринда гул сўзи учради. Айрим байтларда табиатдаги гул назарда тутилади:

*Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг².*

Бу байтда икки тушунча мавжуд: ҳам ҳаётдаги гул, ҳам у гулдан устун маъшуқа тасвири. Гул боғда, чаманзорда бўлади. Халқда "бозори қизиди" деган гап бор. Байтда шунга ишора сезилади. Гул – гўзал, чиройли. Аммо маъшуқа ундан чандон устун. Унинг харидори кўп. Улардан бири ва энг кўп талабгори – гул.

Гул ҳақида гап борганда у билан боғлиқ тушунчалар ҳам тез-тез намоён бўлади. Йигирмага яқин байтда **гулзор** (132, 205, 206, 207, 264, 303, 328, 342, 349, 351, 358 ва ҳ.к. бетлар), ўттизга яқин байтда **гулшан** (154, 156, 164, 177, 185, 216, 221, 241 ва ҳ.к. бетлар), яна бир неча байтларда **гулранг**, **гулистон**, **гулбун** (гул бутаси, гул тупи), **гулоб** (атиргул суви, хушбўй сув), **гулгун** (гулранг, пуштиранг), **гулгуна** (юзни қизартирадиган элик, қизил), **гулгул** (қип-қизил, гулдор), **гулбиз** (гул сочувчи), **гулнош** (гул сочувчи), **гулрез** (гул тўкувчи, гул сочиш), **гулбарг**, **гулфом** (гулранг), **гулжабин** (гулдай ҳусндор) кабилар учради.

Мана бу байтда ҳаётдаги гулзор билан боғлиқ ажойиб ташбеҳ бор:

*Оразинг шавқидаким, ашким тўкар кўз мардуми,
Боғбон янглиғдурким, су очар гулзор учун (328).*

Боғбон, гул, гулзор, уни суғориш – бу ҳаммага таниш манзара, ҳаётда мавжуд ҳолат. Шоир ундан бошқача хулоса чиқаради. Унинг таъкидича, маъшуқа юзи – гул, гулзор, ашк – кўз ёши. Гулзорни суғориш учун сув манбаи. Кўз мардуми эса боғбон ўрнида. Мардумнинг бир маъноси одам эканлигини биламиз.

Гулзор билан бирга баъзи байтларда **гулшан**, **чаман**, **гулистон** атамалари ҳам ишлатилган. Мана бу байтда гулзор маъносида гулшан ишлатилган:

*Дўстлар, гулшан аро сарви равонимни тиланг,
Топибон келтурсангиз, муздига жонимни тиланг (241).*

Лирик қахрамон висолга ташна. Ёрини боғда, гулшанда кўришни истади. Бу ишни ким бажарса, хизмати учун жонини беришга тайёр.

Кўпгина байтларда гул билан алоқадор қисмлар маъшуқа юзи, оғзи, лаби тавсифида келтирилади. Юзнинг чиройлилиги, қизиллиги, лабнинг ҳам худди шундай (нозиклиги ҳам), оғизнинг кичиклиги, қизиллиги, нафислиги, камгаплиги кабилар таърифида улардан фойдаланилган. **"Гулрўй"**,

² А л и ш е р Н а в о и й. Фавойид ул-кибар \ Мукамал асарлар тўплами, XX жилдлик, 6-жилд. – Тошкент: "Фан", 1990, 237-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Т.Х.

"гулрух", "гулрухсор", "гулъузор", "гулюз", "гулчехр", "гулдек кафт" кабилар.

Девонда "гул" сўздан кейин энг кўп учрайдигани "ғунча". Элликка яқин байтда бу сўз кўзга ташланди. (17, 21, 154, 158, 160, 170, 226, 235, 243, 250, 298, 346, 350, 374 ва ҳ.к. бетлар) Асосан, маъшуқа оғзи таърифи жараёнида, ошиқ ҳолатини беришда ва кўнгилга қиёсланганда қўлланилган.

*Сен эдинг кўнглум аро, ҳар неча чок эттим кўнгул,
Ғунчадекким, ҳар қаён очилди – зоҳир бўлди гул (252).*

Ғунчанинг гулга айланиш жараёнини яхши биламиз. Ғунча қатлари очилиб-очилиб гулга айланади. Шу ҳолат ошиқ ва унинг кўнглига қиёсланмоқда.

Навоий "Фавойид ул-кибар" девонида 20 га яқин гуллар номини келтириб, ташбеҳларнинг гўзал намунаси яратади. Девонда "лола" (20 дан ортиқ байтда), "райҳон", "раъно", "сунбул", "вўсма" (бу ўсимликка ҳам гул деб қарасак), "бинафша", "нилуфар", "нофармон", "насрин", "настарин", "настаран", вард (атиргул), "наргис", "савсан", "чечак" каби гуллар номлари учрайди. Буларнинг ҳаммасига мисол келтириш, таҳлил қилиш мумкин.

Навоий девонида гул, у билан боғлиқ тушунчалар, ғунчадан сўнг энг кўп учрайдигани "лола" ва у билан алоқадор тасвирлар етакчилик қилади. Лола, унинг табиатда учраши, кўриниши, ўсиш макони, ранги, баргидаги доғлар ҳақида яхшигина тасаввурга эгамиз. Навоий ана шу жиҳатлардан маълум ғоявий-бадий ниятини ифодалаш учун фойдаланади.

Мумтоз адабиётдаги деярли ҳар бир шоир шеъриятида гул, унинг турлари, лола ҳақидаги тасвирлар кўзга ташланади. Навоийгача бўлган давр шеъриятида, айниқса, Лутфий шеъриятида лоланинг ўзига хос гўзал тасвири учратамиз:

*Юзунгдин лола ранг этиб уёлиб шахрга кирмас,
Анинг бўйнин киши бозлаб кетурмоғунча саҳродин³.*

Бу байтда лола билан боғлиқ бир неча тушунчалар мавжуд: 1. Лоланинг ранги – қизиллиги. 2. Ўсиш жойи – саҳро. 3. Лолага халқ муносабати – баҳорда сайлга чиқиш, лола териш, даста-даста қилиб олиб келиш. 4. Маъшуқа юзи ва лола қиёси – ёр юзи гўзалликда лола чиройидан ҳам устун эканлиги. 5. Лоланинг ҳолати – ҳуснда маъшуқадан кўримсизроқлиги сабабли уялиши.

Девони мутолааси жараёнида лола билан бирга "лолазор", "лоларух", "лолагун" (лола ранг, қизил), "лолафом" (лолагун), "лоласитон" (лолазор) сўзлари кўзга ташланди. Жумладан, мана бу байтга назар солайлик:

*Даме гул бирла сунбул хайлидин ўт,
Замоне лолаю райҳон сари эс (164).*

³ Л у т ф и й. Сенсан севарим. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 181-бет.

Шоир девонида гул, унинг турлари тез-тез учраб туради. Бу байтда "гул", "сунбул", "лола", "райхон" тилга олинган. Ғазалнинг биринчи байтида лирик қаҳрамон "эй боди сабо" дея шамолга мурожаат қилади. Боди сабонинг эсиб жонон сари бориши, унинг кўйида ошиқнинг арзу ниёзини баён этиши, йўл-йўлакай боғ, гул, сунбул, лолаю райхон саридан ўтишини сўрайди. Байтда табиатдаги гуллар, жумладан, лола ҳам қайд этилмоқда.

Шоир ғазалларида лола кўпгина ўринда ёрнинг юзи (қизиллиги, чиройи)га, яъни лола ранги ва маъшуқа хусни қиёси учун қўлланилган. "Лола юз", "лоларух", "лолаузор", "лолагун", "лолазор" кабилар шу маънода. Мана бу байтда "эй лоларух" дея маъшуқага мурожаат қилинмоқда:

*Агар булбул гулистон ичра кўрди хордин озор,
Ва лекин кўрмади, эй лоларух, озор мен янглиғ (207).*

Булбул, унинг ноласи, гул, баҳор тушунчалари кўп учрайди. Бу ошиқ ҳолатига ташбеҳланади. Булбул учун чаманзор, гулзор муҳим. Аммо унга ҳам гулнинг тикани "хор"идан озор етади. Аммо ошиқ чекаётган изтироб олдида у ҳеч нарса эмас. Буни ошиқ ўз маъшуқасига алоҳида мурожаат билан етказмоқда.

"Чаманзор", "гулзор" каби "лолазор", "лоласитон" сўзлари мавжуд. Бу лола ўсадиган кенг майдонни англатади. Мана бу байтда ана шу лолазор назарда тутилган:

*Юзингда хол гавгоси аро гулгуна зебиндин,
Кўзунг жайронлари ўйнарга гўё лолазор эттинг (244).*

Юз, ундаги хол-гулгуна гўзаллик ҳосил қилган. Кўз ҳам шу жойда. Шоир ана шу ҳолатни табиатга кўчиради. Лолазор, унда яйраб, завқланиб ўйнаётган жайронлар кўз олдимишга келади. Юз, ундаги хол – лолазор. Кўз эса жайронлар. Мана бу байтда лолазор юз маъносида:

*Дегайким: бўстонафрўз ичида тухми сочилмиш,
Биравким холлар кўрса, узоринг лолазоринда (22).*

Юз лолаларни англатса, "бўстонафрўз"даги тухумлар эса хол ўрнида. Шу маънога яқин фикрлар мана бу мисраларда ҳам кўринади. Унда табиатдаги икки ҳаётий воқеага ишора қилинади. Биринчиси лолазорда илоннинг бўлиши, иккинчиси оловдаги қилнинг ҳолати:

*Қон ёшим ичра таним тўлганганин наззора қил,
Лолазор ичра йилон гар кўрмадинг, ўт узра қил (258).*

Ошиқ маъшуқа ҳажрида қон ёш тўкади. Қон ёш мумтоз адабиётда энг кўп учрайдиган тасвир. Бу дард, азоб, ғам-қайғуга ботган ошиқ ҳолати. Қон ёш – лолазор (қизиллиги), илон – ошиқ танаси, ўт – бу ҳам қизиллик, унда қуяётган қил эса, лирик қаҳрамон вужуди. Ҳаётда учрайдиган бу икки манзара ошиқ кечинмасини ифодалашда қўл келган. Лола барглари парча-

парча. Майда бўлақларга ажралган. Мана шу кўриниш ҳам бир неча мақсадда ишлатилган. Ошиқ кўнглининг шакли, бағир, чок кўйлак ва бошқалар.

*Кўнглумники парголалар этти гами ҳажринг,
Лола варақидек борида доғ ила қондур (102).*

Биламизки, лола қизил, барглари айри-айри, ичида қора доғлари бор. Ана шу манзара ошиқ ҳолатига қиёсланмоқда. Ошиқ кўнгли, унинг қизил қони, ҳажрдан пайдо бўлган доғлар.

Баъзи байтларда лоланинг ўсиш, чиқиш жойлари ҳам назарда тутилган. Лола баҳор фаслида сахро, қир-у адирлар, йўл ёқалари, экинзорларда, сувоқ томлар устида кўриниш беради. Мана бу байтда эса, бошқачароқ тасвир:

*Бузуғ кўнглум аро хатту узоринг, эй баҳори ҳусн,
Эрур андоққи, буткай сабза бирла лола вайрондин (315).*

"Эй баҳори ҳусн" – бу маъшуқа. Баҳор, вайрона, кўк майса-ўтлар, у ер-бу ерда кўриниб қолган лолалар – ҳаммамизга таниш манзара. Лекин лола ўсган жой вайрона, бузук, кўримсиз манзил. Шоир ана шу тасвирдан ошиқ ҳолатини беришда фойдаланган. Вайрона – бу ошиқнинг кўнгли. Маъшуқа хати – сабза, юзи – лола.

Лола сўзи учрайдиган айрим байтларда кафан тилга олинади. Ёр "юзи лоласи" ҳажридан қайғуга ботган, хатто ўлим ҳолига келган ошиқ кўйлаги унга кафан бўлгани, сабога мурожаат қилиб, лоладан қонлиғ кафан қилиши тасвирланса, мана байтда бошқача тасвир:

*Лоладек қонлиғ либосим бирла дафн айланг мени
Ким, шаҳиди ишқ маъҳуди кафанга кирмади (437).*

Вафот этган киши кафанга ўраб дафн қилинади. Бу ҳаётий воқеа. "Маъҳуд" – одат. Ошиқ фикрича, "шаҳиди ишқ"ни – ишқ йўлида шаҳид бўлган кишини кафансиз кўмиш жоиз. Шунинг учун ҳам ошиқ "лоладек қонлиғ" либоси кафани бўлишини истайди. "Лоладек қадах", "лолагун кафан", "лола уруғи", "лоладек вафоси йўқ" каби тушунчалар билан алоқадор байтлар ҳам анчагина. Буларнинг ҳаммаси маълум вазифаларни бажариш мақсадида қўлланилган.

Ошиқона (маъшуқа кўриниши, аъзолари тасвири, ошиқ кечинмалари тасвирида), риндона (май билан боғлиқ тасвирларда), диний-тасаввуфий (давр, дунё ҳақидаги қарашларда), пейзаж (ҳаёт, табиат тасвири, маъшуқа ва ошиқ ташбеҳларида) руҳдаги ғазалларда гул билан боғлиқ тимсолу ташбеҳлар кўп намоён бўлади. Шеърятни янада гўзал, нафосатли, таъсирли ва завқли қилишда ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг "Фавойид ул-кибар" девонида гуллар билан боғлиқ тушунчалар, гуллар турларининг қўлланиши, бундан шоирнинг мақсад ва вазифалари кабилар ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассмотрены понятия, связанные с цветами, использование видов цветов, освещены цель и задачи поэта в таком использовании на примере стихов из дивана Навои "Пользы старости".

RESUME. In this article, flowers, the concepts related to them, the use of types of flowers, the goals and tasks of the poet are covered in Navoi's book "Favoyid ul-kibar".

Таянч сўз ва иборалар: Навоий, девон, "Фавойид ул-кибар", гул, лола, гунча, бинафша, ошик, маъшуқа.

Ключевые слова и выражения: Навои, диван, "Пользы старости", цветок, тюльпан, бутон, фиалка, влюблённый, возлюбленная.

Key words and word expressions: Navoi, devan, "Favoyid ul-kibar", flower, tulip, bud, violet, lover, suitor.

Нигора ЖЎРАЕВА

ЖОМИЙ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛИ

Буюк шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий ижодидаги муҳим фалсафий масалалардан бири комил инсон талқинидир. Бу фалсафий тушунчани англаш ва унга эришиш жуда қадимги замонлардан буён инсониятни, унинг етук намояндаларини ўйлантириб келган.

Комил инсон тушунчаси инсоннинг ҳар жиҳатдан мукамаллигини, аниқроқ айтганда, инсоннинг маънавий, ахлоқий, ақлий ва жисмоний баркамоллигини англатади. Муҳаммад алайҳиссалом, чорёрлар, буюк сўфийлар Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сайид Али Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоийлар шундай комил инсонлардир.

Абдурахмон Жомийнинг ҳам шулар каби етук комил инсон бўлиб, ўз асарларида ушбу муаммога алоҳида диққат қаратган. "Юсуф ва Зулайхо" достонидаги Юсуф, "Лайли ва Мажнун"идаги Мажнун, Лайли, Навфал, "Хирадномаи Искандарий" асаридаги Арасту каби образлар комил инсонлар тимсоли бўлиб, муаллиф улар сиймосида ўз идеалидаги мукамал кишиларни гавдалантирган. Шу билан бирга, у бошқа асарларида, чунончи, "Субҳат ул-аброр" ("Яхшилар тасбеҳи"), "Силсилат уз-заҳаб" ("Олтин занжир") ва "Тухфат ул-аҳрор" ("Поклар тухфаси") маснавийларида комил инсон қандай фазилатларга эга бўлиши лозим деган масалани қўйиб, бу борадаги фалсафий-бадий қарашларини олға суради.

"Субҳат ул-аброр" маснавийси айни жиҳатдан алоҳида диққатга молик. Бу асар 40 иқд (боб)дан иборат бўлиб, унда муаллиф комил инсон ҳақидаги қарашларини ўзи мансуб бўлган нақшбандийлик тариқати (силсиласи) нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Улуғ мутафаккир ҳар бир иқдда комил инсонга хос бир фазилатни таҳлилга тортиб, уни далиллар билан асослайди. Чунончи, биринчи иқдда дил ҳақида фикр юритиб, комил инсонга хос энг муҳим фазилат дил поклиги эканлигини асослаб беради. Улуғ шоир талқинича, инсоннинг дили уйғоқ бўлмаса, у одамийлик касб эта олмайди. Чунки қалби, дили тирик, уйғоқ бўлмагanning ўликдан ёки девордан фарқи йўқ:

*Бе дили зинда чӣ мурдор, чӣ ту,
3-ин шараф монда чӣ девор, чӣ ту?*

Дил уйғоклиги Ҳақ, ҳақиқат йўлини танлаш ва уни излашдан бошланади. Тўғрилиқ, поклик йўлидан бориш дилни поклабгина қолмай, у комилликка мансуб бошқа фазилатларни эгаллашга ҳам йўл очади. Шулардан бири ширинсўзлик бўлиб, 2-икдда шу ҳақида сўз боради.

Жомий ширинсўзлик дил поклиги билан боғлиқлигига урғу бериб, уни кон гавҳарига тенглаштиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, сўз одамнинг мавжудлиги ва бошқа мавжудотдан фарқланишини ифодаласа, ширинсўзлик одамнинг одамдан фарқланишини ва унда ҳақиқий одамийлик мавжуд эканини намоиш этади. Ёмон сўз одамни ўлдириши мумкин бўлганидек, ширин сўз ўлганни тирилтириши, инсониятга абадийлик бахш этиши ва хомларни пишириши, яъни ҳамма кишилар ҳамда нарсаларга мукамаллик бахш этиши мумкин:

*Нест дар кон ғуҳаре беҳтар аз ин,
Ё дар имкон ҳунаре беҳтар аз ин...
Номаи кавн ба вай тай шудааст,
Одамӣ, одамӣ аз вай шудааст...
Ба суҳан зинда шавад номи ҳама,
Ба суҳан пухта шавад хоми ҳама¹.*

Жомий 2-икддаги фикрларини асослаш учун бир ҳикоят келтириб, унда золим подшоҳ Ҳажжож томонидан ўлимга буюрилган гуноҳкорлар ўлдирилаётганда, ўлдирилиш навбати келган бир кишининг ўз ширинсўзлиги ва таъсири нутққа эгаллиги билан ўлимдан халослик топганини баён қилиб, ширинсўзлик, гапга чечанликнинг амалий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Буюк файласуф шу тарзда кейинги икдларда ҳам бирма-бир комиллик белгиларини чизиб, кишиларни уларни мукамал эгаллашга чорлайди. Воқеан, 9-икдда тавба ҳақида фикр юритиб, қилган гуноҳлардан афсусланишга ва гуноҳ қилмай яшашга чорласа, 10-икдда олдинги фикрларини ривожлантириб, гуноҳ қилмай ва тавбага ўрин қолдирмай яшаш учун вараъга риоя қилиш, яъни парҳезкор бўлиш лозимлигини таъкидлайди. 11-икдда зуҳд (тақводорлик) ва бу дунё лаззатларидан воз кечишнинг аҳамиятини, 12-икдда фақр, яъни камтарона ҳаёт кечиришнинг афзаллигини ёритар экан, 13-икдда юқоридаги фикрларини сабр мақомида жамлайди.

Сабр шундай бир ноёб мақомки, у қамишни шакарга, тошни гавҳарга айлантиради. Шу сабабли қамиш ва тошдек сабрли бўлиш инсоний камолотга етишда муҳим аҳамиятга эга бўлади:

*Сабр кун ҳамчу шакар бо дили танг,
Сабр кун ҳамчу ғуҳар дар дили санг.
Нашавад най ба ҷуз аз сабр шакар,
Нашавад санг ба ҷуз сабр ғуҳар (60).*

¹ Абдурахмони Жомий. Субҳат ул-аброр \\\ Осор, жилди 4. – Душанбе: "Адиб", 1988. – С. 32. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қас ичида кўрсатилади. – Н.Ж.

Жомий фикрича, сабр шукрсиз комил бўла олмайди. Шу сабабли у 13-икдда шукрга тўхталиб, уни сабрнинг мукамаллини белгиловчи камолот зинаси сифатида талкин этади. Шоир ўз фикрларини ривожлантириб, сабр ва шукрни эгаллаган инсоннинг хаёли ва қаноатда мукамал бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлайди. Бу фикрлар 23- ва 24-икдларда асослаб берилгач, 30-икдда тавозе (хоксорлик)ка чорланади. Кейинги икдларда эса мулойим, бардошли, кечиримли, саҳий, ҳамма билан дўст ва қадрдон бўлишга ундовчи фикрлар гали келади:

*Даҳан аз гуфтани беҳуда бубанд,
Лабат олуда ба ноҳуш нарисанд.
Баҳри озор мақаш теги забон,
Бор забунон магузор тегзанон...
Ҳилм киштиву ғазаб тўфон аст,
Соҳиби ҳилм чу киштибон аст.
Пеша кун афв ба ҳубиву х(в)аши,
Бигзор аз ноҳушиву кинакашӣ... (106).*

Асарнинг 38-икдида Жомий ўз ўғли Зиёуддин Юсуфга ва 39-икдда эса ўз нафсига қилган ўғитларида ҳам комил инсонликка чорлов очик кўринади. Чунончи, уларда умрни ғанимат билиш, илм ва ҳунар ўрганиш, ўз ризкини ҳалол меҳнат билан топиш, олижаноблик, инсонпарварлик йўлидан бориш, нафсга эрк бермаслик, пок яшаш, ҳаммага яхшилик қилиш каби эзгу фазилатларга даъват этилади.

Жомийнинг таъкидлашича, комил инсонликка етиш шу фазилатларни эгаллаш билан кифояланмайди. Шу сабабли улуғ мутафаккир бу борадаги фикрларини давом эттириб, ўзининг "Силсилат уз-заҳаб", "Ҳирадномаи Искандарӣ" ("Искандарнинг донишмандлик китоби"), "Тухфат ул-аҳрор", "Саламон ва Абсол", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун" дostonларида ҳам комил инсонлик сифатларини баён қилади. Шунингдек, улуғ файласуфнинг "Нафаҳот ул-унс" ("Дўстликнинг хуш ислари") манокӣб-тазкираси, "Чиҳил ҳадис" ("Қирк ҳадис"), "Шавоҳид ун-нубувват" ("Пайғамбарлик далиллари") асарлари ва шеърларида ҳам комил инсон сифатларининг у ёки бу жиҳатлари ёритилганлигини кўриш мумкин.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдурахмон Жомий ижодидаги муҳим фалсафий масалалардан бири бўлган комил инсон талқини унинг "Субҳат ул-аброр" асари мисолида тадқиқот доирасига тортилган. Бу асар 40 икд (боб)дан иборат бўлиб, уларда дил поклиги, ширинсўзлик, камтарлик, сабр, меҳнатсеварлик, яхшилик, поклик ва шу каби инсонни комилликка чорловчи ахлоқий категориялар таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье освещается, что одним из важных философских проблем в творчестве Абдурахмана Джами является толкование гармонично развитого человека, который в своём произведении "Субхат ул-аброр" уделяет особое внимание воспитанию таких людей. Данное произведение состоит из 40 глав, в которых анализируются этические категории, побуждающие человека к совершенствованию: чистота сердца, красноречие, смирение, терпение, трудолюбие, доброта, чистота и др.

RESUME. In this article, one of the important philosophical issues in the work of Abdurahmon Jami is the interpretation of a perfect human being and he paid special attention to the education of such people in his work "Subhat ul-abror". This work consists of 40 pearls, in which are analyzed ethical categories like the purity of heart, eloquence, humility, patience, hard work, kindness, purity and such kind of qualities that encourage a person to perfection.

Таянч сўз ва иборалар: комил инсон, тарбия, дил поклиги, ширинсўзлик, камтарлик, сабр, поклик.

Ключевые слова и выражения: гармонично развитый человек, воспитание, чистота сердца, сладкоречие, скромность, терпение, чистота.

Key words and word expressions: perfect person, education, purity of heart, eloquence, humility, patience, purity.

Олимжон АБДУЛЛОЕВ

ШОИРАНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ

Бадиий маҳорат тадқиқотчилар назаридаги энг мунозарали ва айни пайтда, энг долзарб масалалардан бири саналади. Ҳар бир сўз санъаткорининг маҳорати ўрганилар экан, ўша ижодкорнинг илк ижодидан бошлаб, унинг юксакликка эришгангача бўлган даврини поғонама-поғона тадқиқ этиш, изчил ўрганиш, яхлит текширишга ҳаракат қилинади. Шу билан биргаликда, ижодкорлар маҳоратининг ўзига хос томонларини, поэтик услубларини кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Поэтик маҳоратни тадқиқ этиш ижодкор асарлари бадииятини кашф этиш, ундан адабиётнинг ривожига учун сабоқлар чиқаришнинг бош омилidir. Зеро, "санъаткорлар маҳорати адабиётнинг тасвирий воситаларини мукаммал эгаллаш билан бирга ҳаётни тўғри ва ўткир кўз билан кўришни англатади. Бинобарин, сўз санъатининг ички қонуниятларини ва унинг техникасини эгаллаш, тилнинг бой имкониятларидан фойдалана олиш ҳамда адабиёт тарихи эришган ютуқларни ўзлаштиришнинг ўзи ҳали маҳорат эмас. Маҳорат, аввало, ҳаётни ва ундаги янгиликни кўра олиш, бу янгиликни туғилиш жараёнида, улғайиш мавсумида ва бутун тараққиёт тенденцияларида ўрганиш, уни қайтарилмас бадиий шаклда акс эттириш ва тасдиқлашда намоён бўлади. Ҳаётдаги янгиликни акс эттиришга бўлган уриниш янги шакл, янги образ ва янги сўз излаш масалалари билан бевосита боғланади"¹.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида ўзининг ёрқин ижоди билан ўзбек адабиётига кириб келган тожикистонлик ўзбек шоираси Мунаввара Ойматова шу пайтгача бўлган ўзининг ижодий фаолияти мобайнида шеърят, наср, танқидчилик ва публицистика соҳасида самарали ижод қилди. Унинг шеърляти, мақолалари халқимизнинг миллий ғурурини, ўз кадрлятилари, анъаналари, тили ҳамда маданиятига муҳаббат ва ҳурмат руҳини янада юксалтиришга хизмат қилади.

М.Ойматова 1970 йилнинг 9 февралда Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрида таваллуд топди. Болалик ва ўқувчилик йиллари Деваштич ноҳиясининг Қизили қишлоғида ўтди. Шу қишлоқдаги 3-мактабда таҳсил олди. Адабиётга қалбида ҳавас уйғонган Мунаввара ўқувчилик йилларидаёқ китобга ҳавас қўйди, шеър ёзишни машқ қила бошлади. Мактабни тугатганидан сўнг 1990 йилда ҳозирги Хўжанд ДУга ўқишга кирди. Шоиранинг бир қатор ижод намуналари айни талабалик йилларида нашр

¹ Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Тошкент: "Фан", 1964, 6-бет.

қилинди. Унинг илк шеърлари "Халқ овози", "Суғд ҳақиқати", "Қадрият" рўзномаларида чоп қилинди. "Мозаика" (Хўжанд, 2010), "Ғусса марсияси" (Хўжанд, 2012), "Соҳилдаги битиклар" (Хўжанд, 2012) каби қатор шеърӣ китоблари нашр этилди.

Шоиранинг кўпгина шеърлари муҳаббат мавзусида ёзилган бўлиб, ишқ борасидаги ҳис-туйғуларини мазкур шеърлар қатига сингдириб юборади. Уларда шоиранинг руҳий тугёнлари, қалб эҳтирослари ҳамда уларни изҳор қилишдаги маҳорати акс этади:

*Тўрт фаслдан кечсин дунёлар,
Тўрт фаслдай кечсин рўёлар.
Ишқдан тумор қилинг юракка,
Юрак ёнсин, ёқсин зиёлар. ...*

*...Ай, дардимдан сунилган шароб,
Ай, дард каби, эй кўнгли хароб.
Ишққа тўлди олам, бир ишққа,
Қадаҳларда ишқ айшу тараб. ...²*

Шоира шеърларида ҳам мажозӣ, ҳам ҳақиқӣ ишқ тараннумини кузатиш мумкин. "Тариқат шевалари" номли туркуми ва қатор шеърларида буни кўрамиз. Бундай шеърларида у Оллоҳга мурожаат этади ва ундан мадад сўрайди:

*Обидлар ор этган ишқлар ор эмас,
Зоҳидлар дор деган шират дор эмас,
Ишқсиз ул бандаки менга ёр эмас,
Менга соғинч бер... (34–35)*

Куйидаги мисраларда машҳур сўфийлардан бири Боязид Бистомӣга ишора бор. Ривоятларга кўра, Боязид Бистомӣ ибодат қилганида, унинг ичидаги суяклар ҳам овоз чиқариб, Оллоҳнинг номини такрорлар экан. У бутун вужуди билан ҳақиқӣ ишқ соҳибига айланган, кўзлаган ягона МАНЗИЛ номи Бир ва Бор бўлган Оллоҳнинг васли экан.

*Суягим куйлайди, ё Оллоҳ,
Етмиш минг томирда номинг бор.
Бир МАНЗИЛ бор икки дунёда,
Васлингга етказгин Биру Бор!³*

Шоиранинг "Мен кетарман..." шеърини ўқиганда ҳар бир одам ўзини бошқа бир оламга – туйғулар оламига кириб қолгандай ҳис этади. Мисралар ўқувчининг қўлларида етаклаб, соғинч мамлақати сари бошлаб кетаётгандай бўлади, гўё. Бу мамлакат ажиб бир дунё. Бу дунё ўзининг бир-бирига ишқ,

² О й м а т о в а М. Ғусса марсияси. – Хўжанд: "Хуросон", 2012, 70-бет. Шоира шеърларидан мисоллар асосан шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – О.А.

³ О й м а т о в а М. Мозаика. – Хўжанд: "Хуросон", 2010, 37-бет.

муҳаббат риштаси ила боғланган Соғинч, Изтироб, Ҳижрон, Висол номли салтанатларига, Мен, Сен, Дил, Дўст, Ошиқ, Маъшуқа деб аталмиш доимий фуқароларига эга. Бу шеърни ўқир экансиз, беихтиёр шу фуқаролар билан суҳбатлашасиз, улар билан сайр қиласиз ва Соғинч уммонида суза бошлайсиз.

*Мен кетарман ўзимни олиб,
Васлсизлик ҳукмига кўниб,
Юзларини юлиб йиғлаган
Сочи тўзган АЁЛга дўниб
Йўллар сени соғинса нетай? (14)*

Ўзликни унутмоқ – ўзни унутмоқ. Ўздан кечмоқлик – Ўзликдан кечмоқ. Шоир ўзлигидан ҳам ўзидан ҳам кечмайди, гарчанд васлсизлик ҳукмига кўнса-да. Бироқ Соғинч мамлакати Соғинчсиз бўлармиди. Сочи тўзгин, юзларини юлиб йиғлаётган АЁЛга дўнган йўл – АЁЛ кетаётган йўл Соғинчга айланади. Йўл уни эслатади. ЙЎЛ – АЁЛ Уни соғинади.

*Паймонаси тўлган Сабримни
Тобут қутар ясатилганча.
Қабристоннинг қаҳрин келтириб,
Очиқ гўрдан узатилганча
Кўллар сени соғинса нетай?! (53)*

Паймонаси тўлган Сабр – АЁЛ. Ўзини олиб ясатилган тобут сари кетаётган АЁЛ. Паймонаси тўлган Сабр – Муҳаббат. Мангуликка дахлдор Муҳаббат марҳумлар диёри – қабристонда ҳам Уни соғинади. Соғинч борми, демак, Умид бор. Умид борми, демак, Келажак бор. Келажак борми, демак, Мангулик бор. Мангу Соғинч, Мангу Ишқ бор.

*Карвонимни итлар талади,
Туяларнинг жараси тинди.
Гармселнинг нафасларидан
Кўнглим тўрғай куйган чўл энди,
Чўллар сени соғинса нетай?! (54)*

Кўнгил итга таланган, Ўтга яланган. Саҳройи Кабирдай чўлга айланган. Бироқ ҳеч нарсасиз қолган шу чўл – шу Кўнгил уни соғинади. Унга интизор, демакки, олдинда ҳали ҲАЁТ бор.

*Ўрмонлари шовуллаб ётган –
Қайғум салтанати сўлимдир.
Парилари жодугар бўлган
Чашим – лим-лим тўлган қўлимдир,
Кўллар сени соғинса нетай?! (55)*

Соғинч мамлакатдаги васлсизлик қайғу салтанатига йўл очади. Бирок қайғу салтанати сўлим, дилрабо, чунки унда Соғинч яшайди. Шодлик юртидаги шўхчан парилар Қайғулар юртида бўлди жодугар. Жодуларнинг макони нигоҳ лим-лим тўлган қўл янглиғ, э-воҳ! Қўллар тошиб чикмоққа тайёр, кўзлар ёшин тўкмоққа тайёр. Соғинч фарзандлари кўз ёшлар Соғинч мамлакатига бошлар. Шундай ҳисларни кўнглидан кечираётган шоиранинг энг қадрли туйғулардан бири бўлган Соғинч туйғуси билан нафас олаётганлигига, яшаётганлигига ишонасиз. Ушбу шеър соғинч ҳисси билан яшаётган ҳар бир ошиқ аёл қалбидан ўрин олишига шубҳа йўқ. .

Ижодкорнинг *"абадият оралаб"* (Ш.Раҳмон) мангуликка дахлдор бўлишига унинг томонидан яратилган ижод намуналари сабабчи бўлади. Шоиранинг шеърларини кўздан кечирар эканмиз, унинг бадий санъатлардан унумли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида келтирилган мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда ошкора ва яширин талмеҳ (*"Қорун"*, *"Ҳарфларда мен Ҳақни кўролдим"*, *"Суягим куйлайди ё Оллоҳ"*), ташхис (*"Йўллар сени соғинса"*, *"Паймонаси тўлган Сабр"*, *"Тобут кутар"*, *"Қабристоннинг қаҳри"*, *"Қўллар сени соғинса"*, *"Гармселнинг нафаслари"*, *"Чўллар сени соғинса"*, *"Қўллар сени соғинса"*), ташбиҳ (*"Кўнглим тўрғай куйган чўл"*, *"Чашим – лим-лим тўлган қўлимдир"*, йўлнинг сочи тўзиган аёлга ўхшатилиши), аллегория (*"Карвонимни итлар талади, Туяларнинг жараси тинди"*) кабиларни кузатишимиз мумкин.

Шу билан биргаликда, одатда, адабиётда *"очиқ қўл"* ибораси ишлатилганда, Искандарнинг очиқ кетган қўллари тушунилади. Яъни бу ибора шох Искандарнинг етти иқлимнинг подшоҳи бўлган бўлса-да, шунча бойлиги бўлатуриб, ўзи билан нариги дунёга ҳеч нарса олиб кета олмаганлиги боис, бошқалар учун ибрат маъносида қўлларини қабрдан ташқарида очиқ ҳолда қолдириб кўмишларини васият қилганлигига ишора (талмеҳ) сифатида қўлланилади. Аммо М.Ойматованинг шеъридаги *"очиқ гўрдан узатилиб турган қўл"* тамоман бошқа маънони, яъни Ишқ ва ўша Ишқ туфайли вужудга келган Соғинч, интизорлик маъноларини ифодаламакда ҳамда машхур адабиётшунос олим Наим Каримов таъкидлаганидай *"янги шакл, янги образ ва янги сўз излаш"* масалалари билан бевосита боғланмоқда.

Ю.Шоназаров, А.Эшон, О.Абдуллоев ва Д.Бозороваларнинг⁴ айрим тадқиқотларида М.Ойматова ижодининг айрим жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тожикистонлик ўзбек адабиёти вакили Мунаввара Ойматова ижодига доир айрим шеърлар асосида шоиранинг бадий санъатлари маҳорати ёритилган. Шоиранинг шеърларида қўлланилган айрим бадий санъатлар кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье раскрывается художественное мастерство представительницы узбекской литературы в Таджикистане Мунаввары Ойматовой. Приведены некоторые поэтические фигуры в стихах поэтессы.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ш о н а з а р о в Ю. Адабий жараённинг баланд-пастликлари \\
"Тонг", 2008 йил 2-, 9-, 16 июль сонлари; Э ш о н А. Маънос табассумлар \\
"Ленинобод ҳақиқати", 2004 йил 28 апрель; А б д у л л о е в О. Бир шеър муталааси \\
"Ленинобод ҳақиқати", 2006 йил, 15 март; Б о з о р о в а Д. Адабиёт яшаса, миллат яшайди \\
"Қадрият", 2020, 1–2-сонлар;

RESUME. The article discusses the issue of artistic skills of the poetess on the basis of some poems about the work of Munavvara Oymatova, a representative of Uzbek literature from Tajikistan. Some artistic arts are used in the poems of poetess.

Таянч сўз ва иборалар: шеър, шоира, ишқ, соғинч, сабр, бадий санъат, бадий маҳорат.

Ключовые слова и выражения: стихотворение, поэтесса, любовь, терпение, поэтическая фигура, художественное мастерство.

Key words and word expressions: poetry, poet, love, patience, artistic art, artistic skill.

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

"ИБЛИС ДЕВОРИ" ҚИССАСИДА РЕТРОСПЕКТИВ СЮЖЕТ

Тоҳир Маликнинг "Иблис девори" қиссасида икки ака-ука оилавий, маиший ҳаётининг баъзи қирралари талқин қилинган. Бевосита уларнинг ҳаётини тасвирлаш асносида жамиятда юз бераётган жараёнлар ҳам қисқа лавҳалар орқали бериб ўтилади. Ҳар қандай асар сюжетининг пойдевори ҳаётдан олинади. Кейин у ёзувчи ғояси ва асар мавзусига мос тарзда бадийлаштирилади. Шундай бадийлаштиришни асар муқаддимасиданоқ кузатишимиз мумкин. Муқаддима пейзаж тасвири билан бошланади. Қиссанинг қисқача мазмуни қуйидагича. Икки ака-ука ота-оналари ҳаётлик пайтлари бир ҳовлида узоқ йиллар тинч яшайди. Она анча йиллар олдин ўлиб кетган. Отанинг вафотига кўп бўлмаган эди. Тўлқин тўнғич фарзанд, ички ишлар бўлими ходими, ҳалол одам. Кенжа фарзанд Саттор. Ота ҳеч бўлмаса шу ўғлини ўз касбининг давомчиси бўлишини хоҳлайди. Унга кимё фани мутахассиси бўлиши учун шароит яратиб беради. Олдин ота орзусини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилиб юрган Саттор кейинчалик бу ишни ташлаб қўяди. Ака-ука битта ҳовлида яшайди. Рўзғор катта, Тўлқиннинг учта ўғли, Сатторнинг эса иккита қизи бор. Сатторнинг хотини Ободхон ҳовлига эга чиқиш мақсадида кўпдан бери ҳаракатга тушган, шу туфайли эрининг ҳам тинчини бермай юрган эди. "Кенжа ўғил уйда қолиши керак, акангиз уй олиб чиқиб кетсин", – деб кўзини очирмайди. Айниқса қайнотаси вафотидан сўнг ундаги яширин хоҳиш-истаклар энди ошқора намоён бўла бошлайди. Ободхон хориждан ноқонуний равишда савдо-сотик учун олиб келаётган молларини божхонада олиб қўйишади. Тижорат билан шуғулланиш пайида бўлган, лекин уни уудалай олмагандан кейин шаҳар ички ишлар бўлимида ишлайдиган қайноғаси Тўлқиндан нажот кутади. Тўлқин ҳалол одам. Шу туфайли бу ишларга аралашмайди.

Ёзувчи сюжети ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланмиш конфликтни асар сахнига олиб чиқишда кўпроқ дунёқарашлари бир-бирига зид бўлган қаҳрамонларни танлаган. Бу эса конфликтни ривожлантиришда муаллифга қўл келади. Бадий асар сюжетида конфликтнинг пайдо бўлиши ва бошланишига сабаб бўладиган воқеа – тугун саналади. Тугун ҳаракатни белгилайди, воқеалар ривожига туртки бўлади, унга йўналиш кўрсатади. Ҳовли борасидаги зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлган бу воқеа асарнинг тугуни сифатида кейинги воқеалар занжирига уланиб кетади. Шу сабаб ҳовлига девор тортиб уйни иккига бўлиш масаласи кўндаланг

қўйилади. Қиссадаги кейинги ҳодисалар шу воқеага бевосита ёки билвосита алоқадорликда бўй кўрсатади.

Қисса 23 қисмдан иборат. Ёзувчи асар қисмларини мавзусига монанд тарзда талқин қилишда гоҳ хроникал, гоҳ ретроспектив сюжет типидан фойдаланади. Шу усул орқали китобхонни ҳодисаларнинг хушёр кузатувчисига айлантиради. Муаллиф воқеа ривожини кескинлаштиришдан олдин лирик чекинишлар ҳам қилади. Шу орқали муаллиф ўзининг жамият ҳақидаги мулоҳазаларини, муайян ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабатларини ҳам бериб ўтади. Бундан ташқари лирик чекиниш орқали образларнинг руҳий дунёсини ифодалайди, қолаверса, кейинги воқеалар ривожини учун йўл очади. Ёзувчи бир хил лирик чекинишлардан фойдаланмайди. Бу борада гоҳ лирикага мурожаат этса, гоҳида эса монолог ва табиат тасвиридан ҳам фойдаланади.

Қиссада иккита сюжет тармоғи параллел кетади. Биринчиси айни пайтда асарнинг фаол иштирок этаётган персонажлари ҳаракати орқали юзага келади. Иккинчиси эса ака-укаларнинг марҳум ота-онаси ва ҳаёт бўлиб турган кекса амакиси Иброҳим билан боғлиқдир. Иброҳим бир пайтнинг ўзида иккала тармоқда ҳам сюжет ривожига ўз таъсирини кўрсатадиган образ сифатида талқин қилинган. Иккала тармоқ ҳам асарнинг умумий ғоясини тўлдиради, бойитади, ривожлантиради. Ҳар иккала тармоқда ҳам ота-она, уй-жой, мол-мулк, мансаб-мартаба каби тушунчалар ҳалол ва ҳаром зиддиятлари, нафс ва иймон кураши каби мавзулар борасида сўз боради.

Асар воқеалари талқинида сюжетнинг бир қанча типлари синтезлашган ҳолда берилган. Шунга қарамаздан, ретроспектив сюжет типи бошқаларига қараганда кенг тарзда ва фаол ишлатилган. Ретроспектив сюжет типи воситасида яширин бўлган савол ёки ҳодиса бир пайтнинг ўзида асар қаҳрамонлари билан биргаликда китобхон учун ҳам очиқланади. Муаллиф қиссада сюжетнинг бу типини маҳорат билан қўллашда маромни ҳам сақлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, муаллиф қиссада ретроспектив сюжет типини қўллашда ҳар хил воситалардан моҳирона фойдаланган. Асарда сўз юритилаётган воқеалар олис ёки яқин тарихининг ўқувчилар учун қоронғи нуқталари муаллиф тилидан қайта ҳикоя қилиб бериш орқали очиқланадиган ўринлар ҳам учрайди. Бу усулдан қисса бошидан то охири қадар ўқтин-ўқтин фойдаланилган. Умуман олганда, сюжетнинг ретроспектив типи ҳақида адабиётшунос олимларимиз бир-биридан унча фарқ қилмайдиган таъриф-тавсифлар беришган. Масалан, Тўхта Бобоевнинг "Адабиётшунослик асослари" китобида шундай дейилади. "Яна шундай бадиий сюжетлар ҳам мавжудки, уларда асосий воқеа кульминациядан бошланади, сўнг муаллиф чекиниш усули (ретроспексия)ни қўллаб кульминациягача бўлган воқеа-ҳодисаларни қаҳрамонлар фаолиятлари мисолида кўрсатади... Бундай хил сюжет илмда "ретроспектив сюжет" деб юритилади"¹.

"Иблис девори" қиссасида айни замонда юз бераётган воқеалар билан ёнма-ён тарзда шу воқеаларга туртки берган ёки уларга ҳамиртуруш бўлган ҳодисалар ҳам ретроспектив тарзда бериб борилади. Уларнинг берилиши гоҳо сюжет тугунини ечгандек, гоҳида эса сюжет тугунига яна бир тугун

¹ Б о б о е в Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2002, 123-бет.

кўшгандек таассурот уйғотади. Қиссада азалий ва абадий конфликтнинг бадииятга кўчган кўриниши талқин қилинади. Одам Ато ва Момо Ҳаво замонидан бошланган иблис ва инсон ўртасидаги коллизия Тоҳир Малик ижодининг ўқ илдизини ташкил этади, десак янглишмаймиз. "Бундан ўттиз тўққиз йил муқаддам шу ерларда иблиснинг қиладиган иши деярли йўқ эди. Бундаги боғлар ҳам, худди жаннатдан қувилган каби, гўё унга ҳаром этилган эди. Доимий равишда иш билан банд боғбонлар дам олишга ўтирган чоғларида иблис уларнинг даврасига яқинлашарди-да, нафасини уфурарди. Уларни ғийбатга тортиб, лаззатланиб кетарди"². Муаллиф тилидан берилаётган ретроспективка асосан иблис ва асар бош қаҳрамонлари бўлмиш ака-укаларнинг марҳум ота-онаси билан боғлиқ. Асардаги иблис ва одам, қолаверса, нафс ва иймон ўртасидаги зиддиятлар қисса сюжетининг ҳаракатига туртки бериб турувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Қисса қаҳрамонлари хотираси (эслаши) ёрдамида берилаётган ретроспектив сюжет ҳам асарда ҳажм жиҳатдан бошқа ретроспектив сюжетни ҳосил қилувчи воситаларга қараганда салмоқли ўрин эгаллайди. Образлар хотиралари ёрдамида яқин ва узоқ тарих оний, яъни лаҳзалик ҳолатлар ҳам, ёки бири-бирига уланиб кетадиган, занжирсимон воқеалар ҳам ёдга олинади. "Шеърнинг сўзларини эшитиб, Робия сергак тортди. Бу сўзлар унга таниш эди. Қаерда ўқигани ёки эшитганини дарров эслай олмади.

Ўтди-кетти икки азиз: ҳукми бу тақдир азал,

Боғбони йўқ боғ ҳувиллар, ёмон экан, жигарларим....

Ҳа, эслади: ёзув столи устида бир варақ қоғозга ёзилган шеър эди у. Робия уни ўқиб ғоят таъсирланган эди. Ўғлидан "Бундан ўзинг ёзддингми?" деб сўраганида Баҳриддин "ҳа" ҳам, "йўқ" ҳам демай жилмайиб қўйган эди" (46). Тўлқин ва Робиянинг тўнғич ўғли Баҳриддин Корейда бўлиб ўтган халқаро танловда ғолибликни қўлга киритган эди. Халқаро танлов ғолибидан мухбирлар интервью олишади. Бир нечта саволларга жавоб бериш баҳонасида юқорида биз қисқартириб берган шеър ҳам ўқилади. Лекин Баҳриддиннинг ўқиган шеъри ота-онасини хурсанд қилиш ўрнига анча маъюслантиради. Шу аснода муаллиф Робиянинг хаёллари орқали замонни ортга қайтаради. Ва бу жараён нисбатан кўпроқ вақт оралиғида бўлади. Яъни ҳодиса батафсиллик билан эсланади. Ёзувчи бирор ҳодисани қайта-қайта эсга олиш, уни ўзича таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш каби жараёнларни кўпроқ аёл образлар орқали амалга оширади. Эркак образларида эса оний, лаҳзалик ҳолатлар билан боғлиқ ретроспективка кўпроқ учрайди. Ёзувчининг синчковлигини аёл ва эркак табиатини кузатиб, уларнинг феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда образларга ҳам шу хусусиятларни сингдирганлигини юқоридаги парча ҳам кўрсатиб турибди. Бу каби ҳолатларни қиссанинг ҳар бир образида ва ҳар бир образнинг ҳаракатларида ҳам учратиш мумкин.

Юқорида берилган шеърнинг ҳам қисса сюжетида ўзига хос ўрни бор. Тўлқин ва Робиянинг тўнғич фарзанди Баҳриддин томонидан айтилган бу шеър бир пайтнинг ўзида бир нечта функцияларни бажармоқда. Биринчидан, шеър орқали айтилаётган гап эшитувчига ёки ўқувчига таъсирчанроқ етиб боради. Иккинчидан, Баҳриддиннинг шеър ёзган ва шеърни айтаётган пайтдаги ҳолати, кайфияти, руҳий кечинмалари уни тинглаётган ота-онаси-ю

² М а л и к Т. Иблис девори. –Тошкент: "Ўқитувчи", 2018, 30-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – А.А.

шу билан биргаликда китобхонга ҳам ортиқча изоҳсиз маълум бўлади. Берилган шеърни бадиият нуқтаи назаридан юксак баҳолай олмаймиз. Таҳлил йўналишимиздан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, шеърда ретроспектив сюжет ичидаги яна бир ретроспектив сюжетнинг ғира-шира нури кўринади назаримизда.

Қиссада ўтмишда рўй берган лаҳзалик ҳолатлар ҳам, образларнинг хотираларида чакмоқ чакқандек ялт этиб бўй кўрсатадиган ҳолатлар ҳам учрайди. "Яраланган Тўлқиннинг тун тун эмас, гўё лаҳат зимистони бўлди. Ҳаётдан тўйиб кетган. Миллиардлаб одамларга етиб бораётган ҳаво унга етмаётгандек туйилди. Бир вақтлар тасодифан йўлиққан фолбин унга "Сен узоқ яшайсан, шундай узоқ яшайсанки, ҳаёт жонингга ҳам тегиб кетади. Ўлгинг келади. Аммо ўлолмайсан", деган эди. Тунда фолбиннинг шу башорати беҳос ёдига тушди" (153). Ўтмишдаги бундай воқеаларнинг образлар томонидан зумда эсга олиниши ва лаҳзалик кечинманинг кейинги ҳаракатларга турткисини Тўлқин образи орқали қайта-қайта кўришимиз мумкин. У ички ишлар органи ходими. Шу сабабли бундай ҳолатлар унинг касби билан боғлиқлигини эътибордан четга қочирмаган ёзувчи бу усулдан самарали фойдаланади. Вазият тақозосига кўра унда бир лаҳзалик ҳолатларни эслаш, уни таҳлил қилиш ва воқеага тегишли бир ёки бир нечта хулосалар чиқариш кўникмаси шаклланган.

Олис ёки яқин тарихга эга бўлган бирор-бир воқеа ретроспектив тарзда асар сахнига чиқарилиши учун бир нечта омиллар сабаб бўлади. Булардан биринчиси, воқеа муаллиф тили билан баён қилиниши орқали. Иккинчиси, образларнинг ҳаракатлари туфайли бирор восита сабаб бошқа бир воқеанинг эсга олиниши орқали. Учинчиси, айти пайтдаги бир ҳолатнинг юзага чиқишига ўтмишда юз берган бир воқеанинг бевосита ёки билвосита таъсири орқали. Бу типнинг асарда келиш ўрнига қараб изоҳлари икки хил бўлиши мумкин. Қиссада келтирилган ҳолатлар бунга яққол мисол бўла олади. Ретроспектив сюжет типининг келтирилиш сабаблари муаллиф тилидан ёки образлар тилидан келтирилган воқеадан олдин ёки кейин изоҳланади. Қиссанинг баъзи ўринларида ретроспектив сюжетнинг образ кечинмаси ва муаллиф баёни билан биргаликда қоришиқ тарзда берилганига гувоҳ бўламиз. Бунга муаллифнинг асарни баён қилишдаги етакчилиги сабаб бўлган. Бу етакчилик гоҳо образларга ўтса, гоҳо муаллифнинг ўзида сақланади. Шу боис ҳам муаллиф ва образлар кечинмалари баёнида қоришиқлик бўртиб кўринади. Қиссанинг "Рухлар фарёдини ҳеч ким эшитмайди" бобида бир пайтнинг ўзида муаллиф томонидан ҳикоя қилинган ва образларнинг тушлари орқали жонланган ретроспективка қоришиқ шаклда берилган. Бобнинг бошидан то охирига қадар шу ҳолат кузатилади. "У табиатан иримчи бўлмаса-да, тушда кўрганларини эътиборсиз қолдирмайди. Бунга қамоқхонада кўрган охирги туши сабабчи бўлган. Ўшанда "эртага озодликка чиқаман", деган ҳаёл билан деярли ухламаган эди. Тонгга яқин кўзи илинибди. Мўлжали бўйича бир, ё икки дақиқа мизғиган. Тушида онасини кўрганди. Онаси оппоқ либосда эмиш. "Аяжон озодликка етиб келдим", дермиш у қувониб. "Сен етиб келдинг, мен эса кетяпман, дермиш онаси маъюсланиб. "Қаёққа?" "Отангнинг олдига..." "Отам... узоқдалар-ку?" дермиш у ажабланиб. "Узоқдамас. Пастга тушсам бўлди, бирпасда етаман. Отангни соғиндим", дермиш онаси" (97). Парчадан англаш мумкинки,

муаллиф туш ретроспективкасидан унумли фойдаланган ҳолда ўтмиш-бугун-келажак учлигини бир нуқтада туташтира олган. Шу туташув натижасида биз парчада ҳам хроникани, ҳам ретроспективкани кўрамиз.

Умуман олганда, асарнинг бошидан охири қадар муаллиф ретроспектив сюжет типининг туш воситасидаги ретроспективка, видео тасма воситасидаги ретроспективка, гувоҳларнинг сўзлари воситасидаги ретроспективка, ўй-хаёл, эслаш воситасидаги ретроспективка каби турли хил кўринишларидан унумли фойдаланган.

Асарнинг охириги ўринларида ҳам ёзувчи хаёл воситасидаги ретроспектив сюжет типини қўллайди. Бу асар кульминацияси вазифасини ҳам бажарган. Талаш, тортиш, ака-ука ўртасидаги оқибатсизликка сабаб бўлувчи ҳаракатларни қилган Саттор фарзандидан ҳам айрилиши мумкин эди. Зиддият иплари таранг тортилган ҳолатда васиятноманинг турган жойи ўғлининг тушига кириб, меҳрибон ота руҳи томонидан маълум қилиниши вазиятни юмшатди. Саттор васиятномани ўқиб бўлиб бўшашган ҳолатда ҳовлига назар солди. У ерда Робия ўғли Нуриддинга гапираётган гапларини эшитиб болалигини ёдга олади, онасини эслайди. Хотиралар ёдга тушади, она ва бола диалоги берилади. Образлар ўз ҳаракатлари билан банд ҳолатда, уларнинг кейинги тақдирлари очиқланмасдан қисса ўз якунига етади. "Хотима" қисми эпилог тарзида берилади. Хотимадан англаш мумкинки, қаҳрамонларнинг кейинги тақдири ҳақидаги хулосалар ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинган.

Қиссани ўқиш, уни ретроспектив сюжет нуқтаи назардан таҳлил қилиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик.

1. "Иблис девори" қиссасида ретроспектив сюжет типининг қўлланиши натижасида асар умумий ғоявий-бадий мазмунининг бойишига катта ижобий таъсир кўрсатганлиги сезилади.

2. Қиссада ретроспектив сюжет типи етакчилик қилгани билан унда бошқа сюжет типларининг қўлланилганини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан қиссадаги сюжет типлари синкретик равишда ҳам қўлланган дейишимиз мумкин.

3. Ретроспектив сюжет асарнинг қизиқарли бўлишини таъминлабгина қолмасдан, асосий ғояни очишга ҳам хизмат қилган. Шу билан бирга китобхонга эстетик таъсир кўрсатиб, муҳим маънавий-ахлоқий тушунчаларни образли тарзда берилишига эришилган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Тоҳир Маликнинг "Иблис девори" қиссаси ретроспектив сюжет нуқтаи назаридан таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье с точки зрения ретроспективного сюжета проанализирована повесть Тахира Малика "Стена дьявола".

RESUME. In the article, Tahir Malik's short story "The Devil's Wall" is analyzed from the point of view of the retrospective plot.

Таянч сўз ва иборалар: қисса, сюжет, хроникал сюжет, ретроспектив сюжет, тугун, конфликт, кульминация, лирик чекиниш, қаҳрамон,

Ключевые слова и выражения: повесть, сюжет, хроникальный сюжет, ретроспективный сюжет, завязка, конфликт, кульминация, лирическое отступление, герой.

Key words and word expressions: story, plot, chronicle plot, retrospective plot, knot, conflict, climax, lyrical digression, her.

ДИККЕНС УСЛУБИГА ХОС ЮМОРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Викториан адабий муҳитининг етук вакили Чарлз Диккенс услуги ҳақида сўз борганда беихтиёр адабиётшунос С.Цвейгнинг юмор адиб асарларини ичдан ёритиб туриши ҳамда ижодининг асрлар оша барҳаётлигини таъминлаши ҳақидаги фикри ёдга тушади¹. Диккенс юмори бу, аввало, ўзига хос миллий колорит характерининг ёрқин намунаси, Белинский таъбири билан айтганда эса, у инглиз адабиётида характер кирраларининг ўзида мужассам этади. Жумладан, "Катта умидлар" романида юмор Диккенснинг "идрок ва ифода қилишнинг бирлигида кўринадиган индивидуаллигини англатувчи услуб"²ига тортилган "қизил чизик". Ёзувчи услубини таржимада бериш учун ундаги юмори таниш лозим. Ш.Миноваров айти жиҳатга нозик ёндашган. Таржима матнида Диккенсга хос юморнинг қай даражада сақлангани, уни беришда мутаржим қўллаган усул ва йўллари аниқ таҳлил қилиш мақсадида асарнинг аслият матнидаги жами ҳолатларини жамлаб, таҳлил қилдик. Шунингдек, муаллиф асарларида юмори бериш усуллари ўрганган тадқиқотчиларнинг (улар асосан рус тадқиқотчилари бўлиб, ўзбек тилида айти мавзуда илмий изланишлар олиб борилмаган) ишларини ҳам ўрганган ҳолда, юмори яратишда муаллиф қуйидаги асосий бадиий тасвир воситаларидан фойдаланганини аниқладик: гротеск-синекдоха; сўз ўйини; ирония (киноя); метафора (катталаштириш); антитеза (қарама-қаршилантириш).

Англия адабиётида гротеск (бўрттириш, муболаға) наср ва назмда бирдек унумли фойдаланиладиган усул. Диккенс бундан шу даражада маҳорат билан фойдаланганки, Т.Силман бежиз "Диккенс методи – бу ижтимоий-фалсафий мазмун билан бойитилган гротеск усули", – деб таърифламаган. Ўз очеркида С.Цвейг ҳам Диккенс гротеск орқали комик образ яратишини айтиб, адиб уларни буюк рассом каби бўрттиришини, бироқ у улуғворликка эмас, юморга интилганини қайд этган. Диккенс ижодида комизмни таҳлил қилган рус тадқиқотчиси Т.Мохова уни икки – гротескни бадиий асардаги фантастика ва реаллиқнинг қарама-қарши комбинацияси ҳамда тасвирдаги у ёки бу ҳодисани ҳаддан ташқари кўтариш таъсирида тушуниш кераклигини таъкидлаган. Диккенс эса гротескни иккинчи маънода, воқелиқни реал тасвирлаш чегарасидан ташқарига чиқмасдан ишлатганини тўғри эътироф этган. Чунки Диккенс "Катта умидлар"да гротескдан ўзига хос йўсинда фойдаланадики, ўқувчи асарда бирор бўрттиришга "шубҳа қилмайди". Аввало, улар бари ҳаётӣ, қолаверса, адиб бирор персонаж тасвирида унинг бир жиҳатини (у бирор буюм, тана аъзоси бўлиши мумкин) алоҳида бўрттириб, урғу бериб, айнан шу орқали образ характеридаги асосий хусусиятни очиб ташланган.

¹ Цвейг С. Диккенс. Статьи; Эссе; Вчерашний мир. Воспоминания европейца. Пер. с нем. Ф. Зайбея. – М.: "Радуга", 1987. – С. 62.

² Бобоёв Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2002, 540-бет.

Бутундан бўлакни ажратиб, олди планга чиқариб кўрсатгани боис ҳам бу гротеск-синекдоха дейилган. Жумладан, бош қахрамон Пипнинг опаси мисс Гержерини тасвирлар экан, унинг эғнидаги *"a coarse apron"*га урғу беради:

*"My sister, Mrs. Joe, with black hair and eyes, had such a prevailing redness of skin that I sometimes used to wonder whether it was possible she washed herself with a nutmeggrater instead of soap. She was tall and bony, and almost **always wore a coarse apron**, fastened over her figure behind with two loops, and having a square impregnable bib in front, that was stuck full of pins and needles. She made it a powerful merit in herself, and a strong reproach against Joe, that she wore this apron so much. Though I really see no reason why she should have worn it at all: or why, if she did wear it at all, she should not have taken it off, every day of her life".*

Таржимада бу куйидаги йўсинда акс этган: *"Опам, миссис Жо Гержерини кўзлари ва сочлари қора, юз териси шу қадар қизғин эдики, аҳён-аҳёнда ювинганида совуннинг ўрнига қирғич ишлатса керак, деб ўйлардим. У новча ва қотма бўлиб, дагал матодан тикилган юбка ва тўртбурчак қозоқдан ясалган, тўғнағичу игналар билан кўкрак қисмига бириктирилган **пешбанд**сиз юрмасди. Опам пешбанд тақшини фазилат деб билар, уни ечмай юришини Жога миннат қиларди. Айтмоқчи, мен нега опам эғнидан бу либосни уззукун ечмаслигини билмасдим".*

Аввало, бу таъриф орқали муаллиф Пип опасининг уй бекаси эканини ва мудом рўзгор юмушлари билан бандлигини, пешбанд кийишни фазилат ҳисобласа-да, аслида қилган юмушлари-ю, укасини боқиб олганини миннат қилишини акс эттирган. Окқўнгил, аммо камбағал эридан мудом ёзғириб, укасини тарбиясига олганини пеш қилаверадиган опа характерини очишда шу кийим аҳамияти бўрттирилиб (асарда бот-бот келади), унинг миннат қилиши, ношукрлиги, эри ва укасига зуғуми ўтказиши китобхонга ойдинлашади. Мутаржим буларни нозик тушуниб, опа портретидаги аслиятга мос кинояни сақлаб ўзбекчалаштирган. Киноянинг асосий воситаси *"аргон"*ни *"пешбанд"* (олд томони боғланадиган мато, фартук) деб ўтиради. Асли форсий сўз бугун юртимизнинг айрим ҳудудларида ҳамон истеъмолда, лекин замонавий ўзбек ўқувчилари орасида унинг нималигини билмайдиганлар учраши мумкин. Таржимон бу сўзни фартук эмас, пешбанд деб ўгириши боиси, асардаги тарихийлик тамойилини сақлаш учун, чунки роман воқеалари XIX асрда бўлиб ўтган.

Бундай кулгили ҳамда кинояли портрет яратишда муаллифнинг образга хос қобилият ёки бирор тана аъзосини таърифлаш асносида унинг савия, билим ва феълени очиб беришини асардаги мистер Уолпс тасвири мисолида яққол кўриш мумкин:

*"Румий бурунли, сочи тўкилган, дўнғпешона мистер Уолпснинг овози момақалдироқ монанд бўлиб, бундан у чексиз гурурланарди; танишларининг фикрича, агар унга имкон берилса, роҳибни бир чўқишда қочирарди; ўзининг ҳам айтишича, агар черков эшиклари мусобақа учун барчага очиқ бўлганида, ҳеч иккиланмай ўзини кўрсатган бўларди. Черков эшиклари *"очиқ бўлмаганидан"*, у, айтиб ўтганимдек бизнинг оддий руҳоний эди. Аммо *"омин"* сўзларини жарангдор қилиб айтиб, интиқом олгандек бўлар,*

мазмурга ўта туриб эса, – албатта, оятни тўла келтирар – у аввал қавмга бир назар ташлаб олар ва: "Биродаримизнинг овозини минбардан эшитдинглар. Буниси тўғрисида қандай фикрдасизлар?" дейётгандек бўларди".

Билими ҳаминкадар эса-да, черков минбарига ноҳақликлар сабаб яқинлашолмайман, деб ҳисоблагувчи, ўзига бино қўйган, торгина "қавмида" нутқ ирод этиб шарафланадиган бу роҳиб мисолида Диккенс даврининг сохта диндорлари устидан кулади, товушидан бошқа мақтагулик вақоси йўқ, бироқ кибри бу персонажни фош қилиш учун овозининг аҳамиятига урғу берилади. Мутаржим буни англаб, айниқса, овози билан беллашса, амалдаги роҳибни енгишини "бир чўқишда қочирази" тарзида ўтирган:

"Mr. Wopsle, united to a Roman nose and a large shining bald forehead, had a deep voice which he was uncommonly proud of; indeed it was understood among his acquaintance that if you could only give him his head, he would read the clergyman into fits; he himself confessed that if the Church was 'thrown open,' meaning to competition, he would not despair of making his mark in it. The Church not being 'thrown open,' he was, as I have said, our clerk. But he punished the Amens tremendously; and when he gave out the psalm - always giving the whole verse - he looked all round the congregation first, as much as to say, 'You have heard my friend overhead; oblige me with your opinion of this style!'"

Сўзма-сўз ўтирилса, *"indeed it was understood among his acquaintance that if you could only give him his head, he would read the clergyman into fits"* гапини "дарҳақиқат, танишлари орасида агар унга имкон берилса, руҳонийни шарманда қила олишига ишонадиганлар бор эди" дея ўтириш мумкин эди, аммо мутаржим буни қисқа қилиб: *"...танишларининг фикрича, агар унга имкон берилса, роҳибни бир чўқишда қочиразди"* тарзида ўзбекчалаштирган. Ибора қўллаш орқали таржимон сўзма-сўз таржимадан қочган, бироқ киноя, ҳазил руҳини сақлаб, адекватликдан ҳам четга чикмаган. Шу билан бирга, ўхшатиш талабларини ҳам инобатга олган. Зеро, "Таржимон фақат аслият мазмунини беришнигина эмас, балки унинг бадиий гўзаллигини қайта яратишни, асарнинг таъсир кучини ҳам сақлаб қолишни ва таржиманинг ҳам аслият каби жаранглаб чиқиши, бошқа заминда гуллаб, мева берган ниҳол каби ўзга тилда ҳам аслий тароватини кўз-кўз қилиши, таржима ўқувчисининг ҳам шуурини тўлқинлантириб, кўнглидан жой олишига эришиши керакки, бунга катта маҳорат билан амалга оширилган ижодий таржима орқали эришилади"³.

Инглизча юмори ақлли кулги ҳам дейишади. Бу унга фасохат билан сингдирилган киноя туфайлигина эмас, балки кулгили вазиятларни яратишда инглиз тилининг лингвистик имкониятларидан маҳорат билан фойдалана олишга ҳам боғлиқ. Англия фольклор намуналарига кирувчи латифа, эртақ, топишмоқ ва мақолларда фойдаланилган "сўз ўйинлари" кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кўчган, шу йўсинда "сўз ўйинлари"дан ҳазиллар орқали асарда юмористик вазиятлар яратилган. Бой, ранг-баранг

³ О ч и л о в Э. Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2014, 195-бет.

англо-саксон фольклори таъсирида ўсган миллат фарзанди Диккенс романларида ҳам бундай усулни шаксиз кузатиш мумкин, фақат унинг сўз ўйинларидан иборат ҳазиллари ақлни чархлаш ёки инглиз тили имкониятларини кўз-кўз қилиш билан чегараланмаган. Уларнинг бари заҳарханда ва "коса остидаги нимкоса" бўлиб, асарда маълум вазифани бажаради. Масалан, бош қаҳрамон Пип опаси ҳақида ҳикоя қила туриб, опаси уни "ўз қўли" билан тарбия қилаётганини айтади: *"My sister, Mrs. Joe Gargery, was more than twenty years older than I, and had established a great reputation with herself and the neighbours because she had brought me up 'by hand.'* Having at that time to find out for myself what the expression meant, and knowing her to have a hard and heavy hand, and to be much in the habit of laying it upon her husband as well as upon me, I supposed that Joe Gargery and I were both brought up by hand".

Бу ўринда муаллиф **'by hand'** (қўли билан) иборасини икки маънода, яъни опаси унга ота-онаси ўрнида едириб-ичириб боқаётганини, айти пайтда каттиққўллиги боис уришиб, тез-тез қўл кўтариб, тарбия қилишига ишора қилади. Ш.Миноваров бу сўз ўйинини тушуниб, ҳам таржимада икки маъносини сақлайди: *"Опам, миссис Жо Гержери каминадан йигирма ёшлар чамаси улуғроқ, феъл-атвори ва мени "ўз қўли билан" тарбия қилгани билан қўшинлар нигоҳида ва ўз наздида ўта таниқли эди. Ўша вақтларда ушбу иборанинг маъносини бошимдан ўтказиб, опамнинг қўли қаттиқ ва юзурик эканига, уни дам эрига, дам менга югуртириш одати борлигига ғувоҳ бўлиб, Жо Гержери, ҳақиқатан, қўл тарбиясини олганмиз, деган хулосага келгандим".* Таржимон сўз ўйини ортидаги ҳазилни адекват ўтира олгани билан бирга унга "кимнидир қўлида қолиш", "қўлига қарамлик", "кимнидир қўлида тарбия олиш" иборалари ўзбек китобхонига танишлиги ҳам иш берган. Натижада инглизча ҳазил ҳар икки маъносини йўқотмай сақланиб, асарни ўз тилида ўқиётган китобхонга ҳам бегоналик қилмаган, аксинча, иборани кесатик ўрнида қўллаш мумкинлиги мутаржимнинг топилмаси бўлган дейиш мумкин.

Ўзаро қарама-қарши тушунча, объект, сифат кабиларни бир гапда, бир ҳолатни бадий ифодалашда ишлатиш билан ҳазил қилиш Диккенс юморининг яна бир усули: *"Mrs. Joe was a very clean housekeeper, but had an exquisite art of making her cleanliness more uncomfortable and unacceptable than dirt itself".* Муаллиф бу парчада саранжом-саришта уй бекаси бўлмиш миссис Жонинг *"exquisite art of making her cleanliness"* (тозалашнинг ноёб санъати) устидан кулади. Бундай "санъат"корона саранжомланган уй *"uncomfortable and unacceptable"* ("ноқулай ва ёқимсиз") бўларди. "Тоза" сифатини "ноқулай" ва "ёқимсиз", "кир" сифатлари билан қаршиллантириб яратилган юмор таржимада биров ўзгарган. *"Миссис Жо рўзгорини ўта саришта тутадиган уй бекаси эди, лекин унда ана шу озодаликни ивирсиқдан ҳам ёқимсизроқ ва кўнғилсизроқ қилиб кўрсатиш "санъати" бор эди".* Яъни, Ш.Миноваров озодаликни ёқимсиз ва кўнғилсиз сифатлари билан қаршиллантиради, *"unacceptable"ni yoqimsiz tarzida berganiga e'tiroz yo'q-ku, "uncomfortable"ni kўnғилсиз қабилда таржима қилгани нотўғри.* Чунки бу иккала сўз маъно жиҳатидан нафақат тенг, ҳатто яқин ҳам эмас,

колаверса, матн контекстига кўра мисс Жонинг фақат байрамларда уйни безатиш учун қўядиган буюмлари бўлиб, айнан улар сабаб уй тозаланганига қарамай уни бесаришта ва юриш учун ноқулай жойга айлантиради. Мутаржим муаллиф бу билан аёлдаги дидсизликни "ноёб санъат" деб калака қилаётганини эътиборга олмаган.

Аристотель таъбири билан айтганда, бошқалардан ўзлаштириб бўлмайдиган истеъдоднинг белгиси бўлиб хизмат қиладиган қобилият⁴ – метафора яратиш Диккенс асарида юморни беришда энг кўп қўлланган усул дейиш мумкин. Масалан, байрам муносабати билан берилаётган зиёфат чоғи, ўз уйдан ўғрилиқ қилишга мажбур бўлган ва бундан қаттиқ изтироб чекиб, кўрқаётган Пипни аксига олиб "оқсуяк" меҳмонлар ҳам ҳоли жонига қўймайди, дастурхон устидаги суҳбат мавзуси айланиб ҳам, ўргилиб ҳам унга тақалаверади ва бола ўзининг айни ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: *"Уларнинг ўғитлари дилимни шунчалар оғритмоқда эдики, ўзимни испан майдонидаги бечора бузоқчадек ҳис қилардим"* (**Asliyatda:** *"I might have been an unfortunate little bull in a Spanish arena, I got so smartingly touched up by these moral goads"*). Таққослаш асосидаги бу метафора орқали бош қаҳрамон ўзини томоша майдонига ташланган ҳимоясиз бузоққа, меҳмонларини эса томоша иштиёқида қий-чув кўтарган томошабинларга ўхшатиб, ички изтиробини образли баён қилади. Таржимон бу парчани аниқ ва сўзма-сўз ўтиргани боис, муаллифнинг метафорали юмори тўғри ифодаланган.

Муаллиф комизмдан фақат иллату муаммоларни киноя, заҳарханда танқид қилиш учунгина эмас, балки китобхон кўнглини ёритувчи енгил самимий ҳазил учун ҳам фойдаланган. Бундай метафорали юморни адвокат Жеггерснинг оққўнгил, камсуқум, ҳалим отаси (асарда исми келтирилмай фақат *"Aged"* – отахон, қария деб берилган)нинг мутолаа тарзини тасвирида кўриш мумкин:

"The Aged's reading reminded me of the classes at Mr. Wopsle's great-aunt's, with the pleasanter peculiarity that it seemed to come through a keyhole. As he wanted the candles close to him, and as he was always on the verge of putting either his head or the newspaper into them, he required as much watching as a powder-mill".

Таржимаси: *"Қариянинг мутолааси менга мистер Уолпснинг бувиси очган мактабни эслатди, фарқи шунда эдики, овози калит тешигидан чиқаётганга ўхшарди. Чол ҳамма шамлар иложи борица ўзига яқин туришини талаб қилганидан ва дам бошини, дам газетани оловга тиқиб олишига бир баҳя қолаётганидан унга порох сақланаётган омбордек кўз-қулоқ бўлиб туриш керак эди"*. Бунда қариянинг овози ингичкалигини образли тарзда *"калит тешигидан чиқаётган"* (*it seemed to come through a keyhole*)дек экани, қариянинг мутолааси ғоят хавфлилиги эса унга *"порох сақланаётган омбор"* (*as a powder-mill*)дек хушёр бўлишни тақозо этиши қиёсланиб келган. Ўхшатишлар сўзма-сўз ўтирилган ва мантикий изчиллик сақланган, лекин мутаржим қариянинг ва болалигида ўкиган хароб мактабдаги мутолаанинг фарқини айтса-да, бу фарқ *"ёқимли"* (*the pleasanter peculiarity*) эканини тушириб қолдирган. Оқибатда биргина шу сўз тушиб

⁴А р и с т о т е л ь. Риторика. Поэтика. – М.: "Лабиринт", 2000. – С. 173.

қолгани сабабли бош қаҳрамон Пипнинг Қарияга муносабатидаги хайрихоҳлик таржима матнида акс этмай қолган.

Хулоса қилиб айтганда, викториан даври классикаридан Чарлз Диккенс услубига хос жиҳатларда етакчи ўринни юмор тутди. Ўзбек мутаржими буни яхши англагани ва муаллиф юморининг ўзига хос хусусиятларини тушунгани таржима таҳлили мобайнида яққол кўзга ташланади. Таржимон комизмни сақлаш учун баъзи ўринларда эркин таржима принципига амал қилиб, ўзбек китобхонига таниш фразеологизмлардан фойдаланса, баъзан сўзма-сўз таржима тамойилига қатъий амал қилиб, адекватликка эришган. Бироқ оригинал ва таржима матни қиёсан таҳлил қилинса, айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Таржимон баъзи сўзларни нотўғри ўгирган ёки ташлаб кетиб, аслият контексти берадиган маънога путур етказган. Шунга қарамай, муаллиф услубига хос юморни деярли сақлашга эришган ва таржимани ўқиган ўзбек китобхони диккенсона ҳазилларни тушуниб етиш ва мириқиб кулиш имконига эга бўлади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ч.Диккенснинг "Катта умидлар" романига хос юморни таржимада етказиш масаласи таҳлил қилинган. Муаллиф услубининг ўзига хослигини сақлашда юморнинг аҳамияти ва роли очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется проблема передачи юмора, характерного для романа Ч. Диккенса "Большие надежды" в переводе. Раскрывается значение и роль юмора в сохранении своеобразия авторского стиля.

RESUME. The article analyzes the problem of conveying the humor characteristic of the novel "Great Expectations" by C. Dickens in translation. The importance and role of humor in preserving the originality of the author's style is revealed.

Таянч сўз ва иборалар: юмор, услуб, гротекст, метафора, синекдоха.

Ключевые слова и выражения: юмор, стиль, гротеск, метафора, синекдоха.

Key words and word expressions: humor, style, grotesque, metaphor, synecdoche.

Дадахон МУҲАММАДИЕВ

АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН ШЕЪРЛАРИДА МЕТАФОРИК ТАФАККУР

Ҳис ва сезимнинг улуши сифатида пайдо бўлган шеър ақлий ва ҳиссий туйғунинг коришуви, муаллиф руҳий ҳолатининг моддийлашуви, лисоний оҳанг уйғунлигига эга бўлган лаҳзалик суратни ўзида акс эттирувчи нутқ ҳодисаси бўлиши билан бирга бадиият билан суғорилган асар саналади. Шеърда маълум маъно ва мазмун шаклга солинган ҳолда бўй кўрсатади. Шеърнинг асосий бадиий хусусияти унинг сермаъно ва кўпқатламлиги билан боғлиқ. Шоир кичик шеърида ҳам талқинларга "жой қолдириб кетади". Шеърдаги поэтик образ, метафораларни тушуниш, кечинмага ҳамдардлик ҳисси шоир ва ўқувчи ўртасидаги маълум бир руҳий яқинликни диалогик боғлиқликни келтириб чиқаради.

Метафора дастлаб ўқув дарсликларида тилшуносликнинг бир воситаси сифатида ўргатилса, адабиётда бироз мураккаблашади, тўлдирилади, тўйинтирилади. Сўзлашувда метафора табиий жараённинг маҳсули сифатида идрок этилади. Масалан, *"Бу йўл Зарафшонга борадимми?", "Кун ҳам ёниб кетди-я?"* деган гапдаги метафора бадий бўёқдорликни талаб қилмаса-да, мазмуннинг тўқис англанишига хизмат қилади. Абдували Қутбиддиннинг *"Ҳибс этилганман ўзимга ўзим..."*¹, – сатри ҳақида эса бу фикрни айтиб бўлмайди. Руҳ ва вужуднинг зидлиги кўрсатилаётган ушбу ҳолатда ҳибс этилмоқ тушунчаси шунчаки мазмунни тўлдириш воситаси эмас. Бир қараганда, руҳнинг вужудга, инсон танасига *"қамалгани"* идрок этилиши табиийдай туюлади. Аммо турли кўринишдаги нафс тушунчаси ҳам борки, у ҳам кишининг ахлоқига ҳибс этилади. Поэтик нутқдаги, яъни мана шу биргина сатрдаги метафорик ҳолат бадий образ сифатида гавдаланяпти. Сўзлашувдаги метафоралар эса (*"Бу йўл Зарафшонга борадимми?", "Кун ҳам ёниб кетди-я?"*) мазмуннинг тушунарлироқ ва соддароқ бўлишини таъминлаяпти, холос. О.Каримовнинг фикрига кўра, *"Метафора поэтик нутқдагина бадийят ҳодисаси, яъни бадий образ сифатида қабул қилинади"*². Яъни, сўзлашувда қўлланилаётган метафора мазмуннинг янада тушунарлироқ, соддароқ бўлишини таъминласа, бадий адабиётдаги, хусусан, шеърдаги метафоралар *"онгимизда аталаётган нарса ҳақида жонли тасаввур – образ яратади"*³.

Гап шеърда образ яратиш, метафорик ҳолатлар ҳақида кетар экан, метафоранинг фақатгина тил воситаси ёки образ эмас, балки фикрлаш тарзи эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Абдували Қутбиддин шеърини айнан ана шу жиҳати билан ўзига хос. Шоир шеърларида метафора бор бўй-басти билан намоён бўлади. Шеърдан метафорани ажратиб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келади.

"Ниначи қанотин..." деб бошланувчи шеърдаги⁴ метафора билан тўйинган мисралар бир қараганда янги поэтик образ сифатида гавдаланса-да, бизнингча, унинг илдизи қадим тасаввуф маърифатига бориб тақалади:

*Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди,
Қил-кўприк йўл топиб бера билсайди,
Ғам чексак, Бинафша овунтирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берад эдик.*

Бу шоир ҳиссий идрокнинг манзараси. Руҳ жазба ҳолатининг бадий чизилмаси дейиш мумкин. Ўта нозик илғамни акс эттирувчи бу тасвир шоирнинг бадий топилмасидир. Ниначининг қанотлари жуда нозик ва латиф, уни ушламоқчи бўлсангиз, тўкилиб тушади. Шоир ёрнинг юзига ўша

¹ Қ у т б и д д и н А. Бахтли йил (шеърлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 47-бет.

² К а р и м о в О. Метафора – поэтик тафаккур асоси \ "Жаҳон адабиёти", 2014, 8-сон, 188-бет.

³ Ўша ерда.

⁴ Қ у т б и д д и н А. Бахтли йил, 98-бет.

нозикликдаги ҳижобни раво кўряпти. Хўш, нега айнан ҳижоб? Нега ҳарир парда ёки чиройли рўмол эмас? Айнан ҳижобланиш, сатри авратда ўраниш, беркиниш маъноси бор. Физик томондан оладиган бўлсак, ниначининг қаноти энг майин ипақдан ҳам нозик ҳарир сингаридир. Ёрнинг жамоли ана шу нозикликдаги ҳижоб билан сатрланган, демак, унга тегиб кетсангиз ғоят нозиклигидан, тўкилиб кетиши мумкин. Тўкилиб кетиш сирларнинг очилиб кетишига ишора қилади.

Қилкўприк – Сирот кўприги. Диний манбаларда қилкўприк икки дунёни боғловчи ришта рамзида ҳам келади. Қил дейилгани билан қилдан ҳам ингичка, олмосдан ўткир кўприкдан ўтсанг, у ёғи – омонлик! Агарки, шоир айтганидек, мана шу ўта нозик кўприк йўл топиб берар экан, демак, бунда хайр бор. Тўғрироғи, лирик қаҳрамонда кўприкнинг хайрихоҳлигини уйғотиш истаги бор. Омонликка эришиш, эришганда ҳам ёр билан топишиш умиди барибир устунлик қилади.

"Ғам чексак, Бинафша овунтирсайди..." Шоир нега бошқа гулни айтмаяпти? Нега райҳон ёки атиргул эмас, айнан бинафша? Ҳаммамиз биладиганимиз – бинафша эрта баҳорда очиладиган гул. У янгилик белгиси, қора қишдан эсон-омонлик аломати. Энг нозик томони эса, у кўп яшамайди. Ана шу қисқагина умр кўрадиган маъсум бир гул шоирни овунтира олиши айтиляпти. *"Қора кунлар ўтди, – дейди у. – Кўклам келди, бу ёғи энди баҳор! Энди яша!"* Шеърда айтилганидек, ғам чекса, бинафша овунтиради. Шоир руҳиятидаги илоҳий руҳоний лаҳзаларда содир бўлаётган жараён бу.

Банддаги бинафша сўзининг бош ҳарфда ёзилганининг сабаби эса бизга қоронғи. Бу ерда Бинафша балки исмдир, балки... шоир хаёлотининг олис пучмоқларидаги умид юлдузидир...

Шеърдаги *"қилсайди, билсайди, овунтирсайди"* каби сўзларда тақдорланадиган *"-сайди"* кўшимчасида умид ва истак бор. Бу ниначининг қанотини ҳижоб қилган ёки қилкўприк йўл топиб берган ҳолати эмас, ўша ҳолатларга нисбатан шоирнинг, лирик қаҳрамоннинг истагидир. Истак бўлганда ҳам шартли эмаслиги кўриниб турибди. Бу ерда муножот бор десак, тўғри бўлармикан... *"-сайди"* кўшимчасини ишлатиш шеърнинг сўнгигига қадар давом этади:

*Сени мен кўзимга солиб турсайдим,
Фақат ёш оққанда аксинг кўрсайдим,
Юракка хат ёзиб сенга берсайдим,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.*

Туйғунинг моддийлашуви, хаёлий манзарани жонлантиришда шоир тафаккур қамровининг ўзига хос ифодаларда аксланиши ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Халқимизда кўп ишлатиладиган *"кўз қароғида асраш"* деган жумла бор. Кўз қанчалик нозик, ҳимояга муҳтож, миттигина бир гарддан ҳам асралиши кераклиги маълум. Кўзки, шу қадар эҳтиёт қилинар экан, *"Сени мен кўзимга солиб турсайдим..."* сатрига кўра ёрни кўзни асрагандек асрамоқчи. Бундан ташқари *"кўзга солиб туриш"* ҳолатини доим кўриб туриш, давомийликдан турғунликка ўтиш, доимо кўз олдида бўлиш деган мазмунда

ҳам тушуниш мумкин. Аммо кейинги "Фақат ёш оққанда аксинг кўрсайдим" сатри биз таҳлил қилган биринчи вариантга яқин келади. Биринчи ҳолатга кўра, кўз қароғида асралаётган ёрнинг акси фақатгина ёш билан кўриниши мумкин, холос. Аммо шоир ёрнинг висолига шундай интиқ экан, нега "Мен сени доим кўриб турсайдим" демаяпти? Нега фақатгина ёш оққанда унинг аксини кўрмоқчи? Гап шундаки, кўз ёшнинг тозалиги олдида бошқа нарсани таққослаб бўлмайди. Ёр мана шу тозалikka раво кўриляпти. Ва яна бир ҳақиқат борки, кўз ёш самимий бўлади, рост бўлади. Тоза кўнгилдан, самимий кўздан ёш келади. Шоир ана шундай ростлик ҳолатидагина ёрни кўрмоқчи. Янаям теранроқ назар солсак, ёр ошиқнинг бутун жисмига, руҳига кўчиб ўтиб, бирлашиб кетганки, унинг кўзидан оқаётган ёшда ҳам ёрнинг сурати акс этади гуё. Ошиқ ва ёр бирлашиб ўртадаги "мен"лик ҳисси йўқолиб кетгандай...

"Юракка хат ёзиб сенга берсайдим..." . Энди эса шоир ўзининг бор сирларию кечинмаларидан ёрни воқиф қилмоқчи. Бу осон эмас. Одамнинг барибир ҳеч кимга айтмайдиган, баъзан эса айтолмайдиган сирлари бўлади. Бу сирларни фақат ўзинг билан ўзинг қолганингдагина айта оласан. Шоир айтганидек, юракка аталган хат билангина ана шу кечинмаларингни билдира оласан. Ёр кўз қароғи қадар яқин экан, энди юракка битилган хатни унга бериш мумкин. Энди у бегона эмас. Энди у фақат ўзинггагина аён бўлган сирларингни ҳам билишга ҳақли. Бу яқинлик билан, бу руҳ бирлиги билан эса дунёларга сиғиб бўлмайди.

Бу юракка аталган мактуб эди. Энди юракнинг ўзига ёзилган мактубни ҳам бир тасаввур қилсак-чи? Юракка аталган эмас, қоғозга ёзилган ҳам эмас, айнан юракнинг ўзига ёзилган хат. Одатда, ошиқнинг севгилисига қарата "Юрагимни берсам" дейишидаги ҳолатнинг "Юрагимга хат ёзиб, кейин ўша хат ёзилган юракни сенга берсам" шаклида ифодаланишини кўряпмиз. Моддий ва маиший ҳолатдан чиқиб тасаввур қилинадиган ҳолат бу. Истаймизми-йўқми, шоир юракка хат ёзиш мумкинлигига ўқувчини ишонтиради.

Агар биринчи таҳлилимизга қайтиб, мазкур метафорик ҳолатни "юракка аталган мактуб" деб қабул қиладиган бўлсак, савол туғилади: Ўзи шоир нега юракка мактуб ёзмоқчи? Чунки мактубда изҳор, муножот, истак бор. Аслида мактуб кимга ёзилади? Албатта, кўнглингга яқин кишига. Шоир эса юракка хат ёзмоқчи. Демак, шоирнинг руҳияти билан юракни жуда яқин деб оламиз. Шунда мазмун бироз англашилгандай. Яъни, "Менга энг яқин ҳисобланган, бор сиримни, бор дарду ҳасратимдан огоҳ бўлган юракка хат ёзиб, сўнггра ана шу – энг яқинимга йўллашим мумкин бўлган хатни сенга берсам..." Бу ҳолат шоирга ёрни жуда ҳам яқинлаштириб кўяди. Бу яқинликдан сўнг кетиш эҳтиёжи, шеърнинг руҳиятидан келиб чиқсак, кетиш истаги пайдо бўлади:

*Қалдирғоч иккимиз олиб кетсайди,
Дунёдан-да йироқ ерга элтсайди,
Сўнг севиб ўлмоқдин сабоқ ўтсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.*

"Севиб ўлмоқдан сабоқ ўтадиган қалдирғоч" шоирнинг наздида уларни қаерга олиб кетади? Умуман олганда, нега айнан қалдирғоч олиб кетади, сабоқ ўтади? Қалдирғочни Носируддин Рабғузий ҳам жуда улуғ сифатлар билан тасвирлайди. Намруднинг оловига сув олиб келган ҳам, одамга зарар етишини билиб, чумолининг тилини чўқиган ҳам қалдирғочдир. Нух кемасига энг аввал қалдирғоч чиққани айтилади⁵.

Бу ерда, бу дунёда муҳаббат ҳақида гаплашиб бўлмайди – Шоирнинг руҳияти юксаклик сари кўтарилиб борапти. Инсоний ҳисларнинг энг нозиги ва шунинг баробарида энг улуғини кўргиси келяпти. Бир вақтлар инсон аталмиш мукаррам зотга йўл кўрсатган, нур бўлган, нажот бўлган қалдирғочдан сабоқ олишни истаяпти. Қалдирғочнинг устозлик қилиши ҳолати ўқувчини энг тоза ҳислар томонга етакляпти.

Қалдирғоч билан боғлиқ муждалар бошқа халқлар эртак ва ривоятларида, мифик тафаккурида ҳам бор. Демак, қалдирғоч образи инсониятга дохил, десак бўлади. Хусусан, славян эртакларининг бирида қалдирғочлар бир қизни олиб кетиб, дунёдан айри, митти фаришталар яшайдиган маконга олиб боришади. У ерда қиз фариштага айланиб, фаришталар шахзодасига эрга тегади.

Севги нима эканлигидан озгина хабардор бўлсак, севгидан сабоқ олсак, кейин бизга ҳеч нима керак эмас. Жонимизни берамиз. Жон берганда ҳам шунчаки эмас, "тўл-го-на, тўл-го-на" жон берамиз. Жон бера туриб ҳузур қиламиз. Бу Азроил келгандаги жон бериш эмас, бу ўзинг истаб жонингни тортиқ қилиш ҳолати. Мазкур ифодаларни идрок этиш ўқувчининг фақатгина ҳис ёки туйғуларига боғлиқ эмас. Билим ва тафаккур билан идрок яна ҳам теранлашади.

*Ё семурғ бизларни бола қилсайди,
Муҳаббат наҳрида чўмилтирсайди,
Иккимиз бир лаҳза бирлаштирсайди,
Тўл-го-на, тўл-го-на
Жон
Берар эдик.*

Бу бандда эса юқоридаги ижтимоий юк ўзгача тарзда Семурғга юкланаяпти. Ўзбек мумтоз адабиётида, Шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодида доимий ишлатиладиган, орзу-умидларнинг рамзий ифодаси тимсоли бўлган Семурғдан илинж кутиляпти. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида Семурғ бошлиқ қушлар қанча довлардан ошиб, охирида манзилига – ўзлигига етишади. Шеъринг ҳар бир банди: "Тўл-го-на, тўл-го-на/ Жон/ Берар эдик..." деган сўзлар билан тугашини ҳисобга олсак, сўнгги банд ушбу такрорларни тўлдиради. Бошидаги учта бандда такрорланган "жон бериш" ҳолати тўртинчи банддаги Семурғ билан, Навоий тили билан айтганда, ўзлигини топиш билан яна ҳам ойдинлашади. Ўзлигини топгач, жон берса арзийди. Лекин яна бир жиҳат бор: Азроил жонингни олмоқчи бўлса,

⁵ Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий, 1-китоб. – Тошкент: "Ўзғувчи". 1990.

ўзингдан сўрамай олади-ку. Гўёки лирик қахрамон бу ердаи худди шарт кўяётгандек. Лекин шарт қўйганида, "Агар "...са" шаклида қўйилар эди. Бу ерда "-сайди" шаклида келяпти. Шоир нега ҳолат манзарасини чизишда бу йўлни, бу усулни қўллайпти? Демакки, бу ерда муножот бор, сўров, илтижо бор деб қабул қиламиз. Ўзлигини топишга интилиш сўнгги бандда яна ҳам ойдинлашади. Шунингдек, "тўл-ғо-на, тўл-ғо-на" такрорининг чизиқчалар билан ёзилиши ҳам ўзига хос. Тўлғониш ҳолатининг сўздаги аксини тасвирлаш усули бу.

Бу сўзлар, юқорида айтилганидек, поэтик майдонда метафораларга айланыпти. Ҳали номланмаган, ҳали ифодаланмаган тушунчалар билан бериляптики, буни ҳар бир ўқувчи ўз руҳияти бўйича қабул қилади. Шоирнинг метафорик манзараси, у чизган метафорик портрет ҳам шу тарзда очилиб боради. Уни қай ҳолатда ҳис қилиш ҳар бир ўқувчининг руҳияти, идрок билан боғлиқ. Демакки, бизнинг тасаввурларимиз, бизнинг таҳлилларимиз ҳам ана шу идрокнинг бир кўриниши.

Шеър орқали фикр юритиш жараёни эса, ўз навбатида, метафорик тафаккур табиатини ҳосил қилади. Метафорик тафаккурни дастлаб шартли равишда ақлий жараён деб оладиган бўлсак, уни тасвирланаётган объектлар ўртасидаги қиёслаш, таққослаш ҳолати сифатида тасаввур қиламиз. Онгнинг ўхшашликни излаш жараёнини ҳам метафорик тафаккур деб бериш мумкин. Умуман олганда, ўртада деярли фарқ йўқ. **Агар метафорик тафаккур бу ақлий жараён бўлса, у табиий равишда мантиқий фикрлашни тақозо қилади. Бу эса ижод жараёнига салбий таъсир қилиши, айтиш мумкинки, бўғиб қўйиши мумкин. Бироқ шеърга ҳам фақатгина ҳиссий жараён деб қаралмайди. Теварак-атрофдан, табиатдан, китоблардан ва ҳаётдан олган билим-кўникмалар туйғулар орқали шеърга кўчишини ҳисобга олиш керак. Бундан келиб чиқадики, тафаккур тушунчаси сингари метафорик тафаккур ҳам фақатгина ақлий жараён эмас.**

Шеър мураккаблашади, соддалашади, жанр ва шакл жиҳатдан турфа хилда ифода қилинади. Аммо сўзнинг моҳияти ўзгармайди, балки теранлашади. Бу вазиятда метафора лириканинг энг муҳим жиҳати эканлиги кўринади. Демак, шеъриятда метафора ва тасвирлардан фойдаланиш бу шунчаки матнни жозибали қилиш дегани эмас. Уни фикрлаш ва фикрни шакллантириш усули деб қарайдиган бўлсак, юқорида таъкидланган метафорик тафаккур механизмига йўл очилади. Метафорик тафаккур жараёни туйғу билан бирга идрок ва билим билан ҳосил бўладиган ҳолат эканлиги намоён бўлади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада шеър таркибидаги бадий воситалар, хусусан, метафоранинг бадий матндаги ҳолатлари таҳлил қилинган. Метафоранинг туйғу билан биргаликда тафаккур ва идрок билан ҳам боғлиқ ҳодиса эканлиги очиб берилган. Назарий фикрларни асослаш учун Абдували Қутбиддин шеърларидан мисоллар келтирилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье проанализированы поэтические средства в структуре стиха, в частности, метафоры в художественном тексте. Метафора раскрывается как феномен, связанный не только с эмоциями, но и мышлением и сознанием. Для обоснования теоретических мыслей приведены примеры из стихотворений Абдували Қутбиддина.

RESUME. This article analyzes the artistic means in the poem, in particular, the cases of metaphor in the artistic text. Metaphor is revealed to be a phenomenon related to thought and perception along with feeling. Examples from Abduvali Qutbiddin's poems are given to substantiate the theoretical ideas.

Таянч сўз ва иборалар: метафора, метафорик тафаккур, поэтик нутқ, талкин, идрок.

Ключевые слова и выражения: метафора, метафорическое мышление, поэтическая речь, интерпретация, восприятие.

Key words and word expressions: metaphor, metaphorical thinking, poetic speech, interpretation, perception.

Саида КУРБАНОВА

ШУКРУЛЛОНИНГ ПЕЙЗАЖ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Шукрулло ижодида табиат тасвири жуда кўп ўринларда учрайди, лекин ҳаммаси бир-биридан гўзал, бетакрор ифодалардир. Маълумки, шеърятдаги табиат туйғуси азалдан ватан туйғуси билан кўшилиб кетган. Шукруллонинг табиат тасвирига бағишланган шеърятти эса, биринчидан, унинг бутун фикр ва туйғулар оламини очиб беради, унинг она юрти билан қондошлик алоқасини ифодалайди. Шоир шеърятининг маънавий кучи ҳам у ўз Ватанининг, она табиатининг фарзанди эканлигидадир. Шукрулло пейзаж лирикасининг иккинчи ўзига хос жиҳати ва ютуғи шундаки, у шеърларида ўзи туғилиб-ўсган Ўзбекистон табиатининг миллий ўзига хослигини кўрсатар экан, оддий "табiiй" тафсилот ва таърифлардан фойдаланади, уларни ўз қалб призмасидан ўтказиб, миллий манзара яратади. Бу манзаралар жуда оддий бўлиб, улар тоғ ва боғлар, булоқлар, шаршаралар, ой ва юлдузлар, гуллар, қушлар ва ҳоказо образлардан иборат. Аммо уларнинг барчаси шоирнинг пейзаж лирикасида ягона манзара суратига бирлашади, унинг ўз она-Ватани табиати ҳақидаги субъектив тасаввурини ифодалайди: яъни шоир тасаввурида осмон худди ложувард денгиздек бепоён (3,44)¹; чучмома ва лолақизғалдоқлар янги келинчақлардек ял-ял ёнган (3,44); куз шамол ва турналар хижрон куйини куйлаган фасл (3,114); тоғлар ҳайбатли ва тик қадли (3,124); мирзатераклар худди куёвлар каби мағрур ва жим турган (3,161) ва ҳ.к. Бир қарашда, бу табиат тасвирлари жуда жўн, оддийгина бўлиб туюлади, лекин улар шоир учун энг ноёб ва энг бетакрор. Чунки улар она-юрт манзараларидир. Шоир табиат манзараларини образли ифодалар экан, "табiiй" тафсилотлардан фойдалангани ҳолда моддий қадриятларни эстетик қадриятларга айлантиради, моддий дунё гўзаллиги орқали инсон оламига хос бўлган гўзалликнинг турли томонларини ифодалайди.

Машҳур маданиятшунос олим Г.Д.Гачевнинг фикрларига кўра, "Халқнинг қиёфасини белгилайдиган биринчи нарса – у ўсиб-улғайган ва тарих яратадиган табиатдир. Табиат – доимий ҳаракатдаги омил бўлиб, бадий адабиётнинг мажозий арсенали ҳам, одатда, табиатда илдиз отади"². Шу маънода, Шукрулло шеърятининг мажозий арсенали, Ўзбекистон табиатининг ажойиб оламидир десак, асло янглишмаймиз.

Шукруллонинг пейзаж шеърларида кўнгил кечинмаларини конкрет табиий ҳолат ва вазиятда акс эттириш устуворлик қилади ва шу орқали лирик

¹ Ш у к р у л л о. Танланган асарлар, III жилдлик. – Тошкент: "Шарк", 2008–2009. Шоир шеърлари мазкур нашрдан олиниб, жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – С.К.

² Г а ч е в Г.Д. Национальные образы мира. – М.: "Наука", 1988. – С. 369.

қахрамоннинг психологик олами очиб берилади. Мазкур поэтик тасвир, ўз навбатида, икки хил йўл билан, яъни йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш) ёки муайян табиат ҳодисалари (шамол, шабада, бўрон, ёмғир, қор, момақалдирик ва ҳ.к.) орқали юзага чиқади. Шу жиҳатдан қарасак, шоир лирикасида ҳар бир фасл ўзига хос бадий талқин этилади, улар гоҳ азалий қонуниятлари билан намоён бўлса, гоҳ инсоний туйғуларнинг рамзи сифатида бўй кўрсатади:

*Яна баҳор келди.
Қалбим шодлигин,
Ҳислар тўлқинининг йўқдир поёни.
Ёзган куйларимнинг оҳангдорлигин
Наҳот, сабаби сен, баҳор айёми! (3,161)*

Ижодкор баҳор фаслини бошқа фаслларга қараганда кўпроқ севади. Бу фаслни қалбларни шодликка тўлдирувчи, ёзган шеърлари оҳангдорлигининг сабабчиси, дея эътироф этади. Дикқат қилсак, шеърдаги баҳор тасвири махсус тасвир объекти сифатида тасвирланмай, у лирик қахрамон психологик ҳолатини юзага чиқарувчи восита сифатида хизмат қилганига гувоҳ бўламиз. Шоир шеърда баҳор тасвирини шунчаки акс эттирмайди, балки ана шу воқелик таъсирида кўнглида кечган туйғу ва кечинмалар, ҳиссиётлар силсиласини бадий ифодалайди.

Шукрулло лирикасидаги инсон ва табиат талқинининг ўзига хослиги шундаки, шоир табиатнинг ўзгариб туришида умр эзгулигини кўради, табиат фалсафаси умрлар ҳикматини, табиат манзаралари инсон ҳаётининг маъносини ифодалайди:

*Баҳор ҳавосидан кўнглида шодлик,
Аммо шодлик билан бир четида ғам.
Бинафшани қилиб, "омон-омонлик",
Кимнидир афсус-ла қўмсайсан бир дам.*

*Қўмсайсан-у, аммо умр ўтганидан
Бир дам қиласан ҳам афсус-у армон.
Гоҳи шукрона ҳам айтасан дилдан –
Яна етганингдан кўкламга омон (3,110).*

Шоир поэтик дунёсида табиат тасвири инсон умрининг асоси тарзида намоён бўлади. Бу эса инсонга умр мазмунини, унинг қадрини мудом эслатиб туради.

Шукрулло лирикасида куз тасвири ҳам алоҳида ўрин тутади. Маълумки, куз фаслининг поэтик талқинида шоирлар кўпинча тугаб бораётган умрни, армонни ифода этадилар. Бундан ташқари куз – хазон фасли баробарида ризқ ва баракот сарҳисоб қилинадиган фасл ҳамдир. Шоирнинг куз фаслига бағишланган айрим шеърларида куз тўқинликка, ўзига хос фусун ва тароватга эга фасл тарзида тасвирланади:

*Япроқларни тўқди эртанги шамол,
Димоққа урилди кузнинг ҳавоси.*

*Сўрамасдан келар баъзида не ҳол,
Бошланиб қолади тарнов навоси.*

*Тизилишиб тушар кузги япроқлар,
Гўё булар йўлга отланган карвон.
Ёзги сафарини тугатди улар,
Юртимизда бўлиб бир фасл меҳмон (2,41).*

Шоир ушбу шеърида кузнинг образли манзарасини тасвирлар экан, пейзажга ижтимоий маъно юкламайди, балки китобхонга ушбу фаслнинг ўзига хос гўзаллигини англатишга ҳаракат қилади. Ижодкор ерга тўкилган кузги япроқларни сафари тугаб, йўлга отланган карвонга ўхшатади. Шеърнинг охирги бандига келиб, табиат манзарасининг гўзаллиги янада кучайтирилади. Лирик қаҳрамон наздида куз – безаниш, муҳаббат фаслидирки, унинг ҳар бир куни қувончга, бахтга тўла:

*Безаниш, муҳаббат, атроф олтин ранг,
Бир нафас қувониб ким олмас баҳра!
Кузги япроқларда бир дунё оҳанг,
Гўё олам қўшиқ, ранг тўла саҳна (2,41).*

Шукрулло инсон туйғуларини безовта этишга қодир руҳий ҳолат, унинг сабабларини бадий сўз орқали чизишга моҳир мусаввир шоирдир. Унинг табиат манзаралари акс этган аксарият шеърларида аслида инсон қалби, унинг сезимлари акс эттирилади. Яъни шоир лирикасида пейзаж деталлари мажозий образга айланиб, ҳаётий жараёнларни тимсоллаш вазифасини бажаради ва таққослаш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Хусусан, шоир айрим шеърларида куз фаслининг бадий манзарасини чизар экан, инсонни ўз умри моҳиятини сарҳисоб қилишга, уни ўйлашга ундовчи фалсафий ўй ва мушоҳадаларини ифодалайди.

Маълумки, лирикада ҳар бир шоирнинг ўз услубига хос оҳанглари, шеърларида кўнглига яқин рамз ва образлари акс этади. Шукрулло ҳам шеърларида табиат ва борлиқ тасвирида рамзий тимсоллардан унумли фойдаланади. Жумладан, бир шеърида келтирилган *терақ* ва *чинор* рамзий образлари орқали шоир умрини беҳуда ўтказиб, афсус-надомат чекаётган ҳамда ўтган умридан рози бўлиб, ҳаёт варақларини ўқиб тугатаётган инсонларга ишора қилади:

*Чинорнинг тўкилди сўнгги япроғи,
Қиссанинг ёпилди гўё варағи.
Чинор мағрур боқар умридан мамнун,
Худди мен ўйлаган хазон фасли бу (3,114).*

Ҳар бир инсон куз фаслидаги барги хазонларни кўрганда, кўнглидан қандайдир ҳислар кечиради, ўз-ўзи билан, ўтган умрининг ҳаёли билан юзлашади. Шеърнинг лирик қаҳрамони ҳам ўз умрининг беҳуда ўтмаганидан, ўзи орзу қилган умрни яшаб ўтганидан шод. Чунки у сўнгги япроғини тўкиб,

атрофга мағрур ва мамнун боққан чинор умрида ўз ҳаёт йўлини, умри мазмунини кўради.

Шукруллонинг табиат поэтикасига бағишланган шеърлари таҳлили натижасида унинг лирикасида "Чинор" поэтик образининг серқатлам, кўп маъноли эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, "Чинор" шеъридаги чинор дардларини ичига ютиб, забонсиз яшаётган одамга тимсолли рамзий ишорадир. Яъни:

*Чинор яшар юз йилдан ортиқ,
Умр кўрар ҳатто асрлаб.
Унга ҳавас қилмайман, йўқ, йўқ,
Яшамайман умрини тилаб!*

*Силкинади кекса қомати,
Афсус чеккан мўйсафидсимон.
Тўлиб-тошган балки ҳасрати,
Не чораки унда йўқ, забон.*

*Дардларингни ичингга ютиб,
Сукут сақлаб кечирмоқ ҳаёт...
Кимлигингни бутун унутиб,
Тилсиз яшаи, даҳшат-ку, ҳайҳот! (3,91)*

Демак, "Хазон фасли" шеърида "Чинор" поэтик образи, ижобий маънода ўз ҳаётидан мамнун, умридан рози бўлиб яшаётган одамга қиёсланса, иккинчи шеърда эса дарду изтиробдан қалби тўлиб кетган, аммо дардини ҳеч кимга айтолмай, сукут сақлаб яшашга мажбур инсонга рамзий ишорадир.

Йил фасллари бўлмиш баҳор, ёз, куз, қиш ҳақида шеър ёзмаган шоир топилмаса керак. Аммо Шукрулло шеъриятида фаслларнинг поэтик қиёфаси лирик қаҳрамоннинг ҳис ва ақлий қувватидан тўйиниб, шу қадар самимий, содда тасвирланганки, уларни ўқиганимизда кўз олдимизда табиатнинг жонли манзараси намоён бўлади.

Шукруллонинг бутун ижодида, эпик, лирик, драматик асарларида пейзаж тасвири ва пейзаж деталларининг ўрни ниҳоятда катта ва ранг-барангдир. Пейзаж символизми ижодкорга айрим ҳолларда асар ғоясини ифодалашга ёрдам берса, лирик шеърларида сюжет вазифасини бажарувчи, психологизация ва фалсафий мушоҳадакорликни акс эттирувчи восита сифатида иштирок этади, турли хил ҳаётий ҳодисаларни таққослаш ва рамзийлаштириш учун хизмат қилади.

"Чинакам шоир учун сўз – бу фикр айтиш, кечинмаларни ифодалаш воситасигина эмас, балки яшаш тарзи, яшаш шаклидир. Ҳар бир сўз бадий асардаги ғоявий-эстетик мақсадга кўра муайян маъно касб этади. Замиридаги мазмун орқали ўзининг янги-янги маъно қирраларини намоён қилади"³. Хусусан, Шукрулло лирикасига шу жиҳатдан баҳо берадиган бўлсак, унда бадий сўзнинг маъно қирралари теран ифодаланганини, унинг ҳиссий қудрати ўзига хос тарзда намоён бўлганини, фикр ва ҳис-туйғу синтезини

³ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърляти. – Тошкент: "Фан", 2007, 32-бет.

кўриш мумкин. Чунончи, шоир табиат тасвирини шунчаки, йўл-йўлакай тасвирламайди, балки табиатдаги ҳар бир ўзгариш, жараён ва ҳодисалар ижодкор қалбидан кечган туйғу ва тафаккур уйғунлигида образли акс эттирилади.

Пейзаж тасвири Шукрулло фалсафий-интеллектуал шеърятининг шаклланишига муҳим асос бўлган, десак янглишмаймиз. Ижодкорнинг "Баҳор кечаси", "Ҳаммаси ўзинг", "Тош ҳайкал", "Хотинлар табассуми", "Тўкма кўз ёшингни", "Оқшом", "Қишлоқ гўзаллари", "Гулзор ва ёр", "Менинг севгим", "Варрақлар", "Қўйиб бер, эзгилаб йиғласин ёмғир", "Экология", "Макон", "Тонг чоғи уйғониб, кўзни очдимми", "Йўлдаги тош", "Баҳор чоғи эди, йўрғада эдинг", "Майсалар", "Чинор", "Из", "Кун ва тун", "Кексалик", "Гулзорга кирдим-у гул узмоқ бўлдим", "Баҳор келди", "Тол", "Баҳор томчиси", "Бедана", "Ўғуборларни ювмоқда баҳор", "Баҳор ҳазили", "Бургут", "Кун қизариб ботди", "Хазон фасли", "Чирт-чирт узилади боғларда япроқ", "Пахтакор дўстимга" каби элликка яқин шеърларида пейзаж муҳим бадиий атрибут сифатида зоҳир бўлган.

Шоир шеърларининг мутолааси шундай хулосаларга олиб келади:

Шукрулло табиатни севади, уни ўзига сирдош деб билади, шунинг учун унинг фалсафий-интеллектуал лирикасида пейзаж тасвирлари, табиат деталлари кенг планда акс эттирилади;

Шоирнинг фалсафий-интеллектуал лирикасида пейзаж ҳиссий ҳолатнинг белгиси сифатида кўриниш беради. Табиатнинг гўзаллигида шоир ҳаётнинг энг юқори қийматини кўради. Инсон ҳаётидаги қувонч ва қайғуни тушуниш табиатни тушуниш орқали содир бўлади. Табиат Шукрулло учун ҳаётӣ ва маънавий омил вазифасини бажаради;

Шукрулло шеърлари ва дostonларида табиат манзараларини маҳорат билан чизар экан, пейзаж шоир учун психологик тасвирни теранлаштирувчи муҳим бадиий восита сифатида майдонга чиқиб, шартли-тимсолли образлар, анъанавий мотивлар унинг шеърятининг асосий атрибутига айланган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Шукруллонинг пейзаж яратиш маҳорати таҳлил этилади. Шоирнинг пейзаж шеърларида кўнгил кечинмаларини конкрет табиий ҳолат ва вазиятда акс эттириш устуворлик қилади ва шу орқали лирик қаҳрамоннинг психологик олами очиб берилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется мастерство Шукрулло в создании пейзажа. В стихотворениях поэта, посвященных пейзажной лирике, приоритетным является отражение эмоциональных переживаний в конкретном природном состоянии и ситуации, раскрывая тем самым психологический мир лирического героя.

RESUME. This article analyzes the poetics of nature in Shukrullo's lyrics and the poet's ability to create landscapes. In Shukrullo's poems devoted to landscape lyrics, the priority is the reflection of emotional experiences in a specific natural state and situation, thereby revealing the psychological world of the lyrical hero.

Таянч сўз ва иборалар: лирика, поэтика, табиат, образ, пейзаж, руҳий ҳолат, лирик қаҳрамон.

Ключевые слова и выражения: лирика, поэтика, природа, образ, пейзаж, душевное состояние, лирический герой.

Key words and word expressions: lyrics, poetics, nature, image, landscape, state of mind, lyrical hero

УВАЙСИЙ ВА НОДИРА ИЖОДИДА ЛАЙЛИ ОБРАЗИ

Увайсий шеърятни нафақат ўзининг мазмун-моҳияти, балки анъанавий образларни ўринли қўллай олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Биз шоира шеърятини таҳлил қилиш жараёнида унинг Фарҳод, Ширин, Мансур, Зулайхо, Мажнун, Лайли каби образларга кўп мурожаат қилганлигига гувоҳ бўлдик. Биргина Лайли тимсоли шоиранинг 1983 йили нашр этилган "Кўнгил гулзори" номли китобда 18 ўринда қўлланган бўлиб, унинг Лайливаш, Лайло, Лайлинамолиғ, Лайли каби шакллари мавжуд.

*Жамолин кўзгусида Мажнуносо кўрдим аҳволим
Нечун Лайлинамолиғ шевайи ул гулғузоринда.*

Аслини олганда, "Муҳаббат – тасаввуфнинг асосий рукнларидан бири. Жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи муҳаббатга келиб боғланади. Чинакам солиқ – бу ошиқ солиқдир. Ишқ – илоҳий маърифатни кашф этувчи қудрат, солиқ вужудини ёндириб, маҳбуб висолига яқинлаштирадиган покловчи муқаддас олов. Қалбда ишқ қанчалик кучли бўлса, солиқ маърифат зиналаридан шунча бардам кўтарила боради, нафсий сифатларни тарк этиб, камолот чўққиларини забт этаверади"¹. Мазкур тасаввуфий қарашлар ҳақида илм-маърифат ҳосил қилган Увайсий анъанавий образлар ёрдамида Ҳаққа бўлган муҳаббатни маҳорат билан ифода этган. Яъни Увайсийнинг лирик қаҳрамони Яратганнинг жамолини кўриб, ўзини гўё Мажнун мисоли тасаввур этмоқда. Чунки Оллоҳ жамоли шу қадар гўзалки, унга кўзи тушган ҳар бир ошиқнинг аҳволи Мажнун каби ҳолга тушиши ва унинг сабаби Яратган жамоли Лайли каби гулрухсор эканлиги таъкидланган. Шоира бу ўринда ёрни эркалатиб, гулрухсорга тенглаштирган. А.Ҳайитметовнинг ёзишича: "Увайсийга қадар бирон ўзбек шоири ўз севгилисини эркалаб, унинг юзини гулзорга ва унда очилиб турган раънога қиёслаб ғазал битмаган"². Бу эса Увайсий ижодида Ишққа бўлган муносабатнинг ўзига хос олий кўриниши саналади. Бу ўринда Увайсийнинг маҳорати шундаки, "Оллоҳ жамолини Лайли тимсолида яратиб, усталик билан образга сингдира олганки, дунёвий маъшуқа билан илоҳий маъшуқа орасида фарқ қолмаган"³. Шоира бу ўринда Лайли тимсолини Яратганнинг заминдаги тажаллиси маъносида қўллаган.

Маълумки, Увайсий лирикаси орқали инсонга хос бўлган муҳаббат туйғуларини ошқора ифода этади. У ижодкор сифатида кўнгли тубидаги бор ҳақиқатни ҳеч иккиланмай ижодида намоён қила олган. Бу ҳақда А. Турдиалиев шундай дейди: "Шоира лирикасида асосий ўринни ишқ-муҳаббат

¹ К о м и л о в Н. Тасаввуф. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009, 49-бет.

² kh-davron.uz

³ К о м и л о в Н. Тасаввуф, 205-бет.

мавзуси эгаллайди. Юксак дид ва маҳорат билан ёзилган бу шеърларда ошиқ қалбнинг изтиробли кечинмалари ўз аксини топган"⁴.

*Мажнун танимни раъшасини таъна этмагил,
Бир Лайливаши ғами била девонадур кўнгул.*

Яъни шоиранинг лирик қаҳрамони бир гўзал Лайливашнинг ғами билан кўнгли девона бўлганлигини таъкидлаб, шу сабаб Мажнун танимнинг титроқларини таъна этмагил дея уқтирмакда. Бу ўринда ҳам шоиранинг тасаввуфий қарашлари намоён бўлган. Яъни бунда шоира Оллоҳнинг висолига етиш йўлидаги ғам-аламлари орқали девона Мажнун ҳолига тушган лирик қаҳрамон шикоятини тасвирлаган бўлса, бошқа бир ғазалида гўзал Лайли туфайли бошига тушган ғам-аламларни ҳеч бир шодиёнага алмашмайдиган, ғамнинг ширинлиги туфайли жон тарк этолмайдиган ошиқ Мажнун қиёфасини шакллантирган.

*Алишмас ҳеч ғами Лайлини Мажнун шодмонлиққа,
Бу ғам ширинлигидан тарки жон этмай нечук қилсун?*

Маълумки, "Мажнун – чин ошиқ. У шеърятда асосан ана шу белгиси – чин ошиқлиги, ишқдаги вафоси билан намоён бўлади. Ҳар қандай хўрлик, азоб, руҳий ва жисмоний қийноқлар, камситиш ва ҳақоратлар Мажнунни Лайлидан воз кечишга сабаб бўла олмайди. Лайли сурати эса бекиёс ҳусн, мукаммал шаклу шамойил, чиройли қадди-қомат ифодаси"⁵. Бу ўринда ҳам шоира Лайли тимсоли орқали Оллоҳга бўлган чин муҳаббатни Мажнун образи билан биргаликда ифода этган. "Ўзбек мумтоз адабиётида Мажнун ошиқлик, ишқ ва жунун рамзи сифатида намоён бўлади. Шоира шеърятда ҳам энг кўп ишлатилган образ Мажнундир. У бу тимсолга ҳавас билан қарайди. У етган даражага кўтарилишни орзу қилади. Дунё Лайлидангина иборатлигига Мажнун сингари ишонгиси келади. Шеърларида Мажнун бўлиб сўзлайди"⁶. Шунинг учун шоира шеърлари ва унда қўлланган анъанавий образларнинг хатти-ҳаракати тасаввуфий мазмуннинг олий кўриниши саналади.

"Увайсий замондошлари орасида шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий баркамол шеърлари билан ўз истеъдоди ва маҳоратини намоён қила олган шоирадир. У ҳақли равишда ўз замонасидаги халқ эътирофига сазовор бўлган, ўз даври шоираларининг етакчиси даражасидаги ижодкор саналади"⁷. Дарҳақиқат, шоиранинг куйидаги мисралари фикримизга асос бўла олади.

⁴ Турдалиев А. Сўзбоши \ Увайсий. Мазмун маъдани. – Тошкент: "Akademnashr", 2010, 5-бет.

⁵ Адизова И. Увайсий шеърятда поэтик тафаккурнинг янгилиниши. ДД. – Тошкент, 2020, 49-бет.

⁶ Ўша ерда.

⁷ Исокова Б. Ҳақ ишқда куйиб ёнган Увайсий \ "Шарқ юлдузи", 2019, 2-сон, 159-бет.

*Фигони – айб, оҳи – таъна, бир бечора маҳзунман,
Ки бир Лайлипариваиш шоҳга аввора Мажнунман.*

"Увайсий лирикаси шоира дунёқарашида маълум қарама-қаршиликларни тўла акс эттиради. Шу билан бирга унинг ишқ, маърифат, гўзаллик тарғиботчиси эканини кўрсатиб туради"⁸. Маълумки, Увайсийнинг ижтимоий аҳволи анча оғир бўлган. Унинг ана шу қийин вазияти юқоридаги байтнинг биринчи мисрасида тўла акс этган. Хусусан, шоира дастлабки мисрада фигон кўтарса, айб саналган; оҳ урса, таъна-маломатга қолган маҳзун – хафа ожиза эканлигини изоҳлаётган бўлса, иккинчи мисрада эса шу ночор аҳволида ҳам Лайлипариваиш, яъни гўзал шоҳ ёнида унинг хизматиға оввора бўлган Мажнун эканлигини таъкидламоқда. Бу ўринда ҳам шоира Лайли образини гўзал ёр маъносида қўллаган.

Увайсийга муносиб шогирд бўла олган Нодира ижодида ҳам мазкур образнинг турли мазмун-моҳияти кўзга ташланади. Шоира шеърларида мазкур образ бошқа ижодкорлар ижоди каби Фарҳод, Ширин, Вомиқ, Узро, Юсуф, Зулайхо каби образлар билан ёнма-ён учрайди. Шу боис Нодира ҳам пок муҳаббат ҳақидаги фикрларини тўла мукаммал поғонага кўтариш мақсадида устоз шоирлар йўлини босиб ўтганини кўришимиз мумкин.

*Ошиқ ўзи, маъшук ўзидур, лек афсона
Лайли била Мажнун ила Вомиқ ва Узро.*

Мазкур байт шоира ошиқ-маъшук муносабатини, улар ўзи ким эканлигини Лайли билан Мажнун ҳамда Вомиқ ва Узро кабилар ҳақидаги афсоналар асосида изоҳлаган бўлса, қуйидаги байт орқали пок муҳаббат тушунчаларини тимсолларнинг хатти-ҳаракати мисолида бадий ифода этган. Яъни Мажнун Лайлини тарк эта олмайди. Чунки Юсуф ҳануз Зулайхони унутгани йўқ.

*Мажнун нега Лайли таркин этсун,
Юсуфни унутмади Зулайхо*

Ҳар икки байтда Лайли тимсоли Мажнуннинг суюкли ёри маъносида қўлланган.

Дарҳақиқат, "Ишқ" тушунчаси Нодира ижодининг асосий мавзуларидан бири бўлган. Унинг мазкур мавзуда зўр иштиёқ билан ижод қилганлиги шеърларининг мазмунидан яққол сезилиб туради. Турмуш ўртоғи – Умархоннинг эрта вафоти шоиранинг нафақат ҳаёт тарзига, балки ижод жараёнига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Шу боис унинг ижодида тилга олинган "Ишқ" тушунчаси мажозий ёки ҳақиқий эканлигини ажратиб олиш биров чалғитади.

⁸ Турдалиев А. Сўзбоши, 6-бет.

*Ўшал Лайли малоҳат нозанини моҳрухсорим,
Мени Мажнун каби саргаштаи дашти бало қилди.*

Мазкур байтда Нодира Лайлининг гўзаллигини ўзида мужассам этган моҳрухсор деганда кимни назарда тутганлиги маълум эмас. Балки, бу ўринда Яратганнинг жамоли қаршисида Мажнун каби дашти-биёбонда саргардон бўлган ошиқ образини, балки турмуш ўртоғи Умархонни тасаввур этиб, унинг учун Мажнун ҳолига тушган Моҳларойим сийратини бадий талқин этган. Бизнингча, ҳам кейинги фикр ҳақиқатга яқин. Бу ҳақда адабиётшунос М.Қодирова шундай маълумотларни айтиб ўтган: "Умархоннинг вафотидан сўнг бу ифбат садафининг инжуси ёрининг мотамида гоҳ ҳасратдан гулдек ёқасини чок-чок қилар, гоҳ айрилиқдан кўксини лоладек доғлар, кўзларидан марвариддек ёшлар тўкар эди..."⁹. Демак, бу ўринда Лайли тимсоли гўзал ёр маъносида қўлланган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала шоира ижодида қўлланган Лайли образи мазмун-моҳияти ва ғоявий жиҳатдан мукаммал даражага кўтарила олган образ саналади. Ижодкорлар мазкур тимсолни шаклан фарқли қўллаган бўлсалар-да, аммо мазмунан ўзаро яқинлик ҳосил қила олган. Чунки Увайсий ижодида Лайли тимсоли Лайливаш, Лайло, Лайлинамолиғ, Лайли каби шаклларда учраган бўлса, Нодира ижодида қўлланган Лайли тимсоли фақат Лайли шаклида кўзга ташланди. Шунингдек, Нодира ижодида мазкур образ, асосан, суюкли ёр, яъни Оллоҳга бўлган муҳаббатни тарғиб этган ҳамда "Лайли ва Мажнун" номли асар номига ишора маъносида қўллаган бўлса, Увайсий ижодида эса барча ўринларда Яратганга бўлган пок муҳаббат ғоялари мужассамлашган.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Увайсий ҳамда Нодира ижодида қўлланган Лайли образининг маъно қирралари изоҳланган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье раскрываются формы и содержание образа Лейли, используемого в произведениях Увайси и Надиры.

RESUME. This article explains the forms and content of the image of Layli used in the works of Uvaysi and Nadira.

Таянч сўз ва иборалар: образ, тимсол, илоҳий ишқ, Лайли, Мажнун, шеърят, Нодира, Увайсий.

Ключевы слова и выражения: образ, символ, божественная любовь, Лейли, Меджун, поэзия, Надира, Увайси.

Key words and word expressions: image, symbol, divine love, Layli, Majnun, poetry, Uvaysi, Nadira.

⁹ Қ о д и р о в а М. Нодира ижодида ижтимоий саҳифалар \ "Тулистон", 1989, 7-сон, 13-бет.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШ ҲИКОЯЛАРИДА ТАСВИР МАҲОРАТИ

Абдуқаюм Йўлдошев ижодида ҳикоялар салмоқли ўринни эгаллайди. У ижодий фаолиятини шу мўъжаз жанрдан бошлаган. Ёзувчининг ҳикоя жанридаги асарларини реалистик тафаккур маҳсули дейиш мумкин. Чунки бу ҳикояларда ҳаёт мураккабликлари, турфа ранглари, қисмат кўчаларида чор-ночор қолган қаҳрамонларнинг қийинчилик ва машаққат тўридан чиқиш жараёни, ютук ва ютқишқилари, дарду аламлари, қувончу изтироблари акс эттирилади. Муаллифнинг "Алвидо, гўзаллик", "Пуанкаре", "Парим бўлса", "Мубтало", "Биз бўлмаган жойларда", "Етим сўз", "Видо зиёфати", "Қайдасан, мўъжиза...", "Банди" каби етук ҳикоялари ичида қисса жанрига яқин ҳикоялар ҳам мавжуд.

Эпик турнинг нисбатан оммабоп ва фаол жанри ҳисобланувчи ҳикоя икки хил йўсинда ривожланиши мумкин. Биринчи навбатда, фольклор жанри бўлмиш масал, ривоят, ҳикоят каби жанрлар тарзида битта тугал манзара ёки воқеликдан иборат бўлади. Бундай ҳикояларда ортиқча тафсилотлар, улама воқеа манзараларини кўрмаймиз. Бир воқеанинг бошланиши ва тугаши тасвирланади. Иккинчи шаклда эса бир-бирига боғланган бир нечта воқеалардан шакллантирилади. Рус ҳикоячилигининг устаси бўлмиш Чехов ҳикояларида биринчи йўсинни кўпроқ учратиш мумкин. Ўзбек адабиётидан Абдулла Қаҳҳорнинг кўпгина ҳикоялари ушбу фикримизга мисол бўлади. Кейинги йўсиндаги ҳикояларга Шукур Холмирзаев ҳикояларини мисол қилиб келтириш мумкин. Д.Қуронов битта воқеадан – "ҳаётдан биттагина эпизодни акс эттирувчи" таърифига "новелла" жанри мос келиши ва ушбу истилоҳ ишлатилишини айтиб ўтади ва айтиш шу хусусиятлар тафовути орқали бир жанрни "новелла" ҳамда "ҳикоя" деб фарқлаш амалиёти мавжудлигини таъкидлайди. "Ҳикоянинг бу икки типи сюжет-композицион хусусиятлари билан фарқланади"¹. Ҳикояда характерлар тасвири ҳам қиссадаги каби батафсилликни кўтармайди. Характердан кўра ёзувчининг кичик сюжет воситасида билдирмоқчи бўлган фикри жанрнинг моҳиятини белгилайди. Ҳикояда мавзу ва ғоя турлича бўлади. Ёзувчи ҳикоя орқали салмоғи бир гапга тенг бўлган фикрни айтиши ҳам мумкин. Бу жанрнинг қисқалиги ва ихчамлигидан келиб чиқади. Ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг илдизлари халқ оғзаки ижоди жанрлари бўлмиш ҳикоят, ривоят, масал, латифа, нақл ва эртаққа бориб тақалади.

Халқ оғзаки жанрларида асар якунида "қиссадан ҳисса" бериш анъанаси мавжуд бўлган. Яъни мазкур жанрларда дидактик руҳ устувор бўлган. Сўз санъатининг муҳим жанрларидан бўлмиш ҳикоя жанри эса санъаткорона ёндашувни талаб этади ва дидактик тамойилларни инкор этади. Ҳикоя юксак бадиият ва рамзларни, ёзувчи ғоясини образлар воситасида ифодалашни талаб қилади.

А.Йўлдошев ҳикояларида ҳаётнинг биргина эпизодидан кўра бир-бирига занжир каби боғланган уч-тўрт воқеа кўпроқ тасвирланади. Ёзувчи ҳикояларида шаҳар ва қишлоқ макони аралаш ҳолда келади. Баъзан қишлоқдан бошланган воқеалар шаҳарда ниҳоя топса, баъзан шаҳардан

¹ Қ у р о н о в Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: "Академнашр", 2018, 376-бет

бошланиб, орада кишлоққа кўчади ва яна шаҳарда тугалланади. Кўпгина ҳикояларида асосий воқеалар шаҳарда кечади. Шаҳардаги воқеалар ҳам кишлоқ соғинчи билан яшайдиган, кишлоқда ўтган болалигини орзиқиб ёдга оладиган қаҳрамонлар билан боғлиқ. "Пуанкаре", "Парим бўлса" каби ҳикоялари жанр хусусиятлари жиҳатидан қиссага яқин.

Маҳоратли ёзувчи ҳаётни ўта зийраклик билан кузатади. Бу кузатувлари юксак бадиият билан қоғозга тушса, санъат асари дунёга келади. Илдизи ҳаётдан сув ичган асарнинг умри узоқ бўлади. Ўқувчи бу асардаги табиийликдан, ҳаққонийликдан қониқиш ҳосил қилади. Кўшимча деталлар, асар тили ўқувчига эстетик завқ улашади. Яхши мавзу, қизиқарли сюжет ва муҳим ғоядан мукаммал ҳикоя бино бўлади. Шундай асарлардан бири – "Алвидо, гўзаллик" ҳикояси ўз номига монанд гўзалликнинг аянчли якуни ҳақида. Гўзаллик ниманинг рамзи? Муаллиф наздида ҳар қандай гўзалликнинг қадрига етилмаса, у хорлик ва эътиборсизликка дучор этилса, бу гўзалликдан асар қолмайди. Ёзувчи Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик кутқаради" деган ҳикматига қарама-қарши фикрни ўртага ташлайди. Гўзалликнинг дунёни кутқаришга кучи етмайди. Аксинча, гўзалликни бу дунёнинг кир қўлларидан, юҳо нафсидан кутқариш лозим. Йўқса, завола топан гўзалликнинг бадали жуда оғир бўлади.

Муаллифнинг ҳикоя бошида қайд этганидек, воқеа "саксонинчи йилларнинг охирида" бўлиб ўтади. Ҳикоя бошида овул аҳлининг феъл-атвори тасвирланади. Овулнинг аксарият эркаклари "ичишни яхши кўришади", тўйлар жанжалсиз ўтмайди; аёллари эса кун бўйи мол-ҳол ташвиши билан банд бўлишади, кечкурунлари, "телевизорда бирор бачкана, узундан-узоқ сериал бўлиб қолсагина кўпчилик дастурхон атрофида ўтириб, шуни томоша қилишади".² Овул одамлари турмушнинг машаққатли юмушларига бўйин эгган, меҳнатдан ортмайди. Ҳикоя қаҳрамони – яқиндагина армиядан қайтган Муслимнинг хотини Ойсулув. Ровий унинг бениҳоя гўзаллиги ҳақида миш-мишлар урчиганини баён қилар экан, Омон тракторчи "Эй, аммо-лекин бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўларкан-да", – дея таъриф берганини, бу мактовга келинчакни кўриб келганларнинг ҳайрати кўшилганини, "Ҳатто айтишларича, баъзи одамлар ишгаям тўғри йўл қолиб, Марварид момонинг уйи ёнидан ўтиб-қайтадиган бўлишибди. Бола-бақра-ку, бу ҳовлидан бери келмасмиш ҳисоб" (131), – дея ҳайратини изҳор этади.

Ҳикоя ўша овулдаги бир ўсмир тилидан ҳикоя қилинади ва у инсондаги бу қадар ўзгарувчанлик, ҳаёт чиғириғи инсонни не кўйларга солиши мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Бола ҳаммани мафтун этган, одамларда ҳавас ва ҳасад туйғуларини кўзгаган бетакрор гўзаллик соҳибасининг қисмат ўйинларига тез енгилишидан лолу ҳайрон қолади.

Муаллиф ўз қадрини топмаган гўзаллик уни кераклича кадрламаган оломон учун муқаррар жазо бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқчи бўлади. Қолаверса, ҳаётнинг шафқатсиз саҳналарида нафақат инсоннинг ботини, балки зоҳири ҳам завола бўлиши мумкинлигига урғу беради.

Болалик нигоҳи гўзалликни бошқача кўради. Беғубор, ҳар қандай ғайур истаклардан холи нигоҳ билан. Ҳикоя қаҳрамони таърифи тилларда дoston бўлган келинчакни илк бор кўргандаги тасвир бу фикрга исбот бўлади: "Аёллар башорат қилишган экан. Тўйдан кейин орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас Муслим ака хотинини чопиққа чиқарди. Шунда биз кўрдик, дарҳақиқат,

² Ё ў л д о ш А. Мубтало (ҳикоялар). – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2023, 130-бет. Кейинги кўчирмалар ҳам шу нашрдан олинб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – 3.Т.

келинчак жуда чиройли эди. Исмиям жисмига монанд: Ойсулув. Атлас кўйлак-лозим кийган, ялтираб турган сочи тақимини ўпадиган, оппоқ юзли, киприклари узун-узун, жисми нозиккина бу аёлни болалар негадир "Кумуш чеча" деб чақиришарди. Ўзиям кинодаги Кумушга жуда ўхшаб кетарди-да..." (131).

Ойсулув ўзининг гўзаллиги билан овулдаги ёшу қарининг тилига тушади. Ҳикоя сўнгига қадар ўқувчини "Муслим шу гўзаллик соҳибасига муносиб эдими? Қайси хислати учун тақдир уни шундай бебаҳо гўзаллик билан сийлади?" – деган савол қийнайди. Ҳикоя қаҳрамони бу қадар нафосату назокат, ҳусну чиройга эга Ойсулувни қишлоқ манзарасида тасаввур қила олмасди. У бошқа аёллар каби меҳнат қила олмайди. Эрининг тазйиқи остида зўр бериб ишлашга тиришса ҳам, бундай ишлар унинг кўлидан келмасди. Ҳикоя сўнггида қаҳрамон шаҳардан қишлоққа қайтади. Ўз таъбири билан айтганда, "шу орада мен шаҳарга, имтиҳонларни топширишга кетдим. Бахтим чопиб, институтга кирдим. Жой топиш, ўқиш ташвишлари билан бўлиб қишлоққа қайтиб келолмадим. Орадан бир йилга яқин вақт ўтди. Июнь ойининг ўрталарида овулга келдим" (135). Қаҳрамон қишлоққа кириб келар экан, ўша таниш манзара ўзгармаганини кўради. Сув тарқатилаётган жойда аёлларнинг навбат талашиб бақир-чақир қилаётганига парво қилмайди. Бироқ бу шанги товушлар орасида ўзига таниш овозни эшитиб, қаҳрамон лолу ҳайрон қолади. Овоз келаётган томонга қараганда, пақирларини, пластмасса идишларини цистерна қувуридан оқаётган сувга биринчи бўлиб қўйишга уриниб бир-бирларини сур-сур қилаётган аёллар тўпи ичида турган бир қоп-қорагина, доғ босган муштдай юзини ажин тўрлатган, сочлари тўзиб кетган, эски халат кийган жувоннинг бақираётгани эътиборини тортади. "Дарвоқе, аёлларнинг ҳаммаси бақир-чақир қилишар, аммо мен фақат шу жувоннинг сўзларини эшитардим. Зеро, бу ўша, бир йилгина муқаддам гўзаллиги ва маъсумалиги билан бизни ҳайратларга солган Ойсулув янга эди..." (136), – дейди ҳайратдан донг қотган қаҳрамон.

Ҳикоядаги трагизм чўққисига етган ўша эпизоддан сўнг қаҳрамонни бир қанча саволлар қийнайди. Бу саволларда муаллифнинг ҳам ўқувчига мурожаати бор: "Қани мен кўрган Ойсулув янганинг сулувлиги, ибоси? Қани мен Ойсулув янганинг кўзларида кўрган ўт? Бугун, икки пақир шўр сув учун жонини жабборга бериб талашаётган, шу сувни олгани учун ўзини бахтиёр сезаётган Ойсулув янгани ким, кимлар бу кўйга солди..." (136). Бу адоқсиз саволларга жавоб топиш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинган. Аслида булар риторик сўроқ гаплар эканини англаймиз. Ҳикоя номидаги гўзалликка нисбатан қўлланган "алвидо" сўзининг мазмун-моҳияти ҳикоя якунида ойдинлашади. "Наҳот, наҳот энди бир инсоннинг умри шу билан ўтиб кетса..." – дея ёзғиради қаҳрамон ҳикоя сўнггида.

А.Йўлдошев ҳикояларида дард ва изтиробни ортиқча бўрттирмайди, бор ҳолича тасвирлайди ва ўқувчини бу изтиробга ҳамроҳ қилади. Ёзувчининг таъсир кучи ҳам ўқувчини қаҳрамонига дардкаш қила олишида, десак хато қилмаган бўламиз.

Й.Солижонов А.Йўлдошевнинг ҳикояларида "яшашга иштиёқ барча асарларнинг туб моҳиятига тегишлидир", дея хулоса қилади. Ёзувчи "ҳамма нарсадан, ҳатто, ўлим, айрилиқ, дағаллик сингари ҳодисалардан ҳам гўзалликка хос рангларни қидиради".³

³ Солижонов Й. Гўзалликнинг турфа ранглари \ "Шарқ юлдузи", 2012 йил, 1-сон.

А.Йўлдошев ҳикоялари таъсирли сюжети, характерларнинг аниқ ва ишонарли экани, композицион қурилиши, тилининг гўзаллиги ва бадиий-ғоявий юки билан ажралиб туради. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари ҳаёт синовлари олдида ожиз қолсалар ҳам курашдан тўхтамайдилар. Курашувчанлик табиати бу образларнинг ўқувчига қадрли бўлишида муҳим жиҳатга айланади. Ҳикояларда қишлоқ ва шаҳар оралиғида ўз қисматини яшаётган оддий одамларнинг руҳият манзаралари ўта дақиқлик билан тасвирланади, уларнинг табиатидаги босиқлик ва сиртга чиқмайдиган исёнкорлик руҳи турли воқеалар орқали очиб берилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдуқаюм Йўлдош ҳикоялари поэтикасининг айрим қирралари, хусусан, ёзувчининг сюжет ва композиция яратиш, образлар киёфасини акс эттириш, бир сўз билан айтганда, тасвир маҳорати ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ. В статье освещаются некоторые аспекты поэтики рассказов писателя Абдуқаюма Йўлдоша, в частности, мастерство писателя в создании сюжета и композиции, изображении образов персонажей, в целом, мастерство изображения.

RESUME. The article highlights some aspects of the poetics of the stories of the writer Abdukayum Yuldosh, in particular, the creation of the plot and composition of the writer, the reflection of images, in a word, the artistry of the image.

Таянч сўз ва иборалар: жанр, ҳикоя, сюжет, композиция, образ, деталь, фожеавийлик, мавзу, ғоя.

Ключевые слова выражения: жанр, рассказ, сюжет, композиция, образ, деталь, трагизм, тема, идея.

Key words and word expressions: genre, story, plot, composition, image, detail, tragedy, theme, idea.

Намуна НАЗАРОВА

СИРОЖИДДИН САЙИД ШЕЪРЛАРИДА "ҚЎРҒОН" ТИМСОЛИ

Сирожиддин Саййид ижодига разм солар эканмиз, ўзбек миллий руҳияти акс эттирилган урф-одатларни, анъана-қадриятларни, маросим-удумларни, нарса-буюмларни кўз онгимизда гавдалантирувчи кўпгина деталларнинг поэтик ҳодисага айланганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, шоир ижодида кўп учрайдиган айвон, эрганақ, устун, чопон, чакмон, ҳасса, бешик, дўппи, райҳон, атлас, остона, тегирмон, кумғон, қўрғон каби бир қатор ўзбек миллати турмуш тарзига мос келадиган сўзларга, яъни миллий ўзлгимизни, менталитетимизни акс эттирувчи ифодалар қаторига дуч келамиз. Мазкур мақоладан мақсад миллийлигимизни акс эттирувчи бу каби деталларнинг янгича поэтик образлар яратилишига тўртки бўлганлиги ва бунинг замирида ўзбек миллий адабиётимизда янгича поэтик мазмун ва маъно қирраларининг вужудга келишига хизмат қилаётганини аниқлаш ҳамда шу билан бирга шоирнинг бадиий маҳорат қирраларини очишга интилишдан иборатдир.

Шоир ижодида миллий меъморчилик анъаналарига асосланган тасвирлар ҳам кўп учрайди. Жумладан, миллий меъморчилигимиз намуналаридан бири бўлган "қўрғон" сўзи поэтик ҳодиса сифатида ўз

мазмун-моҳияти ва шоир бадий тафаккури ҳосиласига кўра бир неча хил поэтик образ яратилишига замин бўла олган. Лирик қаҳрамоннинг юртига бўлган меҳрини изҳор этувчи "Изҳор" шеърида қўрғон сўзи нафақат яшаш маконини англатувчи жой маъносида, балки ғанимлар босқинига қарши мардановор курашга бирлаштира оладиган ҳимоя қўрғони сифатида ҳам ўзгача услубда ифодалаган:

*...Асрлар жўш урган дилқоним дедим,
Туғи абад баланд қўрғоним дедим¹.*

"Ватан" номли шеърида эса қўрғон сўзи воситасида қисмлардан бутунни яратиш усулига таяниб, Ватан суратининг янгича поэтиклашган таърифини ифода этади:

*...Тупроқ қалъалардан келар товушинг,
Товушларинг келар Эллиққалъадан.
Мен ҳам бир қўрғондай кетгум қоришиб,
Улуг қўрғонлардан яралган Ватан (93).*

Қуйидаги тўртликда эса қўрғон сўзи мустаҳкам, енгиб бўлмас, кучли каби сўзларга ишора бериб янгича бадий вазифа ўтай олган:

*... Ўтар дунё биз меҳмон,
Ҳар гиёҳдан тердик нон.
Элинг омон бўлганда
Юртинг ҳам бўлар қўрғон (103).*

Шоирнинг ватанпарварлик руҳида битилган шеърларида лирик "мен"нинг ватанга бўлган меҳр-муҳаббати турли хил ташбеҳлар орқали ифодаланганини кузатиш мумкин Жумладан, "Бобожонимнинг Ватани" шеърида юртга бўлган дил изҳорини "қуёшли қўрғоним" дея алқайди:

*...Дилдаги меҳр ила шафқатим,
Қуёшли қўрғоним, давлатим (140).*

Кейинги бандда қўрғон, устун, синч каби соф ўзбекона деталлардан унумли фойдаланиб, метафорик мазмунни ифодалай олган.

*Ҳар ўғлонинг – бир қўрғон,
Юрт устун, синчидир (326).*

Ташбеҳ санъатининг воситасиз туридан фойдаланган ижодкор юртнинг ҳар бир ўғлонини қўрғонга қиёс қилар экан, ҳар бир эр кишининг оила

¹ С а й и д С. Сайланма, III жилд. – Тошкент: "Шарк", 2019, 78-бет. Шоир шеърларидан келтириладиган кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. – Н.Н.

қуриши мажозий маънода бир қўрғон ярата олиши ва бу қўрғон она юртнинг "устуни, синчи" бўлиши муқаррарлиги каби катта ҳақиқатни ўзида ифодалаш билан қимматлидир. Қўрғон сўзига "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да келтирилган бир неча изоҳларда шаҳар-қалъа, мустаҳкам девор, ҳовли жой каби таърифларнинг барчаси ҳам шоир ўз шеърлари замирига катта поэтик мазмунни жойлай олганидан далолат беради. Юрт ўғлонига сифатлар бериш кейинги мисрада янада фаоллашади, уларга юртнинг устуни, синчи дея баҳо берилади. Устун сўзига ҳам "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бир неча таърифлар келтирилган. Айнан "Томни кўтариб турувчи таянч ёғоч" таърифи қўрғон, синч сўзлари шеърда бир линияда бирлашиб, таносуб санъатининг гўзал намунасини ярата олган. Қўринадики, шоир шеърда миллий турмуш тарзимизга хос, бир қарашда содда бўлиб туюладиган қўрғон, устун, синч каби сўзларнинг асл маъносидаги вазифасини поэтиклаштириб, юрт ўғлонларига таъриф берадики, натижада улар кўз ўнгимизда мукамал, етук шахслар тимсоли сифатида намоён бўлади. Бунда бугунги кунда жонли сўзлашув тилимиздан бироз четга чикиб бораётган, аслида миллийлигимизни, анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам қилган сўзларнинг аҳамияти каттадир.

Қўрғон сўзи "Устозлар ёди" да янада жозибали роль ўйнаган:

...Ажал ов қиларми якка- яккалаб
Тўра Сулаймону
Шукур акалар....
Озод домла янглиғ сўз қўрғонлари
Кетдилар.
Дилларда ёд, армонлари.
Қанча сабру сабот оламдан ўтди.
Гўё адабиёт оламдан ўтди (56).

Қўрғон сўзи мустаҳкамлик, қатъиятлилиқ, ҳажман катталиқ, зарбларга бардошлилик каби сўз ва бирикмаларни мужассамлаштира олади. Шоир устозларини ёд этар экан, Т.Сулаймон, Шукур акалар, Озод домлаларни сўз қўрғони деб таърифлайди. Шеърда қўйилган кўп нуқталар яна неча-неча сиймоларни англадиган ушбу бирикма замирида поэтик сўзнинг қадрига етадиган, унинг қийматини биладиган, уни беҳудага сарфлашга ийманадиган, эзгулик йўлида эса қанча керак бўлса шунча фойдаланадиган сўз усталари деган бир қатор таърифлар ётади. Шу ўринда сўз қўрғонлари дея образ яратган шоирнинг ўзбек тилини асрашга ундови, уни янада ривожлантиришга хитоби ҳам янграйди. Зеро, қўрғон ҳимоялаш, асраш вазифаларини ҳам бажарган.

"Менинг шоирлигим" номли манзумада шоир шеърят ҳақида гапира туриб шундай дейди:

Унинг қўрғони юз минг жон ва тандин,
Ватандин бошланиб битгай ватандин (68).

Бу ўринда кўрғон сўзи шеърятнинг тузилиши, асоси, пойдевори каби сўзлар ўрнини боса олган. Шоир шеърятни ҳам кўрғонга қиёс этар экан, унинг асосини улуғ устозлар рухий эврилишлари, керак бўлса жон беришлари эвазига мустаҳкамлаб, барқарорликка эриштира олганликларини айтмоқчи бўлади.

"Тошкент оқшоми" газетасига бағишлаб ёзилган шеърда кўрғон сўзи куйидагича намоён бўлади:

*Устувор кўрғонсан – чин дўстларинг-у
Кекса-ю ёшларнинг тилакларида (74).*

Устувор сўзи кўрғон сўзининг мазмуни билан бирлашиб, фикрни янада кучайтириб ифодалай олган. Шоир газетага таъриф берар экан маърифатга ошно қилишда, зиё улашишда барчани бирлаштирувчи ягона тизим эканлигини таъкидлайди. Қолаверса, шоир ўзининг бир вақтлар шу газетада иш бошлаганлиги, ўша пайтдаги қийинчиликларни босиб ўтишда, қалами ўткир ижодкор бўлишида ўзига кўрғон сифатида таассурот қолдирганлигини китобхонлар билан бўлишади. Зеро, кўрғон сўзининг ҳимоя қилиш каби сифатлари ҳам бор.

"Университет мадҳияси" шеърда кўрғон сўзи давом этувчи ҳаёт, асрлар силсиласи каби маъноларни тўлдириб, изоҳлаб кела олган. Шу билан бирга Миллий университетнинг умри боқийлигига, талабалар билими ривожда ўрни бекиёслигига ишора бор:

*Қанча улуг зотларнинг мунаввар дарсхонаси,
Ҳар бир кўҳна ғиштингда замонлар афсонаси.
Мангулик кўрғонида сўнмагай нишонаси,
Уйғонгувчи миллатнинг сўнмагай нишонаси,
Миллий университет,
Миллий университет.*

Хулоса қилиб айтганда, С.Саййид маиший ҳаётимизда дуч келадиган нарс-предметлардан бадиийлик ҳосил қилиб, адабиётнинг инсон онгига, сезимларига таъсир қила олиш имкониятини оддийликда ва миллийликда кўрсатиб бера олган.

РЕЗЮМЕ. Мазкур илмий мақолада Сирожиддин Саййиднинг ўзбек миллий руҳиятини акс эттирган шеърлари таҳлилга тортилган.

РЕЗЮМЕ. В данной научной статье проанализированы стихи Сироджиддина Сайида, отражающие узбекский национальный дух.

RESUME. In this scientific article, Sirojiddin Sayyid's poems reflecting the Uzbek national spirit are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: миллий колорит, деталь, поэтик, образ, анъана, тасвир, ташбеҳ, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: национальный колорит, деталь, поэтический образ, традиция, изображение, сравнение, мастерство.

Key words and word expressions: Nationalism, architecture, magnificence, fortress, porch, threshold, patriotism, fine arts, poetic findings.

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ ҲАЖВЧИЛИК МАҲОРАТИ

Ўзбек адабиётида ҳажвий ғазалларнинг яратилиши ғазал жанрининг ижтимоийлашуви билан боғлиқ. Яъни дастлаб ишқий кечинмаларнинг ифодаси ўлароқ майдонга келган жанр даврлар ўтиши билан ўзининг мавзу кўламини, ифодаланаётган мазмун-моҳиятининг қамровини, туйғулар оқимининг ўзанини кенгайтириб, тадрижий тарзда ўсиб борди, натижада ғазалларнинг ҳажвий кўринишлари ҳам пайдо бўлди. Эркин Воҳидовнинг аруздаги изланишларида ҳам қатор ҳажвий ғазал ва мухаммаслар мавжуд. Лекин унинг бу ҳажвий асарлари ҳали алоҳида тадқиқот объектига айланганича йўқ.

Шоирнинг "Сенга бахтдан тахт тиларман" номли девонига "Кулги мушоиралари"дан туркумидаги тўрт, шу билан бирга "Бир таваккалчи дейдики", "Бизга сўз тегди кеча" ғазаллари ҳамда "Мажлис қилинг" сарлавҳали ҳажвий мухаммаси ҳам киритилган бўлиб, уларнинг мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги алоҳида эътиборга молик. Хусусан, "Насиҳат" номли ғазал жамиятдаги лаганбардор, иккиюзламачи, ялтоқи кимсаларнинг умумлашма образини ифодалаганлиги билан характерлидир. Мазкур ғазалнинг биринчи мисрасиданоқ шоир шундай кимсаларга хос хусусиятларни илк белгиларини кўрсатиб байтга ҳажвий тус беради:

*Қўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил,
Ишини бир қилган жойингда гапни албат юзта қил¹.*

Халқимиз орасида "Иш билгунча гап билгин" қабилидаги ибора айни шундай кимсаларнинг тилидан чиққан бўлса, не ажабки, улар бор жойда ишнинг илгари силжиши ўрнига ортга кетиши, худбинлик ортидаги қилмишлари туфайли бошқа ҳалол инсонларнинг меҳнатлари самарасига путур етиши ва натижада жамият ривожига салбий таъсири яққол кўрсатиб берилади. Ғазалнинг кейинги байтида эса киноявий ташбеҳ орқали иккинчи "насиҳат" баёни берилади:

*Бошлигинг олдида топмоқ истасанг сен эътибор,
Қоматинг юз турли буккин, сўзни ҳам минг тусда қил (89).*

Мазкур байтда шоир халқона масал ва эртақларда ифодаланган тулки қиёфасидаги инсонларга ишора қилиб, байтнинг ҳам кулгили, ҳам таъсирли чиқишини таъмин этади. Байтнинг иккинчи мисрасидаги юз ва минг миқдор сонлари эса сўзлар маъносидаги таъсир юкининг иерархик муносабат орқали оширилишига хизмат қилади. Ғазалнинг кейинги байтларида ҳам шоирнинг ҳазиломиз насихатлари айтилиб, мактада юқорида айтилган фикрлар умумлашма тарзида берилади.

*Бил, сенга бу беш насихат, энг асосий қоида:
Қўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил (90).*

¹ Воҳидов Э. Сенга бахтдан тахт тиларман. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2017, 89-бет. Шоир шеърларидан кўчирмалар шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – А.Р.

Кўриниб турганидек, радд ул-матла санъати воситасида ғазал аввалида айтилган гап унинг сўнгида ягона қоида "Қўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил" тарзида ўз ифодасини топади.

Шоирнинг "Мажлис қилинг" сарлавҳали мухаммаси ҳам даврнинг ижтимоий муаммоларини акс эттирганлиги билан характерли хусусиятга эга. Ушбу мухаммас саккиз бандли ҳажмга эга бўлиб, у шоирнинг таъби худ мухаммаслари сирасига киради. Унда ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги собиқ иттифоқ тузуми мажлисбозликлари устидан қаттиқ кулиш, беадок мажлислару қоғозбозликларнинг фойдадан йироқ эканлигини кенг жамоатчиликка очиқ-ойдин ошкор қилиш каби ғояларни ўзида ифодалаган.

*Вақтингиз бўш бўлса ҳам, бўш бўлмаса мажлис қилинг,
Кўнглингиз ҳуш бўлса ҳам, ҳуш бўлмаса мажлис қилинг,
Овчилар, сиз отгани қуш бўлмаса, мажлис қилинг,
Аҳли бозор сотгани гўшт бўлмаса мажлис қилинг,
Ҳеч ҳисобмас, ҳар қуни қўш бўлмаса мажлис қилинг (171).*

Шоир мухаммаснинг илк бандини мажлис ўтказишнинг ўта жўн, арзимас бир сабаблар билан ташкил қилинишига ўқувчи эътиборини тортади. Биз мухаммаснинг кейинги бандларида ўтказилган мажлисларнинг камчиликлари билан бирма-бир танишиб борамиз ва унинг не машаққату маънисизликларга лик тўлганлиги ҳақидаги тасаввурни ҳосил қиламиз. Мухаммаснинг тўртинчи банди бизни янда ажаблантиради, чунки ўша давр кишиларининг асосий вазифалари, қилинажак касб-корлари бир четда қолиб, ҳамма мажлисга сафарбар этилгани ўқувчини саволлар қуршовида қолдиради.

*Кўрмасин деҳқон дала, созанда соз, шоир қалам,
Ишчи ҳам дастгоҳ ёнига қўймасин асло қадам,
Очмасин олим китобу қилмасин тажриба ҳам,
Кимки гап билма, билар иш, қилсин ўлгунча алам,
Иш биларни ургани мушт бўлмаса мажлис қилинг (172).*

Гарчи мухаммаснинг мазкур банди сиртдан қараганда кишида табассум уйғотса ҳам, аслини олганда, шоирнинг жамият иллатларини фош этувчи асл мақсади банддан-бандга томон тиниқлашиб, ойдинлик касб этиб боради. Чунки мазкур мисраларнинг ўзиёқ, собиқ иттифоқ тузумидаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг нақадар чиркин ғоялар устига қурилганлигидан бохабар этади.

Шоир мухаммаснинг сўнгги бандида жамият кишиларини уйғониб, эс-ҳушни вақтида йиғиб олишга чақиради ва, акс ҳолда, умр кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил қарсагу олқишларга мастликда ўтиб кетишини уларнинг онгу шуурига сингдиришга уриниш тарзидаги хулосалари билан якунлайди.

*Вақт ўтар, соат ўтар, кун ой бўлур, ой йил бўлур,
Ким у ўтган умрига қарсак чалур, қойил бўлур?!
Фурсат энг олий ҳакамдур, доимо одил бўлур,
Барча бир кун ул ҳакамнинг ҳукмига дохил бўлур,
Тўплангиз эс-ҳушни, эс-ҳуш бўлмаса, мажлис қилинг (173).*

Мазкур мухаммаснинг барча сатрларида кулги-мутуйиба руҳи уфуриб тургани ҳолда сўнгги мисралардаги фалсафийлик кишини бир қадар хушёр тортишга, ўтаётган умрни сарҳисоб қилишга ундовчи мисралар эканлиги билан мухаммас бадий қимматини яна бир поғона баланд кўтаради. Мухаммаснинг ҳар бир бандида **"мажлис қилинг"** жумласининг радиф сифатидаги такрори ҳам унга қўшимча маъно юкини ортади.

Маълум бўладики, Эркин Воҳидов Алишер Навоий, Огаҳий, Махмур, Муқимий, Завқий каби ҳажвчи шоирлар анъанасини муносиб давом эттирган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада шоирнинг ҳажвий ғазаллари таҳлилга тортилиб, социологик, биографик, герменевтик таҳлил каби тадқиқот методлари асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы сатирические газели поэта, которые рассмотрены на основе таких методов исследования, как социологический, биографический и герменевтический метод анализа.

RESUME. In the article, the poet's comic ghazals are analyzed and highlighted on the basis of research methods such as sociological, biographical and hermeneutic analysis.

Таянч сўз ва иборалар: ҳажв, юмор, сатира, ғазал, мухаммас, вазн, анъана, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: комикс, юмор, сатира, газель, мухаммас, метрический размер, традиция, мастерство.

Key words and word expressions: comic, humor, satira, ghazal, mukhammas, weight, tradition, skill.

Тозагул ДУСАНОВА

"ВАҚФИЯ"ДАГИ НАЗМИЙ МАТНЛАР

Маълумки, Алишер Навоийнинг деярли барча насрий асарларида турли шакл ва мазмундаги назмий намуналар мавжуд. Жумладан, "Вақфия" асаридаги шеърӣ парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, яқунлаш, муаллифнинг мазкур асаридаги ғоявий ниятини янада бўрттириб, эмоционал таъсирчанликни ошириш учун қўлланган.

"Вақфия" мутафаккирнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, вақф қилдирган ерлари, қурдирган иншоотлари, ҳасби ҳоли ҳақида муҳим маълумотлар беради. Жумладан, "Ихлосия" мадрасаси, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" шифохонаси, "Унсия" яшаш жойи, "Қудсия" масжиди ва бошқа иморатлар туркуми учун белгиланган вақф ва ундан фойдаланиш тартиблари баён этилган. Асар басмала билан бошланиб, ҳамд, наът, ҳукмдор мадҳи, ҳасби ҳол каби қисмлардан иборат. Асар муқаддимаси Оллоҳга ҳамд билан бошланади ва назм деб номланган 11 байтдан иборат маснавий билан давом эттирилган. Назмий матннинг бошланиши ва охириги байти қуйидагича:

*Анга ҳамдким, илми лорайб эрур,
Ўшул илм ила Олим ул-гайб эрур...
Аён улча мавжуду маъдум анга,
Азал то абад илми маълум анга ¹.*

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, X жилдлик, 9-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011, 631-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Т.Д.

Наът қисмида "назм" сарлавҳаси остида 12 байтлик маснавий шаклидаги шеърӣ матн билан фикр давом эттирилган. Насрий матнлар орасида назм деб номланган битта 4 мисралик, битта 2 мисралик назмӣ матн келтирилади. Сўнг олам ва одамнинг яратилиши ҳақида Қуръони каримдаги "Ёсин" сурасидаги 82-оят, "Аҳзоб" сурасидаги 72-оят келтирилади ва табиатдагилар турфа хилдалиги баён қилиниб, қуйидаги рубоӣ келтирилади:

*Деҳқони азалки, тузди бу турфа чаман,
Қилмади анинг барча наботини ҳасан.
Бир сари агар экти гулу сарву суман
Ўзга сари тикти хасу хошоки тикан (634).*

Асар давомида Султон Ҳусайн Бойқаро васфи бошланиб, у 28 байтдан иборат маснавийда ўз ифодасини топади. Навоӣ Султон Ҳусайн ўз салтанатини бошқаришда турли қабилалар вакиллариға таянгани ва ҳар қайсисига мувофиқ амаллар бергани тўғрисида сўзлаб, фикрини маснавий шаклида қофияланган 17 байтлик шеърӣ матн ва бир рубоӣ билан хулосалайди. Асар давомида ижодкор ўзи ҳақида ҳам тўхталиб ўтади: "Агарчи бу хоксорнинг ота ва абуким, ул ҳазратнинг обо ва аждои хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар..." (641).

"Вақфия"да Ҳусайн Бойқаронинг Навоӣға шоҳона нома (давлат маншури) юборгани ёзиб ўтилган ва унинг мазмуни маснавий шаклидаги назмӣ матнда бадийлаштирилиб, таъсирчан очиб берилган. "Ким, ногоҳ салтанат гулшанидан иноят насими эса киришти ва хилофат боргоҳидан хидоят қосиди етишти ва давлат маншури илгимға берди ва ул маншур мазмуни бу эрди:

*К-эй фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ, йўқки, ўшул сипеҳр меҳри..." (643)*

Унда Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоӣға мурожаат қилиб, шундай ёзади:

*"Назмнинг гулидинки даҳр тўлди,
Дегилки, санға не баҳра бўлди...
Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик этгабиз ўзунгни...
Йўқтур санға вақт гўша тутмоқ,
Ишират гулини оҳ ила қурутмоқ..." (644)*

Алишер Навоӣ ҳаётининг бу даврида гоҳ-гоҳида "гўша тутмоқ" нияти бўлгани, бироқ Султон бундан ташвишға тушиб, қадрдонини буюк асарлар яратиш, улуғ мақсадларни амалға оширишға даъват этгани ҳақидаги тарихий маълумотларға эға бўламиз. Маснавий сўнгида донишманд бу талабни қабул қилганини қуйидагича тасвирлайди:

...Туштум мане нотаваи ароға
Юз ранжу балоу ибтилоға...
Чун хост бу навъ эди қазо ҳам,
Мен хастаи зори бенаво ҳам.
Қулларга ўзумни ҳамдам эттим,
Қуллуққа белимни маҳкам эттим (644-645).

Навоийнинг мазкур асаридаги насрий матнларда берилган маълумотлар ўша даврдаги жамият ҳаётининг, қолаверса, шоир ҳаётининг маълум бир ўринларини авлодларга қолдирган ибратномаларидир.

"Яна ул эрдиким, ул ҳазратнинг қуллуғин иртиқоб қилурда ҳеч навъ ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввир эрмас эрди, балки хос Тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хотири учун, дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди... Илигимдан келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдим. Ва илигимдан келмагани ул ҳазрат арзиға еткурдим". Шоир насрий матнлар орасида рубоийлар келтиради ва ўз мулоҳазаларини қуйидагича назмлаштиради:

Мақсуд чу шоҳи динпаноҳ ўлди манга,
Уқбо сори ҳар не зоди роҳ ўлди манга.
Мажмуъини қилдим онинг оллиға нисор,
Бу ҳужжат учун Тенгри гувоҳ ўлди манга (648–650).

Тарихий-мемуар руҳда ёзилган "Вақфия" асарида насрий матнлар орасида жами 34 та назмий матн келтирилган. Булардан 16 таси рубоий, 2 таси маснавий, 8 таси назм, 1 таси байт деб номланган. Қуйидаги бир қаторлик шеър мисра деб номланган:

Мушкуледур ишқдин ҳар дам манга мушқил аро (645).

Асарда насрий матнлар орасида келган 6 та назмий матннинг жанри кўрсатилмаган, қофияси а-а тарзида бўлгани учун уларни маснавий ёки фард деб аташ мумкин. Бу шеърини парчаларнинг ҳажми 1 байтдан 17 байтгачадир. Келтирилган шеърини матнлар насрий матнлар баёнини янада бойитган, мазмунини тўлдирган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг "Вақфия" асаридаги шеърини матнларнинг жанри ва асардаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье приведены размышления о жанре и роли поэтических текстов в произведении Алишера Навои "Вақфия".

RESUME. This article provides reflections on the genre and place of poetic texts in Alisher Navoi's "Vaqfiya".

Таянч сўз ва иборалар: Алишер Навоий, "Вақфия", наср ва назм, жанр, маснавий, рубоий.

Ключевые слова и выражения: Алишер Навои, "Вақфия", проза и поэзия, жанр, месневи, рубаи.

Key words and word expressions: Alisher Navoi, "Vaqfiya," prose and poetry, genre, masnavi, rubai.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ОИД

Бадиийлик ижодкор шахснинг бадиий матн яратишда қай даражада ўзига хосликка, оригиналликка эриша олганини, янгилик ярата олганини кўрсатадиган жиҳат. Айни вақтда бадиийлик, бизнингча, санъат асарини санъат асарига айлантирадиган бош омилдир. Санъат қонуниятлари асосида яратилган бадиий асарлар ҳамиша мўъжиза каби бизни ҳайратга солади, қайта-қайта ўқишга, фикрлашга мажбур қилади. Бадиийлик, таъбир жоиз бўлса, ўша мўъжизанинг сир-асроридир.

Бадиийлик мезонлари хусусида ўзбек адабиётшунослигида дастлаб И.Султон мулоҳаза билдирган. Олим бадиийликнинг энг универсал мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: ҳаққонийлик, самимийлик, мазмун ва шакл мутаносиблиги, мазмун ва шаклнинг тиниқлиги, бадиий тил¹. Б.Саримсоқов эса бадиийликнинг умумий мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: мазмун ва шакл (талаб этилган шакл) бирлиги ва уларнинг уйғунлиги, тасвир ёки ифоданинг ҳаққонийлиги, пафоснинг ҳаётийлиги ва тиниқлиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, бетакрорлик (оригиналлик), эстетик баҳо, шартлилик миқёси ва даражаси, тил бадиияти².

Кўринадики, адабиётшуносларимиз бадиийлик мезонларини белгилашда деярли ҳамфикр. Олимларининг таснифларини умумлаштириб, бадиийлик мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин: образлилик, ҳаёт ҳақиқати ва мантиғига мувофиқлик ҳамда шартлилик, мазмун ва шакл бирлиги, пафос ва таъсирдорлик, ифодада табиийлик ва самимийлик, оригиналлик, эстетик баҳо, бадиий тил.

Энди бевосита тадқиқ этилаётган давр шеъриятидаги устувор бадиий мезонларга диққат қаратадиган бўлсак, бу мезонларнинг турли услубларда турлича намоён бўлганини кўра оламиз. Табиийки, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон, У.Азим, Ш.Раҳмон, Х.Даврон, А.Маҳкам, А.Қутбиддин, Ҳ.Ахмедова, Фахриёр, З.Мирзо сингари қатор шоирларимизда кўрсатилган бадиийлик мезонлари – униси ёки буниси устувор бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай шеърни асл санъат намунасига айлантириш даражасида воқеланди. Тўғри, ҳар қандай ижодкорнинг барча ёзганлари бир хил савия ва даражада бўлмаслиги аниқ. Аммо даврнинг эътироф этилган шоирлари умумияти-ла бадиий юксак асарлар яратдилар.

Биз тадқиқ этаётган давр шеъриятида бадиийлик мезонлари ичида бадиий тил, айниқса, алоҳида аҳамият касб этди. Миллий тилнинг бор бойлиги, гўзаллиги, бор имкониятларини намоён этиш ўзига хос тамойилга айланди. Абдулла Орипов бир шеърда ўзбек тилининг лексик имкониятларини, лексик нозикликларини ниҳоятда зарифлик билан кўрсатиб берди.

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1986, 230–237-бетлар.

² Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004, 87-бет.

Кўп қадимман,
 Карвон билан замонлар кечдим,
 Нор туянинг норлиги ҳам афсона экан.
 Бир кун туя айронини шифо деб ичдим,
 Она туя номи эса **арвона** экан.
 Давронимни сурганман ҳам оқ отга миниб,
 Ҳай-ҳай, унинг қўлтиғида бор эди қанот.
 Вақти келиб, шон-шухратдан хаёлим тиниб,
 Билсам, ўша оқ отимни дерканлар **бўз от**.
 Юсак Ҳисор тоғларининг бағрида қат-қат,
 Тошни ёриб ўсиб ётган наъматак эди.
 Устоз Ойбек шеърин эслаб шоир Холмамат
 "Бизнинг жойда унинг номи **"хулулу"**, – деди.
 Сен туганмас чашмадирсан, оҳ, она тилим,
 Етмиш икки томиримга мавжларинг борди.
 Бир кун тиниб қолган эди богда булбулим,
"Сандувочим!" – деган эдим, сайраб юборди.
 Инсон деган қутлуг сўзнинг тенгги йўқ ҳеч бир,
 У танҳодир, фалакларнинг қуёши мисол.
 Лекин манов **болақай**дир, буниси **ўсмир**,
 Бу **йигит**дир, бу зот эса **бобо, оқсоқол**³.

Ажратиб кўрсатилган барча сўзлар миллий тилимизнинг синонимлар бойлигини, турдошликнинг умумийлик ва хусусийлик сатҳида лисоний нозик айирмаларни намоиш қилади. Айтиш мумкинки, Абдулла Орипов мазкур шеъри орқали Алишер Навоий томонидан бошланган анъанани ўзига хос тарзда давом эттирди.

Тадқиқ этилаётган давр шеъриятида бир тарафдан эскирган, кам истеъмол қилинадиган ёки унутилган, мумтоз адабиёт бағрида қолиб кетган сўзлар, синтактик қолиплар, тасвир воситалари фаоллашди. Иккинчи тарафдан эса сўзлашувга хос сўзлар ва бирликлар, неологизмлар, "ношоирона" сўз ва ифодалар адабий истеъмолга жалб этилди. Фахриёр ҳатто шеърый тўпламини тўғридан-тўғри шоироналик билан "Ҳандасавий баҳор" эмас, "Геометрик баҳор" деб атади. "Кўзларига ёш ҳам олмайди / Ватан учун жамоат жойда", – дея "жамоат жойи" деган ўта ношоирона, публицистик услубга хос схематик бирликни қўллашдан истиҳола қилмайди. Бир шеърини эса "Кутилмаганлик" деб атайди – ўзбек тили имкониятида мавжуд, аммо кам истифода сўз ясаш усулидан фойдаланади. Яна бир ўринда "иккиланиш" шаклидагина мавжуд сўз шаклидан фойдаланиб, "учланиш"ни ясайди ва шеърига сарлавҳа қилиб қўяди. "Нега" деган сабаб равиши ўрнида қўлланадиган олмошга дадиллик билан, ҳеч қачон қўшилмаган ва категориал жиҳатдан қўшиш мумкин бўлмаган **"-лар"** кўплик қўшимчасини қўшади: "Бошинг узра бобо Туркистон бўзлар: / "Нега биз айрилдик, негалар сендан?"

³ О р и п о в А. Танланган асарлар, 8-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2016, 18-бет.

– айнан ана шу ностандарт грамматик шакл воситасида машхур рассомидан айрилган эл мусибатининг даражасини ифода этмоқчи бўлади⁴.

Арузнавис, тилнинг энг инжа жиҳатларини ҳис этган ва миллий тилнинг собит курашчиси бўлган Эркин Воҳидов ҳам тадқиқ этилаётган даврда ёзилган шеърларида бадий тил борасида бутунлай янги усулларни дадиллик билан истифода этди. Мисол учун, қуйидаги шеърга диққат қаратайлик:

*Менинг юртим бугун энди
Жаҳон бирлан туташгандир.
Тутаиш тақдир, туташ руҳдир,
Тутаиш жондир, туташ қондир.
Недир хат порлагувчи
Пойтахт дарбозаси узра.
Бу юртга хуш келибсиз,
Марҳабо, "Welcome to Toshkan"дир⁵.*

Шоир шеърга умуман номувофиқдек бўлиб кўринган инглизча "Welcome to Toshkan" жумласини анъанавий, ҳатто арузда ёзилган матнга ниҳоятда латофат билан уйғунлаштиради. Бу ерда ҳеч қандай киноя йўқ, муаллиф матлада эълон қилинган "Менинг юртим бугун энди / Жаҳон бирлан туташгандир" тезисини мақтада шундай шарҳлаш билан ғазални кульминацияга олиб чиқади. "Учрашув" шеъри ҳам жаҳон билан туташуш шавқини ифода этади ва шоир Йоганн, Гёте, Мефистофель, Фауст исмларини шеърий матнда муваффақият билан қўллайди. Йоганн сўзини ҳатто қофияга айлантиради.

Шавкат Раҳмон, Асқар Маҳкам каби шоирлар эса адабий тилда қўлланмайдиган табу ва сўкинч сўзларни ҳам бадий матнга олиб кирдилар. Бу бевосита ижодкор шахснинг ижтимоий воқеликка, айрим ношойиста одамларга бўлган нафрат ва ғзабининг даражасини кўрсатишга йўналтирилди.

Бадийлик мезонлари ичида бадий тилга эътиборнинг кучайиши шунчаки фақат адабиёт тараққиётининг специфик тамойиллари билан боғлиқ бўлмай, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳам маҳсули деймиз. Чунки шўро даврида миллий тилларнинг камситилиши, истеъмол доирасининг торайиб, маиший даражаларга тушиб қолиши ижтимоий фожиага айланди. Шоир ва ёзувчилар пешқадам зиёлилар сафида туриб, она тилининг қадр-қиммати учун курашдилар. Бу кураш, айниқса, мустақиллик арафаларида ва ундан кейинги йилларда кучайди. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида бадий тил мезонининг олд планга чиқиши ана шу курашнинг бир қисми ўлароқ кўзга ташланади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада истиклол даври шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари бадий тил мезони жиҳатидан кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются особенности поэзии периода независимости с точки зрения критерия художественного языка.

⁴ Ф а х р и ё р. Геометрик баҳор. – Тошкент: "Маънавият", 2004, 192-бет.

⁵ В о ҳ и д о в Э. Сайланма, 3 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, "Шарқ", 2002, 149-бет.

RESUME. The article examines the specific features of the poetry of the independence period from the point of view of the criterion of artistic language.

Таянч сўз ва иборалар: оригиналлик, универсаллик, мазмун ва шакл бирлиги, пафос, эстетик баҳо, бадий тил.

Ключевые слова и выражения: своеобразие, универсальность, единство содержания и формы, пафос, эстетическая оценка, художественный язык.

Key words and word expressions: self-image, universality, edinstvo sodertjaniya and form, pathos, aesthetic sense, divine language.

Ражаб ХИДИРОВ

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИ ФРАЗЕМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқларнинг мақол, ҳикматли сўз ва фраземаларининг тилда кенг қўлланиши ва шакллана боришини ўрганиш тил эгаларининг маънавияти тарихи, урф-одатлари, ички ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳамиятини аниқлашга ёрдам беради. "Фразеологик бирликлар ҳар қандай миллий тилнинг юрагидир, унда ҳайратланарли даражада миллатнинг руҳи ва ўзига хослиги ифодаланади"¹.

Ўзбек ва тожик тилларининг парема ва фраземаларга бойлигини, уларнинг хилма-хиллигини, лексикологияда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини кенг камровли ўрганиб чиқиш тилшунослар олдига турган долзарб муаммо ҳисобланади. Парема ва фраземаларни тадқиқ этиш ўзбек ва тожик тилларининг нафақат луғавий захирасининг такомиллашувига, шунингдек, бу халқлар дўстлигининг узоқ тарихий илдизлари, ҳаётий тажрибалари ва кузатишлари, тафаккур қонуниятларини ёрқинроқ далиллашга имкон беради. Ўзбек ва тожик тилларининг мақол, ҳикматли сўзлари ва фраземаларининг бири иккинчисига мавзу жиҳатдан ўхшашлиги, бир-бирини тўлдириш хусусиятлари, семасиологик уйғунлиги бу икки халқ ўтмишининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий алоқалари натижасидир. Рус тилшуноси, Москва фразеология мактаби асосчиси, В.Н.Телия фраземалар таркиби ҳақида шундай ёзади: "Тилнинг фразеологик таркиби – бу лингвомаданий жамоанинг миллий ўзига хослигини аниқлайдиган кўзгудир"². Дарҳақиқат, бу халқлар оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш орқали психолингвистика, этнолингвистика, социолингвистика, лингвокультурология ва когнитолингвистика соҳалари учун етарлича манбаларга эга бўлиш мумкин. Масалан: Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида *"Ўқуз азақи болғинча, бузағу баші болса ййк"* (Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ) мақоли бор. Мақолда *"оқуз азақи болғинча"* (хўкизнинг оёғи бўлгунча) ва *"бузағу баші болса ййк"* (бузоқнинг боши бўлган яхшироқ) қисмлари бир-бирига нисбатан антитеза шаклида бирикиб, вазифадошлик (функционал) йўли асосида пайдо бўлган. Бунда: *"оқуз азақи болғинча"* – катта бир

¹ Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие для студентов вузов. 2-е изд., стереотип. – М.: Изд. центр "Академия", 2004. – С. 272.

² Телия В.Н. Русская фразеология (Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты). – М.: 1996. – С.104.

кўшиннинг оддий ярокдори бўлгунча ёки катта бир корхонанинг оддий ишчиси бўлгунча, *"бузағу башӣ болса йӣк"* – кичик бир бўлинманинг кўмондони ёки кичик корхонанинг раҳбари бўлиш яхши каби маъноларни келтириш мумкин, умуман, мақол "мустақиллик – бўйсунитдан яхши" деган маънода қўлланади³. Ёки *"Тавғач ханнинг турқуси тәлӣм, тәнгләмәзӣб бӣчмәс"* (Хитой хоқонининг ипак газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди). Бу мақол метонимия йўли билан юзага келган: *турқуси тәлӣм*, яъни *ипак газмоли кўп*; лекин улар *тәнгләмәзӣб бӣчмәс* – ўлчанмай, аниқланмай кесилмайди. Бунда ишни бошида пухта ўйлаш, эҳтиёткор бўлишга ундаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик уқтирилган⁴. Тожики тилида *"Бе нир марав ту дар амонӣ, ҳарчанд Искандари замонӣ"* (Сен қанчалик кучли, бақувват ва доно бўлсанг ҳам, тажрибали кексалар маслаҳатисиз, раҳбарисиз бирор ишни бошлама)⁵. Бу мақол метонимия йўли билан *ота*, *кекса*, *раҳбар* сўзларини қайта номлаш асосида (*нир* сўзи) пайдо бўлган. Ёки *"Ба чойғахи худ нигоҳ карда, пой дароз кун!"* (Кўрпанга қараб оёқ узат), яъни ҳар ким ўз молиявий шароитга қараб иш қилиши, ортиқча исрофгарчиликдан сақланиши айтилади. Мақолда *чойғах* – *кўрна* луғавий бирлиги кишини ёмон кунлардан асровчи нарса маъносида келган, синекдоха йўли билан ҳосил бўлган⁶.

Фразеология соҳасида ўрганиладиган лисоний бирликлар тилнинг ифода ва мазмун жабҳалари номуносивблигига асосланади. Фраземанинг ифода жабҳаси унинг мазмун жабҳасига қараганда бир неча бор мураккаброкдир⁷. Масалан, *Бузоқнинг югургани сомонхонагача* лисоний бирлигини олайлик. Бу – фразема, яъни фразеологик ибора, грамматик шаклланган уч лексемадан (*бузоқнинг, югургани, сомонхонагача*) тузилган. Бироқ шу ибора таркибида улардан бирортаси ўз номинатив (луғавий) маъносини сақлаган эмас ва ибора *"беҳуда"* деган маънога эга. Грамматик жиҳатдан шаклланган бу уч лексема ўзаро семантик боғланишга мутлақо эга бўлмаган *"беҳуда"* маъносидаги семемага тенглашган.

Ўзбекча ва тожикча фраземалар таъсирчан, бўёқдор, бадийлик кўламига эга бўлиши билан бирга, уларда қиёсловчи воситалар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва муштарақлик муносабатлари ҳам яққол кузатилади. Таъкидлаш жоизки, бу халқларнинг парема ва фраземаларида кўчма маънолилиқ қамров доирасининг кенглиги ва уларнинг ҳосил қилиш усулидаги хусусиятлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекча ва тожикча парема, фраземалар таркибида кўчма маънони юзага келтирувчи кўплаб услубий воситалар иштирок этади. Хусусан, буни парафразалардаги маънолар шаклланишида ҳам яққол кузатиш мумкин. Масалан, *экиннинг қони* – *ёмғир*, *хуни киштукор* – *борон*; *қор* – *ернинг кўрпаси*, *барф* – *кўрпани замин*; *бир гул билан баҳор келмас* – *бирдамлик*, *бо як гул баҳор намеояд* – *якдили*; *ақл чироғи* – *илм*, *чароғи ақл* – *илм*; *одамнинг меваси* – *бола*, *меваи инсон* – *фарзанд*; *чўпон йўлдоши* – *ит*, *сағ* – *шерик* *чўпон* ва бошқалар.

³ Кошгарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Том 1., – Тошкент: ЎзФА нашр., 1963. 91-бет

⁴ Кошгарий Маҳмуд. Кўрсатилган асар, 402-бет.

⁵ Калонтаров Я. И. Мудрость трех народов. Панду ҳикматҳои се халқ. Уч халқнинг ҳикматлари. – Душанбе: "Адиб", 1989, 216-бет.

⁶ Фозилов М. Фарҳанги зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои тоҷикию форсӣ. – Душанбе: "Ирфон", 1976. – С. 200.

⁷ Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. – Хўжанд, 2013, 161-бет.

Ўзбек ва тожик тиллари фраземаларида омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари ва бошқа тил ҳодисалари учрайди. Масалан: **омонимия** ўзб. *гапга солмоқ* – 1) яхши *гап* билан *йўлга солмоқ*; 2) *гап* билан банд қилмоқ; 3) *тилга киргизмоқ*; 4) *рози қилмоқ*; 5) *турли саволлар бериб, билиб олмоқ* ва б.; тож. *ба гап андохтан* – 1) *бо гапи хуб ба роҳ андохтан*; 2) *ба гуфтуғу даровардан*; 3) *бо гап банд кардан*; 4) *забонаширо гўё кардан*; 5) *саволҳои гуногун дода, фаҳмида гирифтан* ва б.; 2) **синонимия** ўзб. *гап саллада эмас, гап каллада* – ақл бўйда эмас, ақл – ўйда; *аҳмоқ ўзи сўзлаб, ўзи кулар* – аҳмоқ ўзин билдирар, тўғарагин кулдирар; тож. *бо як тир ду нишон задан* – аз ду чашма обнўиш шуда мондан; *гап паррандон* – луқма додан; 3) **антонимия** ўзб. *киши юртида шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл*; *элга қўшилган мой ютар*, элдан айрилган қон ютар; тож. *дар ҷавонӣ мастӣ*, дар пирӣ сустӣ; *дар ҳар зараре, нафъе ҳаст*⁸.

Ўзбек ва тожик тилларидаги фраземаларнинг семантик доирасида юзага келган ўзгаришларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) ўзбек ва тожик тилларида омонимия, синонимия, антонимия ва бошқа тил ҳодисалари пайдо бўлишининг асосий сабаби бу тилларда мажозий маъноларнинг кўплигидадир;

2) ўзбек ва тожик тилларида мажозий, парафразик, метафорик ва кўчма маъноларининг доираси маълум вақт оралиғида сусайиб (торайиб) қолиши (*қора пул* – майда пул, кичик, танга-чақа пул);

3) ўзбек ва тожик тилларидаги мажозий маъноларнинг фаоллашиб, кенг даражада шаклланиб бориши (*уйда қолинг* – ишларингизни уйда туриб бажаринг; ташқарига чиқманг; ўзингизга ва оила аъзоларингизга, бошқаларга касалликни юқтирманг кабилар);

4) мазкур тиллардаги эски, истемолдан чиққан мажозий маъноларнинг қайта, янгича маъноларда тикланиб, кенгайиб бориши ҳодисаси: (*ҳол-аҳвол сўраб туриш* – *хабар олиш* ёки телефон, интернет ва бошқа йўллар орқали сўраш).

Хуллас, узоқ тарихий тараққиёт йўли ва тақдири бир бўлган, дўстона ва ҳамкорликда яшаб келаётган қардош ўзбек ва тожик халқлари тилларининг фраземалари қамровини ҳар томонлама кенгроқ тадқиқ этиш, турли тизимдаги тилларнинг ўзаро алоқаларини изчил ўрганиш замон талаби деб ўйлаймиз.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек ва тожик тилларининг парема ва фраземаларга бойлиги, уларнинг хилма-хиллиги, лексикологияда тутган ўрни ва ўзига хос семантик хусусиятлари мисоллар асосида ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализировано обилие парем и фразеологизмов в узбекском и таджикском языках, их разнообразие, роль в лексикологии и специфические семантические особенности.

RESUME. The article examines the wealth of idioms and phraseological units of the Uzbek and Tajik languages, their diversity, role in lexicology, and specific semantic features.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, ҳикматли сўз, ибора, социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, омонимия, синонимия, антонимия.

Ключевые слова и выражения: пословица, афоризм, фразеологизм, социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, омонимия, синонимия, антонимия.

Key words and word expressions: proverb, saying, phraseological unit, sociolinguistics, psycholinguistics, ethnolinguistics, homonymy, synonymy, antonymy.

⁸ Калонтаров Я. И. Кўрсатилган асар, 348-бет.

ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА БЕРИЛИШИ

Республикамизда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилимиз қадрини янада тиклаш йўлидаги муҳим бир ҳодиса ҳисобланади. «Давлат тили ҳақида»ги қонун ва унинг амалга оширилиши илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат тилида иш юритиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришни тақозо этади.

Бугунги кунда ўзбек ҳужжатчилигини, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи иш юритиш доирасини такомиллаштириш ва замон талаблари даражасида ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормокда, чунки оддий фуқародан тортиб корхона ва ташкилот раҳбаригача иш юритиш ҳужжатларининг мукаммал бўлишидан манфаатдордир.

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг бир қанча бандлари бевосита давлат (ўзбек) тилида иш юритишга бағишланган бўлиб, улардаги кўрсатмаларни бажариш бўйича бир қатор амалий қўлланмалар¹, терминологик луғатлар² нашр этилган ва муайян тавсиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, бу соҳада кўзланган натижаларга тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида ҳудудлардаги давлат университетлари ва педагогика институтлари қошида бўлинмаларга эга бўлган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сонли фармонида ушбу Марказнинг иш фаолиятига доир алоҳида банд ажратилгани бежиз эмас. Бу эса масаланинг ўта долзарблигини кўрсатади. Ҳозирда бу Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари мавжуд ўқув ва амалий қўлланмалардан, махсус луғатлардан унумли фойдаланган ҳолда муваффақиятли фаолият юритиб, юқоридаги қонун, фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни бажариб келмокда.

Ўзбек тилида иш юритиш, ҳужжатчилик ва унинг терминологиясини шакллантириш ва такомиллаштириш ишлари асосан XX асрнинг 90-

¹ Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш. – Тошкент: ЎСЭ, 1990; Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: ЎМЭ, 2000 (ушбу китоб 2000–2018 йилларда такомиллаштирилган ҳолда 9 марта нашр этилган); Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М., Одилов Ё. Давлат тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 10-нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020 (ушбу китоб 2020 йилда ўзбек-лотин ёзувида айна нашриётда чоп этилган); шу муаллифлар: Давлат тилида иш юритиш. – Тошкент: “Донишманд зиёси”, 2021 ва б.

² Иш юритиш атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. – Тошкент: “Фан”, 1994; Иш юритишдан луғат (русча-ўзбекча-инглизча). – Тошкент: “Зарқалам”, 2005; Саидинова Н. Иш юритиш терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: “Инновацион ривожланиш”, 2019 ва б.

йилларидан, яъни республикамиз мустақилликка эришгандан кейин бошланган. Тўғри, ўтган асрнинг 30-йилларида ҳам иш юритиш ва унинг терминологиясини ўрганиш борасида айрим ишлар амалга оширилган эди. Бироқ К.Громатовичнинг 1930 йилда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган “Иш қоғозлари намуналари – Образцы деловых бумаг” номли қўлланмаси, Я.Булатов ва Б.Илёзовларнинг “Русча-ўзбекча ишюрутиш терминлари сўзлиги” (1933), Б.Илёзовнинг “Ўзбекча-русча ишюрутиш терминлари сўзлиги” (1934) ни ҳисобга олмаганда, бу соҳа терминларини ўрганишда ҳеч қандай илмий ёки амалий иш қилинмади. Натижада ўзбекча ёки ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ҳосил қилинган терминлар билан алмаштириш имкони бўлган юзлаб русча-байналмилал терминлар йиллар давомида ўзбек тилида қўлланиб келди, ҳатто уларни тартибга келтириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади: *адрес, акт, анкета, бланк(а), виза, канцелярия, протокол, рапорт, резолюция, справка* каби атамалар шу жумладандир.

Республика мустақилликка эришгунча бўлган даврда ҳужжатчилик асосан рус тилида олиб борилганлиги, у бевосита ўзбек тили негизида ривожлантирилмаганлиги, рус тилидан нусха кўчиришдан иборат бўлганлиги туфайли ҳатто оғзаки нутқда ўзбек тилида мавжуд бўлган ёки ҳосил қилиниши мумкин бўлган *буйруқ, ишончнома, кўчирма, фармон, хабарнома, чақирувнома* каби бир қанча атамалар *приказ, доверенность, выписка, указ, извещение, повестка* сингари қўлланиб келди.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида бир қатор олимлар ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан юқоридаги каби қўлланма ва луғатлар яратилди. Иш юритиш доирасини такомиллаштириш ва замон талаблари даражасида ривожлантириш мақсадида тузилган мазкур қўлланма ва луғатлар натижасида ўзбек тилида ҳужжатчилик ишлари муайян даражада тизимлаштирилди, бинобарин ўзбек тили иш юритиш терминологияси шакллантирилди.

Ўзбек тили иш юритиш терминологиясини тизимлаштириш, тартибга солишда амалга оширилган ишлардан бири терминларни ҳосил қилишда айрим сўз ясовчиларни махсуслаштириш бўлди. Маълумки, сўз ясовчи кўшимчаларни махсуслаштириш, одатда, мутахассислар томонидан онгли ва режали равишда амалга оширилади. Ўзбек терминологиясида техника ва ботаника атамаларини ҳосил қилишда бундай махсуслаштиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда (*масалан, -гич, -кич, -дош, -симон* каби кўшимчалар). Шундан келиб чиқиб, иш юритишда, ҳужжатчиликда ҳужжат номларини тартибга солиш, уларни муайян қолип бўйича ҳосил қилишда ҳам баъзи кўшимчаларни махсуслаштириш мақсадга мувофиқ топилди. Масалан, *арзнома, аҳднома, баённома, билдиришнома, васиятнома, далолатнома, ишончнома, йўриқнома, кафолатнома, маълумотнома, мурожаатнома, раҳматнома, рухсатнома, тавсифнома, тавсиянома, ташиаккурнома, хабарнома, шартнома* каби ҳужжат номларидаги **-нома** кўшимчаси, биринчидан, ҳужжатнинг ёзма шаклда эканлигига ишора қилса, иккинчидан, ҳужжатчилик соҳасига оид терминларни тартибга солишда қўл келиб, уларга қўйилган талабларга мос келади.

Демак, ҳужжатларнинг такомиллашувида, талабга жавоб берарли даражада бўлишида унда қўлланаётган терминларни тартибга солиш, уларни илмий асослаш, ишонарли изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга экан. Шундай

килиб, иш юритиш соҳаси ҳозирги вақтда нафақат амалий фаолият, балки ўз объекти, предмети ва тадқиқот мақсадларига эга бўлган фан сифатида ривож топмокда. Бир неча асрлар давомида шаклланиб келган соҳа терминологияси бугунги фаол ахборотлаштириш жараёнлари, турли ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тузилмаларни комплекс ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тамойиллари негизда янада фаоллашмокда. Чунончи, *битим, бизнес-режа, божхона декларацияси, брифинг, дебитор, жамоа шартномаси, моддий рағбатлантириш, факсимиле, электрон имзо, электрон ҳужжат* каби бирликлар бугун кундалик иш жараёнидаги фаол бирликларга айланди.

Жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, турли-туман янгиликлар, бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби, иш юритиш терминологиясида ҳам муайян ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлмокда. Аслида, ҳар қандай терминологик тизимнинг тараққиёт жараёни янги терминларнинг пайдо бўлиши, истёъмолга киритилиши ҳамда мавжудларининг замонавийлик ёки маъновий жиҳатдан номувофиқлиги туфайли истёъмолдан чиқишидан иборат. Буни соҳага оид айрим терминлар мисолида кўришимиз мумкин. Юқорида кўрсатилганидек, XX асрнинг 90-йилларигача *акт, доверенность, инструкция, повестка, рапорт, справка, характеристика* каби терминлар фаол қўлланиб келган. Аммо “республикамиз ижтимоий ҳаётидаги янгича тил сиёсати она тили материалларидан кенг фойдаланишга жиддий эътиборни тақозо этганлиги боис... иш юритишни тўлиқ давлат тилига ўтказишни таъминлаш мақсадида”³ бу каби терминларнинг маъносини тўла ифода эта оладиган *далолатнома, ишончнома, йўриқнома, чақирув қозоғи, билдирги, маълумотнома, тавсифнома* каби терминлар амалиётга жорий этилди. Айтиш мумкинки, бир неча йиллик амалий ҳаракатлар натижасида бу уринишлар ўзининг ижобий натижасини берди, мамлакатимизда иш юритиш фаолияти тўла давлат тилида олиб борилиши йўлга қўйилди.

Ҳар қандай тилнинг тараққиёти замон билан ҳамнафас бўлиб, тилда рўй берган ривожланиш ва ўзгаришлар луғатларда ўз аксини топади. Шу маънода ўз даврида кенг истёъмолда бўлган иш юритишга оид сўз ва терминлар ўзбек тилининг изоҳли луғатлари сўзлигини кенгайтиришга хизмат қилган.

Икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кам миқдорда бўлса-да, ўша давр тилида фаол қўлланган иш юритишга оид сўз ва терминлар қамраб олинганини ва тегишлича изоҳланганини кўриш мумкин. Масалан, ушбу луғатда *маълумотнома* сўзига “Бирор соҳа ёки масала бўйича маълумот берадиган китоб, қўлланма”⁴ тарзида изоҳ берилгани мазкур сўзнинг ўз давридаги семантик юки у қадар кўп бўлмаганини кўрсатади. Аммо вақт ўтиши билан бу сўзга юклатилган вазифа ортди. Бугунги кунда мазкур сўз иш юритиш соҳасидаги энг фаол терминлардан бири сифатида беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг учта маъноси изоҳланган:

³ М а д в а л и е в А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: ЎМЭ, 2017, 239-бет.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилдли, 1-жилд. – М.: “Русский язык”, 1981, 454-бет.

“МАЪЛУМОТНОМА [маълумот + нома] 1 Фуқароларнинг турмуши ва иш фаолиятига оид воқеа-ҳодиса ва ҳолатларни акс эттириб тасдиқлаб берадиган ва талаб қилинган жойларга тақдим этиладиган (кўрсатиладиган) расмий ҳужжат.

2 Корхона, муассаса ва ш.к. фаолиятига доир воқеа-ҳодисаларни расмий равишда акс эттирадиган ва тасдиқлайдиган, хилма-хил маълумотларни камраб олувчи расмий ҳужжат.

3 Бирор соҳа ёки масала бўйича маълумот берадиган китоб, қўлланма ва ш.к.”⁵

Икки жилди изоҳли луғатда *баённома* термини “Бирор масала юзасидан расмий ёзма баёнот, билдириш, тушунтириш ва *эск.айн.* манифест” (1-жилд, 72-бет) тарзида изоҳланган.

Беш жилдли изоҳли луғатда эса мазкур сўзнинг 3 та маъноси очибирилган ва иш юритиш термини сифатидаги изоҳи янада кенгайтирилган:

“БАЁННОМА [баён + нома] 1 *айн.* **баёнот** 1.

2 Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқик ҳолда қайд қилувчи ҳужжат.

3 *эск. айн.* **манифест**” (1-жилд, 138-бет).

Икки жилдли изоҳи луғатда *шартнома* терминига берилган “Бирор масала юзасидан ўзаро келишилганлик ҳақидаги ёзма битим” (2-жилд, 400-бет) мазмунидаги изоҳ кейинги, беш жилдли изоҳли луғатда анча мукаммаллаштирилган:

“ШАРТНОМА [шарт + нома] Томонлар (икки ёки бир неча шахс) ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган битим” (4-жилд, 551-бет).

Икки жилдли изоҳли луғатда *васиятнома* терминига берилган “Ёзма васият; васият тексти ёзилган қоғоз, ҳужжат” (1-жилд, 173-бет) тарзидаги қисқа изоҳ беш жилдли изоҳли луғатда янада тўлдирилиб, термин маъносига аниқлик киритилган:

“ВАСИЯТНОМА [васият + нома] Ёзма васият; муайян шахснинг (васиятчининг), у вафот қилган тақдирда, ўзига қарашли бўлган мол-мулкнинг тасарруф этилиши бўйича хоҳиш-иродаси баён қилинган ҳужжат” (1-жилд, 443-бет).

Шунингдек, баъзи терминларнинг тавсифида беш жилдли изоҳли луғат тузувчилари анча мукамалликка эришганлиги кузатилади. Масалан, *аккредитив* терминига икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Банк ёки омонат кассалардан бирининг бирор шахс ёки ташкилотга маълум миқдордаги маблағни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборилган буйруқ қоғози, мас., омонат кассага қўйилган пулни исталган омонат кассадан олиш учун берилган ҳужжат” (1-жилд, 36-бет) мазмунидаги изоҳ берилган. Беш жилдли изоҳли луғатда эса мазкур сўзнинг тўртта маъноси келтирилган:

“АККРЕДИТИВ [лот. *accreditivus* – ишончли, ваколатли] *мл.* 1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб варағи.

2 Томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб тури.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, V жилдли, 2-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2020, 564-бет.

3 Номига ёзиб берилган шахсга кўрсатилган суммани кредит муассасасидан олиш ҳукукини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.

4 ҳуқ. **Аккредитив (ёрлик)** Дипломатик вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат” (1-жилд, 62-бет).

Шунингдек, беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган иш юритиш ва ҳужжатчиликка оид бирликлар кенгроқ қамраб олинган, унда икки жилдли луғатда акс этмаган *аккредитация, билдирги, буюртманом, далолатном, йўриқном, мониторинг, сўровном, таширф қозози, тушунтириш хати, факсимиле, фотоҳужжат* каби кўплаб иш юритишга доир термин ва бирикмалар қайд этилган. Мазкур терминларнинг тавсиф ва изоҳлари фақат муайян соҳа вакилларигагина эмас, тилдан фойдаланувчи барча шахслар учун умумий ва тушунарли тарзда шакллантирилган. Англашилганидек, беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бошқа бирликлар каби иш юритишга доир аксарият сўз ва терминларга берилган изоҳлар ҳам мукаммаллаштирилган, бироз ноаниқ жумлаларга аниқлик киритилган, айрим изоҳлар эса давр талаблари асосида буткул янгиланган, шунингдек, луғат кўплаб янги тушунчаларни англатувчи сўз ва терминлар билан кенгайтирилган. Келтирилган далиллар мазкур луғатнинг кўплаб афзалликларга эга эканини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда давлат тилини янада ривожлантириш борасидаги ишлар салмоғи ва кўлами янги босқичга кўтарилди. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган дастурнинг ижроси доирасида ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари томонидан лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси асосида 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олган 6 жилдли “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”⁶ яратилди. Ушбу луғатда аввал нашр этилган изоҳли луғатларга қарай қолган луғавий бирликлар, жумладан, иш юритиш ва ҳужжатчиликка оид сўз ва терминлар акс эттирилган, шундай сўзларнинг янги маънолари аниқланган, сўз ва терминларга берилган изоҳлар янада мукаммаллаштирилган. Шунга қарамай, *ишончном, йигмажилд, мақтовном, нархном, эътирозном, қайдном* каби иш юритишга доир бирликлар мазкур луғат сўзлигидан ўрин олмаган. Ҳолбуки, бундай бирликлар бугун муайян тор доирадан чиқиб, у ёки бу даражада умумхалқ тилида ҳам қўлланмоқда. Шу маънода изоҳли луғатларнинг кейинги нашрларига юқоридаги каби терминларни киритиш ва уларни тегишлича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, изоҳли луғатлар ҳар қандай терминологик тизимнинг, хусусан, иш юритиш терминологиясининг шаклланишидан то ҳозирги ҳолатига қадар ривожланиш хусусиятларини, соҳа терминологиясидаги тизимли муносабатларни таҳлил қилиш, терминларнинг турли тарихий даврлардаги қўлланиш хусусиятларини ўрганиш имконини беради, турли соҳа терминологияси ва терминографиясида келгусида қилинадиган тадқиқотлар, яратилажак лексикографик ишлар учун асосий манба бўлади.

⁶ O‘zbek tilining izohli lug‘ati, VI jildli. – Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi NMIU, 2022.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола ўзбек тилида иш юритишга доир масалалар таҳлиliga, шунингдек, иш юритиш терминларининг ўзбек тилининг изоҳли луғатларида берилиши ва изоҳланишига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Данная статья посвящена анализу задач, связанных с ведением делопроизводства на узбекском языке, а также изложению и толкованию терминов делопроизводства в толковых словарях узбекского языка.

RESUME. This article is illuminated to the analysis of tasks associated with conducting office work in the Uzbek language, as well as the giving and interpretation of office work terms in explanatory dictionaries of the Uzbek language.

Таянч сўз ва иборалар: Давлат тили, иш юритиш терминлари, хужжатчилик, изоҳли луғат, изоҳ, терминологик тизим.

Ключевые слова и выражения: Государственный язык, термины делопроизводства, документация, толковый словарь, толкование, терминологическая система.

Key words and word expressions: state language, office work terms, documentation, explanatory dictionary, interpretation, terminological system.

Мухлисахон САЙДАЛИЕВА

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ҳар қандай тилнинг аксар иборалар фонди халқнинг узоқ йиллик тарихи давомида такомиллашиб, шу халқ вакиллариининг лисоний хотирасидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Жамиятнинг турли жабҳаларида амалга оширилган узоқ йиллик тажрибалари, оламни кузатиш ва англаш орқали эгалланган билимлари маҳсули саналмиш тилнинг нодир бойлиги – иборалари халқнинг миллий ўзига хослиги, тарихий тараққиёти ва ижтимоий-маиший ҳаёт тарзини ифода этувчи муҳим воситалардан бири саналади. Иборалар универсал тил ҳодисаси ҳисобланади, шу боисдан улар мавжуд бўлмаган тилни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай янги тилни ўзлаштириш унинг лексик бирликларинигина эгаллаш орқали амалга ошмайди, бегона тилнинг фразеологик бирликлар тизимини ўзлаштириш шу тилни ўрганилганлик даражасини белгиловчи асосий омил ҳамдир. Сабаби айнан иборалар образлилик, экспрессивлик ва эмоционалликни юзага келтириб, оғзаки сўзлашувда, публицистикада, бадиий адабиёт ва бевосита тил иштирок этадиган ҳар қандай санъат турида нутқнинг жонли бўлиши, матннинг таъсирчанлик даражаси юқори бўлишига хизмат қилади.

Иборалар тилнинг таъсирчанлигини ифодаловчи кўрсаткичгина эмас, балки тўлақонли номинатив кўрсаткичи ҳамдир. Фразеологик маъно ва лексик маъно ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Устоз тилшунос Н.Маҳмудов фразеологик бирликларнинг маъно жиҳатига тўхталар экан, "...сўз ва иборани бир-бирига тамоман тенг, мутлақ эквивалент ҳодисалар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас, бунга, айниқса, фразеологик маънонинг ўзига хослиги, қўламдорлиги, ҳажман бойлиги, эмоционал-экспрессив зангинлиги, умуман, фразеологик семантиканинг мураккаблиги йўл қўймайди", деб таъкидлайди¹.

¹ Маҳмудов Н. Иборалар ва уларнинг луғавий тавсифига чизгилар \ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2022, 3-сон, 7-бет.

Рус тилшуноси А.В.Кунин: "...фразеологизмлар кишилар томонидан тўлиқ англашилмаган борлиқ ҳодисаларига алоқадор тилнинг лексик сатҳидаги лакуналарни тўлдиради", деб ҳисоблайди². У.Ф.Арсентьева эса "фразеологик маъно ўта мураккаб ҳодисадир, улар фразеологизмлар ёки уларнинг прототиpleri таркибидаги бирликларнинг метафорик ёки метонимик қайта англашилиши орқали юзага келади, бу ҳолат фразеологик бирлик семантикасининг образли, баҳо ва экспрессив характер касб этишига ва борлиқдаги бирор ҳодисанинг умумлаштирувчи-жамловчи маъно ифодалашига олиб келади", деган фикрни илгари суради³.

Сўнгги йилларда антропоцентрик ёндашувнинг фразеологик бирликлар таҳлили учун асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу йўналишдаги таҳлиллар ўз навбатида иборалар орқали, уни ташкил этувчи компонентлари орқали алоҳида олинган этноснинг, хусусан, ўзбек халқининг ҳам оламни англаш тарзи, миллий-маданий қадриятлар тизимининг тилга таъсири ҳақида қимматли маълумотларни беради. Рус тилшуноси А.Потебня фразеологизмларнинг бошқа жанрлар билан алоқадорлиги масаласига эътибор қаратиб, масаллар асосида маталлар ҳосил бўлгани, маталлар эса фразеологизмларнинг юзага келишига олиб келганини қайд этади. А.Потебнянинг бу фикри жанрлараро муносабатда прецедентлик ҳодисаси асос вазифасини ўтаганини далиллайди. Хусусан, Эзоп масаллари асосида инглизларда *to blow hot and cold* – беқарорлик, иккиланиш, ўзгарувчанлик ёки иккиюзламачилик позициясида бўлиш сингари маъноларни (масалга қўра, сайёҳ бир вақтнинг ўзида ҳам музлаб қолган қўлини иситиш, ҳам қайноқ шўрвани совутиш учун пуфлайди), *to cry wolf* – ёлғон ваҳима кўтариш ҳолатини (чўпон ҳақидаги масалда чўпон шунчаки кўнгилхушлик учун ёлғондан "Бўри!" деб бакириб, одамлар орасида ёлғон ваҳима кўтаради) ифодаловчи иборалар юзага келганини айтиб ўтади⁴. Бир жанрга оид асар, бошқа жанрлар учун ҳам "маҳсулот" тайёрлаши кўп такрорланадиган ҳодисадир. Бу каби иборалар тилимизда ҳам кўплаб учрайди, хусусан, матал ёки мақол асосида ибора юзага келиши ёки машхур жумлалар (прецедент ёки "қанотли жумлалар") ҳам иборалар шаклланишига сабаб бўлади.

Шу билан бир қаторда, бирор халққа мансуб иборалар бошқа халқларнинг фразеологик фондига ҳам кўчиб ўтиши мумкин. *Анқонинг уруғи (тухуми)* ибораси инглиз иборалари таркибида ҳам айнан ўзбек тилидаги мазмунни сақлаган ҳолда мавжуд: *the Arabian bird, the bird of wonder*⁵. Инглиз иборасида араб қуши деб Шарқ мифологиясидаги афсонавий қуш *Қақнус (Феникс)*га ишора қилингани турли дин ва дунёқарашларга эга икки халқнинг мифлар асосида ўзаро муносабатини намоён қилади. Кўринадики, ушбу фразеологизмларда бир тушунчани ифодалашда айнан бир деб

² К у н и н А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: "Высшая школа", 1996. – С. 381.

³ А р с е н т ь е в а Е.В. Фразеология и фразеография в сопоставительном аспекте. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2006. – С. 172.

⁴ Д я ч к о в а И.Е. Системно-динамический характер фразеологической номинации в английском языке. КД. – М.: Московский гос. линг. ун-т, 2017. – С. 169.

⁵ Х а к и м о в а Г.Э. Фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик аспекти. – Тошкент: "Fan va texnologiya", 2018, 168-бет.

каралмаса-да, ўзаро ўхшаш ва бир-бирига яқин, кўп ҳолларда бири ўрнида бошқаси билан адаштирилувчи афсонавий кушларга мурожаат қилинган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фразеологизмлар ўзида халқнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, моддий ва маънавий бойликлари, адабиёти, эътиқоди ва ҳоказолари ҳақида ахборот берувчи манба ҳамдир. Шу жиҳатдан ибораларнинг мазмун кўлаמידан ташқари унинг таркибий бирликлари ҳам тилшунослик учун муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар айниқса ономастик компонентли ибораларда ўзини яққолроқ намоён этади. Ономастик компонентли фразеологизмлар, таркибидаги прецедент номлар иборанинг халқ маданиятига қай даражада, қайси жиҳатлари асосида яқин эканлигини кўрсатади. Маълумки, ономастик бирликлар этноснинг миллий хусусиятларини ўзида жамлаган ахборотлар тўпламини ташкил этади. Масалан, топонимик компонентга эга иборалар айнан жойнинг ўзига хос жиҳатлари, алоҳида хусусиятлари билан этнос вакилларининг топонимик объектга муносабатини ифодалайди, жой номининг халқ ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида ахборот беради. **Маккадан ҳожи келгандай (Маккадан келгандай)** ибораси таркибидаги Макка топоними мусулмонлар учун 5 та асосий фарз амаллардан саналган ҳаж зиёратининг ўта мушкуллигига, сафарнинг турли машаққатлар билан узоқ давом этганлиги, ушбу фарз амални бажаришни амалга оширган инсон ўлимни бўйнига олиб кетганлиги, шу сабаб ҳам ҳаж амалини бажо келтирган мусулмонларга халқ орасида алоҳида эҳтиром кўрсатилиши сингари қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни жонлантиради. Ушбу ибора таркибидаги Макка топоними муқаддаслик, қадрланиш ва олислик жиҳатларига кўра эталон бўлиб хизмат қилади. Ёки салбий мазмун бўёғига эга **онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ** ибораси Наманган вилоятидаги Учқўрғон шаҳарчаси дарё этагида жойлашгани, бу ернинг географик ва ирригацион хусусиятлари дарёда оқиб кетган ҳайвон ва одамларнинг жасадлари кўпинча шу ердан топилиши билан боғлиқ турли халқ ривоятлари ва улар таъсирида халқ хотирасида жойга нисбатан кўрқув ва салбий ҳиссиёт шаклланиб қолгани билан изоҳланади.

Иборалар таркибидаги топонимлар вилоят ёки шаҳарнинг ўзига таниш танлов хусусиятлари асосида ўзгариб туриши, иборанинг вилоятларда вариантлашуви юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Тошкент шаҳри ва унга ёндош жойларда **аҳмоққа Тўймена бир тош** ибораси учраса, водийликлар **аҳмоққа Қува бир тош** иборасига мурожаат қиладилар. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат, матал-ибора таркибидаги тош масофа ўлчов бирлиги бўлиб, ҳар икки топонимнинг шаҳар билан оралиқ масофаси 30 кмга тенг эканлиги ҳам иборадан айнан шу жой номлари ўрин олишига сабаб бўлган.

XX асрдан бошлаб хорижий кинофильмлар, турли таржима асарлари, публицистиканинг оммавий маданиятга кенг таъсири натижасида тилимизда янги универсал прецедент топоним компонентли иборалар ҳам юзага келди, уларнинг айримлари персонажлар нутқида учраган жумлаларнинг прецедентлик даражасига кўтарилиши билан боғлиқдир. Тилшунос олима Д.Худойберганова прецедент жумланинг оммалашуви масаласига тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилади: "...прецедент жумлалар айниқса сўзлашув услубида жуда кўп қўлланади. Хусусан, кинофильм қахрамонлари тилидан айтилган айрим гаплар ёки қўшиқ сатрлари кишилар ўртасида тез машхур

бўлиб кетади. Бундай жумлаларни тил эгалари ўз нутқий вазиятига мослаган ҳолда ишлатади”⁶. Хусусан, *Америка очмоқ* (сўзлашувда *янги Америка кашф қилмоқ* шакли), *Бағдодда ҳаммаёқ тинч*, *Канада чегарасига етиб олмоқ* прецедент жумлалари ўзбекларнинг сўзлашувда кўп мурожаат қилувчи ибораларига айланиб улгурди.

Топонимик иборалардан кўра антропонимик компонентга эга фразеологизмлар тилимизда салмоқли ўрин тутди. Бироқ иборалар таркибидаги антропонимларнинг ҳаммасини ҳам прецедент оним деб олиш тўғри бўлмайди. Иборалар шаклан ихчам ва нутққа қулай, хотирада тез ва осон сақланиши хусусияти сабабли ибора таркибидаги исмлар катта эҳтимол билан шакл ва талаффуз мезони асосида танланган бўлиши мумкин. Шу орқали иборалар таркибида учраган онимларга оид ўзига хос ономастик стереотип шаклланади. Хусусан, *Али хўжа – Хўжаали, Мусонинг аламини Исодан олмоқ* ёки *Алининг кекини Валидан олмоқ* ибораларидаги антропонимлар оҳангдошлик асосида ибора таркибидан жой олган. Шу ўринда прецедент номларда улар иштирокидаги ёки таъсиридаги тарихий ҳақиқат, воқеа-ҳодисани тиклаш, тил эгаси хотирасидаги тарихий ёки бадиий фактни тиклаш хусусияти мавжудлигига қарамай, бизнингча, *Мусонинг аламини Исодан олмоқ* ибораси таркибидаги *Мусо* ва *Исо* номлари улар билан боғлиқ диний афсона ва ривоятларни назарда тутмайди, гарчи ҳар икки пайғамбарлар ҳам турли синовларга учраган бўлса ҳам.

Базми Жамшид изофали фразеологизмида эса юқоридаги иборалардан фарқли ўлароқ, айнан прецедент ном иштирок этган. Қадимий афсоналарга кўра, Эронда яшаган ва давлатни бошқарган қудратли шоҳ тимсоли илк бор Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари орқали мумтоз адабиётга персонаж сифатида кириб келгани айтилади. Жамшид зардуштийлик динидан аввалроқ ўзи ҳукмронлик қилган ерларда янги дин тузган, манбаларда кейинчалик у асос солган мазҳаб айш-ишратга муккасидан кетган ҳолатда тасвирланади. Жамшид ўз шону шавкатига қаттиқ ишонч билан қараган, у ҳатто худолик даъвосини қилади. Унинг бор шону шавкати ва салтанати бошқа қавмдан бўлган ҳукмдор томонидан тортиб олинади. Мумтоз адабиётда Жамшид образига подшоҳ қиёфасида қараш тўлиқ сақланган ва бу образдан аксар ҳолларда давлатнинг бандага вафо қилмаслиги, ҳар қандай қудратнинг ўткинчи эканлиги ва мукаммал қудрат фақат ягона яратувчи зотга хослигини исботлаш мақсадида фойдаланилган. Иборада айнан шу бадиий фактга ишора мавжуд.

Иборалар халқ жонли нутқи, бадиий адабиёти, публицистикаси, санъатида таъсирчанликни таъминловчи, экспрессив таъсир ўтказувчи, баҳонинг аниқлигига хизмат қилувчи нодир қудрат манбайи бўлиб хизмат қилади. Фразеологизмлар таркибидаги ономастик бирликлар, хусусан, прецедент номлар ҳам ана шу вазифаларнинг реаллашишига ёрдам берувчи асосий восита бўлиб хизмат қиладилар. Фразеологизмлар таркибидаги ономастик бирликлар тадқиқи бирликларнинг фразеологик маъносини очишга, унинг мазмуний салмоғини аниқлашга яқиндан ёрдам беради.

⁶ Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. ДД. – Тошкент, 2015, 151-бет.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ономастик бирликларнинг, хусусан, прецедент номларнинг ўзбек ва бошқа тиллардаги иборалар таркибида тутган ўрни ва вазифаси ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается роль и функция ономастических единиц, в частности прецедентных имен, в структуре узбекских фразеологизмов и фразем других языков.

RESUME. This article discusses the role and function of onomastic units, in particular, precedent names in the structure of phrases in Uzbek and other languages.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологизм, фразеологик маъно, прецедентлик, прецедент жумла, прецедент ном, топоним, антропоним, мифоним.

Ключевые слова и выражения: фразеологизм, фразеологическое значение, прецедентность, прецедентная фраза, прецедентное имя, топоним, антропоним, мифоним.

Key words and word expressions: phraseologism, phraseological meaning, precedent, precedent sentence, precedent name, toponym, anthroponym, mythonym.

Сарвиноз НУРМАНОВА

ПОЭТИК МАТНДА ШАХСНИ ИФОДАЛОВЧИ КОНЦЕПТЛАР СЕМАНТИКАСИ

Олам ҳақидаги билимлар, тил ахбороти инсон онгида тўпланиб, олам лисоний манзарасида юзага чиқади. Бир-бирини ёдга солувчи ахборотлар инсон онгида жамланган ҳолда мавжуд бўлади, вақт, тажриба асосида ахборотлар янгилашиб, бир-бирини тўлдириб боради ва янги билимларни яратади. Оламнинг лисоний манзараси концепт асосида шакллантирилар экан, бир тил бирлиги турлича концептларни ифодалашда қатнаша олади, натижада лисоний манзарада инсоннинг шахсий-индивидуал кўрсаткичлари ҳамда миллий-менталитал тавсифи акс эттирилади.

Оламнинг манзараси барча миллатлар учун деярли ягона, масалан, шахс концепти барча миллат вакилларига таниш, бироқ у ёки бу миллат шахс концептини ўзига хос талқин этади. Биринчи навбатда, концепт миллий тафаккур ифодачиси сифатида оламнинг миллий лисоний манзарасини, оламнинг бадиий лисоний манзарасини юзага чиқаради. Миллий-маданий тушунчалар, тахайюлот концепт кўринишида вербаллашади.

Лисоний кузатишлар давомида Сирожиддин Саййид шеърларида шахсни ифодаловчи концептлар кўплигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, "касб, ҳунар, илм ва шу кабиларни ўргатувчи; ўқитувчи киши" тушунчасини ифодалаш учун *устоз*, *домла*, *муаллим* каби учта вариантдош бадиий концептни қўллаиди.

*Одамзот авзойи ўзингга маълум,
Бир умр яшаб ҳам олмагай таълим.
Отадан сўнг турар, ахир, муаллим,
Мени устозимдан айирма, Худо. ("Устоз" шеъри)¹*

*Фурсат ўтар-кетар, дамлар ганимат,
Андак фикр қилиб, ўйлагил, жўра.
Яна кўп гапларни билмоқ истасанг,
Ҳомиджон Ҳомидий домладан сўра². ("Домла" шеъри)*

¹ Саййид С. Асарлар, IV жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: "Шарқ", 2019, 42-бет.

² Ўша ерда, 155-бет.

"Шахс" тушунчаси ўзида инсон моҳиятини акс эттиради. "Когнитив" атамасининг асосида "билиш", "идрок этиш" деган маънолар ётади. Ш.Сафаровнинг фикрича, "Билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш манбаи ва, ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими когнитив таҳлил объекти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Билимнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигидан. Тилнинг ўзи эса когнитив тизимнинг фаолияти маҳсулидир, лисоний таркиблар тафаккур фаолияти натижасида шаклланади"³.

Когнитология тафаккур ҳақидаги фан бўлиб, унинг таянч нуқтаси тилшунослиқдир. Лингвистик таҳлил эса когнитив таҳлилнинг бир тури, яъни маълум бир кўринишда намоён бўлишидир. Когнитив тилшунослиқ фани XX асрнинг иккинчи ярмида ахборот технологиялари тараққиёти натижасида юзага келган "сунъий интеллект" тизими воситаларига оид мушоҳада, саволларга жавоб изловчи фан сифатида пайдо бўлди. "Шахс" концепти миллий-маданий хусусиятга эга бўлган жуда кўп маълумотларни ўз ичига олади ва қуйидаги тушунчаларни ўз атрофида бирлаштиради: *дўст, ота, устоз, йўловчи, фарзанд, олим, мўйсафид, рақиб, она, ёр, сингил...*

Сирождидин Саййид шеърларида қўлланаётган жамики шахс концептини "яккалик-умумийлик" принциpidан келиб чиқиб ўрганиш мумкин:

1. Якка шахсни ифодаловчи концептлар.

2. Гуруҳни ифодаловчи концептлар.

Якка шахсни билдирувчи концептлар фақат "бир киши" семасига эга бўлиб, *-лар* аффиксини олганда кўпликни ифодалайди: *китобхон+лар, ижодкор-лар, ишқибоз+лар, меҳмонлар* ва б.

Якка шахсни ифодаловчи концептлар поэтик матнда кўп қўлланади: *ошиқ, голиб, соқий, фуқаро, ёр, маҳбуба, нигор* кабилар.

С.Саййид шеърларида шахс оти билан алоқадор тушунчаларни ифодалашда лексик-семантик усулдан фойдаланилади, яъни шу мақсадда фақат туб, морфематик қисмларга шоир шеърларида шахс оти билан алоқадор тушунчаларни ифодалашда лексик-семантик усулдан фойдаланилади ажратилмайдиган лексемалардан фойдаланилади. Бундай усул, яъни лексеманинг ўз семантикаси орқали шахсларни ифодалаш қадимийлиги ва ҳамишалиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан:

*Эй гул, мижгонларинг гулга киргайлар,
Зулфи райҳонларинг гулга киргайлар. ("Очилиш" шеъри)⁴*

Қавм-қариндошликни ифодаловчи концептлар. Маълумки, қавм-қариндошлик эркак ва аёл кишиларнинг бирга яшашидан юзага келади. Шунинг учун ҳам, бу лексик қатламга мансуб номларнинг кўпгина қисми туб шаклида бўлиб, уларнинг семантикасидан эркаклар ёхуд аёллар жинсига мансуб бўлган шахсга алоқадор тушунчалар ифодаланади. С.Саййид шеърларида ота, она, момо, сингил, фарзанд каби концептлар кўп қўлланади, чунки миллий менталитетимизда ота-она қадри баланд туради:

³ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах. "Сангзор", 2006, 75-бет.

⁴ Саййид С. Асарлар. IV жилдлик, 2-жилд. – Тошкент: "Шарқ", 2019, 29-бет.

Ўзинг тингла тун чоғи таралган бу ноламни,
Паноҳингга ол, Худо, ёлғизгина **онамни**. ("Ёлбориш" шеъри)⁵

Ёки:

Сарғаядир бог аро сувсиз ариқ-жўйборлар,
Мунғаядир нураб жим **отам** солган деворлар⁶.

Қарияларни улуғлаш, уларни эъзозлаш миллатимизга хос, шу сабаб уларнинг ўғитлари, кечирган ҳаётларининг ўзи бир тарих эканлигини биламиз, шоир шеърларида ана шу ғояларни бадийлаштирган:

Мен Ватанни на китоб, на
Жаридадан ўрганганман.
Момоларнинг юзидаги
Харитадан ўрганганман.
Боболарнинг таёғию
Чоригини кўргандайман. ("Ватанни ўрганиш")⁷

Ёш бўйича фарқланувчи шахс концептлари. Юқоридаги каби бу мавзуий гуруҳда туб шаклдаги қатор лексемалар мавжудки, уларнинг семантикасида аёллар жинсига мансуб шахс маъноларини англаб олиш қийин эмас. Қиз – "балоғат ёшига етмаган аёл" маъносида: Аёл – "вояга етган, етук ёшдаги шахс" маъносида: бола – "балоғатга етмаган фарзанд"; ўғлон – "балоғатга етган йигит" маъносида:

Сен кичкина **қиз** эдинг,
Мен – бир кичкина **бола**.
Гилослар орасида
Илк бор илғаб кўрганим. ("Болалик..." шеъри)⁸

Ёки:

Ўғлонларинг от ёлида ухлайди,
Чинорларинг **полвонларим**, тирагим. ("Сурхон қўшиғи")⁹

Ўзаро яқинликни ифодаловчи шахс концептлари. Шоир шеърларида бу каби концептлар қўлланганда, ижодкорнинг руҳий олами очиқ берилади:

Мен дард билган юлдузман.
Кўндир **дўсту ёр**, юрак.

⁵ Саъид С. Уйингдаги бешиқлар. – Тошкент: "Ёзувчи", 1996, 4-бет.

⁶ Ўша ерда,

⁷ Ўша ерда, 5-бет.

⁸ Саъид С. Аламли дунёда аламли гулим. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2019, 86-бет.

⁹ Саъид С. Уйингдаги бешиқлар, 7-бет.

Инсон ёши билан боғлиқ *чақалоқ, гўдак, бола* каби ёшлиқни; *қари, нуроний, кекса* каби ёши ўтганликни англатувчи лексемалар шахсларга нисбатан ўз маъносида қўлланилса, баҳо бермаслиги, агар баҳо берса ҳам, кўпроқ ижобийлик баҳосини бериши мумкин. Лекин ўрни алмашса, коннотатив маъно ифодалаб, субъектнинг объектга нисбатан салбий баҳосини намоён этади:

*Ўкинмагил, сўз бола,
Ўзга хаёл туз, бола.
Вафоси бор санамлар
Бу дунёда бўлмайди. ("Бу дунёда")¹⁰*

Шоир муҳаббатига ета олмаган, хиёнат, вафосизликдан азият етган лирик қаҳрамонига "бола" дейиш орқали "сен ҳали ҳаёт мураккабликларини билмайсан", "ишонувчансан, турмуш тажрибанг йўқ" каби маъноларни ифодаламоқчи бўлади ва лирик қаҳрамонига шу ҳолат бўйича салбий муносабатини билдиради. Балоғат ёшида бўлган йигитга *бола* дейилса, салбий баҳо берилганидек, ёш болага нисбатан *бўйдоқ* лексемаси (бу лексик бирлик, одатда, уйланиш ёшига етган, лекин уйланмаган йигит маъносини беради) қўлланса, салбий баҳо юзага чиқади.

Кўриниб турибдики, шахс ёшини белгиловчи лексемалар ҳам баҳо ифодалашда фаол қўлланиувчи бирликлар саналади.

Ўзбек тилида "икки ва ундан ортиқ шахс" маъносини ифодалаш мақсадида қўлланаётган лексемалар миқдори нисбатан камроқ. Шу далилнинг ўзиёқ, қайд этилган маъноли луғавий бирликларнинг она тилимиз лексикаси таркибида ўзига хос ўрни борлигидан далолат беради. Аввало, бундай қатлам қандай луғавий бирликлар билан ифодаланаётганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги мисолларни келтириб ўтамиз: халқ, омма, авом, уруғ, элат, тўда, гуруҳ, ҳайъат, раёсат, оила ва б. Гуруҳни билдирувчи шахс концептлари "умумийлик" семасига эга бўлиб кўпликни ифодалайди. С.Саййид шеърларида умумий шахс тушунчаларини ифодалашда *карвон, эл, халқ, инсоният* каби концептлар кўп қўлланилган.

*Саҳрода карвонни талайди
Қуюнлар. Қуюнлар. Қуюнлар¹¹.*

С.Саййид услуби ўзига хос бўлиб, унинг шеърлятида жамият ядросини ташкил қилувчи шахс тушунчасига урғу берилар экан, воқеликдаги нарсалар-предметлар, инсоний муносабатлар, воқеа-ҳодисалар, манзаралар воситасида шахс концептларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилади, шеърининг матнларида ҳар бир шахс ўз бадиий қиёфасига эга бўлади. Шоир ижодида қўлланилган лингвопоэтик воситалар шоирнинг халқ тилидаги мавжуд тасвир воситаларидан, у тилнинг бекиёс гўзал, яширин имкониятларидан жуда ўринли фойдаланганлигини, шоирнинг ўзига хос индивидуал услуби халқона эканлигини намоён этади.

¹⁰ Ўша ерда, 21-бет.

¹¹ Саййид С. Асарлар, 2-жилд, 80-бет.

РЕЗЮМЕ. Мақолада шахсни ифодаловчи концептларнинг поэтик матндаги семантикаси С.Саййид шеърлари мисолида таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере стихотворений С.Сайида анализируется семантика личностных концептов в поэтическом тексте.

RESUME. In the article, the semantics of the concepts representing the person in the poetic text is analyzed on the example of S. Sayyid's poems.

Таянч сўз ва иборалар: концепт, оламнинг лисоний манзараси, концептосфера, когнитология, поэтик матн, шахс.

Ключевые слова и выражения: концепт, языковая картина мира, концептосфера, когнитология, поэтический текст, личность.

Key words and word expressions: basic words and phrases: concept, linguistic landscape of the world, conceptsphere, cognitology, poetic text, personality.

Гулнозахон ТЕШАБОВЕВА

СЕЗГИ ИФОДАЛОВЧИ СИФАТЛАРНИНГ СИНКРЕТИК ТАБИАТИ

Инсоннинг сезги аъзолари ёрдамида ҳосил қилган билими ҳиссий ёки амалий билим саналади. Ҳиссий билим билишнинг асоси, таянч нуқтаси саналади. У инсонни қуршаб турган олам узвларидан ҳар бирини алоҳида кўриш, ушлаш, эшитиш, мазасини татиш, ҳидлаш орқали ҳосил қилинади. Солиштириш, қиёслаш, мантикий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бундан кўринадики, ҳиссий (фаҳмий) билим тажриба, амалиёт, бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий, назарий (идрокий) билим амалий билимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади ва бу билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсади саналади.

Бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир қиладиган белгиларнинг кўпини сифатлар ташкил қилади. Жумладан, кўриш аъзоси орқали ранг (*қизил, қора, оқ* ва б.); эшитиш аъзоси орқали овоз (*ёқимли, жарангдор, бўғиқ, қўнғироқдай* ва б.); сезги аъзоси орқали маза-таъм (*ширин, аччиқ, чучук, нордон*); тана сезгиси орқали предметларнинг ҳолати (*совуқ, иссиқ, қаттиқ, юмшоқ*); ҳидлаш аъзоси орқали ҳид (*сассиқ, бадбўй, ифोर* ва б.).

Ушбу сифатлар ичида маза-таъм билдирувчи сифатлар ҳам мавжуд. Кўриш аъзоси орқали таомнинг рангини (қизариб пишганлиги, хомлиги, гуручнинг етилганлиги, қорайиб кетганлиги), қай даражада пишганлигини кўриш мумкин. Эшитиш орқали шўрваннинг билқ-билқ қайнаётганини, димламанинг вақир-вуқур пишаётганини билиш мумкин. Таъм сезиш аъзоси орқали маза-таъмини (*ширин, аччиқ, чучук, нордон*) ажратса, тана сезгиси орқали таомларнинг ҳолати (*совуқ, иссиқ, қаттиқ, юмшоқ*) аниқланади. Ҳидлаш аъзоси орқали эса иштаҳани очадиган *ширин, ёқимли ҳидни* ёки *овқатнинг куйган ҳиди* ҳис этилади.

Бундай сифатлар эмпирик, яъни тажрибага асосланиб аниқланадиган, бошқача айтганда, амалий ўрганиладиган сифатлардир. Бундай сифатларнинг маънолари ҳам, маъно кирралари ҳам кўп. Демак, эмпирик сифатлар

семемаси жуда кўп семаларга эга ва бу семалардан бири маълум вазиятда доминант бўлиб кела олади ва шу сабабли улар вариацияси кўп бўлади. Эмпирик сифатларнинг семантик ҳаракатчанлиги уларнинг семантик синкретизмга учраш имкониятини беради, яъни синкретизм инвариант тарзида бўлади. Бошқача айтганда, эмпирик сифатларнинг ҳамма семалари семеманинг таркибида аввалдан мавжуд бўлади. Масалан, *айнимоқ* сўзини олайлик. Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да *айнимоқ* сўзининг тўққизта семаси берилган¹. Қуйидаги жадвалда ушбу семаларнинг вариациясини кўришимиз мумкин:

№	Семалар		Мисоллар
1	Ранг-туси, сифатини йўқотмоқ, эскирмоқ; ўнгмоқ.	инвариант	<i>Айниган эски гимнастёркаси ҳам сувга чайқалгандай жиққа ҳўл. Ойбек. О.в.шабадалар.</i>
2	Асл белги-хусусиятини, софлигини, йўқотмоқ (нав, насл ва ш.к. ҳақида).	Вариант	<i>Илгариги қизилуруғ, босволди қовунлар йўқ. Ҳаммаси айниган. Насл айнимасин десанг, ҳар уч йилда қўчқорни алмаштир. С.Аҳмад. Юлдуз.</i>
3	Соф (оддий) ҳолати ёмон томонга ўзгармоқ.		<i>Ҳаво айниди. – Замон айниди. К.Яшин. Ҳамза.</i>
4	Истеъмолга яроқсиз бўлмоқ, бузилмоқ (егулик-ичгуликлар ҳақида).		<i>– Йўқ, – деди онаси, чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан... Ойдин. Ўзидан кўрсин. Турсунбой ота, эчкининг гўшти айниб қолмасдан, хотинига мушкулкушод ўқитгани эшон аяни уйига чақирганди. С.Аҳмад. Ҳукм.</i>
5	Тўғри фикрлаш, сўзлаш қобилятини йўқотмоқ, шу жиҳатдан аҳволи оғирлашмоқ.		<i>Беморнинг аҳволи дуруст эди, лекин кечга бориб айниди. – Бу айниган чолни олиб бориб, зиндонга солинглар. "Юсуф ва Аҳмад".</i>
6	Хулқ-атвори, одоб-ахлоқи жиҳатидан ёмонлашмоқ, ёмон томонга ўзгармоқ, бузилмоқ.	Вариант	<i>Вақтида жуда хурсанд бўлганмиз! Сиз билан фахрланганмиз. Аммо кейинги йилларда айниб қолдингиз, димогингиз кўтарилиб кетди, кўзингизни ёғ босди. Уйғун. Навбахор.</i>


¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 жилдли, 1-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 56–57-бетлар.

7	Одоб-ахлоқ чегарасидан чикиб кетмоқ, одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари гапларни гапира бошламоқ.	Вариант	– Буни қаранг, ёмғирда қолган мушукнинг ҳиди келади! – Айнима, айнима! – деди йўгон бир товуш. – Ёмғирда қолган мушукни ҳидлаб кўрганмисан? А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари.
8	Фикрини, ниятини ўзгартирмоқ, ниятидан, сўзидан қайтмоқ.	Вариант	Арслонқул баъзи оғайнилариини қидирмоқчи бўлди, лекин яна айниди. Ойбек. Навоий. Ҳожи хола пулни кўрди-ю, яна айниб қолмасин деб, қўлидан юлиб олди. М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча.
9	Алоқани узмоқ, кечмоқ.		Биздан айниб, бошқа ишга ўтиб кетди. Мижозлар айниб, келмай қўйишди.

Жадвалдан кўринадики, биринчи ва иккинчи семалар бир-бирига боғлиқ. Биринчиси кийимнинг ранги айниганини билдирса, иккинчи ва тўртинчи семалар озиқ-овқат, полиз экинлари ва ўсимлик навларининг айнисини билдиради. Учинчи сема инсоннинг ҳиссий билишини, бешинчи ва саккизинчи семалар, юқоридагилардан фарқли равишда, тафаккур хусусиятига эга бўлиб, инсонларнинг фикридан, ниятидан қайтганлигини билдиради. Олтинчи ва еттинчи семалар эса одоб-ахлоқнинг ёмонлашишини даражалаб кўрсатади.

Адабиётларда сифатлар эмпирик ва рационал (ментал) сифатларга ажратилади ва эмпирик сифатларнинг қуйидаги типлари кўрсатилади: 1) визуал сифатлар: *ўнг ва чап, юқори ва паст, қуюқ ва суюқ* (шакл), *оқ ва қора* (ранг), *ясанган ва кийинган* (кишининг ташқи кўриниши); 2) аудал (акустик) сифатлар: *баланд ва паст* (товуш интенсивлиги), *хирилаган, бўғиқ* (садо, овоз баҳоси); 3) тактил сифатлар: *силлиқ ва ғадир-будур* (сатҳ, юза сифати); *илиқ ва совуқ* (ҳарорат); 4) кинестетик сифатлар: *енгил ва оғир* (оғирлик); 5) ҳидни билдирувчи (ароматик) сифатлар: *хушбўй, муаттар, ҳидли, ҳидланмаган, ялтиз ҳидли, арча ҳидли, мева ҳидли, аччиқ ҳидли, зах ҳидли, сасиган, палагда*; 6) таъм билдирувчи сифатлар: *хуштаъм, чучук, шўр, нордон, ширин, аччиқ, тахир*; 7) ментал сифатлар: *кўнгилли, тошбағир, шафқатсиз, раҳмсиз, ёвуз, аламли, адоватли, такаббур, кибрли, манман, димоғдор, фожиали, ғамгин, ғуссали, ҳасратли, ҳасадли, бахтли, ҳиссиз, ҳиссий, таъсирчан*.

Кўринадики, визуал, ҳид билдирувчи, таъм билдирувчи, эмоционал-ментал сифатлар қолган бошқа сифатлардан лексик бирликларнинг кўплиги жиҳатидан фарқланади. Демак, асосий, марказда визуал, ҳид билдирувчи, таъм билдирувчи ва эмоционал-ментал сифатлар жойлашади, периферия қисмида эса аудал, тактил, кинестетик сифатлар ўрин олади. Ушбу ҳолатни қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Юқоридаги сифат типларидан визуал сифатларга маза-таъм билдирувчи сифатлардан таомларнинг ташқи кўринишини билдирувчи сифатларни киритишимиз мумкин: *тиниқ шўрва, ёғли патир, кунжутли ширинлик, гижда нон* каби. Ёки ташқи кўриниш шаклига қараб: *ўрама шашлик, томчи сомса, гул манти, минора манти* кабиларни киритиш мумкин. Аудал (акустик) сифатларга таомларни пишириш жараёнида чиқадиган товушларни билдирувчи сифатларни киритамиз: *жаз-буз қовурилмоқ, билқ-билқ қайнамоқ, вақир-вуқур қайнамоқ* каби. Тактил сифатларга пишириқларнинг усти ва таомларнинг ҳароратини билдирувчи сифатлар киритилади: *ғадир-будур печенье, илиқ овқат, қайноқ чой, совуқ таом* каби. Кинестетик сифатларга маза-таъм билдирувчи сифатлардан қуйидагиларни киритиш лозим: *енгил таом, улкан патир, қуда патир* каби. Бу ҳолатда *енгил таом* тушунчасида таомнинг оғирлиги эмас, балки ҳазм қилиш жараёнининг енгиллиги назарда тутилади, натижада бир белгининг бошқа белгини билдиришга кўчиши, синкретизм юзага чиқиши аниқланади. Ёки *қуда патир* деганда, *қудалар учун энг катта патир* деган тушунча ифодаланади. Ҳидни билдирувчи (ароматик) сифатларга маза-таъм билдирувчи сифатлардан қуйидагилар киритилади: *хушбўй ширинлик, ҳидланмаган гўшт, ялтизли кўк чучвара, арча ҳидли тандир гўшт* каби. Ментал сифатлар ҳис-туйғуга оид бўлиб, уларда ҳам маза-таъм билдирувчи сифатлар бўлиши мумкин: *оромижон айрон, заҳарли таом, серқувват овқат* каби.

Эмпирик сифатларнинг семантик синкретизми икки турли бўлади: 1) ўз маъносидаги икки хил перцептив семаларнинг (визуал ва тактил – *юмшоқ*) синестезияси асосида синкретизмнинг юзага келиши; 2) атрибутив бирикма чегарасида юзага чиқадиган сифатларнинг кўчма маънолари асосида синкретизмнинг юзага келиши. Бу ҳолатда синкретик мазмуннинг юзага чиқиши учун аниқланаётган от сўз туркумининг семантикаси асосий роль ўйнайди. Бунда икки ҳодиса юзага чиқади: синестетик (*ширин мусиқа*) ва носинестетик (*ширин ҳаёт*) метафора. Бу икки тур метафорадан ташқари яна баъзи вазиятларда эмпирик сифатлар рационал-баҳоловчи сифатларга яқинлашади. Масалан, *оромбахш айрон* (ижобий баҳо), *ҳидланган гўшт* (салбий баҳо).

Сифатларнинг лексик-морфологик жиҳатдан қандай лексик-грамматик қаторга мансублигини, уларда сифат белгиларининг намоён бўлишини,

перцептив семантика доирасида кўча маънода миграцияси имкониятларини ўрганиш мумкин.

Лексик-семантик жиҳатдан маза-таъм билдирувчи сифатларнинг семик-семемик таҳлилида эмпирик сифатларнинг матндан ташқари маънолари ва матн ичида кўрсатилган маъно синестезияси таҳлил қилинади. Коммуникатив-стилистик жиҳатдан матнлардаги эмпирик сифатларнинг вазифавий хусусиятлари, муаллифнинг сифатларни ишлатиш услубининг ўзига хос томонлари очилади. Демак, биз бу ҳолатда маза-таъм билдирувчи сифатларни лексик-морфологик жиҳатдан ўрганамиз.

Сифатларда синкретизмнинг юзага келиши сўз парадигмасида ўзгаришга олиб келади. Бир сатҳга мансуб бўлган, қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир гуруҳга (уяга) бирлашуви парадигматик муносабат саналади. Лисоний бирликларнинг парадигматик муносабатини белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси хизмат қилади. Демак, сифатларда синкретизмнинг юзага келиши натижасида парадигмадаги маъно умумийлиги ўзгаради. Бу ўзгариш қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Конверсия усули. Бошқа туркумдаги сўзлар ўз шаклини ўзгартирмаган ҳолда категориал кўчади, яъни нутқ жараёнида ўзига хос бўлган семантик-грамматик хусусиятларга эга бўлади. Масалан, сифатдан юкламага – *ёлғиз, шекилли* ва бошқалар.

2. Композицион усул. Икки ёки ундан ортиқ элементнинг бирикиб, бир сўзга айланиб қолиши. Икки мустақил сўзнинг ёки бир мустақил ва бир ёрдамчи сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлади.

Сўзлардаги ўзгаришлар натижасида сўз ўзида бўлган ўзгаришлар натижасида янги синтактик вазифаларни бажаришни бошлайди. Сифатлар аниқловчи вазифасидан бошқа вазифаларни, масалан, от вазифасини бажариши мумкин. Масалан, *Яхшилар бундай ишларга хурсанд бўладилар*.

Англашиладики, от туркумидаги сўз эга вазифасидан ташқари кесим (предикат) ёки тўлдирувчи вазифасида ҳам келиши мумкин экан. Бу жараёнда энг фаол сўзлар олмошлардир, улар аниқловчи, тўлдирувчи, эга, предикат, ҳол вазифаларида келиши мумкин. Бу ҳодиса тилшуносликда *синкретизм, контаминация, конверсия, кумуляция, гибридлик, нутқий омонимия* каби турли терминлар билан аталиб келган. 1960 – 1970 йилларда тил бирликларининг марказий ва периферик қисмларда жойлашуви юқоридаги терминларнинг тилшуносликка кириб келишига сабаб бўлган. Академик В.В.Виноградов *гибрид, гибридлик, гибридизация* терминларидан фойдаланиб, бир бутунлик таркибида турли структур-семантик хусусиятларнинг борлиги, бир гап бўлагидан бошқа гап бўлагига "грамматик қайта туғилиш" билан ўтиш ҳақида ёзади². Ушбу ҳодиса бошқа терминлар билан ҳам аталган, лекин А.Мартине айтганидек, "ҳодисаларга бирор этикет қўйиш эмас, балки бу жараёни кузатиш ва тушунтиришга ҳаракат қилиш

² Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. – М., 1947. – С. 418.

лозим”³. А.Я.Баудер гибридизация жараёни натижасида сифатларнинг отга ўтишини икки томонлама жараён сифатида конкрет мисоллар орқали кўрсатиб берган⁴. Бу жараёнда, бир томондан, сифат белги маъносини билдиришни йўқотади, иккинчи томондан, ўзининг белгисини йўқотмаган ҳолда, от сўз туркумининг хусусиятларини қабул қилади. Баъзи вақтда эса хусусиятлар миқдори тебраниб туриши мумкин, шунда омонимлар (муаллиф терминологияси бўйича “периферия ва ядро субстантиватлари”) пайдо бўлади. Периферия субстантиватлари отлар билан бирга келиши билан бир вақтда отларсиз ҳам келиши мумкин. Масалан, *ҳарбий одам – ҳарбий, ёмон одамлар – ёмонлар*. Ядровий субстантиватлар доим отларсиз қўлланади. Чунки булар от сўз туркумига ўтган бўлади. Масалан, *Ширин бугун кеч қолди*⁵.

Бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумига ўтиш ҳолатлари қадимдан тилшуносликда кўп кузатилган, сифатлар билан от сўз туркуми ўртасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, феъллар, юкламалар, кириш сўзлар орасида ҳам учраган. Ю.Н.Тинянов таъкидлагандай, “системада ҳамма элементлар ўзаро таъсирда тенг ҳуқуқли бўлмайди, балки бир гуруҳ элементлар доминант сифатида ажралади, қолганлари эса деформацияга учрайди”⁶.

Сўз туркумлари гап бўлакларига кўра асосий тушунчани билдиради ва улар “аниқ реляцион тушунча” деб аталади. Бу ҳолатда боғлиқлик икки томонлама бўлиши мумкин, яъни маълум сўз бошқа гап бўлаги сифатида қўлланади, шу билан бирга, унда омоним ёки бошқа нутқ бирлиги ҳосил бўлади. Кўринадикки, у ёки бу сўзнинг вазифаси унинг у ёки бу сўз туркумига тегишли эканлигига кўра муҳимроқдир. Гап бўлакларининг ривожини сўз туркумларидаги ўзгаришлар билан чатишиб кетади, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабдан гап бўлакларининг қандай воситалар билан алоҳида шаклланиши ҳақида гапириш анча мушкул. Шунинг учун бу ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлашда тарихий ўзгаришларни ўрганмоқ мақсадга мувофиқ. Сифатларнинг синкретик шакллари ҳосил бўлиши узок қадимий ва ҳозирга қадар давом этаётган жараёндир.

Демак, бешта сезги аъзоси (кўриш, эшитиш, сезги, тана сезгиси, ҳидлаш) орқали тўпланган сифатлар визуал, аудал, тактил, кинестетик, ҳид билдирувчи, таъм билдирувчи ва ментал сифат типларига ажралади. Ушбу сифатларда синкретизм икки хил тарзда бўлади: перцептив семалар асосида ва қўчма маънолар асосида юзага келади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ўзбек тилида сезги ифодаловчи сифатларнинг мазмуний синкретик табиати ёритиб берилди.

РЕЗЮМЕ. В данной статье освещается содержательная синкретическая природа прилагательных в узбекском языке, выражающих чувства.

³ М а р т и н е А. Принцип экономии в фонетических изменениях (проблемы диахронической фонологии). – М., 1960. – С. 35.

⁴ Б а у д е р А.Я. Части речи – структурно-семантические классы слов в современном русском языке. – Таллин, 1982. – С. 85.

⁵ Ўша асар, 95-бет.

⁶ Т и н я н о в Ю.Н. О литературной эволюции \\\ Поэтика. История литературы. Кино. – М., 1977. – С. 277.

RESUME. This article emphasizes the meaningful syncretic nature of adjectives expressing feelings in the uzbek language.

Таянч сўз ва иборалар: синкретизм, эмпирик, рационал, конверсия, композицион, визуал, тактил, атибуртив.

Ключевые слова и выражения: синкретизм, эмпирический, рациональный, конверсия, композиционный, визуальный, тактильный, атрибутивный.

Key words and word expressions: syncretism, empirical, rational, conversion, composition, visual, tactile, attributive.

Нурали АМОНТУРДИЕВ

ЭТНОГРАФИЗМЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИСОНИЙ ОМИЛЛАРИ

Тилнинг шаклланишида урф-одат ва анъаналар, халқнинг моддий ва маънавий маданиятига алоқадор жараёнларнинг таъсири ҳамда тутган ўрни ҳақида қадимдан турлича фикрлар билдириб келинган. Мана шу баҳс-мулоҳазалар фалсафа, этнография, антропология, тарих, маданиятшунослик ва бошқа бир қанча фанларнинг кенг ёки тор доирадаги объекти сифатида атрофлича таҳлил қилинган¹.

Сўнгги асрда тилшуносликда ҳам миллий қадрият номларини ифодаловчи лексик бирликлар семантикаси, структур, лексикографик, лингвопоэтик хусусиятларини лингвистик тадқиқ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам этнолексикани ўрганиш ва унинг лингвомаданий тадқиқи тилшуносликнинг муҳим тармоғи сифатида ривожланиб бормоқда.

Тил ва тафаккур, миллий тил ва миллий руҳ ажралмас. Ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши маълум меъёрга, қонун-қоидага эга бўлиб, бу шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг ижтимоий руҳияти билан белгиланади. Шу боисдан назарий тилшунослик асосчиси В.Гумбольдт бундан қарийб икки аср илгари ҳар қайси тилнинг ўз системаси бўлиб, тилни тадқиқ қилишни шундан бошлаш керак деган эди².

Сўнгги йилларда тилшуносликда ҳам этнолексика тадқиқига эътибор кучайиб бормоқда. Хусусан, диалектал этнографизмлар ва уларнинг лексик-семантик, лексикографик, лингвокултурологик хусусиятлари изчил ўрганилмоқда. Бироқ бундай тадқиқотларда этнолексиканинг барча қатламлари қамраб олинмаган. Тилимиз луғат фондида, хусусан, диалектларда учрайдиган этнографизмларнинг ономастик тизими тадқиқи натижалари нафақат тилшунос, тарихчи, адабиётшунос, этнограф, балки барча соҳа вакилларида алоҳида қизиқиш уйғотади. Этнографик характердаги номлар ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини ифодалаш билан бирга тилшунослик илми учун ҳам қўплаб қизиқарли маълумотлар бериши мумкин.

¹ Амонтурдиев Н. Сурхондарё этнографизмларининг лексикографик хусусиятлари: Фил. фан. бўйича фалс. док. (PhD) дис. – Термиз, 2021, 13-бет.

² Sayfullayeva R., Mengliyev B. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: "Fan va texnologiya", 2010, 146-bet.

Ўзбек тили этнографик лексикасининг ономастик шаклланиш босқичини куйидагича таснифлаш мумкин: 1) маълум диний эътиқод этнолексикаси; 2) жамиятдаги ижтимоий омиллар натижасида шаклланган урф-одат, анъана, маросим ва улар билан боғлиқ предмет номлари; 3) ареал жиҳатдан чегараланган этнографик номлар.

Ўзбек тилдаги конфессионал (диний) этнографизмларни ҳосил бўлиш даври, эътиқод объекти нуктаи назаридан куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Ислом динига қадар Марказий Осиё халқлари амал қилган динлар билан боғлиқ этнографизмлар (тангричилик, оташпарастлик, зардуштийлик, буддавийлик). 2. Ислом дини ва анъаналари билан боғлиқ этнографизмлар.

Ўзбек тилида ислом динига қадар бўлган эътиқодий анъаналарни ифодаловчи этнографизмлар ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Хусусан, оташпарастлик давридан қолган маросимлар туркий халқлар, жумладан, ўзбекларда ислом дини даврида ҳам қўлланиб келди. Масалан, баъзи ҳудудларда *келин-куёвни олов атрофида айлантириш*, култепалар, овоқ ва ташландиқ харобаларда чироқ қўйиш каби урф-одатларни кўрсатиш мумкин.

Ислом динига қадар мавжуд бўлган анъаналардан яна бири сумалақдир. Сумалақ маросими умуммиллий қадрият сифатида шаклланиб, ҳар йили баҳор келиши билан алоҳида оилалар, қўни-қўшни ёки маҳаллалар томонидан ўтказилади. Қатор илмий ва тарихий манбаларда сумалақнинг 3000 йиллик тарихга эга экани таъкидлаб ўтилади. Сумалақнинг тарихи ва шаклланиш босқичи ҳақида Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида ҳам маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, *мушкулкушод*, *дарвешона*, *наврўз* сингари ҳозирги кунда ҳам кенг нишонланаётган урф-одатлар, этномаданий анъаналарнинг шаклланиши ва тараққиётида форсийзабон халқлар билан ёнма-ён, аралаш ҳолда яшашимиз ҳам муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилган форс-тожикча этнографизмларнинг номлари ўзбек тили изоҳли луғатларида этимологияси билан бирга изоҳланган. Масалан, беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да форсча *дарвешона* сўзига куйидагича изоҳ берилган: "Кўпинча баҳор фаслида қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида айни ҳудудлар аҳолисидан тўпланган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказиладиган хайрия маросими"³.

Ислом дини кириб келиши билан халқимиз ҳаётида кўплаб қадриятлар шаклланди. Инсоннинг туғилишидан аввал, туғилганда, ҳаёт фаолияти давомида, ўлим ва ўлимдан кейин амалга ошириладиган анъана, маросимлар тизими юзага келди. *Ақиқа, хатна, хатми Қуръон; никоҳ, фотиҳа, идда, маҳр; намоз, рўза, ҳайит, таҳорат, жойнамоз, азон; аза, тобут, кафан, таъзия* ва бошқа кўплаб этнографик номлар тилимизга ўзлашди ёки янги ном сифатида юзага келди. Шунингдек, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларига ҳам ислом дини сезиларли таъсир ўтказди. Бу янгиланишлар маҳаллий халқ ҳаётида узоқ йиллар сақланиб, анъана, урф-одатга айланиб кетган.

Барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам қадимдан шу ҳудудларда яшаб келган аجدодларимиз эътиқод қилган динлар ва ҳозирги кунда амалда бўлган ислом динининг уйғунлашуви, ўзаро ассимиляция

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, V жилдли, 1-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2006, 560-бет.

килинган икки ва ундан ортиқ диний анъаналарнинг бирлашуви натижасида янги культлар юзага келди. Бу икки ва ундан ортиқ диний урф-одатларга амал қилувчилар аҳолининг бир жойга яшашга мажбур бўлганда пайдо бўладиган жараён ҳисобланади. Шу маънода, урф-одатлар ўртасидаги тўқнашувлар аста-секин турғунлашиб боради ва ассимиляция жараёнида дастлабки тўқнашувни келтириб чиқаради. Чунки маҳаллий аҳоли онгининг маҳсули бўлган қадимий маданиятни бошқа диний урф-одатлар билан алмаштириш узоқ жараён ҳисобланиб, ҳар икки диний анъаналарнинг бирлашуви асосида янгисини яратиш зарурати масаланинг ечими сифатида юзага келади. Табиийки, янги ассимиляцияга учраган урф-одатлар аввалгисидан фарқ қилади. Бошқача айтганда, бири иккинчисини ўз ичига олади. Мисол тариқасида ҳозирги кунда оташпарастлик дини қолдиқлари сифатида ҳозирда ҳам халқимиз томонидан амал қилинадиган анъаналарни келтиришимиз мумкин. Халқ орасида "Сулаймонга чироқ қўйиш", "Хўжайи Хидирга садақа чиқармоқ", "Ҳазрати Довудга қон чиқармоқ" каби этнографик маросимлар ўтказилади. "Сулаймонга чироқ қўйиш" маросимида ёши улуг кампирлар (момалар) оқар дарё, ариқ ёки булоқлар олдида Сулаймон пайғамбар ҳақида чироқлар қўйишади. Ушбу маросимга ном беришда халқ мантикийликка, реалликка асосланади. Яъни Сулаймон пайғамбар бутун инсу жинс, деу парининг пайғамбари бўлгани учун дарё, ариқ ва булоқлар олдидан ўтишда, култура (ўчоқдан чиққан кул тўкиладиган маҳсус жой) ёки турли эски харобалар олдида чироқ қўйишади, маҳсус амалларни бажаришади.

Қадимги туркий халқларда Сулаймон "сув илоҳи", "сув ҳукмдори" сифатида қаралган. Дарё, ариқ ёки бошқа сув ҳавзалари атрофида амалга ошириладиган этнографик маросимлар айнан сув илоҳига бағишлаб ўтказилиши таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, кун номлари билан аталадиган маросим номлари – *бибисешанба*, *пайшанбалик*, *жумалик*; рақамлар билан аталадиган маросим номлари – *етти*, *йигирма*, *қирқ* ва бошқа бир қатор этнографизмларнинг асоси ислом динига қадар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги этнографизмларнинг катта қисми ижтимоий омиллар туфайли юзага келган. ***Ижтимоий алоқалар*** (совчилик, тўй, мотам-маросим, савдо-сотик ва б.), ***ижтимоий муҳит*** (маълум ҳудудгагина хос бўлиб, аҳолининг яшаш шароитидан келиб чиққан ҳолда юзага келган этнографизмлар), ***ижтимоий тарбия*** (оила тарбияси, катталарга ҳурмат; дастурхондаги таомга биринчи бўлиб ёши катта инсон қўл узатиши, дастурхонга оиланинг энг катта вакили дуо қилиши, кичикларнинг катталарга салом бериши ва б.), ***ижтимоий табақа*** (деҳқонлар, чорвадорлар, аёллар, эркалар ёки маълум касб эгалари орасидагина ўтказиладиган маросимлар: факат аёллар иштирок этадиган маросимлар – *бибимушкул*, *бибисешанба*, *чилтонсув ичириш*; факат эркалар қатнашадиган маросим ва анъаналар – *жаноза*, *дафн маросими* каби)

Кипчоқ шеvasида сўзлашувчи ўзбеклар нутқида ***кўмоч*** деб аталувчи нон тури мавжуд. Ушбу нон ўчоқда чўққа кўмиб пиширилади. Кўмоч ҳақида У.Абдуллаев қуйидаги фикрни билдиради: "...Нон пиширишнинг кейинги усули қуйидагича амалга оширилган: нон учун тайёрланган хамир таги яхши тозаланган ўчоққа қўйилган, усти даставвал қовоқ ёки бошқа барглр билан ёпилган, сўнгра унинг устига кўр тортилган. Бу усулда пишириб олинган нон аҳоли орасида ***"кўмма нон"*** атамаси билан маълум бўлган. Нон пиширишнинг

бундай усули XIX асрда кўпроқ чўпонларда учрайди. Кўмма нон пишириш усули, бизнинг фикримизча, ўзининг тарихий илдизи билан илк аждодларимизнинг турмуш тарзига бориб тақалади"⁴.

Ижтимоий омиллар асосида шаклланган этнографизмлар тил эгасининг одоб-ахлоқи, жамиятда ўзини тутиши, маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ бўлиб, миллий қадриятларни шакллантириш, шахснинг миллий ҳаёти ва этник муносабатларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тили шеваларга бой, лексик қатламининг бетакрорлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу ўзбек тили этнографик лексикасида ҳам ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан ўзбек тили лексикасида учрайдиган этнографик луғавий қатламни ареал жиҳатдан таснифлаш ва унинг лингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда тил эгасининг имкониятлари, ҳудудларнинг ижтимоий шарт-шароитлари намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида форс ва тожик тилларининг таъсири кучлироқ сезилади. Шу боис ҳам этнографик лексиканинг маълум қисми шу тилларга мансуб луғавий бирликлар билан аталади.

Ўзбек тили этнографизмларини ареал ўрганиш ушбу лексикани шеваларга яқинлаштиради. Бироқ этнолексика диалектик бирликлардан фарқланади. Кейинги йилларда этнографик бирликлар тадқиқига бағишлаб ёзилган катор тадқиқотларда этнографик лексика ва диалектал бирликлар лингвистик жиҳатдан фарқланди. Сурхондарё тўй маросимлари этнолексикаси устида илмий изланишлар олиб борган Н.Курбаназарова этнографизм ва унга ёндош ҳодисаларни ўзаро фарқлайди. Тадқиқотчи этнографизмлар муайян халқнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, диний қарашлари билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг номлари экани, бундай луғавий бирликлар маълум бир этноснинг бошқалардан фарқланиб турувчи асосий хусусиятларини акс эттириши, тилдаги бошқа луғавий воситалардан миллийликни ифодалаши жиҳатидан ажралиб туришини таъкидлайди. Шунингдек, "хар бир халқнинг ўзига хос миллийлигини ифодаловчи луғавий бирликларнинг бир қисмини диалектал лексика ташкил қилади. Диалектал лексика маълум ҳудудга хослиги, маҳаллий ҳаётни акс эттириши билан этнографизмларга ўхшаш бўлса-да, диалектал лексиканинг маълум бир қисмигина этнографизм бўла олади. Халқнинг ўтмиши, бугуни, ҳаёт тарзи, муносабатлари айнан диалектал лексикада ўз ифодасини топади. Маълум бир ҳудудда яшовчилар нутқида мавжуд бўлиб, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган тушунчаларнинг маҳаллий номлари диалектал лексикани ташкил этади. Адабий тилдан фарқли равишда, диалектизмларнинг аксарият қисми синонимларга эга эмас. Улар адабий тилдан фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан фарқланади", – дейди⁵.

Ўзбек тилининг асосий луғати саналган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "диалект" термини қуйидагича изоҳланади: **диалект** [юн. dialektos

⁴ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2005, 124-бет.

⁵ Курбаназарова Н. Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи. Фил. фан. бўйича фалс. док. (PhD) дис. – Термиз, 2021, 35-бет.

– лаҳжа, шева] Умумхалқ тилининг адабий тилдан маълум лисоний хусусиятлари билан фарқ қилувчи маҳаллий ёки ижтимоий кўриниши; лаҳжа⁶. Бироқ ушбу луғатда негадир "этнографизм" термини берилмаган.

"Русская диалектология" дарслиги муаллифлари қадимда деҳқонлар турмуш тарзининг ўзига хос томонларини ифодаловчи луғавий бирликлар (этнографизмлар) ни, шунингдек, маҳаллий табиий шароитларга оид сўзларни диалектизмлар қаторига қўшиш нотўғри эканини, чунки улар маълум ҳудуд билан чегараланмаган аниқ бир шевалар гуруҳига мансуб эмаслигини алоҳида таъкидлайдилар⁷.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ўзбек тили этнографизмларини замонавий дунё тилшунослиги тажрибаларига асосланган ҳолда лексик-семантик, функционал, систем-структур, ономастик, ономасиологик, лингвوماданий жиҳатдан ўрганиш ўзбек тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ўзбек адабий тили ва шеваларида учрайдиган миллий урф-одат, қадриятларимизнинг ономастик жиҳатдан шаклланишига асос бўлган айрим омилар ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются некоторые факторы, являющиеся основой ономастического формирования национальных обычаев и ценностей, встречающихся в узбекском литературном языке и диалектах.

RESUME. This article reflects on the national tradition found in the uzbek literary language and dialects, on certain factors that underlie the onomastic formation of our values.

Таянч сўз ва иборалар: этнографизм, диалектал этнографизмлар, конфессия, синкретизм.

Ключевые слова и выражения: этнографизм, диалектные этнографизмы, конфессия, синкретизм.

Key words and word expressions: ethnography, dialectal ethnography, confession, syncretism.

Садоқат НУРМОНОВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА ВЕРБАЛ ВА КРЕОЛЛАШГАН ҚАСАМЛАР

Халқона қасамларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг турли паралингвистик воситалар билан бойитилганлигидир. Халқона қасамлар оддий сўзлашув услубига оид бўлганлиги сабабли нутқда сўзларни ишлатиш билан бирга, турли имо-ишора, ҳаракатлар ҳам бажарилади. Ана шу воситаларнинг ишлатилиши қасам матнини икки ногомоген қисмга ажратади: биринчиси, вербал (нутқий); иккинчиси, новербал (бошқа белги системасига тааллуқли бўлган: мимика, ҳаракатлар, расмлар, ранглар ва б.) қисмлар. Натижада вербал ва новербал қисмларнинг йиғиндисидан иборат бўлган креоллашган матн ҳосил бўлади. Демак, креоллашган матн деганда икки қисмдан иборат бўлган (вербал воситалар билан шаклланган матн ва унга қўшимча новербал воситалар) бутунлик тушунилади.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, V жилдди, 1-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2006, 605-бет.

⁷ Русская диалектология. – М., 1972. – С. 262–263.

Креоллашган матн қисмлари орасида автосемантик ва синсемантик муносабат мавжуд. Ўзбек тилшунослигида автосемантик ва синсемантик муносабатлар ҳақида биринчи бўлиб Н.Маҳмудов ҳавола бўлакли бош гап ҳақида фикр юритганда тўхталиб ўтган: "Ҳавола бўлакли бош гап синсемантик, яъни эргаш гапдан ажратиб олинганда, мустақил қўллана олмайди, мазмун чала бўлиб қолади. Ҳавола бўлаксиз бош гаплар эса автосемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда ҳам мазмунан нисбий мустақиллигини сақлай олади, мазмун нотўлиқ, чала бўлиб қолмайди"¹. Ҳ.Закирова эса автосемантик ва синсемантик бирликларни гипотаксис қисмлари асосида таҳлил қилиб, ҳоким ва тобе гапларни структур ва семантик жиҳатдан тўрт турга ажратади: 1) потенциал автосемантик гаплар; 2) структур-синсемантик гаплар; 3) синсемантик гаплар; 4) асемантик гаплар². Биз автосемантик ва синсемантик муносабат турларини креоллашган қасам матнларида таҳлил қилишни маъқул кўрдик. Автосемантик ва синсемантик муносабат креоллашган қасам матн қисмлари орасида юзага чиқади.

Бизга маълумки, автосемантия деганда, тил бирликларининг (сўз ёки гап) лексик бирлик, синтактик конструкция, контекст ёки вазият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда маъно ёки фикр ифодалаш хусусиятига эга эканлигини тушунамиз. Синсемантия эса тил бирликларининг бошқа тил бирликлари ёки контекст, вазият билан боғлиқ ҳолдагина маъно ёки фикр ифодалаш хусусиятига эга эканлигидир³. Демак, агар вербал қасам матни "0" креоллашувга эга бўлса, яъни ҳеч қандай новербал воситаларсиз ёки унинг маъно ифодалашига бошқа белги системасидаги бирликларнинг қатнашиши зарур бўлмаса, вербал ва новербал қисмлар орасида автосемантик муносабат бўлади: *Шошма ҳали, пешонангдан оттирмасам, одам боласи эмасман*. Ойбек. Қутлуғ қон.

Ушбу мисолда қасам матнининг нутқда реаллашиши учун новербал воситаларга ҳожат йўқ. У уч қисмдан ташкил топган: огоҳлантириш (*шошма ҳали*), ҳаракат (*пешонадан оттириш*), далиллаш (*одам боласи эмасман*). Қасам матни тўлиқ шаклланган бўлиб, нутқда мустақил реаллашади, турли новербал воситаларга боғлиқ эмас.

Тўлиқ креоллашган қасам матнлари орасида синсемантик муносабат юзага чиқади, яъни вербал қисм автоном равишда эркин бўла олмайди, новербал қисмга тобе бўлади: – *Жўра, – деди дарров наст тушган Фозил, – нима бўлсак иккаламиз бўлдик. Бунни қишлоққа бориб гуллаганимиз билан икковимиздан бошқа ҳеч ким шарманда бўлмайди. Шу ерда келишиб олайлик, бировга бошимиздан ўтганларни гапирмаймиз. Гапирган учта ҳарф, келишидикми? – Улар қўл ташлашиб, қасам ичишди*. Н.Исмоилов. Омонат ғор сир.

Қасам матни нутқда тўлиқ реаллашиши учун оғзаки эмас, балки ҳаракат (*қўл ташлашиб*) бажарилиши шарт бўлмокда. Агар қўл ташлашиб қасам ичилмаса, сўзловчининг фикри амалга ошмайди, яъни қасам бажарилмайди.

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1995, 160-бет.

² Закирова Ҳ. Гипотаксис қисмларининг синсемантик белгиси \ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2021, 6-сон, 97-бет.

³ Ўша мақола, 96-бет.

Масалан: *Бармоғини лабига босиб, "ҳеч нима айтмайман, онт ичаман", – деган ишора қилди.* Т.Малик. Талваса.

Коммуникантлар назарида креоллашган қасам матни гомоген вербал матндан фарқланмайди, унда ҳам қасам матнига хос хусусиятлар акс этади, уларнинг асосийси бутунлик ва боғлиқликдир. Маълумки, қасам матнининг асосий категорияларидан бири модалликдир. Бу категория сўзловчининг айтилаётган хабарга муносабатини, нутқ мазмунига баҳосини билдиради. Вербал қасам матни билан креоллашган қасам матни белгилари орасида қуйидаги муносабатлар ажратилади:

1. Вербал қасам матнидаги модалликни билдирувчи воситалар билан бошқа система белгилари бир-бирига мос бўлади, бир-бирини тўлдиради:

– *Қалай? – деди Мавлон тиржайиб, улар бироз юрганларидан кейин. – Боглабманми?! – Лекин хўжайин, гап йўқ. Ўлиб кетай, агар грамм таниган бўлсам, – деди Пулат ҳам илжайиб, кўзгу орқали хўжайинига қараб оларкан.* Н.Исмоилов. Иблис салтанати. Ушбу мисолда кўзгу орқали хўжайинга қараб олиш ҳаракати матн мазмуни билан бир-бирига мос келган.

2. Модалликни билдирувчи воситалар билан бошқа система белгилари бир-биридан фарқланади, бунда бошқа система белгилари вербал компонент баҳосини юмшатади ёки қатъийлаштиради: *Йигит юзини пичоқ билан кесиб, қонини чиқарди-да: – Бу сизга бўлган садоқатим белгиси, – деди.* Н.Исмоилов. Иблис салтанати. Мисолдаги *юзни пичоқ билан кесиш* ҳаракати вербал компонент баҳосини қатъийлаштиряпти.

3. Модалликни билдирувчи воситалар билан бошқа система белгилари контраст ҳолатда бўлади: – *Менга ишонаверинг. Ҳой ака, менинг нима ёқмади сизга, – ўнг қўлини чўнтагидан чиқарди у. Кейин Холиқнинг елкасидан авайлаб тутиб, ўзи томон қаратди: – Ўғил бола гапни айтмай сизга, агар хизматимга рози бўлмасангиз, бир тийинингизни олмайман. Қасамга ишонмаслик – бу...*

– *Бу ҳам номардлик, – деди Холиқ бўлак гап тополмай.* А.Ҳотамов, Эрка қизнинг қисмати. Мисолда *елкасидан авайлаб тутиб, ўзи томон қаратди* ҳаракати юмшоқликни билдиради, қасам эса қатъийликни, шу сабабдан улар орасида контраст ҳолат юзага чиқяпти.

Маълумки, нутқий акт лисоний мулоқотнинг асосий ва энг кичик бирлигидир. У лисоний ва нолисоний хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топади. Ушбу лисоний ва нолисоний хусусиятлар умумлашмаси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш кун тартибига кўтарилади. Бу муаммоларни ўрганувчи йўналишлардан бири перформатив назария хусусидаги муаммолардир. Перформация тушунчасини дастлаб Ж.Остин илмий ҳаётга олиб кирди. Бу сўз лотинча "performa" сўзидан олинган бўлиб, "ҳаракатланмок", "фаолият" каби луғавий маъноларни ифода этади⁴. Кўринадики, сўзлаш акти билан фаолият актининг нутқдаги ифодаси ҳаракат ифодасини ҳосил қилади.

⁴ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1995, 342-бет.

Ифоданинг баён қилиш ваколати перформативликнинг биринчи белгиси сифатида муҳим қимматга эга бўлади. Ҳар қандай дискурс иштирокчилари ўзига берилган имкониятлар ёрдамида муносабатга киришади. Унинг нутқдаги ҳокимлик даражаси ўша вазиятнинг ўзидаги хатти-ҳаракатда ҳам сезила бошлайди. Бундай ифодалар перформативлар ҳисобланади. Перформатив ифода тушунчасининг моҳияти кишининг ментал ҳолати билан алоқадор кўйидаги сўзлар билан ифодаланганида ошкора белгига эга бўлади. Булар, жумладан, кишининг ички мақсадини ифода этувчи "ваъда", "илтимос", "огоҳлантириш", "қўрқитиш", "қасамёд", "вазият", "узр", "кечирим", "миннатдорлик" каби сўзлар бўлиб, уларнинг луғавий маъносини тўғридан-тўғри қўллаш перформативларнинг ошкора шакли деб қаралади. Буларнинг ичида баъзи сўзларни ошкора қўллаш мумкин бўлса ("*Мен илтимос қиламан, эшикни ётинг!*"), баъзиларини ошкора қўллаб бўлмайди, бундай қўллашга нутқий вазият йўл қўймайди ("*Мен ҳозир сизни қўрқитаман*")⁵.

Нутқ актлари ва жанрларининг тадқиқи шуни кўрсатадики, ушбу тадқиқот объектлари айнан бир хил: саволлар, буйруқлар, илтимослар, ваъдалар, огоҳлантириш ва дўқ-пўписа, саломлашиш ва хайрлашиш, табрик ва таъзия, миннатдорчилик ва кечирим ва бошқалар. Бу ҳолатларда тадқиқот объектлари қисқа айтувдан, баъзан бир жумладан ҳам иборат бўлади. Қасамлар ҳам шундай. Қасамлар нутқий жанрлардан бири сифатида оилада, дўстлар даврасида, бозорда, кўча-кўйда ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бунда сўзловчи ва тингловчининг ёши, ижтимоий мавқеи, жинси каби омилларнинг ўрни ҳам муҳим.

РЕЗЮМЕ. Мақолада креоллашган қасам матнидаги автосеманик ва синсемантик муносабатлар мисоллар билан таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе примеров проанализированы автосемантические и синсемантические отношения в креолизированных текстах клятв.

RESUME. The article analyzes the autosemantic and synsemantic relations in the creolized oath text with examples.

Таянч сўз ва иборалар: креоллашиш, вербал, невербал, автосемантия, синсемантия, перформатив, нутқий акт, лисоний мулоқот, модаллик.

Ключевые слова и выражения: креолизация, вербальное, невербальное, автосемантия, синсемантия, перформатив, речевой акт, языковая коммуникация, модальность.

Key words and expressions: creolization, verbal, nonverbal, autosemantics, synsemantics, performative, speech act, linguistic communication, modality.

⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎМЭ, 2008, 300-бет.

ҲАКИМЖОН ШАМСИДДИНОВ

Ўзбек тилшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли терминолог, услубшунос, моҳир педагог, филология фанлари доктори Ҳақимжон Шамсиддинов шу кунларда ўз таваллудининг 80 йиллигини қарши олмоқда.

Ҳақимжон Шамсиддинов 1944 йил 15 январда Фарғона вилояти Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туманидаги Болтакўл қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1960 йили қишлоқдаги ўрта мактабни тугатгач, жамоа хўжалиги бошқаруви котиби бўлиб ишлаган. 1962 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Ўша пайтларда талаба йигитлар, ўқиётганига қарамай, ҳарбий хизматга жалб қилинаверар эди. Шу туфайли Ҳ.Шамсиддинов 1963–1967 йилларда ҳарбий денгиз флотида хизмат қилади. Ҳарбий хизматдан сўнг 1967–1970 йилларда мазкур институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиб, Ў.Холматов, А.Иброҳимов, И.Фармонов, Ҳ.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, К.Юсупов, Я.Зулфиев, А.Матғозиев, М.Мадғозиев, Х.Ҳақимова, И.Назаров, А.Раҳимов, А.Шаропов, Й.Солижонов ва бошқа устозлардан филология фани бўйича педагогик маҳоратини, илмий изланиш сирларини ўрганди. Институтни тугатгач, Ҳ.Шамсиддинов 1970–1974 йилларда Охунбобоев туманидаги ўрта умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Институтда ўқиб юрган пайтларида бошланган илмга чанқоқлик уни Тошкентга – Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига етаклади ва у 1974 йил октябрь ойидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмон раҳбарлик қилаётган Терминология бўлимида катта лаборант сифатида иш бошлади. Кейинчалик (1982–1990 йиллар) у кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлади. 1990 йилнинг февраль ойидан 1991 йилнинг октябрь ойигача ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика Атамашунослик қўмитасида бош мутахассис, 1991 йилнинг октябрь ойидан 2000 йил сентябригача ЎзР ФА Тилшунослик институтида (1998 йил июль ойидан – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти) катта илмий ходим бўлиб ишлади. 2000–2012 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори лавозимида фаолият кўрсатади. 2012 йилдан нафақада.

Тил ва адабиёт институтидаги беғараз, лекин талабчан илмий муҳит, республикамизда ва республикамиздан ташқарида ҳам таниқли ва маълум бўлган тилшунослар (С.Иброҳимов, О.Усмонов, З.Маъруфов, С.Акобиров, Ф.Абдуллаев, Н.Маматов, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, А.Ишаев, Ш.Шукуров, А.Ҳожиев, Т.Аликулов, Э.Бегматов, Р.Дониёров, С.С.Ким ва б.) ва адабиётшунослар (Ҳ.Ёқубов, И.Султон, Ж.Шарипов, М.Қўшжонов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Мамажонов, Н.Каримов, Т.Мирзаев ва б.) ҳамда ҳамкасб дўстлари (Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, А.Мадвалиев, И.Носиров, З.Ҳамидов, Н.Маҳкамов, М.Сафаров ва б.) давраси Ҳ.Шамсиддиновга одамийлик ва олимликнинг янги, турфа хил қирраларини

ўрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунинг натижасида илмий тадқиқот оламига кириб, муайян мавзу бўйича дастлабки мақолаларини эълон қилади. "Терминларнинг контекстда ифодаланиши" (1977), "Бадиий адабиётда терминларнинг функцияси" (1978), "Ойбек асарларида терминларнинг ишлатилиши" (1978), "Бадиий нутқда "космонавт" терминининг функционал-семантик синонимияси" (1979), "Термин – ўхшатиш" (1983) ва бошқа илк мақолалари Ҳ.Шамсиддиновнинг нафақат номзодлик, балки докторлик диссертацияси учун ҳам замин ҳозирлади. Натижада у 1984 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, доцент Олим Усмонов раҳбарлигида "Бадиий нутқда терминлар" мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ишга расмий оппонентлик қилган филология фанлари доктори И.Кўчқортоев ва Т.Аликуловлар уни ҳолисона ва ижобий баҳолаганлар.

Ҳ.Шамсиддинов институтдаги иш фаолияти давомида ўзбек тилшунослигининг асосан терминология, лексикология ва услубшунослик соҳаларида изланишлар олиб борди ва шу соҳалар бўйича 60 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, тезис ва хабарлар, 2 та ўқув қўлланмасини эълон қилган. Олим энг аввало терминшунос олим сифатида танила бошлади. У 1986 йилда терминология бўлими ва ЎзФА ҳузуридаги Республика муассасалараро терминология комиссияси ҳамкорликда ўтказган I Республика терминология конференциясини ташкил этиш ҳамда конференция мақола ва тезисларидан иборат "Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари" тўпламини, шунингдек, Терминология бўлими ходимларининг мақолалари асосида тайёрланган "Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар" (Тошкент: "Фан", 1986), "Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси ва уни тартибга солиш принциплари" (Тошкент: "Фан", 1991) деб номланган жамоавий монографияларни нашрга тайёрлашда ҳамкасблари А.Мадвалиев ва Н.Маҳкамовлар билан астойдил ҳаракат қилган. Ташкилий-таҳририй ишлар билан бирга Ҳ.Шамсиддинов мазкур тўпламларда "Ўзбекча ва интернационал терминэлементларининг ўзаро муносабати ҳақида (физика терминлари асосида)" (1986), "Бадиий нутқда терминологик лексиканинг функционал-семантик синонимлари" (1986), "Умумистеъмолдаги лексика ва терминологик лексиканинг ўзаро муносабати" (1986), "Лексик-семантик усул билан термин ясалишига доир" (ҳамкорликда, 1986), "Умумистеъмолдаги сўзлардан лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ва уларни тартибга солиш" (1991) каби мақолаларни чоп эттирган.

Ҳ.Шамсиддинов 1989–1991 йилларда Республика Атамашунослик қўмитасида ишлаб, қўмитанинг Тиббиёт, кимё ва Ер ҳақидаги бўлими ишларини бошқаради ва бу жараёнда терминология ишларини илмий ва амалий асосга қуришда иштирок этади, айни пайтда, илмий журналлар, илмий тўпламларда, Атамақўм "Ахборотнома"ларида ўз мақолалари билан фаол, мунтазам қатнашиб туради. "Перифраза ҳақида айрим мулоҳазалар" (1993), "Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари" (1995), "Функционал-семантик синонимларни юзага келтирувчи психолингвистик омиллар" (1997), "Сўзлар функционал-семантик синонимларининг номлашга алоқаси" (1996), "Шахс билдирган тасвирий ифодалар ва уларнинг маъновий

гуруҳлари" (1997), "Функционал-семантик синонимларнинг шахс, нарсаси ва ҳаракатга ҳосиланиши" (1998), "Синонимларда микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши" (1997), "Функционал-семантик синонимларнинг юзага келишида тасаввурнинг роли" (1998), "Функционал-семантик синонимлар. Контекст ва тағмат" (1998), "Сўзларнинг эллиптик функционал-семантик синонимлари" (1998) каби ва бошқа мақолалари ёзилаётган докторлик диссертациясининг асосий мазмуни бўлиб хизмат қилди.

Ҳ.Шамсиддинов мазкур мақолаларида ўзбек тили синонимларини янгича йўналишда тасниф ва тадқиқ қилди. Шу асосда 1999 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти қошидаги ДК 015.31.01 рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида "Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари" мавзuida докторлик диссертациясини мувафаккиятли ҳимоя қилди. Диссертациянинг расмий оппонентлари – академик Ш.Шоабдурахмонов, филология фанлари докторлари Абдумурод Маматов ва Азиз Жўраевлар, диссертация авторефератига четдан келган тақризлар муаллифлари – Ҳ.Неъматов, Ж.Омонтурдиев, З.Дўсимов ва С.Рўзимбоев, И.Абдуллаев ва Н.Улуқов, О.Бозоров ва бошқалар тадқиқотни ижобий баҳолаб, унинг илмий, назарий ва амалий янгилиги ҳамда аҳамиятини алоҳида таъкидлаганлар; тадқиқотдан олинган натижалар ўзбек тилшунослигидаги барқарорлашган синонимия борасидаги назарий қарашларга тегишли ўзгаришлар киритишини, унинг ҳулосалари ўзбек лексикологияси, лексикографияси ва услубшунослиги учун муҳим манба бўла олишини қайд этганлар ва диссертантни филология фанлари доктори илмий даражасига лойиқ деб ҳисоблаганлар.

Докторлик диссертациясини ёклагандан сўнг Ҳ.Шамсиддинов ўзи эришган илмий-назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш, яъни талабаларга пухта таълим-тарбия бериб, уларни етук мутахассис қилиб тайёрлаш мақсадида 2000 йил сентябрь ойидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига ишга ўтади ва у ерда 2012 йилгача (нафақага чиққунча) ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори лавозимида фаолият кўрсатди. Университетда талабаларга ўзбек тили лексикологияси, терминологияси ва услубшунослиги бўйича маърузалар ўқиш билан бирга янги илмий изланишлар ҳам олиб борди. У номлар, номлаш, номинация ҳодисаси ҳақида туркум мақолалар эълон қилди, аввал эълон қилинган мақолалари ва докторлик диссертацияси ҳулосалари ва натижалари асосида 2 та ўқув қўлланмасини яратди ва нашр эттирди: "Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари (юзага келиш асослари)" (Тошкент: "Университет", 2001 – 3,5 б.т.), "Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати" (Тошкент: "Ўзбекистон", 2008. – 6,0 б.т.). Ушбу қўлланмаларда сўзларнинг функционал-семантик синонимларининг ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онг маҳсули эканлиги, уларнинг шаклий, маъновий ва услубий табиати, тилдаги ўрни ва вазифаси белгилаб берилган, улар тилнинг луғавий синонимик воситалари системасида алоҳида система эканлиги исботланган.

Олим 1996–2000 йиллар оралиғида ўриндошлик асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтида катта ўқитувчи, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат тест марказида етакчи мутахассис лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ҳ.Шамсиддинов илмий-педагогик фаолият олиб бориш билан бир қаторда кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Унинг илмий раҳбарлигида Д.Айтбаев "Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини" мавзуида (2007), Б.Мирсанов "Ўзбек тили терминологиясида иккиламчи номланишлар ва уларнинг мотивлашуви" (2019) мавзуида номзодлик диссертацияларини ёқлашган. Олим, шунингдек, 10 дан ортиқ битирув-малакавий ишларга ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилган; 1 та филология фанлари доктори (М.Ҳакимов), 5 та филология фанлари номзоди (А.Собиров, А.Усмонов, Т.Турдибоев, Ҳ. Холиқов, С. Рўзимбоев), 4 та педагогика фанлари номзоди (Т.Юсупова, А. Ҳамраев, М.Мирмахсудова, Х.Қурбонова) диссертацияларига расмий оппонентлик қилган.

Ҳ.Шамсиддинов республика ва халқаро миқёсдаги бир қанча илмий-назарий, илмий-амалий анжуманларда тилшуносликдаги долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилган. Бинобарин, унинг мақолалари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Уфа, Ўш шаҳарларидаги илмий анжуманлар материаллари тўплами тарзида чоп этилган.

Фидойи ва заҳматкаш олим, меҳрибон дўст, олийжаноб инсон Ҳакимжон Шамсиддиновни кенг тилшунослар жамоаси, барча касбдошлари ва дўстлари номидан 80 ёшлик қутлуг ва муборак сана билан самимий муборакбод этар эканмиз, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий ҳаётида тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

**Низомиддин МАҲМУДОВ,
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,
Исҳоқжон НОСИРОВ**

ХАЛҚ ИНЖУЛАРИНИ ИЗЛАБ...

Илмий ижод соҳиблари орасида этнография, этнология, халқ амалий, мусиқа санъати соҳрини илғаб, уни ўзгаларга инъом этиш йўлида жонфидолик кўрсатган алломалар ҳам бисёр. Улардан бири ўзбек халқ кўшиқлари тўпловчиси, уни халққа етказган, дунёга танитган донишманди, машҳур санъатшунос Файзуллоҳ Кароматовдир.

Бўлғуси соҳибқалам санъатшунос Ф.Кароматов 1925 йили Бухоро шаҳрида зиёли хонадонидида таваллуд топди. Ўрта мактаб хатмидан сўнг у Р.Ж.Глиер номидаги Республика мусиқа мактаб-интернатида таҳсил кўрди (1937–1940). Шундан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институти (ҳозирги университет)нинг "Ўзбек тили ва адабиёти" факультетига дохил бўлди. Педагогика институтини тугатгач, мусиқага бўлган завқ уни яна Тошкент консерваториясига етаклади. Консерваториядаги беш йиллик ўқиш давомида у Шарқ халқлари мусиқа санъати тарихи, халқ кўшиқлари, томоша, кўғирчоқбозлик санъати халқ лапару тароналари, ўзбек ва тожик миллий маросим кўшиқларини жиддий ўрганишга интилди, улар ҳақидаги китобларни, махсус илмий тадқиқотларни мутолаа қилди.

Консерватория хатмидан сўнг (1950) Ф.Кароматов П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг аспирантурасида ўқиб, ўзбек халқ кўшиқларини ўрганиш билан жиддий шуғулланди: жаҳон олимларининг фольклор кўшиқлари, яллалари ҳақидаги асарларини кузатди; вилоятларда юриб, ўзбек фольклор кўшиқлари: яллаларини, лапарларини ёзиб олди, рус ва ўзбек тилларида мақолалар эълон қилди, халқаро ҳамда республика миқёсида ўтказилган анжуманларда маърузалари билан иштирок этди.

1972–1982 йиллар орасида Ф.Кароматов ўзи ўқиган Тошкент давлат консерваториясида Шарқ халқлари мусиқаси кафедрасини бошқарди. Унинг раҳбарлиги даврида кафедранинг илмий салоҳияти анча ошди; ёш кадрлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Бир неча йил санъатшунослик институтига раҳбарлик қилди (1997). Дастлаб номзодлик (1955) кейин эса "Ўзбек чолғу мусиқаси мероси" мавзусида докторлик (1971) диссертациясини ҳимоя қилди. 1973 йили унга профессорлик унвони берилди.

Профессор Ф. Кароматовнинг Ўрта Осиё халқлари мусиқа ва томоша санъати тарихини ўрганишдаги хизматлари беқиёсдир. У кишининг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида 1958 йилдан 1978 йилга қадар Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси, Чимкент, Кўлоб, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятларига "Халқ кўшиқлари изидан" экспедициялари уюштирилди. Олимга ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқигани халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, тадқиқу таҳлил қилишда қўл келди. Натижада у туркман, қозок, тожик мусиқасини ўрганишга ҳам муносиб улуш қўшди, уларнинг кўплаб кўшиқларини ёзиб олди; алоҳида мажмуа, тўпламларда эълон қилди, қардош халқлар фольклор ашулалари, мусиқаси ҳақида фундаментал тадқиқотлар яратилишига ўз ҳиссасини қўшди. Унинг Марказий Осиё халқлари мусиқасини ёзиб олишдаги хизмати шундаки, у киши Бухоро театрида, консерватория ҳамда санъатшунослик институтида ишлаганда ҳам хаёли таълим-тарбия билан баробар халқ мусиқасида бўлди: вилоятма-вилоят, қишлоқма-қишлоқ юриб халқона лапар, кўшиқ, яллалар қандай бўлса, шундай ёзиб олди. Уларни жанр, шакл, мавзу, ғоявий йўналиш, ижро саноати нуқтаи назаридан тасниф этди, ҳар бир ижрочи маҳоратини маҳсус таҳлил қилди. Натижада икки жилдан иборат "Ўзбек халқ мусиқаси" китоби юзага келди. Бу орада у кишининг бевосита ташаббуси билан Тошкент консерваториясида Шарқ мусиқаси кафедраси ташкил этилади. Заҳматкаш олим Ф.Кароматов мунтазам равишда Европа ва Осиё мамлакатларидаги анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этди. Ҳатто олим Помир тожик халқ тарона ҳамда дубайтийлари ҳақида алоҳида мақолалар ёзган.

У кишининг тадқиқотлари халқаро аҳамиятга молик бўлганлиги учун ЮНЕСКО қошидаги мусиқа кенгашининг аъзоси ҳам бўлган. Шунингдек, Ф.Кароматов юртимизда ўтказилган мусиқага доир бир неча халқаро анжуманларнинг бевосита ташкилотчиси ва иштирокчиларидан бири эди. Айнан унинг тадқиқотлари туфайли ўзбек халқи мусиқаси билан жаҳон мусиқашунослар танишиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш бахтига мушарраф бўлдилар. Зероки, муаллифнинг аксарият илмий асарлари рус тилида нашр қилганлиги жаҳоний шуҳрат қозониш имкониятига эга бўлди. Тожик санъатшуноси Н.Нуржонов билан ҳамкорликда Помиру Фармга уюштирилган фольклоршунослик экспедицияси маҳсули ўлароқ "Помирская народная музыка" китобининг рус тилида нашр этилганлиги ҳам

бежиз эмас. Бухоро "Мавригий"лари ҳам шу йўсинда кенг илм-адаб аҳлига маълум бўлган. Зероки, шўро давлати ҳукмронлиги даврида иттифоқдош республикалар халқларининг бадийи ҳамда маънавий мерослари, асосан, рус тили орқали жаҳонга тарқалар эди.

Маълумки, Шарқ касбий мусиқа санъатига Борбад Марвазий асос солган. Айнан Борбад ўзи ихтиро этган барбати билан бир неча силсиладан иборат туркум оҳанг-қуй яратиш (VI асрнинг охири – VII асрнинг биринчи ярми) анъанасини бошлаб берган эди. Ана шундан сўнг Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда бир неча шўъбадан иборат "Дувоздаҳ мақом", "Шашмақом" мусиқа асарлари яратилди ва бир неча асрлар давомида шаклланди. Файзулла Кароматов машҳур санъатшунос Исо Ражабов билан ҳамкорликда узок йиллар тадқиқот олиб бориб, кўҳна сарчашмаларни қиёсий-типологик тарзда ўрганиб, "Шашмақом" XVIII асрга келиб ҳозирги ҳолатида узил-кесил шаклланганлигини асосли тарзда исботлаб беришди; ҳатто устоз ўзбек мусикасига доир бир неча фундаментал китобларнинг ношири бўлган.

Кенг қамровли ижодкор, халқаро эътирофга сазовор бўлган мусикашунос Ф.Кароматов умр бўйи жамоат ишларини халқ ижодиётини ўрганиш, уни кенг илм-адаб оммасига етказиш билан бақамти олиб борди; ўз йўналишидаги тадқиқотларга ҳамиша саркорлик қилди; соҳадаги барча фундаментал нашрларга бош-қош бўлди. У таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ишларини санъатшунослик соҳасида олий даражадаги илмий ходимларни тарбиялаш билан боғлаб олиб борган раҳнамолардан бири эди. Йигирмадан зиёд иқтидорли ёшлар у кишининг раҳбарлигида санъатшуносликнинг турли йўналишлари бўйича фан номзоди, фан доктори илмий даражасига соҳиб бўлган. Ҳозир улар ватанимиздагина эмас, балки Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон республикалари олий ўқув юртлари, ҳатто хорижий юртлар санъатшунослик даргоҳларида Ф.Кароматов анъаналарини давом эттириб, устозлари қаламини ерда қолдирмай келмоқдалар. Ўта заҳматкаш олим Ф.Кароматовнинг ватанимиз олий таълими, мусиқа ва санъатшунослик илми тараққиёти йўлида чеккан заҳматлари давлатимиз томонидан муносиб даражада тақдирланган, у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони (1981), "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан сарафроз этилган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Д.Лутфуллаева. Ранг ассоциацияси ва унинг тилда воқеланиши	3
Ф.Мусаева. Ўзбек тилида ономастик таркибли иборалар.....	9

Адабиётшунослик

Э.Очилов. Алишер Навоий ва Хаёлий Бухорий	15
М.Қўчқорова. Истиклол даври ўзбек бадиий публицистикаси	23

Илмий ахборот

М.Отажанова, М.Жамматова. Ўл хронотопининг поэтик талқини	27
Б.Ражабова. Муштарак тарихий ҳодисалар тасвири	31
Г.Сатторова. Замонавий ўзбек ҳикоячилигининг тадрижий тақомили	37
Т.Хўжаев. Навоий ижодида гул билан боғлиқ рамзлар	43
Н.Жўраева. Жомий ижодида комил инсон тимсоли	48
О.Абдуллоев. Шоиранинг руҳий олами.....	51
А.Алламбергенов. "Иблис девори" кассасида ретроспектив сюжет.....	55
М.Отабоева. Диккенс услубига ҳос юморнинг таржимада берилиши.....	60
Д.Муҳаммадиев. Абдували Қутбиддин шеърларида метафорик тафаккур	65
С.Қурбанова. Шукруллонинг пейзаж яратиш маҳорати.....	71
К.Улуғмуродова. Увайсий ва Нодира ижодида Лайли образи.....	76
З.Тешабоева. Абдуқайом Ўлдош ҳикояларида тасвир маҳорати.....	80
Н.Назарова. Сирожиддин Саййид шеърларида "қўрғон" тимсоли.....	83
А.Роҳаталиев. Эркин Воҳидовнинг ҳажвчилик маҳорати.....	87
Т.Дусанова. "Вақфия"даги назмий матнлар.....	89
Ш.Карамова. Истиклол даври шеърятининг баъзи хусусиятларига оид.....	92
Р.Хидиров. Ўзбек ва тожик тиллари фраземаларининг лексик-семантик хусусиятлари.....	95
А.Мадвалиев, А.Саидноманов. Иш юритиш терминларининг изоҳли луғатларда берилиши.....	98
М.Сайдалиева. Фразеологик бирликларда прецедент номнинг қўлланиши.....	103
С.Нурманова. Поэтик матнда шахсни ифодаловчи концептлар	107
Г.Тешабоева. Сизги ифодаловчи сифатларнинг синкретик табиати.....	111
Н.Амонтурдиев. Этнографизмлар шаклланишининг лисоний омиллари....	117
С.Нурмонова. Ўзбек тилида вербал ва креоллашган қасамлар	121

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Маҳмудов, А.Мадвалиев, И.Носиров. Ҳакимжон Шамсиддинов.....	125
Ҳ.Ҳомидий. Халқ инжуларини излаб.....	128

СОДЕРЖАНИЕ

Языкознание

Д.Лутфуллаева. Цветовая ассоциация и её реализация в языке.....	3
Ф.Мусаева. Ономастические фразеологизмы в узбекском языке.....	9

Литературоведение

Э.Очилов. Алишер Навои и Хаялий Бухари	15
М.Кучкарова. Узбекская художественная публицистика периода независимости	23

Научное сообщение

М.Отажанова, М.Жамматова. Поэтическое толкование хронотопа пути.....	27
Б.Ражабова. Описание общих исторических событий.....	31
Г.Сатторова. Эволюционное развитие современного узбекского рассказотворчества	37
Т.Хужаев. Символы, связанные с цветами в творчестве Навои	43
Н.Жураева. Изображение гармонично развитого человека в творчестве Джами	48
О.Абдуллоев. Психологический мир поэтессы.....	51
А.Алламбергенов. Ретроспективный сюжет в повести "Стена дьявола"	55
М.Отабоева. Перевод юмора в стиле Диккенса.....	60
Д.Мухаммадиев. Метафорическое мышление в стихах Абдували Кутбиддина	65
С.Курбанова. Мастерство Шукрулло в создании пейзажа.....	71
К.Улугмуродова. Образ Лейли в творчестве Увайси и Надиры.....	76
З.Тешабоева. Мастерство изображения в рассказах Абдукаюма Йулдоша....	80
Н.Назарова. Символ кургана в стихах Сирожиддина Саййида.....	83
А.Рохаталиев. Сатирическое мастерство Эркина Вахидова.....	87
Т.Дусанова. Поэтические тексты в произведении "Вакфия"	89
Ш.Карамова. О некоторых аспектах поэзии периода независимости	92
Р.Хидиров. Лексико-семантические особенности фразем узбекского и таджикского языков.....	95
А.Мадвалиев, А.Саидноманов. Передача терминов делопроизводства в Толковых словарях.....	98
М.Сайдалиева. Использование прецедентного имени во фразеологических единицах.....	103
С.Нурманова. Личностные концепты в поэтическом тексте	107
Г.Тешабоева. Синкретическая природа прилагательных, выражающих эмоции.....	111
Н.Амонтурдиев. Лингвистические факторы формирования этнографизмов.....	117
С.Нурмонова. Вербальные и креолизованные клятвы в узбекском языке....	121

Деятели науки

Н.Махмудов, А.Мадвалиев, И.Носиров. Хакимжон Шамсиддинов.....	125
Х.Хомиди. В поисках жемчужин народа... ..	128

CONTENT

Linguistics

D. Lutfullaeva. Color association and its manifestation in language.....	3
F. Musaeva. Phrases with onomastic content in the Uzbek language.....	9

Literature studies

E. Ochilov. Alisher Navoi and Khayoli Bukhari.....	15
M. Kuchkarova. Uzbek literary journalism of the period of independence.....	23

Scientific information

M. Otajanova, M. Jammatova. Poetic interpretation of road chronotope.....	27
B. Rajabova. Description of common historical events.....	31
G. Sattorova. Gradual development of modern Uzbek storytelling.....	37
T. Khojaev. Symbols associated with flowers in Navoi's work.....	43
N. Juraeva. A Perfect human symbol in creation of Jami.....	48
O. Abdulloev. The spiritual world of the poetess.....	51
A. Allambergenov. Retrospective plot in the story "Devil's Wall".....	55
M. Otaboyeva. Translation of Dicken's-style humor.....	60
D. Muhammadiev. Metaphorical thinking in the poems of Abduvali Kutbiddin..	65
S. Kurbanova. Shukrullo's landscape creation skills.....	71
K. Ulug'muradova. The image of Layli in the works of Uvaysi and Nadira.....	76
Z. Teshaboeva. Image skill in Abdukayum Yuldosh's stories.....	80
N. Nazarova. In the poems of Sirojiddin Sayyid, the "fortress" is a symbol.....	83
A. Rohataliyev. Erkin Vahidov's comedy skills.....	87
T. Dusanova. Poetic texts in "Waqfia".....	89
Sh. Karamova. About some features of the poetry of the independence period....	92
R. Khidirov. Lexical-semantic features of phrases of the Uzbek and Tajik languages.....	95
A. Madvaliev, A. Saidnomanov. Giving office work terms in explanatory dictionaries.....	98
M. Saydalieva. The use of the precedent name in phraseological units.....	103
S. Nurmanova. Concepts representing personality in poetic text.....	107
G. Teshaboeva. The syncretic nature of sensory adjectives.....	111
N. Amonturdiev. Linguistic factors of formation of ethnographisms.....	117
S. Nurmonova. Verbal and creolized oaths in the Uzbek language.....	121

Doers of Science

N. Mahmudov, A. Madvaliev, I. Nosirov. Hakimjon Shamsiddinov.....	125
H. Hamidi. In search of folk pearls.....	128

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"

Босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 6

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.

Қоғоз бичими 70x108, 1/16

Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.

Шартли-босма табоғи 8.5

Тираж 305 нусха. Келишилган нарҳда.